


Х. НОМОЗОВ, Ю. ҚОРАХОНОВА,
О. АМОНОВ

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ВА
ҲИМОЯЛАШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Х. НОМОЗОВ, Ю. ҚОРАХОНОВА, О. АМОНОВ

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛА-
НИШ ВА ҲИМОЯЛАШ

Ўқув қўлланма

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент - 2011

65.45

E59

Ер ресурсларидан фойдаланиши ҳимоялаш ўқув қўлланма. /Х.К.Номозов ва бошқ/ Масъул муҳаррир К.Рахмонов; ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим таълим вазирлиги, -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.-244 б.

Сизга тавсия этилган «Ер ресурсларидан фойдаланиш химоялаш» фани бўйича ўкув кўлланма тасдиқланган намунавий дастур асосида ёзилган, унда Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларидан фойдаланиш ва химоялаш, ер фонди тоифаларининг таркиби, ер кадастрининг таркибий кисми ва турлари, сув ресурслари, ерларнинг ҳозирги холати, ер мониторингининг мазмуни ва тизими кенг ёритилган.

Сизага таджим этилаёттган ушбу ўкув кўлланма фанни ўрганишда илмий ва услубий ёрдам кўрсатади, деган умиддамиз.

Мазкур ўкув кўлланмалар, аспирантлар, илмий ходимлар ҳамда ўқитувчилар учун мўлжалланган.

Номозов Х.К. ва бошк.

ББК 65.45я7

Масъул мухаррир:

К. Раҳмонов – Ирригация ва мелиорация
институти ер тузиш ва ер кадастри кафедраси
доценти, и.ф.н.

Такризчилар:

Х. М. Махсудов – Тошкент давлат аграр университети агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси профессори, б.ф.д.

С. А. Абдуллаев - Узбекистон Миллий университети

Агрокимё кафедраси мудири, к.ф.д., профессор.

695-5495/2011

ISBN978-9943-07-089-9

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультети Ўқув-услубий Кенгашининг 2011 йил 25 февралодаги 7-сонли йигилиш қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган.

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий наутииёти. Тошкент-2011.

© X. Номозов ва бошқ. «Ер ресурсларидан фойдаланиш ва ҳимоялаш», Ўқув кўлланма. 244 бет.

**Ўзбекистон Республикаси Мустақилликининг
20 йиллигига бағишиланади.**

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан олиб борилаётган жамият ҳәётининг ҳамма соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган ижтимоий - иқтисодий қайта куриш сиёсати, ер муносабатларини тартибга солишга ер ресурсларидан унумли фойдаланиш даражасини оширишга объектив шароитлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ер заҳираларининг чекланганлиги ва сифат таркибининг пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бораётганлиги, айни вактда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, балки мамлакатимизнинг келажагини белгилаб бўрувчи омил эканлиги, шунинг учун ҳам ерларни муҳофаза килиш, улардан ўта самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш замонамизнинг энг долзарб масаласи эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлар, айниқса сугориладиган ерлар шубҳасиз барча ҳалқларнинг бебаҳо ҳазинаси ва яшаш шароитининг мухим манбаи хисобланади. Ушбу ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларнинг ер фондини кенгайтириб бориш инсоният олдида доим бош масала бўлиб келган. Бу, айниқса, аҳоли сони ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг узлуксиз ўсиб бориши билан ўзининг ифодасини топади.

ФАО-ЮНЕСКО маълумотларига қараганда охирги ўтган ярим аср давомида дунё аҳоли суръатининг 3 млрд. дан 6,4 млрд. га ошгани ҳолда қишлоқ хўжалигига ҳайдаб экиладиган ерлар бор йўғи 8 фоизгагина ошганлиги ушбу ерларнинг инсоният олдида қанчалик қадр-қийматтга эга эканлигини англаш олиш мушкул эмас.

Ер-чекланган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурсдир. Бугунги кунда унинг ўрланиши, саҳроланиши, ирригацион ва шамол эрозияси, тупрокнинг ҳар хил техник чикиндилар билан ифлосланиши, гумус ва озиқа элементларнинг камайиб кетиши кабилар ушбу ресурсга жиддий хавф солмоқда.

Ҳозирда республикамизнинг умумий 44410,3 минг гектар ер майдонидан қишлоқ хўжалигига фойда-ланиладиган ерлари 25681,3 минг гектарни ёки умумий ер фондининг 57,8% ини ташкил килади. Шундан қишлоқ хўжалигига интенсив фойдаланиладиган ерлар, яъни сугориладиган майдонлар 4,3 млн гектарни ташкил қилиб, ушбу ерлар республикамизнинг «олтин фонд» ҳисобланади, Улар жами ер фондининг 10 фоизга яқинини ташкил этиб, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизини етказиб беради. Бу эса республикамиз қишлоқ ва ҳалқ хўжалиги тармоқларининг ишлаб чиқариш фаолиятини белгилаб бериб, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда бош омил бўлиб хизмат килади.

Бугунда республикамизда сугориладиган ерларнинг 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир. 23 фоиздан ортиғи эса бонитети паст ерлар тоифасига киради. Мелиоратив ҳолати қоникарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик мутахассислари олдида республикамиз экин майдонларини турли салбий ҳолатлардан химоя қилиш, уларга қарши кечиктириб бўлмас чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш каби ишлари бош масала бўлиб турибди. Бу эса, ўз навбатида, тарбияланаётган ёш кадрларни билимли матахассислар қилиб тарбиялашни тақоза этади.

✓ *Муродов Абдул*

КИРИШ

Ер - халқ бойлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бош воситаси. Тупроқ унумдорлигини ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, кўп жиҳатдан, унга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлишга, уни яхшилашга қаратилган чора тадбирлар мажмуасига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчиллик билан жадаллаштириш, ер фондидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ҳар гектарнинг ҳосилдорлигини, унинг иқтисодий самараדורлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ечимини ишлаб чиқиш ғоят катта аҳамият касб этади. Бу борада тупроқ унумдорлигини сақлаш, уни йил сайин мунтазам ошириб бориш қишлоқ хўжалик мутахассислари зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикада қиплоқ хўжалигидан фойдаланиладиган ерларни мелиорациялашга бениҳоят катта эътибор қаратилган бўлиб, ерларни лойихалаш, мелиоратив тизимларни қуриш ва фойдаланиш ҳамда мелиоратив тадбирлар ўтказишга давлатнинг катта маблағлари ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси истиқололга эришиши, мустақил давлат деб эълон қилиниши ва ҳукуқий жамият қуриши, ўз худудида ер муносабатларини тартибга солишда ва ривожлантиришда тўла мустақилликка зришганлиги, унинг ерлардан оқилона фойдаланиши, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва муҳофаза килишнинг ҳукуқий асосини яратиш ва такомиллаштишириш имконини беради. Мамлакатимиз аграр соҳасида ислоҳотларни ҳукуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар қабул қилди. Шу жумладан, ер муносабатларини ҳукуқ асосида ривожлантириш ва тартибга солиш, ерлардан

оқилона фойдаланиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлиги ошириш, ер тузиш ишларини олиб бориш, ернинг сифат баҳосини аниқлаш, хўжалик фаолиятига баҳо беришга ва ҳоказоларга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси" ҳамда "Давлат ер кадастри" тўғрисидаги Қонун ва бошқа қишлоқ хўжаликдаги ислохотларни чукурлаштиришга доир қонун ва меъерий хужжатлар қабул қилиниши республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта хисса кўшиш билан бирга, келажак авлодларимизга соғлом, унумдор ерлар қолдириш йўлида катта қадам бўлади, негаки инсонларни тақдири кўп жиҳатдан ер, тупроқ ва сув тақдирига боғлиқдир.

Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ерларни яхшилашнинг асосий вазифалари – тупроқ шўрланиши ва ботқоқланишини олдини олиш жараёнларига карши курашиш, кўриқ ерларни ўзлаштириш, сув ва шамол эрозиясига қарши курашиш, ерларни рекультивациялаш, тупроқнинг зичланиши ва гумус микдори камайишининг (дегумификация) олдини олиш, тупроқ ифлосланиши ва сахроланишига, шунингдек, бошқа салбий жараёнларга қарши курашиш ҳисобланади. Мелиоратив тадбирлар тизимлари ҳар хил шароитдаги минтақалар учун турлича бўлиб, бу тадбирларни ишлаб чиқиш тупроқларнинг пайдо бўлиши (генезиси) ва уларнинг ҳоссалари тўғрисидаги чукур билимга эга бўлишни тақозо этади.

Тақдим этилаётган ўқув қўлланма ҳозирги кунда долзарб бўлган ерлардан оқилона фойдаланиш, республика ер ресурсларини бошкариш ва ҳимоялаш, қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлар тўғрисида ва улардан фойдаланишда кадастрнинг аҳамияти, тупроқ бонитировкаси, ерларни иқтисодий баҳолаш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, тупроқ мониторинги ва бошқа масалаларга қаратилган янги маълумотлар асосида ёритилган.

Тавсия этилаётган ушбу қўлланма муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари кўмитасининг Миллий ҳисоботидан ҳамда А.З.Генусов, Х.М.Махсудов, Р.Қ.Қўзиев, Э.Қ.Курбонов Ж.М.Махсудов, F.А.Толипов, А.Х.Абдуллаев, И.Акрамов, Қ.Рахмонов, А.Бобоҷонов, А.Турсунов ва бошқаларнинг маълумотларидан кенг фойдаланилган ҳолда тузилган.

Кейинги йилларда кабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» ва «Фермер хўжаликлари тўғрисида», «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида» ги Қонунлари ва бошқа меъёрий хужжатлари ердан фойдаланувчи ва ер эгаларининг хуқуқларини, уларга берилган ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишдаги жавобгарликни оширишни ҳамда тупроқларни табиий ҳолатини сақлаш ва уларнинг унумдорлигини оширишни таъминлаб келмоқда. Амалдаги хўжалик юритишнинг янги шакллари фермер ва деҳқон хўжаликлари хусусий мулқдорлар ердорлар синфини шаклланишига имкон беради.

Ҳозирги вақтда республиканинг 44410,3 минг гектар умумий ер майдонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 22614,0 минг гектар бўлиб, умумий ер салоҳиятининг 50,9 % га тўғри келади. Аммо, интенсив деҳқончилик фақат 4278,0 минг гектар ёки умумий майдоннинг 9,6% га teng суғориладиган ерларда олиб борилади, холос. Бу ерлар ҳар хил табиий-қишлоқ хўжалик регионларида жойлашган бўлиб, турли мелиоратив, экологик шароитлар билан ҳар хил даражадаги ҳосилдорлик билан тавсифланади. Буларнинг ҳаммаси давлат томонидан ерларнинг ҳолатини ва фойдаланилишини доимий кузатиб бориш, назорат юритиш ва таҳлил қилиб боришни талаб этади.

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ

Табиий ресурслар ичидаги ер, айниқса катта аҳамиятга эгадир. Биз юқорида Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44890,1 минг.га ни ташкил этади, деб айтиб ўтган эдик.. Ушбу майдоннинг 90 фоизига яқини давлат томонидан эгалик қилиш ёки фойдаланиш мақсадларида турли корхона, муассаса ва ташкилотларга бириктирилган. Ер ресурслари республиканинг миллий бойлигидир.

Ер – турли фан соҳаларида турлича маънога эга. Масалан: *астрономияда* «Ер» - Қуёш атрофида айланувчи ва унинг тизимида учинчи бўлган сайдера; *географияда* «Ер» - мазкур сайдеранинг қуруқлик қисми; *қишлоқ хўжалигида* «Ер» - сайдерамизнинг қуруқлик қисмининг энг юқори тупроқларини қамраб олувчи атроф табиий мухитнинг алоҳида бир қисми ёки компоненти; *юриспруденцияда* «Ер» - тасарруф қилиш, эгаллаш ва фойдаланиш предмети ҳамда ижтимоий муносабатларнинг мустакил обьекти сифатида қараладиган сайдерамиз қуруқлик қисмининг энг юқори катлами; *техник соҳасида* «Ер» - маълум бир турдаги ҳалқ хўжалиги обьектларини куриш ёки жойлаштириш учун мўлжалланган замин ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан унинг энг муҳим хусусиятлари қанчалик чукур ва ҳар томонлама ўрганилганига боғлиқ, бу энг аввало, ерга тегишли бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш илмий асосланган тадбирлар

мажмуини ишлаб чиқаришга изчиллик билан ёндошиш ва амалда тўпланган тажрибага риоя қилган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 апрелдаги «Ер кодекси»; «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Декон хўжалиги тўғрисида»ги 1993 йил 6 майдаги «Ер солиғи тўғрисида»ги, 1998 йил августидаги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонунлар; Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 июлидаги «Ўзбекистон Республикасида Давлат кадастри нинг ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида» ги ва бошқа хужжатлар ер кадастрига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишда янги шакллар вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 15-моддасига мувофик, давлат ер кадастри ерларининг табиий, хўжалик ва худудий тартиби тўғрисидаги, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати тўғрисидаги, ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, уларни ер участкалари мулкдорларига, ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, посёлка, қишлоқ ва овуллар, ўзини-ўзи бошқариш органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир. Давлат ер кадастри муҳим ҳалқ хўжалиги аҳамиятига эга. Унинг маълумотларидан турли масалаларни ҳал қилишда, жумладан, ер солиги, ер майдонларига ижара ҳақи миқдорларида белгилашда, қишлоқ хўжалик экинлари

хосилдорлигини режалаштиришда, ер тузишда, ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал килишда фойдаланилади.

ДУНЁ ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Суғорилиб дехқончилик қилинадиган ерлар бу нафакат республикамиз, балки барча дунё ҳалқларининг бебаҳо бойлиги, битмас-туганмас хазинаси ҳисобланади. Чунки иқтисодий эҳтиёжимизни қондирадиган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари айнан шу ерлар ҳисобига олинади. Зоро, у нафакат бугуннинг, балки келажакнинг ҳам ризқ-рӯзи манбаидир.

Маълумотларга қараганда, 1960 йилдан то ҳозирги кунга қадар (2011) дунё бўйича ҳайдалма ерлар майдони атиги 8% гагина, ушбу давр мобайнида эса аҳоли суръати 3 млрд. дан 6,4 млрд. гача ошган. Аҳоли сонининг узлуксиз ҳайбатли ўсиши ва ҳайдалма ерларнинг бундай ўзгармас миқдоридан ушбу ерларнинг инсоният олдида қанчалик қадр-қийматга эга эканлигини англаб олиш қийин эмас. Ҳозирда биз бундай ерлар майдонини ошириш у ёғда турсин, балки мавжудларини ҳам асрай ололмаяпмиз. Бунинг энг асосий сабабларидан бири - тупроқ шўрланиши, яъни тупроқда туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнларининг кучайиб, тупроқда сув - туз тартиботи ва органик моддалар балансида салбий ҳолатларни шаклланиши ва натижада ерларнинг мелиоратив-экологик ҳолатларини ёмонлашиши билан бирга, сув - шамол эрозияси, тупроқ зичланиши, озиқ элементларни йўқотилиши, техника асрининг заҳарли химикатларини тупроқка келиб тушиши билан ҳам боғлиқдир.

Мамлакатлар ва қитъалар бўйича кўпдан-кўп фактларга асосланган материалларни умумлаштириш натижаси шуни

кўрсатдик, тупроқ қатламининг (биосфера, биогеокимё, гидросфера, атмосфера, гумусосфера, антропосфера ёки техносфера қатламлари) бутун ер юзи миқёсидаги функциялари тупрокка аниқ мақсадни кўзлаб бевосита таъсир ўтказиши натижасида ҳам, шунингдек, ғоят хилма-хил кўшимча, иккинчи даражали, кўпинча кутилмаган салбий экологик ҳолатлар натижасида ҳам инсон фаолиятининг таъсири остида ниҳоятда кучли даражада ўзгариб бормоқда. Мана шу таъсирнинг кўламлари тўғрисида кўйидаги маълумотлар бўйича кўриш мумкин. Ер куррасидаги куруқликнинг умумий майдонидан ҳозирги вақтда жаҳон дехқончилигига салкам 1,5 миллиард гектар (куруқликнинг 10 фоизи) доимий шудгорланиб турилади, дехқончилик маданиятнинг 10 минг йиллик тарихи мобайнида авваллари маҳсулдор бўлган 2 миллиард гектарга яқин ердан батамом маҳрум бўлинди, чўл-биёбонларга айлантирилди, ҳар-хил иншоотлар қурилди, сув остида қолдирилди: салкам 1 миллиард гектар ер дехқончиликка яроқли ҳолда турибди: ҳозирги вақтда ҳар йили мутлақо йўқ бўлаётган ҳосилдор ерлар 6-7 миллион гектарни ташкил қиласиди, яъни ўртача тарихий кўрсаткичларга нисбатан 30-35 баравар кўпайди.

Эндилиқда бу экологик жиҳатдан хатарли ҳодисага айланиб бормоқда, бу эса жаҳон илмий жамоатчилигининг, расмий ҳалқаро органлари, шу жумладан, БМТнинг ҳам жиддий диққат-эътиборини жалб этди. Тупроқ қатламининг завол топиши ва нобуд бўлишига қарши кураш муаммосини академик В.А.Ковда қайд этишича, уруш ва ядеровий ҳалокатлар муаммосидан кейинги барча дунё экологик муаммолари орасида биринчи ўринга чиқмоқда.

Ўзбекистон табиий-иқлим шароитларининг – иқлим, рельеф, тупроқ пайдо қилувчи жинслар, гидрологик ҳолатлари мураккаблиги бу ерда тупроқларнинг хилма хил бўлишини ва қишлоқ хўжалигига фойдаланган ерларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди (1-жадвал).

1-жадвал

Республикамизда тарқалған тупроқ типлари

Тупроқлар	Майдони, минг. га	% хисо- біда
A. Тоғ ва тоғолди тупроқлари		
1. Баланд тоғларнинг оч тусли құнғир тупроқлари	540	1,2
2. Ўрта тоғларнинг жигарранг ва құнғир тупроқлари	1160	3,7
3. Түқ тусли бўз тупроқлар	1050	2,7
4. Типик бўз тупроқлар	3050	6,8
5. Оч тусли бўз тупроқлар	2590	5,8
6. Ўтлоқи – бўз ва бўз – ўтлоқи	780	1,8
7. Бўз тупроқлар минтақасининг ўтлоқи тупроқлари	670	1,5
8. Бўз тупроқлар минтақасининг ботқоқ-ўтлоқи тупроқлари	70	0,2
Жами	10410	23,4
B. Чўл зонасининг тупроқлари		
9. Сур-құнғир тусли тупроқлар	11025	24,8
10. Қумли чўл тупроқлар	1370	3,1
11. Тақирли тупроқлар ва тақирлар	1780	4,1
12. Ўтлоқи-тақирли ва тақирли-ўтлоқи тупроқлар	460	1,0
13. Чўл зонасининг ўтлоқи тупроқлари	1790	4,1
14. Чўл зонаси ботқоқ-ўтлоқи тупроқлари	50	0,1
15. Шўрхоқлар	1270	2,9
16. Қумлар	12100	27,9
Бошқа ерлар (тоғ қоялари, сув юзаси)	4150	9,3
Жами	33995	76,6
Республика бўйича жами	44405	100,0

Жадвалдан кўрамизки, тупроқларнинг тўртдан уч қисмини (76,6%) чўл зонасида тарқалган, улар асосан суркўнгир тусли, чўл қумли тупроқлар ва қумлар (31,3%). Тоғ ва тоғ олди зоналар тупроқлари 23,4%ни ташкил қилиб, у ерда бўз тупроқлар (15%), гидроморф тупроқлар, жигарранг, оч-тусли қўнгир баланд тоғ тупроқлар тарқалган.

Тупроқларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиши, уларнинг жойлашган ҳудудига, рельефига, гидролик шароитига ва бошқаларга боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг ерларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилайдган ерлар, яъни республика ер фондини 58,1% ташкил этади.

Яйлов ва пичанзорлар, шу жумладан, сугориладиганлари 22263,4 минг га (2010 йил 1 январь), хайдалма ерлар 4056,6 га, шу жумладан, сугориладиганлари 3313,6 м га, кўп йиллик дарахтзор ерлар, шу жумладан, сугориладиганлари 337,1 минг га.

Кишлоқ хўжалигидә фойдаланилайдиган ерларни илмий асосланган тарзда ҳисобга олиш, оқилона фойдаланиш, баҳолаш имконини ер кадастри беради. Ер кадастри қуидаги таркибий қисмлардан иборат: ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш; ерларнинг микдорий ҳисоби; ерларнинг сифат баҳоси – бонитировкаси; ерларни иқтисодий баҳолаш.

Тупроқларни ҳар томонлама яхшилаш, унинг унумдорлигини ва иқтисодий самараадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги келгусидаги ривожининг муҳим масалаларидан биридир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ошириш ердан тўғри ва самарали фойдаланиш билан боғлиқдир.

ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТАЖРИБАСИ

МДХ давлатларида ер кадастри асосан республикамизда юритилаётган давлат ер кадастрининг тамойилларига ҳамда вазифаларига яқин услубда олиб борилади. Аммо шу билан бир қаторда бъзи бир хусусиятларга эгадир. Бундай хусусиятлар асосан МДХ давлатларида ер майдонларининг бир қисмини хусусийлаштирилганлиги, тўғридан - тўғри бозор муносабатларига тортилганлиги билан боғлиқдир.

Россия федерациясида ер кадастрини юритиш, асосан, ер ресурслари ва ер тузиш Давлат қўмитасига юклатилган. Давлат қўмитаси ўз фаолиятини Россия Федерациясининг Конституциясига, қонунларига, Президент фармонларига, Давлат думасининг ва Россия Федерацияси ҳукуматининг карорларига мувофик ҳолда амалга оширади.

Россия Федерацияси ер ресурслари ва ер тузиш Давлат қўмитасининг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- ерлардан оқилона фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини саклаш ва ошириш, атроф муҳитни яхшилаш бўйича давлат сиёсатини ўтказиш;
- ерларни хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати;
- давлат ер кадастри ва мониторингини юритиш;
- ер тузиш, давлат ер кадастри ва мониторинги ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- федерал ва бошқа ерлар тўғрисидаги маълумотлар банкини юритиш;
- ердан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг барча шаклларини ривожлантиришнинг иқтисодий манбаатдорлиги бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

Ўзига юклатилган юкоридаги вазифаларга мос ҳолда

Россия Федерацияси ер ресурслари ва ер тузиш давлат құмитаси қуидаги вазифаларни бажаради:

- ер муносабатларини тартибга солиш бүйича давлат сиёсатининг бош йұналишларини ишлаб чықади;
- ер муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган мақсадли давлат дастурлар, қисқа ва узок муддатли башоратларни ишлаб чиқишида катнашади;
- ердан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш давлат дастурларини ишлаб чықади;
- ер тузишни ўтказиш, давлат ер кадастри ва мониторинги-ни юритиш бўйича ишларни ташкил этади;
- ердан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилишнинг давлат назоратини амалга оширади;
- ердан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш бўйича илмий - услугбий ҳамда моддий-техник тадбирларни таъминлайди;
- ердан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш учун топографо-геодезик, картографик, тупроқ, агрокимёвий, геоботаник ва бошқа тадқиқотлар ҳам. қидирув ишларини ташкил этади ва ўтказади;
- ер солиги ставкалари ва ерларнинг меъёрий қийматларини аниклаш, шунингдек, ердан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилишниш иқтисодий манфаатдорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чықади;
- ер ресурсларининг микдори ва ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг ягона банкини яратади;
- ер тузиш ва ер кадастри хизмати учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чықади ва амалга оширади;
- илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни ташкил этади ва хоказолар. Илмий-тарихий манбалар шундан гувохлик беради-ки, Россиядаги кадастр тўғрисидаги биринчи маълумотлар X асрга тааллукли бўлиб, у ҳам бўлса ер солигини йиғиш ва ерларни баҳолаш ишлари билан боғлиқдир.

Кадастр чегаралаш ва ерларни ажратиш учун хариталаш бўйича ишларни юритиш тўғрисидаги биринчи қайдлар 1843 йилга тааллуқлидир. Россия ер кадастридаги картографик материалларда асосан рўйхатлаш, чегаралаш ва кузатиш дафтарларидан олинган маълумотлар бўлган. Бу маълумотлар, асосан, жойда ерларни ўлчаш натижалари бўйича тузилган. Ерларни ўлчаш ишлари «ўлчов иплари» (иплар 20,40,80 саженли, 1 сажен=2,1336 м) ёрдамида амалга оширилган. Ерлар сифати бўйича «яҳши», «ўртача» ва «ёмон» га ажратилган.

XVIII асрнинг ўргаларига келиб ерларни чегаралаш ишлари ер эгаларининг хукуқларини ҳимоя қилиш мақсадлари учун анча кенгайтирилди. 1765 йили ерларни давлат чегаралashi тўғрисида комиссия тасдиқданди. Россия империясининг ерларини чегаралаш бўйича ишлар асосан XIX асрнинг бошларига келиб якунланди. XVII асрнинг охирига келиб Россияда қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмон фонди ерлари эмас, ҳатто шаҳар ҳовлиларини ҳам қайд қилиш ва ҳисобини юритиш хужжатлари тузиладиган бўлди.

Ерга ва бошқа табиий ресурсларга давлат мулкчилигининг вужулга келиши муносабати билан уларнинг ва бошқа объектларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг бир тизимга келтирилган тўплами сифатида кадастр турли минтақалар ва яхлит мамлакатни марказлашган иктиносидий бошқарувнинг мухим бир механизм сифатида намоён бўлиши зарур эди. Шунинг учун ҳам табиий ресурсларнинг турларидан катъий назар Россияда яратилган барча кадастрлар давлатнинг тадбири бўлиб қолаверади ва улар ягона, аммо бир тармоқнинг ҳар бир ресурсга бўлган талабига мос ўтказилади.

Кадастр дунёning барча мамлакатларида юритилади. У ҳисоб - китоб, баҳолаш, турли табиий ресурслар, инженерлик фаолиятлари ва экологик ҳолат тушунчалари билан узвий боғлиқдир. Чет эл амалиётида "кадастр" тушунчасини кўпинча

"кўчмас мулк" тушунчаси билан боғлайдилар. Айрим манбалар унга "ер участкаларининг миқдори, қиймати ва мулкчилиги бўйича маълумотларни ўзида жамлаган "ижтимоий қайднома" қоидасини берадилар, бошқалари эса "архив билан чамбарчас боғлик бўлган, чегараларни тасвирга олиш ва харитада график ёритилган мулкнинг ҳолати, ҳуқуқи, табиати, ўлчамлари ва фойдаланишига асосланган барча кўчмас мулкнинг ижтимоий услубий ташкил этилган инвентари" қоидасини берадилар. Бунда кўчмас мулк деб унинг устки қисми билан биргаликда ери ҳамда атроф-муҳитни, ҳаво кенглигини, тупроқ остини, бино ва иншоотларни, турли-туман табиий ҳамда ижтимоий-иктисодий воқеликларни тушуниш мумкин.

Бугунги кунда Россия Федерациясида юритилаётган кадастрни ўз моҳияти бўйича учта катта тоифага бўлиш мумкин: солиқ ёки фиксал-соликка тортиш тартиби ва микдорларини аниқлаш мақсадида кўчмас мулкни тавсифлаш учун; ҳуқуқий ёки юридик - мулк эгалиги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун; кўп мақсадли - кенг спектрдаги ҳуқуқий, иктисодий, экологик, қурилиш масалалари, шунингдек, ҳудудни ривожлантириши бошқариш ва режалаштириш муаммоларини ҳал қилиш. Кўп мақсадли кадастр ўз ичига турли типдаги обьектлар: ер, ўрмон ва бошқа табиий ресурслар, инфратизимлар, ижтимоий-иктисодий воқеликлар тўғрисидаги маълумотларни олади.

Юқорида берилган маълумотлар ва услубларни тахлил қилиш республикамида юритилаётган ер кадастрини назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ривожлантириш имконини беради.

Гарбий Европа давлатларининг кадастр тизими умумий жиҳатдан бир хилдир, яъни участкалар регистрини юритин, кадастр хариталар тузиш ва ҳуқуқий ёзувларни юритиш. Ривожланган давлатларда, ер этапикларини хисоб қилиш техникаси турличадир, шунга карамасдан кўчмас мулк

528286

Тонг

участкаларининг реестри ҳар бир мамлакатда мавжуд. Бундай реестр, одатда, ерларни рўйхат қилиш ер китоби ёки унинг таркибий қисми бўлиши мумкин. Кадастр учун тасвирга олишнинг мажмуаси сифатидаги ва ерларни рўйхатга олиш қоидасига биноан ягона ташкилий хизматни яратади. Баъзи ҳолларда бу хизмат турлича йўналишларда иш бажаради, аммо маълумотларни алмашишда, ўзаро назоратни ва кўп мақсадли кадастрини яратишда улар ўзаро бирлашишади. Farbий Европа давлатларида кадастр тизимининг умумий белгиси шундан иборат бўлиб, улар маълумотларни доимий равишда янгиланиб туришини таъминлайдилар. Ердан фойдаланиш маълумотлар тизими учун ягона кафолатдир. Уларнинг умумий белгиларига рўйхатга олиш маълумотларини юритиш техникасининг ўхшашлигини киритиш мумкин. Қоидага биноан, ер участкаси ердан фойдаланишнинг типлари, майдони, унда жойлашган қурилмаларнинг турлари, жойлашган ўрни, эгаси тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа регистрларга мурожаат қилиш ҳамда ҳудуд ва унинг эгаси тўғрисидаги қўшимча маълумотларни ўзида жамлаши билан тавсифланади. Бундай турдаги маълумотлар бошқа маълумотлар билан биргаликда мулкдорлик ҳамда улар эгалигидаги ер участкалари тўғрисидаги кўп қиррали маълумотларни олиш имконини беради.

Умумевропа тушунчаси бўйича инглиз кадастр тизими юкоридаги умумий қоидалардан фарқ қиласди. Англияда кадастр фақатгина картографик маълумотлардан иборат бўлиб, асосан ер участкаларининг чегаралари ҳамда кўчмас мулкнинг таркиби тўғрисида маълумот беради. Европанинг бошқа давлатларида кадастр тизимлари белгиларининг бир хиллиги шу билан тушунириладики, улар тўғридан-тўғри ёки қисман француз намунаси асосида вужудга келган. Француз кадастр тизимининг бош мақсади ерларни соликга тортишни таъминлашдан иборатдир. Ҳозирги

кунгача у фискал тизим сифатида хизмат кўрсатади: унинг маълумотлари турли хил - ер ва кўчмас мулкка тааллукди бўлган мулк соликларини ҳисоблаш асоси ҳисобланади. Аммо Францияда барча хуқуқий кўшилмалар билан биргаликда ер рўйхати мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйича тизимли маълумотлар билан тўла таъминлай олмайди. Париж, Лилль, Марсел каби йирик шаҳарлар ўз ҳудудларининг хусусий кўп мақсадли кадастр тизимларини яратган.

Германияда солик кадастрдан ривожланган ҳолда юридик тизимнинг бир қисми сифатида расмийлашган кадастр тизими мавжуд бўлиб, у ер эгаликлари ва ердан фойдаланиш ҳамда топографик тасвир маълумотларининг функциялари тўғрисидаги кенг кўламдаги маълумотларни ўз ичига олади. Фарбий Германияда 1935 йилда юз берган ер тузишнинг барча информацион тизимини қайта ташкил этиш, кейинчалик эса, 1945 йилдаги мамлакатни урушдан сўнгги қайта куриш мавжуд кадастр тизимининг қайта кўриб чиқилишини талаб қилди. Кадастр хариталарини ишлаб чиқиш ердан фойдаланиш ва ер тузишга тааллукли бўлган маълумотларни қайта ишлаш билан бирлаштирилди. 1970 йилдан округлар ва йирик шаҳарлар ерларида ер китобларидаги, кўчмас мулк кадастри, солик кадастри ва картографик материаллардаги маълумотларни ўзида жамлаган кўчмас мулк тўғрисидаги автоматлаштирилган маълумотлар базаси яратилди. Германиядаги турли информацион хизматлар ўртасидаги ўрнатиладиган алоқалар натижасида ер ва кўчмас мулк тўғрисидаги кўп мақсадли автоматлаштирилган маълумотлар банки шакллантирилади. Бошқа автоматлаштирилган маълумотлар банки билан биргаликда бу банк умуммиллий информацион тизимни ташкил килади. Бу тизим ердан фойдаланишни, кўчмас мулкни ҳудудий режалаштириш ва иқтисоди билан боғлиқ кенг муаммоларни ҳал қиласи.

Голландия кадастр хизмати ерга тўғридан-тўғри боғлиқ

бўлмаган, аммо қонун бўйича кўчмас мулкка кирадиган бир қанча қўшимча маълумотларнинг рўйхатини юритиб боришга масъулдир. Масалан, кемалар, самолётлар ва уларнинг эгалари тўғрисидаги маълумотлар. Кадастр маълумотларини бу каби кенгайтирилиши бир қатор фуқаролик статистикаси («очик кадастр» концепцияси) йўналишлари хизматини ёйиш мажбуриятини юкловчи қонун билан боғликдир.

Швеция кадастри аста-секинлик билан кўчмас мулк тўғрисидаги автоматлашган миллий маълумотлар банкини аҳоли, иқтисодий статистика, солиқка тортиш ва рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар банки билан қўшилиб кетиши натижасида ер ва кўчмас мулк тўғрисидаги кўп мақсадли информацион тизимга айлантирилди. Бу давлатларда ер кадастри иккита регистрдан иборат ҳолда юритилади. Ер ва кўчмас мулк 1936-1974 йиллари 1:10000 масштаблардаги фотоплёнкалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда ер участкалари ва бинолар чегараларини ягона қайд қилиш тизимиға асосланган мамлакатнинг бутун ҳудудини камраб олган кадастр хариталарининг миллий фондини яратиш дастури амалга оширилган. 1974 йилдан бошлаб бу мақсадлар учун 1:2000 масштабдаги кадастр хариталаридан фойдаланилди. Уларни тузиш учун маълумотлар асосан кўчмас мулк тўғрисидаги умумдавлат автоматлаштирилган маълумотлар банкидан фойдаланилди. Тифиз қурилган шахарлар ҳудудининг кадастр хариталари тузилади ёки маҳаллий муниципал хизматга буюртма берилади, улар 1:500 гача катталиқдаги масштабларга эга бўладилар.

Швеция сингари Норвегия кадастри ҳам эгаликлар, маннзиллари ва бинолар типлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган информацион кадастр тизимиға бирлаштирилган. Турли гуруҳ маълумотлар бир-бирлари билан боғланган ҳамда координатали ёки объектларнинг индентификацион кодлари орқали географик жиҳатдан ажратиш

мумкин. Норвегияда ҳам Швеция сингари объектларни қайд қилиш стандартлари улар ўртасидаги информацион алоқалар қонун билан белгиланган. Тизимнинг ўзи эса давлат томонидан назорат қилиниб, уларни ишлаб чиқиш ва қўллаш давлат томонидан молияланади. Финландияда объектни кадастр баҳолаш ишларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти, қишлоқ ҳудудларининг регистри давлат томонидан, шаҳарлар ҳудудининг регистри эса муниципал маъмурият органлари томонидан амалга оширилади. Яқин келажакда умуммиллий электрон информацион тизимга ўтиши натижасида юқоридаги фарқ ҳам барҳам топади.

Жанубий Европа давлатларидан ҳисобланган Италияда юритиладиган кадастр Марказий Европада таркалган тизимга ўхшашибдир. Кадастрни (ер участкаларининг регистри) ер эгалари тўғрисидаги (ер регистри билан) маълумотлар билан боғлиқлиги фақатгина мулк эгаларининг исмларидан фойдаланган ҳолда мумкин бўлади. Автоматлаштирилган маълумотлар банкини киритиш асосида ушбу иккита регистрни бирлаштириш рўйхатга олиш тизимига ҳам ўзгартиришлар киритишни талаб килади. Италия кадастрининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, бу ерда 1939 йилдан буён биноларнинг регистри тизимли тарзда юритилиб келинмокда.

АКШда ерларни ўрганиш қишлоқ хўжалик вазирлигидаги тупроқларни муҳофаза қилиш маҳсус хизмати томонидан олиб борилади. У марказий органдан, штатлардаги филиаллардан ва тупроқни муҳофаза қилиш бўйича 2400 га яқин бўлинмалардан ташкил топган. Тупроқни муҳофаза қилиш хизмати тупроқ катламларини ўрганишга катта аҳамият беради. Ушбу материаллар ерларни таснифлаш орқали қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланилади. Бу хизмат тупроқ кузатувларини амалга оширади, ерлардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги зарур тавсияномаларни ва қарорларни чоп этади. Тупроқ кузатувлари маълумотла-

рини амалий зарурият учун фойдаланиш мақсадида жамлаш асосида ерларни таснифлаш амалга оширилади. Күйилган вазифаларга караб АҚШда ерларни таснифлашнинг тури тизимлари кўлланилади. Масалан, тупроқлар қишлоқ хўжалигига фойдаланишга яроклилиги бўйича, ерларнинг маҳсулдорлиги бўйича ва бошқа синфларга гурухланиши мумкин.

АҚШда ерларни сифат жиҳатдан баҳолаш қишлоқ хўжалик ерларининг маҳсулдорлиги бўйича амалга оширилади. Ҳайдалма ернинг маҳсулдорлиги энг камида 10 йил давомидаги асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорликлари бўйича аниқланади. Ҳосилдорлик эса сўров натижалари ёки маҳсус анкета ёрдамида аниқланади. Аммо ҳосилдорлик хўжалик юритиш даражасига чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли ҳам ҳосилдорлик тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда алмашлаб экиш тизими, тупроқларни ишлаш, ўғитларни кўллаш, мелиорация ва бошқа тадбирлар тўғрисида ҳам маълумотлар тўпланади. Ушбу маълумотлар асосида хўжалик юритиш синфлари белгиланади.

Энг маҳсулдор ерларни аниқлаш мақсадида АҚШда ерларни иқтисодий жиҳатдан таснифлаш ўtkазилади. Бунда қатор табиий омиллар билан бир қаторда баъзи иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, хўжалик ўлчамлари, ердан фойдаланишнинг таркиби, жадаллашганлик даражаси, хўжалик-нинг жойлашган ўрни ва даромадлилиги, меҳнат харажатлари ва бошқалар ҳисобга олинади.

АҚШда ҳам ҳалигача ерларни иқтисодий баҳолашнинг ягона услубияти яратилган эмас. Алоҳида штатларда фойдаланиладиган бир қанча услубиятлар мавжуд. Улар ичида кенг таркалгани, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш натижасида олинадиган соф даромад қиймати бўйича ерларни баҳолаш услубиятидир.


ЕР РЕСУРСЛАРИ

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ ҲОЛАТИ

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг ислоҳоти иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида нодавлат сектори пайдо бўлиши ва бозор жараёнини ривожланиши билан боғлик бўлган ўта мураккаб сиёсий ва иқтисодий шароитда кечмоқдаки, у давлат бошқарувининг аниқ ва самарали механизмини яратилишини талаб этади, Ушбу масала ер ресурсларини бошқариш соҳасида, бир томондан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий манбаи, иморатлар, иншоотлар. йўллар, кўкаламзорлаштириш учун майдончалар бўлса, бошқа томондан кўчмас мулкни солиққа тортиш, инвестиция обьекти, ижтимоий-иктисодий ривожланиш воситаси, миллий бойликнинг бир қисми сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси агросаноати комплекси барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенгайтиришнинг асосий шартлари қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ерларнинг ҳосилдор қатламини сақлаш, қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Ерларнинг тупрок унумдорлиги бошқа табиий омиллар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг таннархига таъсир этувчи ишлаб чиқариш салоҳияти асосини ташкил этади.


Хўжалик фаолиятида ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш катта аҳамият касб этади. У дехқончиликни ривожлантиришнинг табиий шарти бўлиб, кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилнинг кўпайишига ёрдам беради, кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг нафақат ишлаб чиқариш объекти сифатида, балки биосферанинг ташкилий бир бўлаги сифатида ҳам қадрини оширади.



1-расм. Умумий ер майдонида қишлоқ хўжалик ерлари салмоғи (фоизларда) жами 44410,3 минг га.

Суғоришга яроқли бўлган ер ресурслари турли ҳисобкитобларга кўра 7 дан 10 млн. гектар майдонни ташкил этади. Жумладан, ўтлоқли бўз тупроқлар 16%, ўтлоқлар 44%, бўз тупроқ 30%, тақирсимон-ўтлоқ 10% ерларни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, суғориладиган ер майдонларининг жадал суратда кенгайиши 1970 йилдан 1985 йилларга тўғри келади. Ушбу давр мобайнода Республикадаги суғориладиган ер майдонлари 2,8 дан 4,0 млн. гектаргача ёки 43% га ошди. Янги ерларни ёппасига ўзлаштириш, бир томондан, мавжуд сув ресурсларидан тўлиқ фойдаланишга олиб келган бўлиб, Орол денгизи мисолида намоён бўлган бўлса, иккинчи томондан эса, иқтисодиётга

демографик юкни юмшатиш имконини яратди ҳамда озиқовқат ва бошка масалаларни ҳал қилишни енгиллаштириди.



2-расм. Қишлоқ ҳўжалик ерларининг умумий майдонида ҳайдалма ерлар салмоғи (фоизларда).

Ҳозирги вақтда, жойларда ердан оқилона ва самарали фойдаланиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, кишлоқ ҳўжалигига яроқли ерларни экологик ва агрокимёвий, агротехник ҳолатини ва сугориш ишларини яхшилаш мақсадида, сугориш тизимини такомиллаштириш, ўсимликларни иклим, тупроқ ҳолатини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш ва юқори ҳосилдорликни таъминлаш, ер ҳолатини сақлаш ва ер ҳосилдорлигини ошириш ишлари амалга оширилмоқда.


Шунга карамай, республикада ер ҳосилдорлигининг камайиши ва умумий экологик ҳолатининг ёмонлашуви тамойили сақланиб колмоқда, жумладан, айрим худудларда куйидаги салбий жараёнлар кузатилмоқда:

- сугориладиган ерларнинг майдони камайиши, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви;
- шўрланган ва эрозияга учраган ерларнинг қўпайиши;
- суформа ерларнинг ҳайдаладиган қатламлари ости зичланиши;
- ҳайдаладиган ерларда гумус ва озуқа элементлари мувозанатининг салбий томонига ошиб бориши.

Кўрсатиб ўтилган салбий жараёнлар, қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган ерлар майдонининг камайишига, ернинг кимёвий, сув-физикавий, физик-кимёвий ҳолати бузилиб, ҳосилдорлигининг камайишига олиб келади.

ЕР РЕСУРСЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ

Амударё ва Сирдарё ҳавзалари текис майдони умумий паст-текисликни ташкил этиб, дренаж сувларини қуилиш эҳтимоли кам, иклимининг қуруқлиги, атмосфера ёғингарчилигининг камлиги ҳамда юқори парланиш ернинг юқори горизонтидаги тез эрувчан тузларнинг йиғилишига олиб келади.



3-расм. Суғориладиган ер майдони (минг га)

1 мм да – 150 минг га.

Шунинг учун, тоғолди қуий қисмидан бошлаб, суғориладиган ерлардан фойдаланишда, тўшама тупроқларнинг ҳозирги ва кадимий шўрланганлигини, иккиламчи шўрланиш ҳавфини инобатга олиш керак.

Сўнгти 3-4 йиллар мобайнида комплекс тадбирларни жорий қилиш йўли билан суғорма ерлар унумдорлигининг

жадал суръатлар билан барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмокда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив сабабларни баҳолаш, гидромелиоратив тизимларини реконструкциялаш ва қуриш ишлари олиб борилмокда, уларнинг техник ҳолати яхшиланмокда.

Бироқ шунга қарамай, сугориладиган ерларда туз тўпланиши ва иккиласми шўрланиш хавфи бартараф бўлмаяпти, тупроқ заҳарли тузларнинг таъсиридан унумдорлигини йўқотища давом этмоқда, шўрланишга қарши чора-тадбирлар етарлича бўлмаганлиги сабабли, сугориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиш ҳолатлари кузатилмоқда (2-жадвал).

Ўзбекистон Республикасидаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллагитириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-718-сонли Қарори қабул қилинган.

Мазкур Фармон ва Қарорнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартағи «2008-2012 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат Дастури тўғрисида»ги ПҚ-817-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, унда 2008 йилдаги мелиорация ишларга давлат бюджетидан 75 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг барча тоннадаги хўжаликларида фойдаланилдиликнан срлар (минг.га)

	1985й	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Ерлар, язсан	45585	45585	45585	44457	44410,3	44410,3	44410,3	44410,3	44410,3	44410,3	44410,3	44410,3	44410,3
ш.х. супорсизлар	3976,6	4205,5	4225,2	4221,8	4297,9	4273,3	4278,8	4278	4275,3	4279	4295,3	4303	4305,3
Шуэтар	4203,5	4370,5	4248,1	4176,5	4092,8	4056,6	4056,6	4052,7	4042,7	4049	4057,2	4064,2	4068,6
ш.х. супорсизлар	3406,2	3592,5	3475,2	3407,3	3339,4	3308,3	3309,4	3307,4	3307,7	3297,7	3296,3	3303,6	3308,5
Кўнгликлар кўнгликлар	3225,7	3371,1	351,6	366,8	374,5	346,9	342,6	336,4	337	338,8	335,8	339	342,3
ш.х. супорсизлар	3117,5	324,8	333,4	354,5	361	332,3	328,1	323,1	323,5	325,3	322,7	325,5	329
Бўй сунтар	46,8	52,6	60,4	62,1	96,2	82,8	85,6	85	84,5	83,9	83,6	82,6	82,5
ш.х. супорсизлар	2,2	12,9	21	25,9	36	48,4	48,9	48,4	48,3	48,1	48,4	48,3	48,3
Генератор	1195	1125	1124	1127	109,4	1123	1112	101,3	101,3	101,6	101,7	106,6	
ш.х. супорсизлар	30,5	27,4	27,4	27,6	25	27,6	27,6	27,1	27,1	27,1	27,1	27,1	
Ж.м.н.лар	23423,7	23404	2393,6	2336,2	22393,3	22134,1	22098,5	21265,	21115,8	21595,5	21105,7	20751,	20872,2
ш.х. супорсизлар	34,4	704	8,3	9,7	17	16,7	16,7	16,8	16,8	16,8	16,8	16,2	43,1
Кемчук хўжалик	28119,2	28277	28166,1	28080	27039,1	26734,5	26694,1	25841,1	25681,3	25687,4	25683,	25343,8	25365,6
ш.х. супорсизлар	3762,9	3965	3865,3	3825	3773,4	3733,3	3730,7	3722,8	3713,4	3713,4	3718,1	3725,6	3731,1
Тоғрик, бозлар	225,5	257	382,5	451,3	601,5	649,2	665,6	675,4	682,1	687,4	698,8	699,3	693,3
Сабакотчилик	184,9	211	315	365,5	471,2	408,9	501,4	508	514,2	517,6	528,4	527,7	518,3
ш.х. супорсизлар	28,8	29,5	30,3	31,3	39,2	46	46,7	47,2	47,7	47,8	48,8	49,7	49,5
Менюорин хўжалик	149,4	131,6	101,6	103,7	75,3	82,8	80,3	79,5	79,5	78,7	78,6	77,1	
65-жон сунтар	1415,4	1402,4	1409	1410	1254,7	1373,1	1374,3	2259,8	2703,3	2693,8	2697	3104,4	3105,8
Урматар													

ЕРЛАРНИНГ ТАНАЗЗУЛИ

Ўзбекистонда шўрланган ерлар сугориладиган ерларнинг 50,7% (2170,7 минг га.) ни ташкил этади, шундан кучсиз шўрланган ерлар -31,4% ни, ўртacha шўрланган ерлар -15,5% ни, кучли шўрланган ерлар -3,8% ни ташкил этади. Яйловлар майдони -20,8 млн га, шундан -18,7 млн га сугориладиган, 1,6 млн га - дегрессияга учраган ерлар, 15,1 млн гектардан зиёд ерлар хўжалик мақсадларида фойдаланилмайди (қияликлар, уюмлар, гюлигонлар, кумликлар, чикиндихона ва бошқалар. З-жадвал).

Сугориладиган ерларнинг 20% идан 40% игача майдони дефляцияга учраган, 2,8 млн га яйловлар сугоришга муҳтоҷ, 160 минг гектардан ортиқ майдон техноген таъсирга учраган. Марказий Осиёда содир бўладиган сел тошқинларининг 75% Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади.

Ерлар таназзулга учрашининг асосий шакллари бу - табиий-иклиний омиллар ва инсон фаолияти ерларни чўлланишига ва таназзулига олиб келади. Булар жумласига:

- чўлланиш, ўрмонсизлашиш ва бошқалар;

- сугорма дехқончилик шароитларида ернинг иккиласи чўрланиши, сув босиши ва зах босиши;

- тоғ ва тоғолди ҳудудларида тупроқларнинг сув ва ирригация эрозиясига учраши;

- интенсив кўчма чорвачилик ҳудудларида яйловларни дефессия ва дефляцияга учраши;

- ерларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатда ўзлаштиришдаги техноген чўлланиши;

- агрокимёвий воситалар кўлланилиши, саноат ва маҳаллий чиқиндилар ташланилади ва зироатчиликдаги яккаҳокимлик натижасида тупроқнинг ифлосланиши ва ҳосилдорликнинг йўқотилиши;

2000-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар бўйича сугориладиган майдонларнинг шўрланиш дарражаси

3-жадвал

№	ХУДУД НОМРИ	ЖАМОАТ	Жами сугориладиган ни майдон, мийнга	шўрланишмаган майдон мийнга	Шўрланишлик дарражаси		Ургача шўрланиш	Кучини шўрланиш мийнга	%
					Жами шўрланишган майдон (%)	Жами шўрланишган мийнга (%)			
1. Республика	2003	2000	4245,7	1944,6	45,8	54,2	1263,3	29,8	847,6
	2004	2001	4252,6	1928	45,3	54,7	1212,9	28,5	893,3
	2005	2002	4253,8	2030	47,7	52,3	1241,9	29,2	784,4
	2006	2003	4261,8	2048,6	48,1	51,9	1282,9	30,1	752
	2007	2004	4266,2	2079,7	48,7	51,3	1271,8	29,8	740
	2008	2005	4273,6	2093,3	49	51	1323,7	31	695,4
	2009	2006	4280,4	2109,1	49,3	50,7	1344,6	31,4	663,5
	2010	2007	4297,1	2125,4	49,5	50,5	1344,6	31,3	664,4
	2003	2000	500,1	47,5	9,5	90,5	246,11	49,2	138,73
	2004	2001	500,2	50	10	90	215,8	43,1	172,1
2. Коралл Республика	2005	2002	500,2	73,8	14,8	85,2	169,7	33,9	192,2
	2006	2003	500,3	78,7	15,7	84,3	173,4	34,7	190,7
	2007	2004	500,1	93,1	18,6	81,4	179,5	35,9	170,8
	2008	2005	500,1	103,1	20,6	79,4	168,4	33,7	172
	2009	2006	500,4	105,1	21	79	158,4	31,7	175,9
	2010	2007	500,4	105,1	21	79	158,4	31,7	175,9
	2003	2000	264,5	245,9	93	7	10,5	4	8,1
	2004	2001	264,3	240,6	91	9	12	4,5	11,7
3. Азрик Республика	2005	2002	263,9	245,7	93,1	6,9	8	3	10,2
	2006	2003	263,9	248,4	94,1	3,9	9,2	3,5	6,3
	2007	2004	263,8	247,9	94	6	9,7	3,7	6,3
	2008	2005	265,3	249	93,9	6,1	10,3	3,9	6
	2009	2006	265,8	250,8	94,4	5,6	10,2	3,8	4,7
	2010	2007	273,2	258,3	94,5	5,5	10,2	3,7	4,7

Давоми

	2003	2000	273,8	10,2	3,7	96,3	142,5	52	89,2	32,6	31,9	11,7
	2004	2001	274,2	11,2	4,1	95,9	131,4	47,9	94,8	34,6	36,8	13,4
	2005	2002	274,2	16,1	5,9	94,1	140,8	51,3	85,7	31,3	31,6	11,5
	2006	2003	273,7	25,2	9,2	90,8	148,8	54,4	76,8	28,1	22,9	8,4
4	Бүгд	2007	273,1	22,9	8,4	91,6	151,2	55,2	77	28,1	22,6	8,3
	2008	2005	274,6	26,3	9,6	90,4	156,1	56,8	74,4	27,1	17,8	6,5
	2009	2006	274,9	26,7	9,1	90,2	159,5	58	72,6	26,4	15,8	5,7
	2010	2007	274,9	27	9,8	90,2	159,5	58	72,6	26,4	15,8	5,7
	2003	2000	300,6	43	14,3	85,7	137,8	43,9	113,4	38,4	43	14
	2004	2001	301,5	45,6	15,1	84,9	125,1	41,5	122,6	40,7	8,2	2,7
	2005	2002	301,3	45,9	15,2	84,8	143,8	47,7	103,9	34,5	7,7	2,6
	2006	2003	301,2	50	16,6	83,4	142,4	47,3	101,1	33,6	1,1	2,6
5	ЖКХ	2007	301	45,9	15,3	84,8	148,9	48,5	98,8	32,8	7,3	2,4
	2008	2005	299,8	43,3	14,4	85,6	156,6	52,2	92,4	30,8	7,5	2,5
	2009	2006	299,8	43,8	14,6	85,4	161,6	53,9	87,2	29,1	7,2	2,4
	2010	2007	299,6	43,6	14,6	85,4	161,6	53,9	87,2	29,1	7,2	2,4
6	Kazum	2003	497,7	51,2	48,8	164,1	33	60,5	12,2	38,2	3,6	3,6
	2004	2001	498,6	250	50,1	69,9	166,4	33,4	67,7	12,6	19,5	3,9
	2005	2002	498,6	252	50,5	49,5	170	34,1	60,4	12,1	16,2	3,2
	2006	2003	505,4	253,2	50,1	49,9	177,1	35	59,6	11,8	15,4	3,1
	2007	2004	505,4	260,3	51,5	48,5	170,1	33,7	59,6	11,8	15,4	3
	2008	2005	505,4	263,3	52,1	47,9	171	33,8	56,6	11,2	14,5	2,9
	2009	2006	505,8	264,4	52,3	47,7	175,5	34,7	51,7	10,2	14,3	2,8
	2010	2007	512,6	271,1	52,9	47,1	175,5	34,2	51,7	10,1	14,3	2,8
7	Насо	2003	127,4	16,8	13,2	86,8	65,6	51,5	37,2	29,2	7,8	6,1
	2004	2001	125,9	16,8	13,3	86,7	62,3	49,5	34,3	27,2	12,5	9,9
	2005	2002	125,4	16,8	13,4	86,6	67,8	54,1	29,3	23,4	11,5	9,2
	2006	2003	127,2	16,8	13,2	86,8	72,9	57,3	21,4	21,5	10,1	7,9
	2007	2004	131,8	16,8	12,7	87,3	78,7	59,7	26,9	20,4	9,4	7,1
	2008	2005	131,8	16,8	12,7	87,3	80,2	60,8	25,8	19,6	9	6,8
	2009	2006	131,8	16,8	12,7	87,3	83,1	63,1	23,2	17,6	8,7	6,6
	2010	2007	123,8	8,8	7,1	92,9	83,1	67,1	23,2	18,7	8,7	7

Давоми

8	Нака	2003	2000	278,2	235,8	84,8	152	27,5	9,9	13	4,7	1,9	0,7
		2004	2001	278,5	244,5	87,8	12,2	22,7	8,2	10	3,6	1,3	0,5
		2005	2002	279	242,9	87,1	12,9	20,3	7,3	13,2	4,7	2,6	0,9
		2006	2003	279,5	246,8	88,3	11,7	17,8	6,4	12,6	4,5	2,3	0,8
		2007	2004	279,4	248,8	89	11	18,7	6,7	9,8	3,5	2,2	0,8
		2008	2005	278,9	251,7	90,2	9,7	17,1	6,1	8,9	3,2	1,2	0,4
		2009	2006	281,6	254,9	90,5	9,4	17,4	6,2	8,1	2,9	1	0,4
		2010	2007	282,6	256,1	90,6	9,4	17,4	6,2	8,1	2,9	1	0,4
		2003	2000	373,2	359,8	96,4	3,6	8,6	2,3	4	1,1	0,8	0,2
		2004	2001	376,1	367,4	97,7	2,3	6,8	1,8	1,9	0,5	0	0
9	Самет	2005	2002	376,5	371,4	98,6	1,4	4,6	1,2	0,5	0,1	0	0
		2006	2003	376,4	371	98,6	1,4	4,8	1,3	0,6	0,2	0	0
		2007	2004	376,6	368,4	97,8	2,2	7,3	1,9	0,8	0,2	0,2	0
		2008	2005	376,4	367,9	97,7	2,3	8	2,1	0,4	0,1	0,2	0
		2009	2006	376,8	366,7	97,3	2,7	9,7	2,6	0,4	0,1	0,03	0
		2010	2007	377,9	367,8	97,3	2,7	9,7	2,6	0,4	0,1	0,03	0
		2000	2000	324,6	205,4	63,3	36,7	55,1	17	58,1	17,9	6	1,8
		2001	2001	324,6	195,5	60,2	39,8	65,4	20,1	60	18,5	3,7	1,1
		2002	2002	326,6	208,8	63,9	36,1	74	22,7	41,2	12,6	2,6	0,8
		2003	2003	326,1	223,6	68,6	31,4	67,9	20,8	33	10,1	1,6	0,5
10	Сурх вніп'я	2004	2004	326	220,5	67,6	32,4	58,9	18,1	44	13,5	2,7	0,8
		2005	2005	327	202,6	62,2	37,8	70,1	21,5	50,7	15,6	2,3	0,7
		2006	2006	325,7	208,9	64,1	35,9	65,2	20	49,8	15,3	1,8	0,5
		2007	2007	325,7	208,9	64,1	35,9	65,2	20	49,8	15,3	1,8	0,5
		2008	2008	289,3	3,8	1,3	98,7	150,3	51,9	112	38,7	23,2	8
		2009	2009	291,6	3,3	1,1	98,9	157,2	33,9	104,4	35,8	26,7	9,2
		2010	2010	290,7	8,7	3	97	178,6	61,4	85,4	29,4	18	6,2
		2011	2011	290,7	7,7	2,6	97,4	176,6	60,7	87,4	30,1	19	6,5
		2012	2012	290,7	6,4	2,2	97,8	177,8	61,2	93,1	32	13,4	4,6
		2013	2013	290,5	7,3	2,5	97,5	211,8	72,9	61,6	21,2	9,8	3,4
11	Сират	2014	2014	290,7	7,9	2,7	97,3	219,5	73,5	54,8	18,8	8,5	2,9
		2015	2015	292,2	9,4	3,2	96,8	219,5	75,1	54,8	18,8	8,5	2,9

Давоми

	12	Тапкө	2003	2000	385,2	370,1	96,1	3,9	12,6	3,3	1,8	0,5	0,8	0,2
			2004	2001	383,7	373	97,2	2,8	5,9	1,5	3,7	1	1,1	0,3
	13	Фарғо	2005	2002	382,4	371	97	3	6,5	1,7	3,8	1	1,1	0,3
			2006	2003	382,4	367,1	96	4	10	2,6	4,4	1,2	0,9	0,2
	14	Хораз	2007	2004	383	367	95,8	4,2	8,4	2,2	5,3	1,4	2,3	0,6
			2008	2005	389	378,9	97,4	2,6	6	1,5	3,7	1	0,4	0,1
	2009		2006	2003	389	378,6	97,3	2,7	8,4	2,2	2	0,5	0	0
			2010	2007	394,2	383,8	97,4	2,6	8,4	2,1	2	0,5	0	0
	2010		2000	2003	355,1	151,3	42,6	57,4	119,8	33,7	72,7	20,5	11,3	3,2
			2001	2004	357,4	130,1	36,4	63,6	112,2	31,4	101,6	28,4	13,5	3,8
	2005		2002	2003	358,7	176,9	49,3	50,7	117	32,6	55,7	15,5	90,1	2,5
			2006	2004	358,7	160,1	44,6	55,4	135,4	37,7	54,8	15,3	8,4	2,3
	2007		2007	2005	357,4	181,8	50,9	49,1	109,7	30,7	55,2	15,4	10,7	3
			2008	2009	358,8	183,1	51	49	109,9	30,6	56,5	15,7	9,3	2,6
	2010		2006	2006	358,8	184,5	51,4	48,6	126,2	35,2	40,2	11,2	7,8	2,2
			2007	2007	359,8	185,6	51,6	48,4	126,2	35,1	40,2	11,2	7,8	2,2
	2003		2000	2000	276	0	100	122,8	44,5	116,9	42,4	36,2	13,1	
			2001	2004	276	0	100	129,7	47	113,5	41,1	32,8	11,9	
	2005		2002	2003	276,3	0	100	140,8	51	102,9	37,2	32,6	11,8	
			2006	2004	276,3	0	100	146,6	63,1	97,3	35,2	32,4	11,7	
	2007		2007	2005	277,4	0	100	152,9	55,1	92,6	33,4	31,9	11,5	
			2008	2008	277,3	0	100	158,2	57,1	86,4	31,2	22,7	11,8	
	2009		2006	2006	279,3	0	100	149,8	53,6	93	33,3	26,5	13,1	
			2010	2007	280,2	0	100	149,8	53,5	93,9	33,5	26,5	13	

- Орол денгизининг қуриши ва туз-чанг тўёнлари, аэрозоп ва бошқаларнинг тупроқ юзасига ўтириши ҳисобига тупроқларнинг шўрланиши.

Тупроқ шўрланиши. Ерларнинг ортиқча шўрланиши шўрланмаган ерларга нисбатан кам ҳосил беради. Юқори ҳосил олишда давлат ва ердан фойдаланувчилардан катта меҳнат ва етарлича маблағ талаб этилади. Шунинг учун ердан тўғри, унумли фойдаланиб, доимо ернинг ҳосилдорлигини ошириш, давлат сиёсатининг минтақавий, худудий ва маҳаллий ҳамда мамлакат ва ҳар бир хўжаликнинг иқтисодий ягона тизимини ривожлантириш режаларининг бир бўлими сифатида қараш лозим.

Ҳозирги вақтда республиканинг 2170,7 минг гектардан зиёд суғориладиган ерлари турли даражада шўрланган бўлиб, шундан 17,5 минг га - шўри ювиладиган ерлар 1344,6 минг га - кучсиз шўрланган, 663,5 минг га - ўртacha шўрланган ва 162,6 минг га - кучли шўрланган ерларни ташкил этади.

ТУПРОҚ•ЭРОЗИЯСИ

Тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсир этувчи асосий жараёнлардан бири - сув ва ирригация эрозиясидир. Ирригация эрозиясига асосан суғорма оч ва тўқ тусли бўз тупроқли ерлар мойил бўлади. Бу майдонларнинг ярмига яқини бўлакланган рельефли жойлар ва уларда ирригация эрозияси ривожланиш эҳтимоли чўл ҳудудларидағига нисбатдан кўпроқдир. Тупроқларнинг ювилиши қиялик 1-2° га етганда бошланиб, қиялик ошган сари эрозия жараёни жадаллашади.

Энг хавотирлиси шундаки, ирригация эрозияси натижасида тупроқлардан гумус ва озиқлантирувчи моддалари йўқолади. Бунинг оқибатида, қишлоқ хўжалиги ер айланмасидан қимматбаҳо суғориладиган ерлар чиқмоқда,

Бундан ташкари, тупроқларга солинадиган ўғит ва захарли кимёвий моддаларнинг учдан бир қисми тупроқдан ювилиб, сув ҳавзаларида йигилиб, атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатади.

Республиканинг 643,2 минг га суғориладиган ерлари ирригация эрозиясига дучор бўлган. Қашқадарё (159,7 минг га) Тошкент (138,6 минг га), Самарқанд (121,9 минг га) вилоятларининг суғориладиган ерлари ирригация эрозиясига кўпроқ дучор бўлган. Сув эрозиясига (жами 746,4 минг га) Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидағи лалми ерлари учраган. Шунинг учун, ушбу ерларда эрозияга қарши аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистонда шамол таъсири остидаги тупрок дефляцияси 50% ортиқ чўл ва бўз тупроқ миңтақаларини қамраб олган. Фарғона водийсининг гарбий ва марказий қисми, Бухоро воҳаси, Мирзачўлнинг шимолий-гарбий чўли, Қарши ва Шеробод чўллари, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг суғориладиган ерлари, шамол таъсири остида кўпроқ дефляциясига учраган. Тупроқнинг учирилиши натижасида экилган қишлоқ хўялиги экинларининг нобуд бўлиши кўпроқ Фарғона водийси ва Бухоро воҳасида содир бўлмоқда. Шамол таъсири остида емирилишга, енгил механик таркибли қумлоқ, қум тупрок, енгил қумлоқ тупроқ бўлган ерларга учрамоқда. 2007 йили Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги 75 км узунликдаги латок ва ариклар, шамол таъсиридаги дефляция оқибатида кўмилиб қолди.

Шундай қилиб, республика ҳудудида барча турдаги тупроқ эрозиялари ва дефляциялар тарқалган. Бунда эрозия жараёнларининг жадаллиги ва эрозияга учраган тупроқларнинг тарқалиши шимолдан жанубга караб ўсиб боради. Зарафшон, Амударё сув оқимлари лойқалилиги Чирчик ва Ангрен дарёларига нисбатан юқорилиги бунга мисолдир.

ЕРЛАРНИНГ ПЕСТИЦИДЛАР БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИ. МИНЕРАЛ, ОРГАНИК ЎЃИТЛАР ВА ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ЧИҶАРИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси - қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатdir. У қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 25 млн. 736 минг га ерга эга. Бундан суғориладиган ерлар майдони 4,2 млн га бўлиб, шу жумладан, 3,30 млн гектари шудгорли, суғориладиган майдонлардир. Айнан ана шу суғориладиган ерлардан, республика қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97% дан ортиғи олинади. Сув тақчиллиги сабабли, суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш деярли мумкин эмас. Қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулотнинг 25% ини беради. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллайди, Республика 2007 йилда 6 млн тонна бошоқли дон экинларинн етиштириб, ўзининг дон мустақиллигини таъминлади. 2011 йил маълумоти бўйича Ўзбекистон аҳолиси ҳозирги вақтда 28 млн кишидан ортиқ кишини ташкил этади, улардан 36,4% -шаҳарларда ва 63,6% - қишлоқ жойларда яшайди. Аҳолининг табиий ўсиши 2006 йилда 400 минг кишини ташкил қилган. Ҳайдаладиган суғорма ерлар жон бошига ҳисобланганда камайиб бормокда. Масалан, 1970 йилда ҳар бир кишига 0,22 га суғориладиган ер тўғри келган бўлса, ҳозирда ушбу кўрсаткич 0,14 га гача камайган. Мазкур шароитларда ўсиб бораётган мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлагандаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, шу жумладан, кимёлаштириш эвазига амалга оширилиши мумкин.

Ҳар бир тонна минерал ўғит 5-6 нафар аҳолини озиқ-овкатга бўлган йиллик талабини қондириш мақсадида ишлатилмоқда. Ўғитларни ишлаб чиқариш ва қўллашга қилинган харажатлар кўшимча қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари қиймати билан 2-3 бараварига қопланади. Минерал ўғитлар кўлланилиши хисобига, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг ўртача 40-50% га ўсишига имкон беради, Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларининг кўллашдаги самараси нафақат ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулотни сақлаб қолинишида, балки қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини сезиларли ўсишида намоён бўлади. Бу қуйидаги мисолларда кўринади. Сайёрада 1900-1940 йиллар орасида қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги 60% га ўсган бўлса, кейинги 40 йил мобайнида, яъни 1980 йилда, кимёвий воситалардан кенг фойдаланилиши натижасида бу кўрсаткич 11 марта ортди. Ўғитларнинг кўлланилиши ҳосилдорлик ўсиши ва қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ошишининг бош омилларидан бири хисобланади.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, ўғитлар кўлланиши хисобига мамлакат қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосилининг 45-50% ини олади. Улар оқилона кўлланилганда кўпчилик фермер (дехқон) хўжаликларида олинган қўшимча ҳосил тупроқнинг табиий имкониятидан 2-3 баравар кўпdir. Айни вактда, минерал ва органик ўғитларни палапартиш, ношудлик билан ишлатилиши ҳосилдорликни сезиларли даражада пасайишига ва атроф-муҳитни ифлосланишига олиб келади. Энергия манбаларининг нархи шиддат билан ўсиши сабабли, ўғилларнинг баҳоси дунё миқёсида, шунингдек, ички бозорда ҳам кўтарилмоқда ва харажатларни оқлаш йўлларини излашни талаб этади. Бунга қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш орқали эришиш мумкин.

Ўғит қийматининг ҳосил билан қопланиши кўп жиҳатдан уларни кўллаш меъёрлари. муддатлари ва уларни ҳар бир қишлоқ хўжалик экинларига солиш усусларига боғлик. Бунда тупроқнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг маданийлаштирилганлиги, тупроқларни озиқлантирувчи

моддалар билан таъминланганлиги, механик таркиби, шўрланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқлигини ҳисобга олиш лозим (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

**Республика сугориладиган ерларининг тўйинтирувчи
моддалар билан таъминланганлиги
(умумий майдоннинг фоизи микдорида)**

Тўйинтирувчи моддалар (харакатчан шакллар, мг/кг)	1982 йил	2001 йил
АЗОТ	АЗОТ	АЗОТ
<20	5,7	9,5
20-30	27,6	38,6
30-50	32,0	35,7
50-60	19,1	13,1
>60	4,7	2,3
ФОСФОР	ФОСФОР	ФОСФОР
0-30	61,0	67,9
31-45	27,5	29,0
>46	11,5	3,6
КАЛИЙ	КАЛИЙ	КАЛИЙ
0-200	27,6	37,0
200-300	31,8	18,0
>300	40,6	26,9

*Ўғитларни қўллаши меъёrlари ҳисоб-китоби фермер
хўжалигига:*

-режалаштирилган ҳосил даражасига нисбатан, экин майдонларига ўғитларни тўғри тақсимлашда (алоҳида ишлов берилган ерларга), тупроқнинг унумдорлиги озиқлантирувчи моддаларни харакатланиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда;

-алоҳида ишлов берилган майдонларга озиқлантирувчи моддаларнинг бир хилда тарқалиши ва серхосиллик даражасини ошириш;

- режалаштирилган ҳосилни олиш учун, ўсимликларни озиқлантиришнинг кулагай шароитини таъминлаш;

- минерал ва органик ўғитларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ғўза ривожланиши турли даврларида, турлича озиқлантиришни, ҳарорат, тупроқ намлиги ва ёруғликка этибор беришни талаб этади. Шу омилларни тартибга сола туриб, пахта толаси миқдори ва сифатига мақсадли, йўналтирилган таъсир кўрсатиш мумкин. Ғўзанинг униб чиқишидан то гунчалаш давригача 3-5% азот ва фосфор, 2-4% калий умумий моддаларини, бутун ўсиш даврида, гуллашдан то ёппасига гуллаш давригача 25-30% азот, 15-20% фосфор ва калий ҳамда ёппасига гуллаш давридан то чаноқлар етилгунга қадар 65-70% азот ва 75-80% фосфор ва калий ўғитларини истеъмол қиласди.

Ўзбекистон пахтацилик илмий-текшириш институтида гўза ўғитларсиз 10-12 ц/га, 200-250 кг азот, 140-175 кг фосфор ва 100-125 кг калий ўғитлари кўлланилганда гектаридан 30-35 центнердан кафолатланган пахта хомашёси олиниши аллақачон кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини асосий экиnlари учун минерал ўғитларнинг илмий асосланган ўртacha меъёрлари белгиланган (5-жадвал қаранг).

5-жадвал

Асосий қишлоқ хўжалиги экиnlари учун ўртacha илмий асосланган минерал ўғитлар меъёрлари (100% тўйинтирувчи моддаларга кг/га)

Қишлоқ хўжалиги экиnlари	Азотли (N)	Фосфорли (P)	Калийли (K)
Донли бошоқли: сугорища	180-200	100-120	60-70
лалмикор	50-60	40-50	-
Маккажўхори донга	180-220	320-140	85-90
Шоли	200-220	140-345	150-180
Пахта			
ўрта толали	200-240	140-165	100-120

ингичка толали	230-250	160-175	110-125
Каноп	160-180	130-140	80-90
Тамаки	120-150	80-300	40-45
Картошка	120-150	85-100	60-75
Сабзавотлар	145-200	100-110	70-75
Полиз	50-75	100-130	45-50
Илдизмевалар ем учун	220	90	60
Маккажүхори силосяга	200	90	60
Ўтган йиллардаги беда	100	90-100	50-60
Мева берувчи боғлар	120-130	85-90	65
Мева берувчи	335-140	90-95	70
токзорлар			
Тут плантациялари	100	60	40

Илмий асосланган меъёрлар асосида, республика қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларга бўлган талаб аниқланган (б-жадвалга қаранг).

Мисол учун, минерал ўғитлардаги талаб тахлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг азот (M), фосфор (P) ва калий (K) ўғитларига бўлган талаби азот бўйича 761,82 минг т, фосфор (P_2O_5) бўйича 518,27 минг т ва калий (K_2O_5) бўйича 278,12 минг тоннани ташкил этади.

Бунда ушбу ўғитларни амалда етказиб берилиши етарли эмас. 2006 йилда Ўзбекистон кимё саноати корхоналари 812,3 минг т азот, 128,6 минг т фосфорли ўғитлар (100% азот ва P_2O_5 ҳисобидан). 5,4 минг тонна хлорит магний дефолиант, (Фарғона «Азот» ОАЖ) ва 0,263 минг тонна ўсимликларни химоя қилиш воситалари (амалдаги 100% моддалардан) ишлаб чиқарган. Агар азотли ўғитлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги талабларидан ортиб кетган бўлса, фосфорли ўғит ишлаб чиқариш талаб меъеридан анча кам. 25 минг. т калийли ўғитни Россиядан сотиб олинмоқда, бу ҳам талаблар меъеридан анча йироқ.

**Минерал ўғитлар йиллик меъёрининг агротехник
киритиш муддати бўйича тақсимланиши
(йиллик меъёрининг фоизи микдорида)**

Экин	Ўғит тури	Киритиш муддати					
		Ер хайдаш учун	Экишдан оддин	Кўчаг билан бирга	Кўшимча равишида		
					1	2	3
Fўза	N	-	25	5	20	25	25
	P	60-70	-	15-20	-	-	15-20
	K	50	-			50	
Каноп	N	-	25	-	35	40	-
	P	50	-	-	-	50	-
	K	50	-	-	-	50	-
Тамаки	N	-	-	-	35	35	30
	P	50	-	-	-	25	25
	K	50	-	-	25	25	-
Донли бошоклилар	N	-	15	-	40	45	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Маккажўхори ва жувари	N	-	30	-	35	35	-
	P	50	-	-	-	50	-
	K	50	-	-	50	-	-
Шоли	N	-	30	-	40	30	-
	P	-	70	-	-	30	-
	K	-	50	-	-	50	-
Маккажўхори ва жувари силосяга	N	-	30	-	35	35	-
	P	50	15	-	-	35	-
	K	50	-	-	50	-	-
Судан ўти	N	-	-	-	100	-	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Жорий йилдаги беда бошоклилар қоплами билан	N	50	-	50	-	-	-
	P	80	-	20	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-

Давоми

Жорий йилдаги беда қопламсиз	N	-	-	-	-	-	-
	P	80	-	20	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Үттан йилдаги беда	N	-	-	-	100	-	-
	P	-	-	-	100	-	-
	K	-	-	-	100	-	-
Илдиз мевали ем экинлари	N	-	-	-	50	50	-
	P	75	-	-	25	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Сабзавотлар	N	-	30	-	35	35	-
	P	75	-	25	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Томатлilar	N	-	15-20	-	45-40	40	-
	P	70-75	-	-	25-30	-	-
	K	50	-	-	25	25	-
Карам эртанги ва кечки	N	-	15-20	-	45-40	40	-
	P	60-70	25-30	-	-	-	-
	K	50	-	-	25	25	-
Сабзи	N	-	-	-	50	0	-
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Пиёз	N	-	-	-	50	50	-
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	-	-	-	-	-	-
Бодринг	N	-	15-20	-	35-40	25	25
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	50	-	-	-	-	50
Полиз екинлари	N	-	-	50	-	50	-
	P	75	-	25	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Картошка	N	-	-	20	30	50	-
	P	75	-	25	-	30	-
	K	100	-	-	-	50	-
Мевали боглар	N	-	30	-	35	35	-
	P	100	15	-	-	35	-
	K	100	-	-	50	-	-

		Давоми					
		N	P	K	N	P	K
Мевали токзорлар		50	-	-	50	50	-
	P	50	-	-	-	-	-
	K	50	-	-	-	-	-
Ипак плантациялар и	N	-	-	-	-	-	-
	P	80	-	-	20	-	-
	K	60	-	-	40	-	-
Мевасиз бое ва токзорлар	N	-	-	-	50	50	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-

Республикада бир гекгар суғориладиган шудгор ерга 218 кг азотли ўғит, 34,4 кг фосфорли, 6,7 кг - калийли ўғитлар ва 0,07 кг ўсимликларни кимёвий химоялаш воситалари тўғри келади. Бу жуда ҳам кам. Фосфорли ўғитнинг етишмаслиги ва калийли ўғитнинг амалда йўқлиги шунга олиб келдики, 2006 йилда ғўзанинг ўртacha ҳосилдорлиги бор йўғи 26 ц/га ташкил этган. Аниқланишича, ўсимликлар тупроқдан минералларни олиб чиқиши, ўртacha толали ғўза навининг бир тонна ҳосили учун тупроқдан 55-60 кг азот, 20-25 кг - фосфор ва 50-60 кг - калийни ташкил этади, ингичка толали ғўза нави учун эса 15% кўп. Минерал ўғитлар йиллик меъерининг агротехник киритиш муддати бўйича тақсимланиши (йиллик меъерининг фоизи микдорида) тупроқдан ўртacha 35-40 кг азот, 13-15 кг фосфор ва 23-25 кг калий тортиб олинади,

3,6 млн. т пахта ва 6,0 млн. т. буғдойнинг ялпи ҳосити бир йилда тупроқдан 348,5 минг т азот, 106 минг т фосфор ва 281,4 минг т калийни тортиб олади. Бошқа ўсимликлар ҳам тупроқдан кўпгина озиқлантирувчи минералларни тортиб олади. Уларнинг тупроқ таркибидағи ўрнини тўлдириш зарур. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистонда минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак, Бу ерда шуни таъкиддаш лозимки, ўсимликлар учун асосий озуқа минераллари бу -

азот, фосфор - калий, олтингугурт кальций ва магнийдир. Бунда; мис, рух, молибден, марганец, кобальт ва бўр каби микроэлементлар ҳам катга аҳамият касб этади, Шунинг учун, олтингугурт аралашмали ва микроэлементли ўғитларни ишлаб чиқаришни йўлга кўймоқ лозим. Қудратли рангли металлургия саноатига эга бўлган Ўзбекистон учун бунинг имкони бор. Муаммо шундаки, ўсимликларни озиқлантиришда минераллардан фойдаланиш жуда паст даражада. Азотли, калийли минерал ўғитлардан фойдаланиш 40-45% азот ва калий, бир йилда солинган фосфорли ўғитлардан 16-20% ва сўнгги 2-3 йилда тахминан 25% фойдаланилган. Фосфорли ўғитнинг йил давомида кам ишлатилиши сабаби - тупроқда фосфор аралашмаси ҳаракатсиз ёки ниҳоятда кам ҳаракат ҳолатида мавжуд бўлиб, ўсимлик илдизи батамом ўзлаштира олмайди. Шунинг учун, ўсимлик ҳосилдорлигини оширишда, кўзланган ҳосилни олиш учун тупроқдан олиб чиқиладиган фосфорли ўғитни ҳисобга олган ҳолда, 4-5 мартадан зиёд солиш керак. Шунинг учун минерал, айниқса фосфорли ўғитларнинг фойдали таъсир коэффицентини оширишга қаратилган ишлар ўта долзарб ҳисобланади.

Кишлоқ хўжалигига, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги асосий муаммо, ҳар кандай тупроқ ҳосилдорлигини оширувчи, тупроқдаги гумус аралашмаси билан боғлиқ. Тупроқдаги гумус унинг физик, физико-механик, гидро ва термофизик, агротехник, биологик хусусиятларини ва пировард натижада ҳосилдорлигини белгилайди. Ўзбекистон тупроклари, ушбу муҳим элемент таркибига кўра, кам таъминланган тупроклар сирасига киради. Шунга қарамай, тупроқда дегумификация жарабёни кечмокда, яъни гумуснинг парчаланиши ва йўқ бўлиши содир бўлмоқда. Тупроқдаги гумуснинг 1% йўқолиши, қишлоқ хўжалиги экинлари ва буғдой дони бошогининг ҳосилдорлигини гектарига 2-3 центнер пасайишига олиб келади. Тупроқни

дегумификация бўлиш сабаби, кўп йиллик дуккакли ўтларни алмашлаб экишда майдонларнинг қисқариши ва органик ўғитларнинг етишмаслигидадир. Дехқончиликда, гумусни такрорий ишлаб чиқарувчи манбай бўлган, органик ашёлар - бу чорвачилик чиқиндиси бўлмиш гўнгидир. Лекин, Ўзбекистонда гўнг манбалари ҳозирча кўп эмас, бори ҳам фақат умумий сугориладиган, шудгорли майдонларни ҳар йиллик ўғитлашда учдан бирига тўғри келади. Бу миқдор, 3,7 т га тўғри келади, аслида энг мақбул меъёр 20-30 т га ни ташкил этиши керак. Пахта экиладиган минтақаларда органик ўғит сифатида, гўнгдан ташқари, ўсимликлардан чиқсан чиқитлар (ўсимлик поясидан, пахта кўсаги чаноқларидан ва бошқа ўсимликлардан), саноат чиқитлари (пахта тозалашдан, гидролиздан, шолидан, ёгочга ишлов беришдан, тамакидан ва бошқалардан), шунингдек, қаттиқ майший чиқиндилар - нажас, гўнгдан фойдаланиш зарур. Аммо органик ўғитлар ичida юқори самаралиси бу - парранда гўнгидир. Ўзбекистонда, ҳозирги вактда 50 дан ортиқ, паррандачилик фермалари фаолият кўрсатмоқда ва ҳар бир фермадан бир суткада 150 тоннагача парранда гўнги ташилади. Азот, фосфор, калий ўғитларига нисбатан ҳисоблагандан, ҳар бир паррандачилик фермасидан 3750 кг азот, 2500 кг фосфор, 1500 кг га яқин калий чиқитини чиқаради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ўсимликларнинг озуқа элементлари йўқотилиши ҳамма паррандачилик фермаларида азот - 54750 т, фосфор - 3723С т, калий - 21.900 т бўлиб, бу нисбатан ҳисобланганда 30 млн. т органик ўғитга тўғри келади. Органик ўғитлари захирасининг сезиларли салоҳияти бу - қаттиқ майший чиқиндилар ва шаҳар оқава сувлари чўқиндилари компостларидир. Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш, биринчи навбатда аҳолиси 300 минг кишидан ортиқ шаҳарларда максадга мувофиқдир. Бундай шаҳарларда, ахлат чиқитлари йилига 14 млн. тоннани ташкил этади,

уларнинг 9 млн. тоннасидан компост тайёрлаш мумкин. Ҳар йили Ўзбекистонда 21,0 млн.т шундай компост тайёрлаш мумкин. Бу ҳар йили 700 минг га майдоннинг ҳар гектарига 30 тоннадан органик ўғит чиқаришига етади. Органик ўғитлардан унумдор фойдаланишга эришишда фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига янги технология жараёнларини ва механизация воситаларини кетма-кет тадбиқ этишга боғлик.

Яна бир муаммо - бу зааркундалар ва ўсимликларнинг касалликлари. Республикаиз экин майдонларида 300 дан ортиқ зааркундалар, гўза касаллигининг 20 тури, ёввойи ўтларнинг 100 дан ортиқ хили рўйхатга олинган. Агар ушбу касалликларга қарши курашилмаса, унда 220 минг т пахта толасини, 170 минг т ғалла, 200 минг т шоли, 300 минг т сабзавот., 80 минг т картошка, 90 минг т мева ва 120 минг т узумни йўқотиш мумкин. 2006 йилда, Навоий «Электрокимёсаноат» ОАЖ 263 тонна ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқарган бўлиб, бу зааркундалар ва ўсимликларнинг касалликларига қарши ишлатиш учун жуда ҳам камдир. Республикаизда уруғларни заарсизлантирадиган дориларга бўлган талаб 1995 йилда 940 т ни, инсектицидларга - 9379 т, гербицидларга - 3040 т, фунгицидларга - 4525 т, дефолиантларга - 30065 т, ўсиш суръатини тезлаштирувчи ва бошқарувчи воситаларга бўлган талаб 925 т ни ташкил этган. Уларни хориждан сотиб олиш учун 102 млн. АҚШ доллари ажратилган. Афсуски, республикада дефолиантлардан ташқари, хориждан келтириладиган бу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ривожланмаяпти.

ЯЙЛОВЛАР ДЕГРЕССИЯСИ

Ўзбекистонда яйлов майдонлари 20,8 млн. гектарни (мамлакат умумий майдонининг ярмига teng) эгаллайди, шундан 17,4 млн гектари чўл минтақасига тўғри келади. Сўнгги 15-20 йилларда кўчма чорвачиликда яйловлардан меъёрда фойдаланмаслик, эрозия, молларни яйловларда ортиқча боқиш ва бошқа антропоген таъсирлар натижасида озуқа ҳажмининг йўқолиши - дегрессияси содир бўлди. 20,8 млн га яйловлардан 16,4 млн. гектари (78%) дегрессияга учраган бўлиб, ундан: 9,3 млн. га майдондаги ем-хашак озуқаси 20-30%; 5 млн. га майдондаги 30-40%; 2,1 млн. га ёки 40% дан ортиқ майдондаги ем-хашак озуқаси дегрессияга учраган. Яйловлар дегрессияси, асосан Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикаси худудларида кузатилмоқда. 70% дан ортиқ майдон, шу жумладан, унинг учдан бир кисми кучли даражада дегрессияга учраган. Барча ерда тоғ яйловларидан ҳаддан ташқари жадал фойдаланиш ўз навбатида ўсимликлар деградациясига олиб келмоқда ва бунинг оқибатида жала оқимлари кўпайишига ва селлар тақрорланишининг ортишига олиб келади. Шунинг учун, Ўзбекистонда селларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари кучли ривожланган.

ЕРЛАРНИ СУВ БОСИШИ

Ўзбекистон ҳудудининг 20% дан зиёдроқ майдонини сув босган. Қорақалпогистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида сугориладиган ерларнинг 40% дан кўпроғи, Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятларида 30-40%, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Бухоро вилоятларида 20-30% сув босишга учраган. Кўпчилик сугориш массивларидаги сув босишларга юқори рельефли ерларнинг ўзлаштирилиши ва сугорилиши сабаб бўлмоқда.

Сув босиш жараёнининг олдини олиш учун сизот сувлари сатхини пасайтириш учун, жумладан:

- коллектор-дренаж тармоқлари зичлигини ошириш;
- гидротехник иншоотларни лойқалардан тозалаш, агротехник тадбирларга риоя этиш;
- сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни амалга ошириш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИ. ЕР КАДАСТРИНИНГ ОБЪЕКТИ

Ер кадастрининг объекти ҳамда унинг асосий тоифалари.

Ўзбекистон Республикасида ер – давлат мулки – умуммиллий бойлиқдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади. Давлат ернинг асосий хўжайини сифатида ер фондига эгалик қилиш, улардан тўғри фойдаланишни ҳам юритиши зарур. Шундай қилиб ер кадастриининг объекти – бу мамлакат ягона ер фондидир, яъни кимнинг ихтиёрида бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидаги барча ерлардир. Ер фонди ерлардан фойдаланишнинг асосий мақсадига қараб қўйидаги тоифаларга бўлинади:

- қишлоқ хўжалиги ерлари - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ёки ана мазкур мақсадларга мўлжалланган ерлар*
- аҳоли пунктларининг ерлари (шахарлар, посёлкалар, қишлоқ аҳоли пунктлари) шаҳар ва посёлка чегаралари доираларидаги ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегаралари доиралардаги ерлар*
- саноат, транспорт, алоқа, мудофаа мақсадларида фойдаланиши учун мўлжалланган ерлар*
- табиатни муҳофаза қилиши, согломлаштириши, рекреация мақсадларида фойдаланиши учун мўлжалланган ерлар*

- тарихий – маданий мақсадларда фойдаланиши учун мүлжалланган ерлар*
- ўрмон фонди ерлари*
- сув фонди ерлар*
- захира ерлар.*

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар хисобланади. Бу ерлар қишлоқ хўжалиги фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, берк сув ҳавзалари, бинолар ва иншоатлар билан банд бўлган ерларга ажратилади. Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп ийллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар ва бош-қалар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар доимий ёки вақтнчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш мақсадларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативларига, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш, дехқон хўжалиги, хусусий боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун Республика фуқароларига, ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалиги билан шугулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация ва сувдан фойдаланиш тизимига асосланган сунъий сугориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан фойдаланиш ҳамда улар унумдорлигини оширишнинг шартидир. Қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва сугоришни таъминлай оладиган сугориш манбааси билан боғланган доимий ёки мувакқат бўлган ерлар жумласига киради. Суғориладиган ерлар маҳсус муҳофаза қилинади.

Уларни сугорилмайдиган ерлар сарасига ўтказиш алохida ҳоларда тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитларни ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган меъёрлаш зътиборга олиниб, вилоят ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Шаҳар ва посёлка доирасидаги барча ерлар шахарлар ва посёлкалар ерларига киради. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига ер тузиш таркибида ана шу пунктлар учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ҳамма ерлар киради.

Шаҳарлар ва посёлкалар ерлари таркибига шахар курилиши ерлари, умумий фойдаланишдаги ерлар, қишлоқ хўжалигида фойдаланилдиган ерлар, дараҳтзорлар эгаллаган ерлар, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ерлари, ва бошқа мақсадларга мўлжа-ланган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекрацион ва тарихий маданий максадларга мўлжаланган ерлар, сув фонди ерлари, захира ерлар киради. Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларига қишлоқ ва овул ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари муассасалари, ташкилотлари эгаллаган ерлари киради.

Саноат ерлари жумласига саноат корхоналарига жумладан саноат, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар курилишига доимий фойдаланиш учун бериб қўйилган ерлар киради. Транспорт ерлари жумласига темир йўллар, ички сув транспорти, автомобил, хаво ва қувур транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоатлари, қурилмалари ва бошқа обьектларни ишлатиш, саклаб туриш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга бериб қўйилган

ерлар киради. Алоқа ерлари жумласига алоқа линияларини ҳамда тегишли иншоатларни жойлаштириш учун алоқа, радиоэшифтириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланиш учун бериб қўйилган ерлар киради. Қуролли кучлар, чегара, ички ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қимлари, ҳарбий ўкув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашиши ҳамда доимий фаолияти учун бериб қўйилган ерлар мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжаланган ерлар хисобланади. Бошқа мақсадлар учун мўлжаланган ерлар жумласига корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдалана-диган, қишлоқ хўжалиги ерлари, аҳоли пунктлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа, табиатни муҳофаза этиш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарих, маданият мақсадларига мўлжаланган ерлар таркибига, шунингдек, ўрмон ва сув фонdlари таркибига кирмаган барча қолган ерлар киради.

Сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда бериб қўйилган сув ҳавзалари, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоатлари эгалаб турган ерлар, шунингдек, сув ҳавзаларининг қирғоқлари ва бошқа сув обьектлари бўйлаб ажратиб қўйилган зонадаги ерлар сув фонди ерлари жумласига киради.

Табиатни муҳофаза қилишга мўлжаланган ерлар жумласига белгиланган тартибда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга маҳсус мақсадлар учун берилган давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, заказніклар (овчиликка мўлжаланган ерлар бундан мустасно), табиат ёдгорликлари киради.

Касалликни олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун қулай, табиий шифобахш омилларга эга бўлган тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга бериб қўйилаган ер участкалари соғломлаштириш ишлари учун мўлжалланган ерлар жумласига киради.

Аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли ташкилотларга берилган ерлар рекреация учун мўлжалланган ерлардир.

Тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланиш учун бериб қўйилган тарихий маданий кўриқхоналар, мемориал боғлар, мақбараалар, археологик ёдгорликлари, тарихий ва маданий ёдгорликлари жойлашган ерлар тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар каторига киради.

Ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ерлар ўрмон фонди ерлари ҳисобланади. Ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари теварагида ихота ўрмонзорлар ва кўкаlamзор майдонлар барпо этиш учун бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмон фонди ерлари таркибига белгиланган тартибда ўtkазилиши мумкин. Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилмаган барча ерлар захира ерларидир. Бундай ерлар жумласига доимий эгалик қилиш ва доимий фойдаланиш хукуки тутатилган ерлар ҳам киради (7-жадвал).

Захира ерлар туман, шахарларнинг давлат хокимиияти тасарруфида бўлади ва қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилиш, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжаланади. Туман ҳокими маҳаллий аҳамиятга молик захира ерларининг айrim участкаларини ўз қарори билан посёлка, қишлоқ ва овулларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тасаруфига бериши мумкин.

7-жадвалдаги маълумотдан кўринадики, умумий ер майдонининг 66,9% ини қишлоқ хўжалиги ерлари ташкил этади.

Олиб бораётган ер ҳисоби шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда 2010 йил 1 январга сугориладиган ер майдони 4220 минг гектар бўлиб, умумий майдоннинг 9,3% ини

ташкил этади. Ушбу майдонлардан олинаётган қишлоқ хўжалиги махсулотлари умумий қишлоқ хўжалик махсулотларининг 95% ини ташкил этади. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқариш манбаларини жадал ривожлантиришда суғориладиган ерлардан тўғри ва оқилона фойдаланишини йўлга қўйиш катта аҳамият касб этади.

7-жадвал

Республика ер фондининг ер тоифалари бўйича тақсимланиши (2010 йил 1-январга бўлган ҳолати)

Ер тоифалари	Умумий майдон	
	минг га	%
Қишлоқ хўжалиги ерлари	29736,0	66,9
Захира ерлар	4630,8	10,4
Ўрмон фонди ерлари	7374,2	16,5
Ахоли яшаш жойлари	221,2	0,49
Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун берилган ерлар	1834,1	4,1
Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий маданий аҳамиятдаги ерлар	7,4	0,01
Сув фонди ерлари	654,9	1,47
Жами ерлар	44457,9	100

Ер эгалиги (ердан фойдаланиш) ер кадастриининг асосий бирлигидир. Ягона давлат ер фонди нафакат фойдаланиш мақсадлари бўйича балки аниқ ер эгаликлари бўйича ҳам ажратилади. Республикамизда хозирги кунда асосий ердан фойдаланувчилар корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари: саноат, транспорт муассасалари ва ташкилотлари, алоҳида фуқаролар ҳисобланади. Шундай экан, ер кадастри ер фондининг ердан фойдаланиш гурӯҳлари бўйича ҳам тақсимланиши тўғрисида маълумотлар бериш керак. Ердан фойдаланиш гурӯҳлари бўйича тавсифлар олиш учун ер кадастри ҳар бир ердан фойдаланиш бўйича

алохида юритилиши лозим. Шу сабабли асосий ер кадастри бирлиги – бу ердан фойдаланишdir. Ердан фойдаланиш – бу ягона давлат ер фондининг таркибий қисмини ташкил этган, маълум бир ер эгаси (ердан фойдаланувчи)га қатъий белгиланган мақсадларда давлат томонидан берилган худуддир. У маълум майдонга, жойдаги ўринга ва доимий чегарага эга.

Ер бериш ер ажратиш асосида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиш ер қонунлари хужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг қарори, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимииятларининг қарорларига асосан амалга оширилади. Ер эгалари (ердан фойдаланувчилар) ер участкаларидан асосий мақсадлари бўйича фойдаланишлари зарур. Берилиш муддатларига қараб ердан фойдаланиш икки турга бўлинади: доимий ва вактинчалик. Олдиндан муддати кўрсатилмасдан берилган ерлар муддатсиз, доимий фойдаланишдаги ерлар деб эътироф этилади. Ердан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари талаб қилган ҳолларда бу муддатлар тегишлича қисқа муддатли ёки узок муддатли даврга узайтирилиши мумкин. Яйлов чорвачилик учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилиши мумкин.

Берилиш шартига қараб ерлар бирламчи ва иккиласми ердан фойдаланишга ажратилади. Бирламчи фойдаланиш тўғридан – тўғри давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилади. Буларга жамоа хўжаликлари, кооперативлар (ширкатлар), бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, саноат корхоналари, транспорт муассасалари, ўрмон хўжаликлари ва бошқалар киради.

Бирламчи ердан фойдаланишдан қонунда кўзда тутилган тартибда томорқа участкаларига иккиласми тартибда ер берилиши мумкин. Бунда жамоа хўжалигининг бирламчи ерларидан иккиласми фойдаланиш учун ер

майдонлари колхозчилар умумий мажлисининг қарорига асосан, бошқа ердан фойдаланувчиларга ерлар - маъмурият қарори бўйича берилади.

Муддатсиз ер эгалиги (ердан фойдаланиш) ерга эгалик ердан фойдаланиш хукуқларини берувчи давлат далолатномаси билан тасдиқланади. Давлат далолатномасига биноан жамоа хўжаликларига бириттирилган ерлар жамоат ерларига ва томорқа ерларига бўлинади. Томорқа ерлари жойда (натурада) жамоа хўжаликнинг жамоа ерларидан ажратилади. Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ишчилар, хизматчилар ва бошқа фуқаролар томорқа ерларида иккиламчи ердан фойдаланиш хукуқи корхона, муассаса ва ташкилотлар ер кадастри китобида ҳамда қишлоқ оқсоқоллар кенгашининг хўжалик дафтарларида қайд этилган ҳолда расмийлаштирилади. Ер майдонларидан вақтингчалик фойдаланиш давлат қокимияти органларининг қарорлари билан расмийлаштирилади.

Ер кадастрида ер турларини классификациялаш. Ер эгалиги (ердан фойдаланиш) ер кадастрининг асосий бирлиги сифатида ўз мазмунига қараб турличадир ҳамда фойдаланиш тавсифи бўйича фарқланувчи турли табиий – тарихий хусусиятларга эга бўлган ер участкаларининг йигиндисидан иборат. Булар ер турларини ташкил этади. Ер эгалиги (ердан фойдаланиш) чегарасида ер кадастри ер турлари бўйича юритилади. Шу сабабли ер тури ер кадастрининг асосий элементидир. Турлича табиий хусусиятларга эга бўлган, аниқ бир ишлаб чиқариш мақсадларида системали тарзда фойдаланиладиган ер участкаларига ер турлари деб эътироф этилади.

Ер турларини классификациялашда айниқса, қишлоқ хўжалиги ер турларини ажратиш муҳимдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда тўғридан – тўғри фойдаланиладиган ер турларига қишлоқ хўжалик ер турлари деб эътироф этилади. Буларга ҳайдалма ерлар, кўп

йиллик дараҳтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар киради.

Булардан ташқари бошқа ер турлари бўйича ҳам алоҳида ҳисоб юритиб борилади. Булар: ўрмонлар, ботқоқликлар, сувлар, йўл ва йўлаклар, қурилишлар, ховлилар, кўчалар, майдончалар билан банд ерлар, кумлар ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардир.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш мақсадида системали тарзда фойдаланиладиган ер тури ҳайдалма ердир. Бунга экилган кўп йиллик ўтлар ва дам бериш учун колдирилган шудгор ерлар ҳам киради. Пичанзор ва яйловларни яхшилаш мақсадида ҳайдалиб, чорва учун экилган ўтлар ва дараҳтлар орасига экилган майдонлар экин ерларига кирмайди.

Сунъий равишда яратилган мевали кўп йиллик дараҳтзорлар, бутазорлар ёки ўтсимон кўп йиллик ўсимликлар, маҳсулот берадиган доривор, техник дараҳтзорлар кўп йиллик дараҳтзорлар деб юритилади. Уларга боғлар, узумзорлар, тутзорлар, мевали қўчатзорлар киради. Мева хосил олиш учун экилган кўп йиллик дараҳтзорлар боғларни ташкил этади. Узумзорлар – узум олиш мақсадида экилган токзорлар; тутзорлар – ипак куртини бокиш учун экиладиган плантациялари; мевали қўчатзорлар – кўп йиллик мевали дараҳт қўчатларини етиштириш учун фойдаланиладиган ерлар.

Мунтазам экин экиб келинган, аммо бир йил ва ундан ортиқ даврда (куздан – кузгача) ҳайдалмаган ва фойдаланилмай қолган ерлар бўз ерлардир. Узлуксиз пичан ўриб туриладиган қишлоқ хўжалик ерлари пичонзорлардир. Кўпроқ пичан ўриб олиш мақсадида тубдан яхшиланган пичанзорлар тубдан яхшиланган пичанзорлардир. Қишлоқ хўжалигида чорва молларини узлуксиз боқиш учун фойдаланиладиган ерлар яйловлар деб эътироф этилади. Яйловлар асосан тубдан яхшиланган, маданийлаштирилган,

төг, чорва моллари ҳайдаладиган, сув билан таъминланган турларга ажратилади:

-тубдан яхшиланган яйловлар – чорва моллари истеъмол қиласидиган табиий ўсимликларни бойитиш максадида маҳсус ўт уруғлари сепилган ҳамда саксавул ва бутазорлар ташкил этилган ер майдонлари;

-маданийлашган яйловлар – зарурий тартибда ишлов берилган, доимо ўғитланиб, чорва моллари учун ўт ўсиши яхшиланган ва вақти – вақти билан чорва моллари ҳайдаладиган яйловлар;

-төг яйловлар – төглик ерларда жойлашган яйловлар;

-чорва моллари ҳайдаладиган яйловлар – хўжалик марказидан узоқ муддатга (бутун мавсум давомида) чорва моллари ўтлаши учун ҳайдаладиган яйловлар;

-сув билан таъминланган яйловлар – мавжуд чорва молларини сув билан таъминлай оладиган, сув манбаига эга бўлган яйловдир.

Дарёлар, кўуллар ва каналлар атрофида жойлашган яйловлар сув билан таъминланган ҳисобланади. Ўрмон ер майдонлари - ўрмон дарахтлари билан қопланган, шунингдек, ўрмонга кўшилмаган якка дарахтлар, жарликлар атрофига экилган дарахтлар, киялик, баландлик, дарё қирғоқла-рига, сув хавзалари атрофида, қумликлар ёнларида, ўрмон – боф ерлари, ўрмон кўчатзорлари, шунингдек, дарахтлари кесиб олинган ўрмон ерлари, очик қолган ерлар, сийраклашиб қолган ўрмонлар, ёғоч кесиш учун ажратилган ерлар ва ёнгиндан нобуд бўлган (куйган) ўрмон кўчатлари ерларидир.

Ўрмонзорлар учун кўчат етиширишга ажратилган ер майдонлари ўрмон кўчатхонасидир. Ўрмон учун кўчатзорлар; уруғликдан олинадиган кўчатзор, кўчат экиш учун ер бўлимлари, бирламчи (бошлангич) кўчат экиш ерлари, кўкарган қаламчалар ва қаламча қилиб экиладиган кўчатзор бўлимларига бўлинади.

Ер категориялари бўйича ер фондлари тақсимланиши

Ер категориялари	Умумий майдони	Хайдаладиган ерлар	Кўп йиллик даражатзорлар	Пичсанор, яйлов, конлиар	Томорка ерлар	Ўрмон даражатзорлари	Мел фонди	Бошқа ерлар
Кишлок хўжалиги аҳамиятидаги ерлар	25789,8	4037,9	339,4	16128,0	579,3	427,5	77,8	4199,9
Ахоли пунктлари	230,6	1,2	1,4	6,5	62,4	4,5		154,6
Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа аҳамиятидаги	1934,2	1,9	1,6	146,1	8,5	3,7		1772,4
Табиатни мухофаза килиш, соғломлаштириш, тарихий-маданий аҳамиятидаги	12,6	0,1	0,2	7		0,2		5,1
Ўрмон фонди	8050,4	12,4	9,6	3304,7	0,9	1054,5	1,1	3667, 2
Сув фонди	810,2	2,1	0,7	11	0,3	1,2		794,9
Захирадаги ерлар	7582,5	1		2740,8		20,3	0,4	4820
Умумий майдон	44410,3	4056,6	352,9	22344,1	651,4	1511,9	79,3	15414

Иҳота дарахтзорлари – алмашлаб экиш майдонларини шамолдан тўсиш, суғориладиган ва сугориш иншоотлари таъсирида тупроқ эрозиясидан саклаш, кўргоқчиликдан ва бошқа табиий нокулайликдан асраш мақсадида экиладиган ўрмон минтақалариидир.

Ботқоқлик – ер ости сувларининг кўтарилиши ҳамда ёғингарчилик натижасида тупроқнинг устки қатлами сернам бўлиб кетган ерлардир. Жарликлар – ер қатламининг эрозия таъсирида ёмон жойлашганлиги ёки тупроқ қуий қатламларининг генетик ҳолати ва қия кесиклиги 1 м дан кўп ерлари.

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЕР ФОНДИ ТОИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ер майдони давлат мулки-умуммиллий бойлик ҳисобланади. Ундан унумли фойдаланиш ва асраб-авайлаш давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикаси ер фонди мақсадли аҳамиятига кўра қуидаги асосий тоифаларга бўлинади:

- қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ерларга қишлоқ хўжалик эҳтиёjlари ва мақсадлари учун мўлжалланган ерлар киради. Улар факат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритишни таъминлабгина қолмай, агроландшафтнинг қулай иклим ва экологик шароитларини яратишга ҳам хизмат қиласади.
- аҳоли пунктлари ерларига шаҳар, қишлоқ чегарасидаги ерлар, аҳоли яаш жойлари, овуллар эгаллаган ерлар (қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси ерлари кирмайди) киради.
- саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган ерларга маълум мақсадда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар киради.
- табиатни муҳофаза қилиш, соғлимлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар. Бу ерлар алоҳида табиий худудлар эгалланган, табиий даволаш омилларига эга бўлган, шунингдек, оммавий дам олиш ва туризм мақсадларида фойдаланиладиган ерлар ҳисобланади. Бу тоифадаги ерларнинг асосий майдони қўриқхона ва миллий боғларга тўғри келади.
- ўрмон фонди ерларига ўрмонлар билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган, лекин ўрмон хўжалиги эҳтиёjlари учун ажратилган ерлар киради.
- сув фонди ерлари туркуми ерларига сув обьектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгалланган ерлар ва

сув объектларининг қирғиклари бўйлаб хўжалик юритиш учун корхона, ташкилот ва идораларга белгиланган тартибда ажратиб берилган ерлар киради.

- Захира ерларига фойдаланишга ва ижарага берилмаган юридик ва жисмоний шахсларга бириктирилмаган барча ерлар (шу жумладан, сув ости ерлари) киради.

1. Экин ерлари. Экин ерлар республика иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда энг муҳим аҳамиятга эга.

2. Лалми ерлар. Республика бўйича лалми ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ёғингарчилик даврида тупроқ қатламида йифилган намлик ҳисобига амалга оширилиши сабабли лалми экинлар ўртacha йиллик ёғингарчилик микдори 200 мм дан юқори бўлган худудларда экиласди.

3. Кўп йиллик дараҳтзорлар. 2010 йил 1 январ ҳолатига кўра республикада кўп йиллик дараҳтзорларнинг майдони 346,9 минг га ни ташкил этади.

4. Бўз ерлар. 2010 йил 1 январ ҳолатига кўра республикамизда бўз ерлар майдони 82,8 минг га ни ташкил этади.

5. Пичанзорлар. 2010 йил 1 январ ҳолатига кўра республикада пичанзорлар майдони 112,3 минг га ни ташкил этади.

6. Яйловлар. Республиkaning кўпчилик қисмини яйловлар ташкил этиб, улар чорвачиликнинг асосий озуқа манбай ҳисобланади. 2010 йил 1 январ ҳолатига кўра республикада 22134,1 минг га яйлов майдони бўлиб, шундан сув билан таъминлангани 19434,4 минг га ни ташкил этади. Иқлим шароитларига кўра яйловлар чўл, адир ва тоғ минтақаларига бўлинади. Чўл минтақаси денгиз сатҳидан 500 метр баландликда, республиканинг шимолий - гарбий қисмида жойлашган.

**Шахсий томорқа ерларининг ўсиши, минг.га
(10 йиллик маълумот бўйича)**

Номланиши	2000 йил	2005 йил	2010 йил
Қорақалпоғистон Республикаси	27,0	29,7	34,5
Вилоятлар:			
Андиқон	36,0	45,1	45,5
Бухоро	34,3	49,1	54,6
Жиззах	20,9	25,0	29,8
Навоий	12,0	17,4	18,3
Наманган	29,3	36,2	38,9
Самарқанд	49,8	67,8	74,3
Сирдарё	14,2	17,6	17,9
Сурхондарё	29,3	49,8	55,5
Тошкент	33,6	43,9	46,0
Фарғона	43,2	56,8	59,5
Хоразм	27,9	35,3	40,8
Қашқадарё	40,7	59,9	69,2
Жами	398,2	533,6	584,8

Бу ерлар йил мобайнида қоракўлчиликда яйлов сифатида фойдаланилади. Шарқда чўл минтақаси аста-секин адир минтақасига қўшилиб боради. Бу ерлар дengиз сатҳидан 1000-1200 м баландликда жойлашган. Адир минтақаси асосан кузги ва баҳорги яйлов сифатида фойдаланилади. кўй ва эчкилар бу ерларда йил мобайнида боқиласди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР ФОНДИННИНГ ТАРКИБИ**

Республика Ер фонди таркибига қишлоқ хўжалик ерлари (экин ерлар, пичанзорлар, яйлов, бўз, кўп йиллик дараҳатлар билан банд ерлар); томорқа ерлар, ўрмонзор ва бутазорлар, боғ ва сабзавот уюшмаларининг ерлари, мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ва бошқа ерлар (сув ости, йўл ости, иморатлар билан банд) киради.

Ер фонди таркибининг асосий ер турлари бўйича 2000 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 2010 йил 1 январ ҳолатига тақсимланиш динамикаси 10-жадвалда келтирилади.

10-жадвал

Ер фонди таркибининг асосий ер турлари бўйича тақсимланиши ва динамикаси, (минг га)

Ер турлари	01.01. 2005 й. ҳолати- даги майдони	01.01. 2007 й. ҳолати- даги майдони	01.01. 2008 й. ҳолати- даги майдони	01.01. 2009 й. ҳолати- даги майдони	01.01. 2010 й. ҳолатид аги майдони	01.01. 2005 й. 01.01. 2010 й. фарқи +,-
1. Экин ерлар	4056,6	4052,7	4042,7	4049,0	4057,2	+0,6
шу жумладан, сугориладигани	3313,6	3307,4	3297,7	3296,3	3303,6	-9,9
2. Кўп йиллик дарахтзорлар,	352,9	336,4	337,0	338,8	335,8	-17,1
шу жумладан, сугориладигани	339,7	323,1	323,5	325,3	322,7	-17
3. Бўз ерлар	80,7	85,0	84,5	83,9	83,6	+2,73
шу жумладан, сугориладиган	46,5	48,4	48,3	48,1	48,4	+2,1
4. Пичанзор ва яйловлар	22263,4	21367,0	21217,1	21215,7	21207,3	-574,7
шу жумладан, сугориладигани	44,1	43,9	43,9	43,9	43,4	-0,6
5. Қишлоқ хўжалик ер турлари	26753,6	25841,1	25681,3	25687,4	25683,9	-1069,7
шу жумладан, сугориладигани	3743,9	3722,8	3713,4	3713,6	3718,1	-26,5
6. Томорқа ерлар	642,9	667,3	677,3	679,7	691,3	+48,4
шу жумладан, сугориладигани	481,9	500,9	507,6	511,1	522	+34,8
7. Ўрмонзор ва бутазорлар	1511,9	2375,4	2817,7	2808,1	2811,4	+1299,5
шу жумладан, сугориладигани	44,6	47,2	47,7	47,8	48,8	+3,2
8. Жамоа боғдор- чилик- узумчи- лик ширкатлари	8,5	8,1	7,8	7,7	7,5	-1,0

						Давоми
шу жумладан, сугориладиган	7,2	7,1	6,6	6,5	6,4	-0,6
9.Мелиоратив курилиш холатидаги ерлар	79,3	79,5	79,5	78,7	78,6	-0,7
10. Бошқа ерлар	15414,1	15438,9	15149,7	15148,7	15137,6	-276,5
Жами ерлар:	44410,3	44410,3	44410,3	44410,3	44410,3	-
шу жумладан, сугориладиган	4277,6	4278,0	4275,3	4279,0	4295,3	+11,1

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ЕР ТУРЛАРИ


Қишлоқ хўжалиги ер турлари қишлоқ хўжалигига фойдалани-ладиган ерлар бўлиб, уларнинг таркибига экин ерлари, кўп йиллик дараҳтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар киради. Уларнинг майдони 2010 йил 1 январ ҳолатига **25683,9 минг** гектар ёки умумий Ер фондининг **60,1 фоизини** ташкил этади.

Экин ерлар. Экин ерлари икки турга бўлинади: сугориладиган ва лалми ерлар.

Сугориладиган экин ерлар. Қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва сугориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари билан сугоришни таъминлай оладиган ҳамда сугориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат сугориш тармоғига эга бўлган ерлар сугориладиган ерлар жумласига киради.

Сугориладиган ерлар энг қимматбаҳо ер турларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалигини ва шу билан бирга республика иқтисодиётини ривожлантиришда биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Сугориладиган экин ерларининг майдони республика бўйича **3303,6 минг** гектар ёки сугориладиган қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотлари фойдаланадиган ерларининг **78,6** фоизини ташкил этади.

Сүгориладиган экин ер майдонларининг кейинги 10 йил давомида ўзгаришлар динамикасига назар солганимизда қатор йиллар давомида сүгориладиган экин ер майдонларининг мунтазам камайиб кетганлигини, 2010 йил 1 январ ҳолатида эса бунинг аксини қырамиз. 2010 йил 1 январ ҳолатидаги сүгориладиган экин ер майдонлари **3303,6** минг гектарни ташкил этади, бу эса 2005 йил 1 январ ҳолатига нисбатан **7,3** минг гектарга кўпайганлигини кўрсатади.



4-расм. Республикада сүгориладиган экин ер майдонлари динамикаси, (минг га ҳисобида)

Лалмикор экин ерлар

Республика бўйича лалмикор ерлар майдони 2010 йил 1 январдаги ҳолатига кўра **746** минг гектарни ташкил қиласди. Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш факат тупроқ қатламларида ёғинлар ҳисобига йигилган намлик туфайли етиширилишини ҳисобга олиб, йиллик ўртacha ёғин миқдори 200 мм дан ошадиган ерларда лалмикор экинлар жойлаштирилади. Лалмикор ерлар намлик билан таъминланган, кам таъминланган ва таъминланмаган ерларга бўлинади. Бу бўлиниш тупрок

мintaқаларининг жойлашишига мос келади. Жигарранг ва қорамтири бўз тупроқ баланд мintaқада намлиқ билан таъминланган, типик бўз тупроқ ўрта мintaқада намлиқ билан кам таъминланган ва оч ранг бўз тупроқ қуий мintaқада намлиқ билан таъминланмаган лалмикор ерлар ҳисобланади. Лалмикор ҳайдалма ерлар майдонининг вилоятлар бўйича тақсимланиши 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги лалмикор ҳайдалма ер майдонлари, (минг га)

Вилоятлар	Ер майдони
Жиззах	218,3
Қашқадарё	255,6
Навоий	19,9
Самарқанд	179,4
Сурхондарё	37,8
Тошкент	35,0
Жами:	746

Кўп йиллик дараҳтзорлар

Ҳозирги кунда республика бўйича мевали дараҳтзор, узумзор ва тутзорларнинг жами ер майдони **335,8** минг гектарни, шу жумладан суғориладигани **322,7** минг гектарни ташкил қиласи ёки суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари таркибида кўп йиллик дараҳтзорлар майдони **8,7** фоизини ташкил қиласи.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида кўп йиллик дараҳтзорларнинг энг юқори солиштирма вазни Самарқанд (16,5 фоиз), Наманган (10,5 фоиз), Андижон (8,1 фоиз) ва Тошкент (10,9 фоиз) вилоятларига, энг ками Қорақалпогистон Республикаси (2,6 фоиз) ва Сирдарё (1,7 фоиз) вилоятларига тўғри келади. Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар бўйича кўп йиллик дараҳтзорлар майдони 12-жадвалда келтирилган.

12-жадвал

**Қорабалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича
кўп йиллик дарахтзорлар майдони, (минг. га)**

Номланиши	Жами	Кўп йиллик дарахтзорлар			
		боғ- лар	узумзо рлар	тутзо рлар	бошка лар
Қорабалпоғистон Республикаси	8,6	2,9	0,2	2,4	3,1
шу жумладан, сугориладигани	8,6	2,9	0,2	2,4	3,1
Андижон вилояти	27,5	15,5	3,9	8	0,1
шу жумладан, сугориладигани	27,5	15,5	3,9	8	0,1
Бухоро вилояти	21,4	7	6,9	7,2	0,3
шу жумладан, сугориладигани	21,3	7	6,8	7,2	0,3
Жиззах вилояти	13,9	7,9	3,5	2,1	0,4
шу жумладан, сугориладигани	13,1	7,2	3,4	2,1	0,4
Қашқадарё вилояти	33,2	13,1	10,5	9,4	0,2
шу жумладан, сугориладигани	31,1	12,1	9,5	9,3	0,2
Навоий вилояти	10,5	3,3	4,5	2,5	0,2
шу жумладан, сугориладигани	10,3	3,2	4,4	2,5	0,2
Наманган вилояти	35,5	20,4	9,6	5,1	0,4
шу жумладан, сугориладигани	35,5	20,4	9,6	5,1	0,4
Самарқанд вилояти	55,3	19,8	27,5	7,7	0,3
шу жумладан, сугориладигани	51,6	16,5	27,1	7,7	0,3
Сурхондарё вилояти	32,7	11,7	15,4	4,7	0,9
шу жумладан, сугориладигани	31,2	10,8	15,1	4,7	0,6
Сирдарё вилояти	5,8	3,4	1	1,4	0
шу жумл. сугориладигани	5,8	3,4	1	1,4	
Тошкент вилояти	36,8	20,8	11,2	3,5	1,3
шу жумладан, сугориладигани	32,1	17,2	10,1	3,5	1,3
Фарғона вилояти	41,3	34,7	2,2	4,1	0,3
шу жумладан, сугориладигани	41,3	34,7	2,2	4,1	0,3
Хоразм вилояти	13,1	7,7	1,2	4,1	0,1
шу жумладан, сугориладигани	13,1	7,7	1,2	4,1	0,1
Тошкент шаҳри	0,2	0,1	0,1		
шу жумладан, сугориладигани	0,2	0,1	0,1		
Жами:	335,8	168,3	97,7	62,2	7,6
шу жумладан, сугориладигани	322,7	158,7	94,6	62,1	7,3

Жадвалдан кўриниб турибдики, кўп йиллик дарахтзорлар таркибида боғлар энг катта майдонни-50,1

фоизни, узумзорлар-29,1 фоизни, тутзорлар-18,5 фоизни ва бошқа ерлар-2,3 фоизни ташкил килади.

Кўп йиллик лалмикор дараҳтзорлар Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида намлиқ билан таъминланган лалмикор ерларга жойлашган. Лалмикор ерларга ва маҳсус тайёрланган терассаларга жойлашган кўп йиллик дараҳтзорлар майдони **13,4 минг** гектар бўлиб, улардан боғлар **10,1 минг** гектар, узумзорлар **3,1 минг** гектар, тутзорлар **0,1 минг** гектар ва бошқа ерлар **0,1 минг** гектарни ташкил қиласди.

Бўз ерлар

Бўз ерлар майдони **83,6 минг** гектар бўлиб, шундан сугориладиган худудларда жойлашган бўз ерлар **48,4 минг** гектарни ва лалмикор ерлардагиси **35,2 минг** гектарни ташкил қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича бўз ерлар 2010 йил 1 январ ҳолатига **83,6 минг** гектарни ташкил этади, уларнинг тақсимланиши эса 13-жадвалда келтирилган.

Сугориладиган бўз ерларга самарасиз фойдаланиш натижасида сугориш қоидаларининг бузилиши ва тупроқ-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, эрозия таъсири, кучли шўрланиш, гипсланиш ҳамда янги ерларни сифатсиз ўзлаштирилиши оқибатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан чиқиб қолган сугориладиган ва лалми ерлар киритилган. Бўз ерларнинг деярли кўп қисми Қорақалпоғистон Республикасига (9,3 минг гектар), Бухоро (6,9 минг гектар), Қашқадарё (22,8 минг гектар), Навоий (6,9 минг гектар) ва Сирдарё (11,1 минг гектар) вилоятларига тўғри келади.

**Қарақалпогистон Республикаси ва вилоятлардаги
бўз ерлар майдони (минг га)**

№	Вилоятлар номи	Жами	шундан	
			сугорила- дигани	лалмиси
1	Қарақалпогистон Республикаси	9,3	9,3	0
2	Андижон	3,5	0,7	2,8
3	Бухоро	6,9	6,9	0
4	Жиззах	8,3	0,5	7,8
5	Кашқадарё	22,8	5,1	24,7
6	Навоий	6,9	6,8	0,1
7	Наманган	2,8	2,8	0
8	Самарқанд	6	0	6
9	Сурхондарё	0,3	0	0,3
10	Сирдарё	11,1	11,1	0
11	Тошкент	0,8	0,3	0,5
12	Хоразм	4,9	4,9	0
	Жами:	83,6	48,4	35,2

Суғориладиган бўз ерлар суғориладиган экин ерлар чегараларида кичик участкалар ҳолатида жойлашган, суғориш ва коллектор шоҳобчалари билан таъминланиб, тегишли мелиоратив тадбирлар амалга оширилса, бу ерларнинг ҳолати қайта тикланиши ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қайтарилиши мумкин.

Пичанзор ва яйловлар

Республика худудининг катта қисмини пичанзор ва яйловлар ташкил қиласди. Бу ерлар қўйчиликни ривожлантириш учун асосий озуқа базаси хисобланади. Республикада **21207,3** минг гектар табиий пичанзор ва яйловлар мавжуд бўлиб, шундан суғориладигани **43,3** минг гектарни ёки умумий майдоннинг **0,20** фоизини ташкил қиласди. Сув

били таъминланган яйловлар майдони эса **18447,9 минг** гектарни ташкил қиласи. Табиий шароитларига қараб яйлов ва пичанзорлар чўл-текислик (чўл минтақаси), текислик-тепалик (адир минтақаси) ва тоғолди-тоғ (тоғ минтақаси) га бўлинади. Чўл-текислик пичанзор ва яйлов ерлари республиканинг шимолий - гарбий қисмida, дengиз сатҳидан 500 м гача баландликда жойлашган. Улар йил давомида фойдаланиладиган пичанзор ва яйловлар бўлиб, асосан, қоракўлчилик зоналари ҳисобланади.

Шаркда чўл-текислик пичанзор ва яйловлари астасекин текислик-тепалик пичанзор ва яйловларига ўтади. Бу ерларда дengиз сатҳига нисбатан баландлик 1000-1200 м гача етади.

Адир минтақаси пичанзор ва яйловлари, асосан, кузги ва баҳорги пичанзор ва яйловлардир. Бу фаслларда улардан йирик қорамолларни боқишида фойдаланилса, кўй ва эчкилар йил давомида боқиласи.

Тоғ минтақасидаги тоғ олди-тоғ пичанзор ва яйловлари гарбий Тяншань тизмаларида, дengиз сатҳидан 2500 м баландликда жойлашган. Тоғ минтақаси пичанзор ва яйловлари ёзги ҳисобланиб, барча турдаги ҳайвонларни боқишига яроқли ҳисобланади.

Пичанзор ва яйловларнинг табиий минтақалар бўйича тақсимланиши 14-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, чўл минтақаси пичанзор ва яйловлари **14431,1 минг** гектар ёки республиканинг жами пичанзор ва яйловларининг **68,0 фоизини** ташкил қиласи. Улар, асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган.

Адир минтақаси пичанзор ва яйловлари **5713,1 минг** гектар ёки жами пичанзор ва яйловлар майдонининг **26,9 фоизини** ташкил қиласи, улар, асосан, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида жойлашган.

**Қоқақалпогистон Республикаси ва вилоятлар
чегарасидаги пичанзор ва яйловларнинг табиий
минтақалар бўйича тақсимланиши, (минг га)**

Номланиши	Умумий май- дони	шундан суго- рила- дигани	шу жумладан		
			Чўл	Адир	Тоғ
Қоқақалпогистон Республикаси	4709,6	27,1	4682,5	0	27,1
Андижон	21,2	0,8	3,0	18,2	0
Бухоро	2674,2	0	63,5	2510,7	100
Жиззах	746	0	195,9	444,6	105,5
Қашқадарё	1460,1	0,1	639,8	476,6	343,7
Навоий	9136,2	0	8566,6	545,8	23,8
Наманган	153	0	1,5	116,6	34,9
Самарқанд	795,6	0	19,1	651,2	125,3
Сурхондарё	861,7	0	83,1	579,8	198,8
Сирдарё	23,6	0	0	23,6	0
Тошкент	429,9	1,5	0	325,9	104,0
Фарғона	24	4,5	3,9	20,1	0
Хоразм	172,2	9,4	172,2	0	0
Жами:	21207,3	43,4	14431,	5713,1	1063,1

Деҳқон хўжалиги (томурқа) ерлари

Деҳқон хўжаликлари сони 2005 йил давомида 38393тага кўпайиб, уларга **11,3 минг** гектар ер майдони ажратиб берилди. Жами деҳқон хўжаликларининг сони **3349656** та бўлиб, улардаги томурқа ер майдони **623.4 минг** гектарни ташкил қиласди (15-жадвал).

15-жадвал

**Қорабалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги
дехқон хўжалиги (томурқа) ерлари**

№	Вилоятлар номи	2005 йил 1 январ ҳолатига		2006 йил 1 январ ҳолатига		Фарки +,-	
		Ердан фойдаланувчилар сони	Умумий майдони (минг.га)	Ердан фойдаланувчилар сони	Умумий майдони (минг.га)	Ердан фойдаланувчилар сони	Умумий майдони (минг.га)
1	Қорақалп Респуб.	124004	35,2	124526	35.3	522	+0,1
2	Андижон	354875	45,6	367621	46.3	12746	+0,7
3	Бухоро	248438	56,5	248624	56.7	186	+0,2
4	Жиззах	119762	30,5	121386	29.6	1624	-0,9
5	Кашкадарё	321241	71,7	323698	73.2	2457	+1,5
6	Навоий	97910	19,7	99744	19.9	1834	+0,2
7	Наманган	289053	40,0	292693	40.5	3640	+0,5
8	Самарқанд	411216	80,0	416301	80.5	5085	+0,5
9	Сурхондарё	279773	57,8	280006	58.0	233	+0,2
10	Сирдарё	90507	18,1	91697	18.3	1190	+0,2
11	Тошкент	307562	47,2	308743	52.9	1181	+5,7
12	Фарғона	464980	63,2	469256	63.8	4276	+0,6
13	Хоразм	201942	46,6	220536	48.4	3419	+1,8
14	Тошкент ш.						
	ЖАМИ:	3311263	612,1	334965	623.4	38393	11,3

Фермер хўжаликлари ерлари

Республикамида кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шартшароитлар яратилган. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-

сонли “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 445 та ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ер майдонлари шартнома асосида фермер хўжаликларига тақсимлаб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ”2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-215-сонли қарорига асосан 428 та ҳамда Ҳукумат комиссиясининг 2005 йил 12 ноябрдаги йиғилиш баёнига асосан 19 та, жами 447 та ширкат хўжаликларини тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида қўмита тизимидағи ташкилотлар мутахассислари томонидан 2010 йил 1 январ холатидаги ер ҳисоботини тузиш даврида якунланган ер майдонларини ялпи рўйхатдан ўтказиш натижалари ушбу ҳисоботда ҳисобга олинди.

2010 йил 1 январдаги холатига кўра жами фермер хўжаликларининг сони **121917** тани ташкил қилиб, уларнинг ер майдони **3995** минг гектарни ташкил қиласди.

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа мақсадларидаги ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерлар

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерларга белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар киради. Бу тоифадаги ерлар ташкилотларга юкланган вазифаларни бажариш учун белгиланган тартибда норматив ёки лойиҳа-техник хужжатлар асосида берилади. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерларнинг майдони 2010 йил 1 январ холатига кўра **1970,9** минг гектар ёки ерларнинг **4,4** фоизини ташкил қиласди. Бундай ерларнинг Қорақалпогистон ва вилоятлар бўйича тақсимланиши 16-жадвалда келтирилган.

Саноат, транспорт, аложа, мулофаа ва бопка максадларда фойдаланиладиган сурлар, (минг га)

TIP	Business	Key Indicators of Performance										Comments
		Market Share					Financial Health					
Region	Product Line	Market Share (%)		Revenue (\$M)			Profit Margin (%)		Net Income (\$M)			Overall Rating
		Sales	Market	Q1	Q2	Q3	Gross	Net	OpEx	CapEx	Reserves	
10	Korean Electronics	9.2	13.0	1200	1150	1250	10%	8%	5%	2%	100	92.5
20	American Auto	5.8	14.9	850	800	900	10%	9%	6%	3%	90	80.1
30	European Cars	3.5	13.8	520	480	550	9%	8%	5%	2%	85	78.0
40	Japanese Cars	3.8	23.5	500	450	520	10%	9%	6%	3%	80	75.0
50	Automotive Accs	10.3	11.0	100	100	100	10%	10%	10%	10%	100	95.0
60	Hardware	12.7	5.4	30	28	32	10%	10%	10%	10%	100	82.3
70	Home Goods	20.8	4.8	10	9.5	11	10%	10%	10%	10%	100	85.0
80	Consumer Goods	29.1	4.0	95.7	90	100	10%	10%	10%	10%	100	87.0
90	Consumer Goods	16.0	5.0	100	95	105	10%	10%	10%	10%	100	88.0
100	Consumer Goods	4.6	9.0	6.8	6.5	7.0	10%	10%	10%	10%	100	86.0
110	Consumer Goods	30.7	5.0	71.1	65	75	10%	10%	10%	10%	100	84.5
120	Consumer Goods	52.6	4.8	48.7	45	50	10%	10%	10%	10%	100	86.7
130	Consumer Goods	21.4	8.0	11.7	11	12	10%	10%	10%	10%	100	9.9
140	Consumer Goods	30.2	7.3	19.7	19	20	10%	10%	10%	10%	100	94.8

Табиатни муҳофаза қилиши, согломлаштириши, рекреация мақсадларида фойдаланиладиган ерлар

Табиатни муҳофаза қилиш, согломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланиладиган ерларга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий-даволаш омилларига эга бўлган, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм мақсадларида фойдаланадиган ерлар киради. Бу тоифадаги ерлар майдонинг асосий қисмини кўрикхоналар ва миллий бойлар эгаллайди. Давлат табиий кўрикхоналари табиатни муҳофаза қилиш, илмий-тадқиқот ва экологик-маориф муассасалари бўлиб, мақсади-табиий жараён ва ҳодисаларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генетик фондини, типик ва ноёб экологик тизимларини табиий ҳолатда сақлаб қоиш ва ўрганишдан иборатdir.

Тарихий-маданий афсиятга молик ерлар

Тарихий-маданий мақсадларда фойдаланадиган ерлар-тарихий маданий ёдгорликлар жойлашган қўрикхоналар, мемориал боғлар, мозаулар, археология ва тарихий ёдгорликларнинг тегишибуассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ерлардир. Тарихий-маданий мақсадларда фойдаланадиган ерларнинг умумий майдони 2010 йил 1 январ холатига кўра, 0,3 минг гектарни ташкил қиласди.

Ўрмон фонди ерлари

Ўрмон фонди ерлари ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари үн берилган ерлар киради. Бу тоифадаги ерлар майдони **8543,8 минг** гектарни ёки жами ерларнинг **19,2 фонди** ташкил қиласди. Ўрмон ҳудудларининг табиатни муҳофаза қилиш хусусиятлари ва ўрмонзорларни қайта тиаш жараёнини узоқ кечишини ҳисобга олган ҳолда уларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш муаммосигатта эътибор берилиши талаб

қилинади. Шу сабабдан, 1991 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиб келинган **6029 минг** гектари ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказилган, бу эса ўрмон фонди ерлари майдонини кўпайтириш ва шу асосда тупроқлар деградацияланиши ва хўжалик мақсадларида ўрмон дараҳтлари кесилишининг олдини олишда муайян даражада қулай шароит яратди.

Сув фонди ерлари

Сув фонди ерларига сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар) гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув ҳавзалари нинг ва бошқа сув обьектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минақадаги ҳимоялаш зоналари ерлари, сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар киради. Сув фонди ерлари **825,3 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **1,9 фоизини** ташкил қиласди.

Захира ерлар

Захира ерларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган ҳамда бошқа ер тоифаларида ҳисобга олинмаган барча (шу жумладан, сув ости) ерлар киради. Захира ерлар майдони **10388,5 минг** гектар ёки умумий майдоннинг **23,4 фоизига** тенг.

ЕР ЭГАЛИГИ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РЎЙХАТ ҚИЛИШ ҲАМДА ЕР ҲИСОБИ

Ерларни рўйхат қилиш ер кадастрининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бу маълум бир ер участкасига мулкдорлик, эгалик қилиш ёки фойдаланиш хукуқини расмийлаштириш ва давлат миқёсида қабул

қилингган ягона шаклдаги хужжатларда акс эттириш бўйича хуқукий тадбирдир. У ер қонун-ларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ерга давлат мулкчилигини таъминлайди ва ерларни муҳофаза қилишга йўналтирилган.

Ер рўйхати маълумотлари хуқукий кучга эга. Албатта ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни рўйхат қилиш ишчи тизим сифатида бирданига шаклланмаган. У олдинги даврларида гидек ўтказилган ҳамда бошлангич вақтдан ерлардан фойдаланиш хуқуқини расмийлаштириш ҳамда ерга давлат мулкчилигини таъминлашга йўналтирилган. Шу билан бирга унинг вазифасига ерларнинг хуқукий ва хўжалик ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, системали тарзда сақлаш ва янгилаб туриш кирган.

Ерга эгалик қилиш ердан фойдаланишни рўйхат қилиш ер хисоби билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади.

Ерга эгалик қилиш (ердан фойдаланиш)ни рўйхат қилиш маълум бир ер участкасига эгалик қилиш (ер участкаларидан фойдаланиш) хуқуқини расмийлаштириш ва ер эгалиги (ердан фойдаланиш) тўғрисидаги маълумотларни қабул қилингган хужжатларда қайд қилиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. У биринчи навбатда ерларнинг хуқукий ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Аммо ердан фойдаланиш маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда маълум ҳудуд ва аниқ субъект билан боғлиқ бўлганлиги сабабли у ўз ичига ер участкаларининг хўжалик ҳолати, жойлашган ўрни ва ер эгалиги (ердан фойдаланиш)нинг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам олади.

Ер участкасини ер эгалигига (ердан фойдаланувчига) бериш тўғрисидаги ваколатли давлат органларининг қарори ҳамда ер тузиш лойихасини жойга кўчириш ва участка чегараларини жойда махкамлаш тўғрисидаги далолатнома ер эгалиги (ердан фойдаланувчини) қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Давлат рўйхатида расмийлаштирилганидан

сўнг ер эгаси (ердан фойдаланувчи)га ерга эгалик килиш (ердан фойдаланиш) хукукини берувчи хужжат топширилади.

Ер участкаларини эгалик килиш ва фойдаланиш учун бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади. Эгаликдаги ёки фойдаланишдаги ер участкасини бошқа шахсларга бериш шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан кейингина амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр узатиш линиялари, магистрал қувурлар қуриш учун, шунингдек, қишлоқ хўжалиги билан bogliq bўlmagan boшқa эxтиёjlar учун қишлоқ xўjалиgигa мўлжалланмаган ёки қишлоқ xўjалиgi учун яроқsиз bўlgan еrlari beriladi. Mазкур maксadlar учун ўrmon fondiga қaraшли еrlardan ер участкалари асосан ўrmon bilan қопланмаган mайдонlар ёки butazorlар ва arzon baҳo ўsimliklar bilan қопланган mайдонlар xисобидан beriladi.

Ер эгасига (ердан фойдаланувчига) фойдаланишга ер участкалари берилиши мумкин. Бунда биринчи ҳолатда ҳам иккинчи ҳолатда ҳам барча ерлар яхлит ердан фойдаланишни ташкил этади, негаки ердан фойдаланиш битта субъектдан иборат. У ушбу барча ҳудуддан фойдаланиш бўйича маълум хукуқ ва мажбуриятларга эга. Ер эгалиги (ердан фойдаланиш) рўйхат килинади ҳамда у ер рўйхати бирлигининг асосини ташкил этади. У эгалик килиш (фойдаланиш) хукукининг объекти сифатида ёки ер эгалиги (ердан фойдаланувчи) нинг ўзга фаолияти сифатида гавдаланади ҳамда маълум аниқликдаги жойлашган ўрни ва ўлчамлари билан характерланади.

Ер эгалиги (ердан фойдаланувчи) давлат томонидан ерга эгалик қилиш (фойдаланиш) хукуқини тасдиқловчи хужжат олади. Ерлардан фойдаланиш турларига караб хукукий расмийлаштириш хужожатлари ҳамда ердан фойдаланишларни рўйхат қилиш тартиби турлича бўлиши мумкин.

Ердан фойдаланиш бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Агарда ерга эгалик қилиш (фойдаланиш) га давлат органлари томонидан берилган бўлса, бунда ердан фойдаланиш бирламчи ҳисобланади. Қонунда белгиланган тартибда ердан фойдаланувчилар ўзларига бириктирилган ер участкаларидан бошқа ердан фойдаланувчиларга беришлари мумкин. Бунда ердан фойдаланиш иккиламчи ҳисобланади. У фермер аъзолари вакилларининг мажлис қарорига асосан, бошқа ердан фойдаланувчи ерлардан – улар маъмуриятларининг қарорига асосан ажратилади. Корхона, муассаса ва ташкилотларга вақтинчалик фойдаланишга ер участкалари бирламчи ердан фойдаланувчининг розилиги билан «Ер кодекси»да кўрсатилган тартибда ажратилади.

Ерга эгалик қилиш (ердан фойдаланиш)ни рўйхат қилиш ерлардан фойдаланиш муддатлари бўйича амалга оширилади: муддатсиз ва вақтинчалик (узоқ муддатли ва қисқа муддатли). Муддати олдиндан белгиланмаган фойдаланиш муддатсиз ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, у доимий ердан фойдаланишdir. Бундай ердан фойдаланиш хукуқини берувчи Давлат далолатномалари берилади.

Ердан муддатли фойдаланиш қисқача муддатли бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш эхтиёжлари талаб қилган ҳолларда бу муддатлар вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан фойдаланиш муддатларини узайтириш ана шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади. Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари

қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига берилиши мумкин.

Ер эгалиги (ердан фойдаланиш) давлат рўйхатини амалга ошириш ердан фойдаланиш тоифалари бўйича белгиланган тартибда туман ва шахар хокимиётларида амалга оширилади. Ҳар бир ердан фойдаланиш бўйича муддатсиз, узоқ муддатли ва қисқа муддатли ерлар алоҳида – алоҳида рўйхат қилинади. Асосий ер рўйхати маълумотлари сифатида қуидагиларни ажратиш мумкин: ердан фойдаланиш ва ердан фойдаланувчиларнинг номи, фойдаланиш тури, жойлашган ўрни, фойдаланиш муддати, ер майдони ва ердан фойдаланиш ҳукуқини берувчи хужжатнинг номи, унинг тартиб раками ҳамда ердан фойдаланувчига берилган вақти. Ердан фойдаланишнинг давлат рўйхати туман (шахар) Давлат ер кадастри дафтариининг биринчи бўлимида амалга оширилади. Ер рўйхати маълумотлари туманнинг ва алоҳида ердан фойдаланувчиларнинг бошқа кадастстр хужжатларида ҳам қайд қилинади. Масалан, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ер кадастстр китобининг биринчи бўлимида туман (шахар) Давлат ер кадастстр дафтариининг биринчи бўлимида қайд қилинган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг асосий ер рўйхати маълумотлари келтирилади. Китобнинг бешинчи бўлимида томорқа ерларининг майдонлари қайд қилинади. Улар тўғрисида маълумотлар қишлоқ оқсоқоллар Кенгашида юритиладиган Хўжалик китобида ҳам қайд қилинади.

Ер эгалиги (ердан фойдаланиш)ни рўйхат килиш асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик) турларга бўлинади. Бирламчи рўйхат қилинда янги ер эгаликлари (ердан фойдаланишлар) ни расмийлаштириш, ер рўйхати хужжатларига зарур маълумотларни тушириш ва тизимга келтириш бўйича ишлар амалга оширилади. Уни ўтказиш жараёнида ердан фойдаланиш тўғрисида бирламчи ёзув

туширилади. Кейинчалик, хўжалик ривожланиши ва ердан фойдаланишнинг ўлчамлари ва таркибида у ёки бу кўринишдаги қонуний ўзгаришлар бўлади, яъни ерларнинг хуқукий ҳолатини аниқлашга зарурият туғилади. Масалан: давлат ва жамоат заруриятлари учун ер ажратилиши натижасида, ердан фойдаланишнинг умумий ер майдони, алоҳида ердан фойдаланиш турларининг майдонлари ўзгаради. Бундай ҳол, айниқса ердан вақтинчалик фойдаланишда кўп учрайди. Баъзи ҳолларда эса аксинча, ердан фойдаланувчига олдин ундан олинган ер участкаси қайтариб берилади, негаки, энди олдин ажратиб берилган мақсадлар учун ердан фойдаланишга эҳтиёж қолмаган. Бундан бошқа ҳам катор қонуний сабаблар бўлиши мумкин.

Ердан фойдаланишдаги бўндай барча қонуний ўзгаришларни расмийлаштириш ва ушбу ўзгаришларга ҳамда бирламчи рўйхат маълумотларига ва хужжатларга зарурий аниқликлар киритиш ердан фойдаланишнинг жорий рўйхати тартибида амалга оширилади. Шу тарзда ер рўйхати маълумотлари доимий равишда шу кун талаби даражасида ушлаб турилади

Ер ҳисоби-давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани холда хўжалик ҳисобининг бир тури ҳисобланади. Уни олиб боришнинг ўзига хос хусусияти бор. Бу хусусият ер майдонларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусияти билан боғлиқ. Халқ хўжалиги тармоқларида ер турли мақсадларда фойдаланилади. Шундай экан, унинг ҳисобини юритиш амалга оширилади. Ер, уй – жой биноларини, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги, транспорт корхоналари, маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш масканлари ва бошқаларни жойлашиш ўрни сифатида ҳисобга олинади.

Ерларни ҳисоб қилишда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида бир томондан, умумийлик мавжуд, иккинчи томондан ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуддир. Бу ҳол ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ва инсон

фаолиятининг бошқа соҳаларида ернинг тутган ўрни билан боғлиқдир. Ҳамма жойда ер кенглик асоси сифатида ҳисобга олинади. Шу сабабли ҳам у энг аввало, ўз ўлчамлари ва кенглиқдаги жойлашуви билан характерланади. У ёки бу ишлаб чиқариш корхонаси жойлаштириш ва қуриш учун ушбу мақсад учун берилган ер майдони тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш зарур. Аммо тенг ўлчамдаги майдон битта ёки бир неча алоҳида жойлашган участкалардан ташкил бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш учун корхонага ажратилган ернинг кенглик ҳолати тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш зарур.

Ишлаб чиқаришнинг баъзи тармоқларида (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги) ерларни кенглик асоси сифатида ҳисоб қилишдан ташқари, уни асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳам ҳисоб қилиш зарур. Бу эса ўз навбатида, ерлардан фойдаланиш ва уларнинг сифат ҳолати тўғрисидаги маҳсус маълумотлар олиш заруриятини туғдиради. Бунга биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ерларининг таркиби ва сифати тўғрисидаги маълумотлар киради.

Ер ҳисобида ерларнинг миқдор жиҳатидан ҳисобини юритиш ҳамда сифат тавсифини бериш учун натурал ўлчовлар қўлланилади. Ҳисоб ҳалқ хўжалигини режалаштириш, мамлакат ер фондидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ерларнинг миқдори, сифати ва хўжалик жиҳатдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни олиш, қайта ишлов бериш, тахлил қилиш ва саклашга йўналтирилган. У муҳим аҳамиятга эга. Унинг маълумотлар мазмуни энг аввало қишлоқ хўжалиги зарурияти бўйича аниқланади. Негаки, ер ҳалқ хўжалиги алоҳида тармоқларида турли мақсадларда фойдаланилар экан, шу сабабли ҳам ер ҳисобига турлича талаблар қўйилади.

Аниқ вазифаларга ва асосий мақсадларга қараб ер ҳисоби турлича роль ўйнаши мумкин. Баъзан у давлат ва баъзан маълум бир тармоқ бўйича тадбир сифатида гавдаланади. Умумдавлат вазифаларини бажаришда (халқ хўжалигини режалаштириш, мамлакат ер фондидан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ва х. к.) у давлат тадбири сифатида намоён бўлади. Бу ҳолда унинг вазифаси, мазмуни ҳамда юритиш тартиби давлат томонидан аникланади. Давлат қўйидагиларни белгилайди: ер ҳисоби информаялари ва уларни олиш усулларини; ҳисоб – китоб ва ҳисобот хужжатларининг шакли ва мазмунини уни амалга оширувчи органлар ва одамларни; ерларни ҳисоб қилишни юритиб боришни белгилайди.

Ҳисоб юритишнинг белгиланган тартиби мамлакатни барча ҳудудлари учун мажбурийдир. Давлат ҳисобининг обьекти бўлиб давлат ягона ер фонди хизмат қиласи.

Халқ хўжалигининг у ёки бу тармоғи масалаларини муввафқиятли ҳал қилиш мақсадида ушбу тармоқ устидан раҳбарлик қилаётган идорага ушбу тармоқ корхоналари фойдаланаётган ерлари тўғрисида маълумотлар зарур. Масалан: ўрмон хўжалиги корхоналари томонидан ўрмон хўжалигини оқилона юритиш учун улар ихтиёрида фойдаланилаётган, ўрмон билан қопланган ҳудуднинг ҳолати ва фойдаланиши тўғрисида аниқ маълумотлар зарур. Шаҳар ҳокимияти ва унинг органларига шаҳар чегарасидаги ерларнинг ҳолати ва ҳақиқий фойдаланилаётганилиги тўғрисида маълумотлар зарур. Шу сабабли ҳам ерларнинг давлат ҳисоби билан бир каторда тармоқли ҳисобини ҳам юритишга зарурият туғилади. Унинг обьекти бўлиб, маълум бир вазирлик (идора) ихтиёридаги ерлар хизмат қиласи. Ушбу ҳисоб турлари ўртасида маълум бир ўзаро алоқа бўлиши зарур.

Тармоқ ҳисоби давлат ҳисобининг мазмуни ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тўзилади. У ўз таркибига

ушбу тармоқ ишлаб чиқариши бўйича давлат ҳисоби учун зарур бўлган барча маълумотларни, шунингдек, аниқ бир тармоқ масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган ўзига хос маълумотларни олади. Шунинг учун ҳам ерларнинг тармоқ ҳисобини юритиш тартибини ўрнатишда ушбу масалалар ерларни давлат ҳисобини амалга ошириш функцияси юкланган органлар билан келишилган бўлади.

Ер ҳисоби давлат тадбири сифатида ер кадастрининг таркибий қисмидир. Ерларнинг давлат ҳисоби ерларни микдор ва сифат ҳисобини ўзида жамлагани ҳолда маълум тизимни ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан ерларнинг давлат ҳисоби тизими ҳам ривожланган ва такомиллашган. Унинг ривожланишидаги қонуний ҳол шундан иборатки, доимий равишда ер шароитлари, ердан фойдаланиш ва ер турлари майдонларни аниқлаш, аниқлиги оша берган ерларнинг сифат тавсифи кенгая борган.

Ернинг мавжуд ҳолати ва фойдаланиш бўйича ҳисоб ишлари юқори сифатли план – харита материаллари асосида олиб борилади. Барча ер фонди маъмурий – худудий бирликлар бўйича ҳисоб қилинади. Ер турларининг сифати, тупроқ катлами, тупроқларнинг озука моддалари билан таъминланганлиги, рельефи, табиий ўтларнинг ҳолати, мелиоратив ҳолати ва бошқалар бўйича аниқланади.

Ер ҳисоби ягона услубият бўйича ўтказилади. Бу эса ўз навбатида ҳисобга олинадиган ер тоифалари ва мамлакатнинг алоҳида минтақалари бўйича маълумотларни таққослашни таъминлайди. Шу максадларда ер ва ер турларининг ягона классификацияси, ер ҳисоби информациясини олиш, қайта ишлаш ва гурухлашнинг ягона тизими қўлланилади.

Ер ҳисобининг обьекти ягона давлат ер фонди бўлганлиги сабабли кимнинг ихтиёрида бўлишидан, ушбу вақтда бу ер майдонлари фойдаланилайптими ёки йўқми, булардан қатъий назар ушбу давлат ер фондига кирувчи барча ерлар ҳисоб қилинади. Бошқача қилиб айтганда,

ягона давлат ер фондининг барча ерларини хисоб қамраб олиши керак. Бу эса умумий майдонни, уни таркиби ва ер тоифалари бўйича тақсимланишини тўғри аниқлаш имконини беради.

Ер хисобини тўғри ташкил этишнинг муҳим шарти – уни ўз вактида узлуксиз юритишдир. Бу эса ер хисоби маълумотларини шу давр талаби даражасида ушлаб туришга имкон беради. Бу принцип ернинг ҳолатида ва фойдаланишда рўй берадиган микдорий ва сифат ўзгаришларни системали тарзда хисоб қилиб боришга зарурият туғдиради. Ерларни хисоб қилишда барча ўзгаришлар авваламбор натурада (жойда) қайд қилингандан сўнгина аниқлаш ва қайд қилиш зарур. Ер хисоби маълумотларини фақатгина текст хужжатларда қайд қилибгина қолмасдан балки план – харита материаллари ҳам ёритиш зарур. Ер хисоби ва ер хисоботи хужжатлари ўртасидаги мантикий жихатдан доимий боғлиқлик бўлиши керак.

Ер хисобини ўтказишида имкони борича камроқ харажат талаб қиласидиган маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ва техник воситаларидан фойдаланиш зарур. Компьютерларни ва тасвирга олиш ҳамда кузатувчининг анча такомиллашган усулларини кўллаш мамлакат ер фонди хисобини тўғри ва ўз вактида амалга оширишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида, давлат ер кадастрини муваффакиятли юритишга замин бўлади.

Ерларни инвентаризация (йўқлама қилиш) ер хисобининг таркибий қисми сифатида мавжуд бўлиб, тезкор хисоб тадбиридир. Бу иш жойидаги ва кадастр хужжатларидаги мавжуд маълумотларини бир – бирларига мос келишини аниқлаш мақсадида, заруриятга қараб ўтказилади. Бунинг натижасида олинган кадастр маълумотлари биринчи навбатда хисоб маълумотларига туширилади. Ерларнинг йўқлама ишларини ўтказишида амалиётда мавжуд бўлган план – харита ва бошқа

материаллардан фойдаланилади. Маълумотларни жойга мос келишини аниклаш ерларнинг кузатувида амалга оширилади. Бунда маҳсус равишда тасвирга олиш қоидага биноан ўтказилмайди.

Ер ҳисоби ишлари ўз вазифасига, мазмунига ва хусусиятига қараб ер кадастри сингари асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик) турларга бўлинади. Бу иккала ҳисоб турлари ўзаро боғлиқдир ҳамда ягона ер ҳисоби жараёнининг маълум босқичларини намоён қиласди.

Асосий ҳисобнинг вазифалари қуйидагилар:

- ҳисоб қилинадиган ҳудуд учун барча мавжуд план – харита материалларини олиш, тизимга солиш ва тахлил қилиш;
- зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва план – харита материалларини олиш мақсадида тасвирга олиш ҳамда кузатув бўйича дала қидирув ишларини ўтказиш;
- ҳисоб қилинадиган барча ерлар ўлчамларини, сифат ҳолатини, тақсимланиши ва фойдаланиш ҳолатини аниклаш;
- маҳсус ер ҳисоби планларини тайёрлаш ва ер ҳисоби текст хужжатларига бирламчи ёзувларни тушириш;
- ер фонди таркибини ер тоифалари, ер эгаликлари, ердан фойдаланишлар, ер турлари бўйича аниклаш ва маъмурий бирликлар (туман, вилоят, республика) бўйича сифат жихатдан тавсифлаш.

Бирламчи ҳисобни ўтказиш билан боғлик бўлган ишлар миқёсини умумий ҳолатда баҳолаш учун мисол тариқасида қуйидаги сонларга мурожаат қиласми: Республикамиз ер фонди (44457,9 минг га) 1 республика, 12 вилоят, 165 маъмурий туман, 40 дан ортиқ вилоят ахамиятидаги шахарлар бўйича ҳисобга олинади ва тавсифланади. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар сони ҳозирги кунга келиб 41400 дан, жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари

15200 дан ошади. қишлоқ хўжалик ерлари, уларнинг турлари ва кичик турлари бўйича, яъни гурухлар, синфлар, механик таркиби бўйича тавсифи берилади, барча қишлоқ хўжалик ерларини баҳолаш амалга оширилади.

Бирламчи ҳисоб тасвирга олиш ва кузатув, планлар тузиш, майдонларни ҳисоблаш билан боғлик. Ҳисоб қилинаётган ерларнинг микдори ва сифати тўғрисида тўла ва ҳар томонлама маълумотлар олиш учун юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади. У қўйидаги иш босқичларни ўз ичига олади: тайёргарлик, дала, ҳисоб натижаларини расмийлаштириш.

Тайёргарлик ишлари жараёнида ҳисоб қилинадиган худуддаги барча ерларнинг микдори ва сифати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган барча мавжуд материаллар ва хужжатлар тўпланади. Тўпланган материаллар ўз моҳиятига қараб гурухланади, ер ҳисоби учун яроқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва баҳоланади. План – харита материалларини, хўжаликлараро ва ички хўжалик ер тузиш лойихалари, маълумотлари, ер эгалиги (ердан фойдаланиш)ни рўйхат қилиш хужжатлари тўпланади ва ўрганилади. Шундан сўнг олинадиган материалларнинг сифати ва аниқлигига қараб ҳисоб учун улардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги масала хал қилинади. Агарда материаллар эскирган бўлса, жойдаги ҳолатни ёритмаса, бундай ҳолатда план – хариталарни таҳrir қилиш ёки янгидан тасвирга олиш ва кузатув ишлари бўйича ишлар белгиланади, яъни янги боскич ишларига дастур аниқланади.

Дала–қидирув ишлари асосан натурада, яъни жойда зарурий ер ҳисоби маълумотларини белгилаш бўйича маҳсус ишларни ўз ичига олади. Буларга: тасвирга олиш, кузатув, мавжуд план – харита материалларни таҳrir қилиш киради. Дала ишларини ўтказгандан сўнг маҳсус тадбирлар – тупроқ анализи, ер ҳисоби маълумотларини

расмийлаштириш, майдонларни ўлчаш ва боғлаш, маҳсус ҳисоб – план хужжатларини тузиш амалга оширилади. Шундай тарзда олинган маълумотлар белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шундан сўнггина улар бирламчи маълумотлар сифатида қабул қилинади ва текст хужжатларига ёзилади.

Бирламчи ҳисобни ўтказиш пайтида аниқланган ва қайд қилинган маълумотлар вақт ўтиши билан ҳақиқий ҳолатга мос келмай қолади. Бу ҳол шу билан тушунтириладики, ерлардан хўжалик фаолияти жараёнида фойдаланиш натижасида улар таркибида ва тақсимланишида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Масалан, охирги йилларда давлат ва жамоат мақсадлари учун хар йили неча ўн минг гектар ер ажратилади. Ер майдонларида турли хил агротехник ва мелиоратив тадбирларнинг муваффакиятли олиб борилиши натижасида ер турларининг сифат ҳолати ўзгаради. Ҳатто томорқа ерларида ҳам катта аниқликлар ўтказилиши талаб қилинади. Шунинг учун ҳам ер кадастри хужжатларига туширилган бошлангич маълумотлар эскиради, натижада уларни системали тарзда янгилаб туриш зарур бўлади. Бу эса жорий ҳисоб асосида амалга оширилади.

Жорий ҳисобнинг вазифасига қўйидагилар киради: биринчидан, ерларнинг миқдори, сифати ва тақсимланишида юз берадиган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва қайд қилиш ва иккинчидан, бирламчи ҳисобда йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш ҳамда аниқликлар киритишдир.

Хўжаликларда қонуний ўзгаришлар қайд қилинади. Шунинг учун жорий ҳисобда фақатгина ҳақиқий юз берган ўзгаришларни аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, шу билан бирга, ушбу ўзгаришларнинг қонунийлигини ҳам аниқлаш зарур. Жорий ҳисоб ишлари мазмунининг фарқи шундан иборатки, уни ўтказишида асосий ҳисоб

материалларидан фойдаланилади ва факатгина ернинг ҳолати ҳамда фойдаланишдаги ўзгаришларгина ўлчанади. Бунда қайтадан тасвирга олиш ишлари бажарилмайди ва план – харита материаллари тайёрланмайди. Шундай қилиб, жорий ҳисоб бирламчи ҳисобдан иш хажми ва характеристи бўйича фарқ қиласди. Ўз характеристи бўйича юз берадиган ўзгаришлар қуидаги турларда бўлади: ер турларининг трансформацияси (бир турдан иккинчисига ўтиши) натижасида ер турларининг майдонларида; тупрокларнинг сифат ҳолатларида; ер ажратиб олиш ва ер ажратиб бериш натижасида ер эгаликлари (ердан фойдаланишлар) ва бошка ҳисоб бирликлари ўлчамларида; ер эгаликлари (ер фойдаланишлар) алоҳида тоифалари ер майдонларида; асосий ер тоифалари майдонларида; маъмурий бирликлар худудининг майдонларида.

Асосий ва жорий ҳисоблар ўртасида алоқа мавжуд. Биринчиси иккинчисини ўтказишга замин яратади, унинг таъсир доирасини аниқлайди; иккинчиси эса биринчининг маълумотларини талаб даражасида тутиб туради. Бирламчи ва жорий ҳисобларда миқдор кўрсаткичлар билан бир қаторда сифат кўрсаткичлар ҳам ёритилади.

Ер ҳисобини тўғри йўлга кўйишда тасвирга олиш катта аҳамият касб этади. Фақат тасвирга олиш ва шу асосда олинган хариталардан фойдаланиш асосида мамлакат ер фондини мумкин қадар тўғри ҳисоб қилишга имкон беради. Тасвирга олиш материаллари ер эгаликлари (ердан фойдаланишлар) майдонлари, ер турларининг таркиби тўғрисидаги аниқ маълумотлар олиш имконини беради. Бу маълумотлар ерларни сифатини ҳисоб қилиш учун зарурдир.

Тасвирга олиш асосан ер устида ва аэрофототасвирга олишга бўлинади. Ҳозирги пайтда аэрофототасвирга олиш ерларни давлат ҳисобида тасвирга олишнинг асосий туридир. У мамлакат ер фондини, жумладан, ҳар бир ер эгалиги (ердан фойдаланиш) ерларнинг ҳолати ва фойдаланиш

ўлчамлари тўғрисидаги тез ва нисбатан арzon зарурий маълумотлар олишга имкон беради. Унинг маълумотлари ва ердан фойдаланиши ҳисобга олиш учун зарур бўлган жойнинг элементлари ер устида тасвирга олишга нисбатан кўпроқ ёритилади. Масалан, аэрофототасвир материала-рида фақатгина ер турларининг контурларигина эмас, балки турли хилдаги экин майдонларнинг чегаралари, эрозиянинг ривожланиш даражаси ва бошқалар ҳам қайд қилинади. Аэрофототасвирлар айниқса кичик-кичик ер участкаларига эга бўлган томорка ерларини хисоб қилишда жуда қиммат-дир. Ушбу материаллар асосида ер ҳисобини ҳозирги давр талаби даражасида ушлаб туриш мумкин. Кейинги йилларда ер ҳисобига фазодан тасвирга олиш материаллари ҳам кириб келмоқдаки, бу яқин истиқболда муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан бирига айланади.

Ҳисоб маълумотларини олишнинг жуда муҳим усулларидан бири – бу кузатувдир. Давлат ер ҳисобида ўтказиладиган кузатув ишининг вазифасига асосан ер турларининг ҳақиқий ҳолатини ва фойдаланишини аниклаш, шунингдек, уларни қишлоқ ҳўжалигида имкон борича жадал фойдаланиш имкониятларини аниклашдир. Кузатувлар асосан икки турга бўлинади: маҳсус ва агрохўжалик. Маҳсус кузатувларга тупроқ, геоботаник ва мелиоратив кузатувлари киради. Агрохўжалик кузатувида жойида ҳар бир контур ва ер турининг ташқи белгилари ва ҳолати бўйича унинг сифати ҳамда келгусида имкон борича оқилона фойдаланиш йўллари аникланади.

Бирламчи маълумотлар олиш ва ердан фойдаланиши назорат қилиш учун экин майдонлари ва томорка ерларини ўлчов ишлари ўтказилади. Ўлчов асосан ёппасига ва танланган турларга бўлинади. Ёппасига ўлчовда – барча майдонлар қамраб олинади, танланганда эса – худуднинг бир қисмигина ўлчанади.

ЕР МОНИТОРИНГИ МАЗМУНИ ВА ТИЗИМИ

Ер мониторинги ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида унинг ҳолатини кузатиб бориш тизимидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг барча ерлари, уларнинг хуқуқий режими, фойдаланиш мақсади ва характеристидан қатъий назар, мониторнинг обьекти ҳисобланади.

Мониторинг ерлардан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади ва фонди тоифаларига мувофиқ қуйидаги кичик тизимларга бўлинади:

- ✓ қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар мониторинги;
- ✓ аҳоли пунктлари ерлари ва мониторинги;
- ✓ таноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар мониторинги;
- ✓ табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекрецион мақсадлардаги ерлар мониторинги;
- ✓ ўрмон фонди ерлари мониторинги;
- ✓ сув фонди ерлари мониторинги;
- ✓ захира ерлар мониторинги.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ер мониторингининг асосий вазифаси ҳисобланади:

-ер фонди ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш устидан кузатишлар тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларни прогнозлаш ҳамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

-давлат ер кадастри юритилишини, ердан фойдаланишини, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришга доир бошқа функциялар устидан давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

Худудий жихатдан ерларнинг республика, минтақавий ва маҳаллий мониторинги амалга оширилади.

Минтақавий мониторинг физик – географик, маъмурий ва бошқа чегаралар билан чегараланган ҳудудларни қамраб олади.

Маҳаллий мониторинг алоҳида ер участкалари ва манзара-экология комплексларини қамраб олади.

Ер мониторинги мазмуни ер фонди ҳолатини маҳсус ташкил этилган мунтазам кузатишлар (суратта олиш, текшириш ва қидирув) дан қуидагилар ўзгаришларини аниқлаш, баҳолаш ва прогнозлашдан иборат бўлади:

-ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш, экинзорлар, далалар, участкалар, манзара – экология комплексларини ҳолати.

Ерлар унумдорлигининг ўзгаришига, уларнинг таназзули ва деструкцияси (аридизация ва чўлланиши, сув, ирригация ва шамол эрозияси, чиринди микдори ўзгариши, тупроқ таркибининг ўзгариши, оҳаклилиги, бегона ўт босганлиги, шўрланганлиги, кишлок хўжалиги ерларининг ўт босганлиги, ерларнинг пестицидлар, оғир металлар, радионуклиидлар ва бошқа токсик моддалар, саноат, майший ва бошқа чириндилар билан ифлосланиши) га таъсир қилувчи жараёнлар:

Табиий озукабоп ўтлар қоплами ҳолатининг ўзгариши (ўсим-ликлар таркиби, тузилиши, ҳосилдорлиги, сифати ва тўйимлили-гининг ўзгариши) билан боғлик жараёнлар;

Дарёлар кирғоқларининг, Орол денгизи, кўуллар, сув омборлари, ирригация ва гидротехника иншоотларининг фаолияти;

Жарликлар ва ўпқонлар, ўпирилишлар, сел оқимлари, зилзилалар, сув тошқинлари, «дегишлар», карст, ер чўкиши, бошқа экзоген ва эндоген жараёнлар ва антропотехноген ҳодисалар туфайли пайдо бўлган жараёнлар;

Аҳоли яшаш жойлари, нефть ва газ қазиб олиш, тозалаш иншоотлари, гүнгхоналар, ахлатхоналар, ёнилги мойлаш материаллари, ўғитлар, заҳарли химикатлар омборлари, токсик саноат чиқиндилари ва радиоактив материаллар кўмилган жойлар, шунингдек бошқа саноат объектлари ерларининг ҳолати.

Ерларнинг ҳолати ўзгаришларининг йўналиши ва жадаллигига оид бир қанча изчил кузатишларини (даврий, мавсумий, суткалик) таҳдил қилиш, олинган кўрсаткичларни ерларнинг сифат ҳолати нормативлари билан таққослаш орқали баҳоланади. Ер ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари муайян давр ёки сана учун ҳам абсолют, ҳам нисбий кўрсаткичларда (ўлчов бирлигига) ифодаланади.

Ерлар ҳолатини баҳолаш натижаларига кўра тезкор маълумотлар, ахборотлар, прогнозлар ва тавсияномалар тузилади, уларга ўзгаришлар, айниқса салбий ўзгаришларнинг динамикаси, уларнинг йўналишини ва жадаллигини тавсифловчи мавзули хариталар, картограммалар, жадваллар ва диарраммалар илова қилинади.

Ер мониторингини юритиш бўйича ишлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ СИФАТИ БЎЙИЧА СИНФЛАРГА ТАҚСИМЛАШ ВА КАДАСТР БАҲОЛАШ

Сугориладиган ерлар, асосан, республикамизнинг тоғолди ва текислик қисмларида жойлашган, бу эса ўз навбатида тупроқларнинг пайдо бўлиш жараёнига боғлиқ равишда уларнинг сифат жиҳатидан фарқланишини ҳамда қишлоқ, хўжалик ерларидан фойдаланиш хусусиятини белгилайди. Паст тоғлар, TOF ости ва тоғолди худудларида таркалган бўз тупроқлар минтакасидаги сугориладиган тупроқлар, асосан, шўрланиш билан боғлиқ мелиоратив

тадбирларни талаб этмайди, аммо, бу ерларда сүгериш (ирригация) ва сув эрозияси жараёнлари кузатилмоқда.

Сүгериладиган ерлар тупроқ шароити, механиқ таркиби, шўрланиш даражаси, гипснинг мавжудлиги, тошлоқлилиги, эрозияга мойиллиги ва бошқа хусусиятлари бўйича фаркданади.

Паст тоғлар, тоғости ва тоғолди худудларидаги тик (вертикал) минтака тупроқлари сүгериладиган барча ерларнинг 43 фоизини ташкил этади, шулардан турли тусли бўз тупроқлар 0,8; типик бўз тупроқлар 17,3; оч тусли бўз тупроқлар 18,1; бўз ўтлоқи, ўтлоқи ва ботқоқ ўтлоқи тупроқлар 6,8 фоизни ташкил қиласди.

Чўл зонаси текислик худудларидаги тупроқлар сүгериладиган ерларнинг 57 фоизини ташкил этиб, шулардан тақир тупроқлар 8,2 фоизни, ўтлоқи-тақир, ўтлоқи ва ботқоқ ўтлоқи тупроқлар 47 фоизни, сур тусли кўнғир, сахро-кумлоқ тупроқлар, шўрхоклар 1,8 фоизни ташкил қиласди.

Республика бўйича ўрта кумоқ таркибли тупроқлар салмоғи юқори бўлиб, жами сүгериладиган ерларнинг 47 фоизини ташкил этади.

Бундай тупроқларнинг сув-физик хусусиятлари мўътадил бўлади, улар етарли нам сақловчи ва сув ўтказувчан бўлиб, тузларнинг ювилиши ва ишлов берилиши осон.

Механиқ таркиби оғир қумоқли тупроқлар сүгериладиган ерларнинг 25 фоизини ташкил этади. Улар бир қатор нокулай сув-физик хоссаларига эгадир.

Ернинг сифатини баҳолашда асосий омил бўлиб, унинг унумдорлиги ҳисобланади ва бонитет балли бўйича аниқланади.

Тупроқ бонитировкаси – тупроқ сифатининг солиштирма қиймати бўлиб, ернинг ўртacha агротехника ва дехқончиликдаги ишлаб чиқариш қобилиятини кўрсатади. Бонитировка қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги

билин боғлиқ бўлиб, тупрок хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, «Суғориладиган тупроларда бонитировка ўтказиш услубий қўлланмаси» асосида тузилади.

Ўзбекистоннинг суғориладиган дехқончилик шароити учун бонитировка пахтачиликда қабул қилинган. Бонитировкада тупроқнинг асосий хоссалари ва табиий шароитлари: тип ва типчалар, суғориш бошланган давр, маданийлашгани, ҳарорат заҳиралари билан таъминланганлиги, механик таркиби, тупрок ҳосил қилувчи жинс, қатламлар ости сув ўтказувчанлиги, шўрланиш даражаси, тошлоқлиги ва гипслашганлиги ҳисобга олинади. Баҳолаш ёпиқ 100 балли шкала бўйича амалга оширилади. Энг юкори 100 балл билан энг яхши, юкори ҳосилдорлиги билан ажралиб турувчи тупроқлар баҳоланади.

Тупроқнинг табиий унумдорлигини ҳисобга олиб, суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлиги ва уларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқлигининг потенциал имкониятларига кўра республикамиз суғориладиган ерлари бонитет балла бўйича 10 та синфга ва 5 та кадастр зона (гурух) ларига бириктирилган.

Биринчи кадастр зонаси (I ва II класслар)га янги ўзлаштирилган, кам ривожланган, хоссалари кучсиз ва унумдорлиги паст, дехқончилиқда фаол фойда чекланган, ўсимлик ўсиши учун зарурий озуқалар кам, тупрок шароитлари паст ерлар киритилган. Бу зона ерларининг табиий шароити ёмон баҳоланиб, бонитет балли 0 дан 20 гачани ташкил этади. Республика қишлоқ хўжалиги суғорила-диганэкин ерларнинг 0,3 % ни ташкил этади. Бу ерлар Жиззах, Бухоро Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида катта майдонни ташкил қиласи ва механизмлар билан ишлов беришга нокулай майда пайкаллардан иборат. Бу ерлардан фойдаланиш учун уларни ривожланишини тезлаштириш, шўрини ювиш, захини қочириш, эрозия ва чўкиш жараёнларини

камайтириш каби тадбирларни махсус биологик таъсир қилувчи усуулар билан амалга ошириш зарур.

Иккинчи кадастр зонаси (III ва IV класслар)га янги сугориладиган ерларнинг катта қисми, фаол ўзлаштирилаётган ва маданийлаштирилаётган ерлар киради. Ерларнинг хоссалари етарли даражада турғундир ва ҳаммаси сугоришга яроқли ҳисобланади, лекин экиладиган экин турлари чекланган. Тупроқлари шўрлан-ган, шамол эрозиясига учраган, сифти бўйича ўртачадан паст бўлиб, 21-40 бонитет баллари билан баҳоланади. Меъёрий ҳосилдорлик 12 ц/га ни ташкил этгани ҳолда ўзгарувчандир. Бу ерларни ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш учун планировка (текислаш), шўр ювиш, органик ўғитлар билан бойитиш, кўп йиллик ўтлар ва седиратлар экиш, тошлишагалли ерларни кольмотаж қилиш ва бошқа тадбирлар мажмуасини амалга ошириш талаб қилинади.

Бу зонага тегишли ерларнинг умумий майдони жами сугориладиган экин ерларнинг 24,1 % ни ташкил этади. Бундай ерлар Коракалпогистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида кўп тарқалган.

Учинчи кадастр зонаси (V ва VI класслар) га етарли даражада маданийлаштирилган янги ва қисман эски сугориладиган ерлар киритилган, тупроқларининг сифат баҳоси ўртacha, 41-60 бонитет балларини ташкил қиласи. Ҳозирги замон дехқончилиги учун жойларда маданий-мелиоратив яъни ерларни захини қочириш, шўрини ювиш, эрозияга қарши агротехник тадбирлар ўтказилса, ердан тўғри фойдаланишнинг замонавий технологияларини доимий жорий этиш орқали тупроқнинг янги сифатларини пайдо қилишга эришиш мумкин.

Агар бу ерлардан нотўғри фойдаланилса, маданийлаштириш жараёни тўхтаб қолишидан ташқари тупроқ деградацияси бошланиши, гумус ва озуқа элементлари

пасайиб, нишабли ерларда эрозиянинг бошланиши ва тупроқ унумдорлиги камайиб кетиши мумкин. Бу классга мансуб тупроклар ирригацион эрозияга ҳамда иккиласмчи шўрланишга кам учраганлиги билан тавсифланади.

Пахтанинг ўртача меъёрий ҳосилдорлиги 20 ц/га бўлиб, маданийлаштириш чуқур олиб борилмаганлиги туфайли турғун эмас. Бу ерларнинг умумий майдони жами сугориладиган экин ерларнинг 45,5 % ни ташкил қилади, асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида кўп тарқалган.

Тўртинчи кадастр зонаси (VII ва VIII класслар)га маданийлаштирилган воҳа (эски ва янги сугориладиган, ўртача маданийлаштирилган) ерлари киради, сифати яхши ва яхшидан юқори бўлиб, 61-80 бонитет баллари билан баҳоланади. Ерлар узоқ вактлардан буён сугорилиб, маданийлаштирилиб келинаётганлиги туфайли тупроқ хоссалари сезиларли даражада яхшиланган ва унумдор, далалар яхши текисланган ва механизация ёрдамида қайта ишлов бериш учун қулайдир. Тупроқ унумдорлигини ва ишлаб чиқариш қобилиятини паайтирувчи омилларнинг яъни гумус микдорини пастлиги, озуқа моддаларининг камлиги, ирригация эрозияси ва иккиласмчи шўрланишнинг тасири жуда кам. Қишлоқ хўжалиги экинларини барча турларини экиш мумкин, агротехник ва мелиоратив тадбирларга амал қилиш талаб этилади.

Ерга қилинган харажатлар ўзини оклади, пахтанинг ўртача меъёрий ҳосилдорлиги 28 ц/га бўлиб, сифати паст ерларга қараганда харажатлар кам талаб этилади. Ушбу ерларнинг умумий майдони жами сугориладиган ерларнинг 27,2 %ни ташкил қилади. Бу ерларнинг катта қисми Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларининг эскидан сугориладиган зоналарида жойлашган.

Бешинчи кадастр зона – водий ерларда қадимий шаҳар ва аҳоли пунктлари минтақаларида жойлашган. Улар ўзига хос устивор ва юқори ҳосилдорликка эга. Салбий омиллар ерларнинг сифатига таъсир этмайди. Бу кадастр зонасига (IX ва X класс) бонитет баллари 81 дан юқори бўлган ерлар киради. Пахтанинг меъёрий ҳосилдорлиги 32 ц/га дан юқори. Сугориладиган қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 2,9 %ни ташкил этади. Уларнинг экологик тозалигини таъминлаш учун фақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиш керак.

Тўртингчи ва бешинчи кадастр зоналаридаги 60 баллдан юқори бўлган қимматли ер майдонлари (ўртacha ҳосилдорлик 32 ц/га га тенг) 10,4 % га, асосан томорқа ерлари ажратиш ва хўжалик ички курилиш хисобига 260 минг гектарга қисқаради.

Шу билан бирга, ўрта ва ўртадан паст сифатли иккинчи ва учинчи кадастр зонасидаги майдонлар ерларни мелиоратив ҳолати ёмонлашганлиги эвазига 14,0 % га кўпайди.

Республика аҳолисининг катта қисми (62%) қишлоқ хўжаликларида асосан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда яшайди. Шундай экан қишлоқ хўжалик аҳолисининг яшаёт даражаси тупрокнинг ҳосилдорлик имконияти билан боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ер манбаларидан тўғри фойдаланиш, сугориладиган ерларнинг унумдорлигини тиклаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб масала бўлиб, тез ҳал қилишни талаб этади.

ЎЗБЕКИСТОН ЕР РЕСУРСЛАРИ. ЕРЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЕР КАДАСТРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон табиий-иклим шароитларининг – иқлим, рельеф, тупроқ пайдо қилувчи жинслар, гидрологик ҳолатлари мураккаблиги бу ерда тупроқларнинг хилма-хил бўлишини ва қишлоқ хўжалигида фойдаланган ерларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган ер майдони 28 млн. гектардан ошикроқ. Биринчи қарашда ер майдони кўпга ўхшаб кўринсада, аслида қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар, асосан, сугориладиган майдонлар бўлиб-4,28 млн. гектарга тенг. Бу ерлар ҳақиқаттан ҳам республикамизнинг «олтин фонд»ни ташкил этади ва уларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизидан ошикроғи этиштирилади.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон қадим замонлардан бери дунёда суғорма дехқончиликнинг марказларидан бири бўлган. Узок йиллар давомида бу тупроқлар ўз унумдорлигини йўқотмаган, аксинча дехқон фаолияти натижасида ҳосилдорлик ошиб борган. Лекин биз яшаётган асрнинг ўрталарига келиб, айникса кейинги 30-40 йил давомида, ерларни бир томонлама эксплуатация қилиш – қандай бўлмасин фақат асосий экиндан юқори ҳосил олиш учун уриниш бир қатор нохуш ҳолларга олиб келди. Энг аввало, уларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Кейинги йигирма йил давомида шўрланган ерлар миқдори 850 минг гектарга кўпайди ва умумий майдони 2 млн. гектардан ошди, бу сугориладиган ерларнинг ярми демакдир. Тузлар тўпланиши ва ерларнинг шўрланиши чўл минтакаси ва оч тусли бўз тупроқлар поясида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилоятларида,

Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятларининг бир қисмида кучайиб кетган. Бундан ташқари гипсли тупроқларнинг ўзлаштирилиши ерларнинг чўкишига ва тезда қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетишига сабаб бўлмокда.

Тупроқларнинг иккиламчи шўрланишини келтириб чиқара-диган сабаб - минерализациялашган грунт сувларининг ер юзасига яқинлигидир. Суғориш сувларининг катта меъёрда ишлатилиши грунт сувлари сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда грунт сувлари кам минерализациялашган (1-3 г/л) майдон 1,5 млн.гаектарни, ўртача минерализациялашган (3-5 г/л) - 0,7 млн.гаектарни ва кучли минерализациялашган (5 гм) - 0,5 млн. гектарни ташкил этади.

Тупроқларнинг унумдорлигига шамол ва сув эрозиялари катта таъсир кўрсатади. Бугунги кунда 2 млн. гектардан ошиқроқ ер дефляцияга, жумладан 0,7 млн. гектар ер кучли дефляцияга учраган, 0,5 млн. гектар ерда ирригация эрозияси юз бериш хавфи бор. Бундай ерлар тоғ олдида жойлашган вилоятлар, айникса, Фарғона водийси адирларида кўплаб учрайди. Эрозия натижасида гектаридан 0,5-0,8 тонна гумус, 100-120 кг азот, 75-100 кг фосфор ювиб олиб кетилиши мумкин.

Республика тупроқларининг асосий қисми ҳар хил пестицидлар, заҳарли кимёвий моддалар қолдиклари билан ҳар хил даражада ифлосланган. Улар етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини ёмонлаштириши билан бир қаторда фойдали тупроқ микрооранизмларининг фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон тупроқларида макроструктура кам, лекин улар кучли микроструктурага эга. Лекин, резина ғилдиракли тракторларда бир неча бор ишлов бериш натижасида тупроқларнинг микроструктураси ҳам парчаланиб кетади, зичлиги, айникса, ҳайдов ости қатламигининг кескин

зичлашуви кузатилмоқда. Бу ҳол ўз навбатида тупроқ унумдорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири, сув ва ҳаво режимларининг бузилишига олиб келади.

Суғориладиган тупроқларда гумус моддасининг камайиб кетиши кузатилмоқда. Озука элементларининг асосий қисми ўсимлик биомассаси билан тупроқдан олиб чиқилиб кетмоқда ва тупроққа қайтиб тушадиган ёки сунъий ўғит сифатида бериладиган миқдори сезиларли даражада кам, демак деҳқончиликнинг асосий қонуниятларидан бири -ерга «қайтариш» қонуни бузилгац Натижада суғори-ладиган ерлар камбағаллашиб кетган, уларнинг физикавий - кимёвий хусусиятлари ёмонлашган. Шуни таъкидаш лозимки, бунга алмашлаб экишга эътиборсизлик, пахта якка ҳокимлиги ҳам катта сабабчи бўлади(17-жадвал).

17-жадвал

Ўзбекистон Республикаси суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг шўрланганлиги бўйича маълумот

Вилоятлар номи	Шўри ювилган	Шўрланиш даражаси				
		Кучсиз	Ўртacha	Кучли	жуда кучли	Жами
Қорақалпогистон Рес.	0	110382	151702	142901		404985
Андижон	0	52241	20647	4910		77798
Бухоро	0	98565	45150	31279		174994
Жиззах	145	101018	76053	38885		216102
Қашқадарё	2994	213931	63347	31504		311776
Наманган	1458	49726	18051	13053		82288
Навоий	1114	48735	19598	6661		76108
Самарқанд	1528	102767	19897	4608		128800
Сурхондарё	8669	99742	47646	22542		178599
Сирдарё	9833	115740	70094	48848		244515
Тошкент		67580	13107	5335		86022
Фарғона	590	108044	67401	42988		219023
Хоразм	31	106843	50611	23158	199	180842
Республика бўйича	26362	1275314	663304	416672	199	2381852

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларимизнинг мелиоратив - экологик ҳолати ёмон, демак унумдорлик даражаси юқори эмас. Лекин ҳамма жойда ҳам шундай дейиш хато. Илму-фаннынг асосли тавсияларига, минглаб йиллик дехқончилик тажрибаларига таяниб ишлаётган дехқон, фермер, ширкат хўжаликларида тупроқ унумдорлиги камаймасдан, балки ошганлиги кузатилмоқда. Демак, тупроқларнинг ишлаб чиқариш потенциали юқори, масала уни қандай қилиб самарали унумдорликка айлантиришда. Бунга қандай эришиш мумкин?

Тупроқнинг унумдорлигини кўп жиҳатдан белгиловчи органик модда- гумуснинг микдорини ошириш лозим. Шуни таъкидлаш керакки, тупроқ унумдорлигида гумуснинг умумий захираси эмас, балки янги фаол органик қисми катта аҳамиятга эга. қадимдан сугориладиган тупроқда гумус захраси кўп бўлсада, у фаол эмас. Масалан, Тупроқшунослик ва агрокимё институти олимлари 11 йил давомида ҳар хил тупроқ типларида вилт касаллиги тарқалиши бўйича ўtkазилган тажрибалари бу касалликнинг кўпинча қадимдан сугориладиган ерлар - бўз ва ўтлоқи - воҳа тупроқларга тўғри келишини аникладилар. Янги сугорилган ерларда вилт касаллиги сезиларли даражада кам, янги ўзлаштирилган ерларда эса бу касаллик умуман кузатилмади. Бу ҳол янги ўзлаштирилган ерларда кўриқ даврида пайдо бўлган фаол органик моддалар мавжудлиги деб қаралиши мумкин. Демак, тупроқ унумдорлигини ошириш учун, тупроққа доимий тушиб турадиган янги органик моддалар зарур.

Амалиётда тупроқлар унумдорлигини ҳар томонлама ошириб бориш масаласини ечмоқлик факат уларнинг табиий ресурсларини ишга солмоқликка асосланган бўлмасдан, балки уларнинг сарф бўлиб кетган қисмини қайтариш ва тўлдириш, шу билан бирга агрозкосистемаларнинг қўшимча

энергия резервларига ва фотосинтезнинг юқори маҳсулдорлиги шартларини қондирмоқ-ликка (биринчи навбатда карбонат ангидрид газига бўлган талабни қондирмоқликка) асосланган бўлиши керак (18-жадвал).

18-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси сугориладиган қишлоқ
хўжалиги ерларининг сувли емирилиши
(эрзияси) ҳакида маълумот**

Вилоятлар номи	Сувли емирилиши (шамол эрзияси)					Жами
	Кучсиз	Ўртacha	Кучли	Кам ювил.	Шўри ювил-маган	
Қорақалпоғистон Рес.	9349	69	0			9418
Андижон	5884	4987	3314			14185
Бухоро						
Жizzах	38464	6123	5			44592
Қашқадарё	141019	15946	2783			159748
Наманган	27130	20964	6430			54524
Навоий	1076	1905	26	7	152	3166
Самарқанд	76079	40305	5315			121699
Сурхондарё	17773	12597	6984			37354
Сирдарё	688					688
Тошкент	68081	52357	18154			138592
Фаргона	14685	1456	344			16485
Хоразм						
Республика бўйича	390879	15664	43355	7	152	591033
	0					

Агроэкосистемаларда энергетик балансни, моддалар балансини мусбат кўрсаткичга кўтариш учун ёки мўътадиллаштириш учун тупроқда, бизнингча органик модда йигилишини кўпайтириш зарур. Бунинг учун: тупроқ-ўсимлик-биомаҳсулот тизими формуласи тупроқ-ўсимлик - чорва моллари - биомаҳсулот тизими шаклига ўтказилиши керак. Ҳозирги вақтда бундай тизим айрим

кичик дәхқон ва фермер хўжаликларида мавжуд, лекин бу тизимни мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудида етарли дара жада қўллаш лозим. Тизим амалиётда кенг қўлланилганда:

- а) агроэкотизим таркибида озуқа дон экинлари ҳиссаси ортади;*
- б) чорвачилик ривожлантирилиб, ундан олинадиган сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар кўпаяди, шу билан бирга бу соҳада ҳам мустақилликка эришилади;*
- в) тупроқ унумдорлигини оширишининг реал манбаи - органик ўғит етарли бўлади;*
- г) қашлоқ хўжалиги ишлаб чиқарииши чиқиндисиз, атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган экологик тоза технологияга эга бўлади.*

Ҳозирги шароитда дәхқончиликни минерал ўғитларсиз тасаввур қилиб бўлмайди - улар юкори ҳосил олишнинг муҳим омили. Энг яхши тупроқлардан бири бўлган бўз-воҳа тупроқларининг табиий унумдорлиги ғўзадан гектарига 12-15 центнер ҳосил олишни таъминлайди ҳолос. Кимёлаштириш янги ривожланган пайтда, маъдан ўғитларнинг фойдалилиги яққол кўзга ташланди. 1970 йиллардан бошлаб уларнинг меъёри ошгани билан самараси камая бошлади (19-жадвал).

Салбий ҳоллар кўзга ташланди: тупроқларда макро ва микроэлементлар нисбати бузилди, азотнинг ювилиши, ғрунт сувларига ўтиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши, вилт каби касалликларнинг кучайиши, фойдали микроорганизмларнинг камайиши ва ҳоказо. Кам унумдорликка эга бўлган тупроқларда ўғитларнинг ўзлаштирилиши ҳам жуда паст. Шунинг учун тупроқ унумдорлигини оширишда минерал ва органик ўғитларни биргаликда ишлатиш катта аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон Республикаси сугориладиган қишлоқ
хўжалик ерларининг механик таркиби бўйича маълумот**

Вилоятлар номи	Механик таркиби						
	Соз	Оғир	Ўртacha	Енгил	Кумло к	Кумли	Жами
Қорақалп. Респ.	1889	102658	143339	126755	27363	5786	407790
Андижон		63770	93733	30709	4299	7447	199958
Бухоро		22586	73477	64901	11122	11931	184017
Жиззах		27842	146346	75893	24597	0	274678
Қашқадарё	9412	102654	179775	118443	35133	132	445549
Наманган	2379	56260	105825	47734	16683	254	229135
Навоий		14274	48601	27971	3717	222	94785
Самарқанд	231	60639	178341	65249	1679	0	306139
Сурхондарё	4346	75653	101134	59582	27646	873	269234
Сирдарё	316	25977	138202	90853	7514	0	262862
Тошкент	2102	138960	165749	19658	2568	0	329037
Фарғона	1364	33722	95975	98738	59472	212	289483
Хоразм	301	33070	76593	55171	11464	13861	190460
Республика бўйича	22340	758065	1547090	881657	233257	40718	3483127

Лекин буғунги кунда минерал ўғитларнинг таннархи ошиши, етишмаслиги уларнинг ўрнини боса оладиган маъданларни қидириб топишни ва қўллашни тақозо этади. Ўзбекистонда табиий маъданлар (бентонит, глауканит, бентонитсимон лойлар, фосфоритлар, дарё, кўл ва сув омборлари ётқизиклари ва ҳоказолар) захираси мавжуд. Агар минерал ўғитлар билан асосан айрим элементлар (азот, фосфор, калий) тупроқка тушса, юкоридаги табиий маъданлар таркибида турли - туман микроэлементлар ҳам мавжуд. Сўзиз, улар тупроқларнинг таркиби, хосса ҳусусиятларини ҳисобга олиб қўлланилганда тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Олимлар олиб борилган тажрибалари шуни кўрсатадики, маҳсус технология бўйича тайёрланган компостларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири сезиларли бўлади.

Бунда органик ўғитлар, шунингдек саноат чиқиндилиари табиий маъданлар билан ҳар хил нисбатда маълум намлиқда аралаштириб, тайёрланган. Табиий маъданлардан фойдаланиш ҳақида алоҳида маълумотнома тайёрланганлигини ҳисобга олиб, бу ерда батафсил сўз юритмаймиз.

Тупроқ унумдорлигини оширишнинг асосий йўлларидан бири ишлов беришни тартибга тушириш, уни минималлаштиришdir. Юқорида таъкидланганидек, бизнинг тупроқларимиз структураси кам. Доимий ишлов буни янада камайтиради. Тупроқларнинг зичланиши ошиб боради. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, тупроқ зичлиги $1,4 \text{ г/см}^3$ гача бўлганда гина ўсимлик яхши ривожланади.

Чунки бунда тупроқнинг сув ва ҳаво режимлари фойдали микроорганизмлар фаолияти учун қулай, патоген организмларнинг фаолияти эса бирмунча сусайган бўлади. Тупроқларнинг оптималь зичлиги агротехник тадбирлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Улар қуйидагилардир:

- пахта чигитини пуштага экиш технологиясини кенг миқёсда жорий қилиш. Бу технологияни тупроқ типларидан ва иклим шароитларидан қатъий назар шўрланмаган, кучсиз шўрланган, ўрта, оғир қумоқли ва лойли механик таркибли тупроқлар шароитида кўллаш;

- тупроқ устки қатламини полизтилен плёнка, чириган гўнг ва лигнин материаллари билан мульчалаш технологиясини шўрланмаган, кучсиз шўрланган, оғир қумоқли ва лойли механик таркибига эга бўлган тупроқлар ҳамда кўллаш вактида кучли шамолдан ҳолис бўлган шароитда жорий қилиш;

- ерни кузда шудгорлаш, эрта баҳорда олиб борила-диган агротехникавий жараёнлар (чиzelлаш, бороналаш, молалаш) пахта чигитини ва боқса қишлоқ хўжалиги ўсимликларини экиш муддатларини белгилаш, ўсимлик вегетацияси даврида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар тупроқ харитаси асосида ташкил этилиши лозим.

Ирригация эрозиясига учраган ерларнинг унумдорлиги кескин камаяди. Бу жараённинг олдини олиш, тупроқнинг унумдор ҳайдалма қатламини ювилишдан сақлаш, бериладиган органик ва минерал ўғитлар ва сугориш учун сарф бўладиган сувнинг самарадорлигини ошириш, қияликларнинг тепа, ўрта ва куйи қисмларидан олинадиган хосилни бир хил микдорга олиб келиш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш учун маҳсус пуркагич мосламадан фойдаланишни тавсия этиш мумкин (бу институт ходимлари томонидан яратилган ва синовдан ўтказилган).

20-жадвал

**2009 йил 1 январ ҳолатига Республика бўйича
мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар**

№	Вилоятлар	Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар, га
1.	Қорақалпогистон Республикаси	27100
2.	Андижон	1900
3.	Бухоро	4000
4.	Жиззах	7200
5.	Қашқадарё	20900
6.	Навоий	2800
7.	Наманган	1400
8.	Самарқанд	4500
9.	Сурхондарё	200
10	Сирдарё	4600
11	Тошкент	1300
12	Фарғона	1500
13	Хоразм	1900
ЖАМИ:		79300

Бу пуркагич ёрдамида гўза қатор оралиқларига полимер препаратларнинг маълум концентрацияли эритмаси сепилади. Бу эритма ўз йўлида тупрок заррачаларини бир-бири билан цементлаштиради ва ювилиш жараёнини кескин камайтиради.

Қуруқ ва ўта қуруқ ўлкаларда, жумладан, бизнинг республикамизда тупроқ унумдорлигини белгиловчи омиллардан бири сугориш масаласидир. Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, сувнинг умумий етишмаслигига қарамасдан, кўп жойларда сугориш нормалари жуда юқори. Ёзға қаторларига бир неча кун давомида кўп микдорда сув қўйилади, сугориш оралиғидаги давр узайтирилади. Бунда парадокс юзага келади: сув жуда кўп сарфланади, ўсимликка эса намлик етишмайди. Бундан ташқари, катта микдордаги сув тупроқ таркибидаги гумус ва озуқа элементларининг ювилиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун сугориш нормалари, даврлари ҳар бир тупроқ-иклим миңтақасида қатъий равищда туп роқларнинг хосса хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

21-жадвал

Республика бўйича 2009 йилда экилмай бўш қолган ерлар

Вилоятлар номлари	Экилмай бўш қолган ерлар (га)
1. Қорақалпоғистон Республикаси	109800
2. Жizzах	5944
3. Қашқадарё	35220
4. Навоий	2356
5. Сурхондарё	6437
6. Сирдарё	7266
7. Тошкент	3492
8. Хоразм	20600
ЖАМИ:	191115

Республикада сугоришга яроқли, унумдорлиги нисбатан юқори бўлган тупроқлар (типик ва оч тусли бўз; ўтлоқи)нинг деярли ҳаммаси ўзлаштирилиб бўлинган. Кейинги йилларда ўзлаштирилган ва яқин йилларда

ўзлаштирилиши мумкин бўлган тупроқлар унумдорлиги паст, шўрланган, гипсли, тошлоқли қийин ўзлаштириладиган тупроқлар категориясига мансубдир. Уларни ўзлаштириш жуда мукаммал, ҳар томонлама чукур ўйлаб амалга оширилиши лозим.

Корақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Жиззах вилоятларида янги ерлар ўзлаштирилганда ерларни текислаш мақсадида туп роқнинг энг унумдор, чириндили юза қисми олиб ташланган. Очилиб қолган она жинслар унумдорлик қобилиятига эга эмас.

Тажрибаларимиз шуни кўрсатдики 3 м чукурликдан олинган лёсс 25 йил давомида ҳам, бўз тупроқларнинг юқори қатламларига хос бўлган хусусиятларга эга бўла олмади. Шунинг учун ҳам тупроқнинг юқори қатлами - унинг химоя қобигини - авайлаб асраш дехқончиликнинг биринчи вазифаси, тупроқ унумдорлигини саклашнинг асосидир. Бу ўринда ерларни чукур ва ўта чукур (60 см ағдариб) ҳайдаш, унумсиз жинсларни юқорига олиб чиқиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаш лозим. Бундай ҳайдаш, эҳтимол, қадимдан суғориладиган агроирригация қатлами қалин тупроқлардагина мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, кейинги йилларда қишлоқ хўжалик оборотига киритилган ерларнинг кўп қисми қийин мелиорациялаштириладиган ва кам унумдор тупроқлардир. Улар асосан тақирили, тақир, сур тусли қўнғир тупроқлар ва қумлар комплексидан иборат.

Уларнинг унумдорлигини ошириш учун ўзлаштириш даври белгиланиши керак. Тажрибалар бу давр 10 йил атрофида эканлигини кўрсатади. Бу даврда ўтлар, дуккакли, бошоқли, оралиқ экинлар экилиши керак. Шу вақт ичida маданийлашган, чириндили ҳайдалган қатlam вужудга келади. Акс ҳолда ғўза ҳосилдорлиги узоқ йиллар давомида пастлигича қолади. Ерга ишлатилган ўғит, сув, меҳнат қопланмайди.

**Қарақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда
2001 йил хосили учун сүфориладиган экин ерлар
түғриседа маълумот**

№	Вилоятлар	2001 йил 1 январь холатига мавжуд экин ерлар минг.га	Шундан ҳолати ёмон ерлар	Шундан умуман фойдаланиб бўлмайдиган ерлар	2001 йил хосили учун қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш имконияти бор экин ерлар
1.	Қарақалп Республ.	417,2	50,0	24,5	392,7
2.	Андижон	197,9	6,0	-	197,9
3.	Бухоро	198,5	33,8	2,1	196,4
4.	Жиззах	257,9	20,5	5,9	252,0
5.	Қашқадарё	414,8	23,8	14,8	400,0
6.	Навоий	91,0	12,4	1,6	89,4
7.	Наманган	197,3	4,7	1,3	196,0
8.	Самарқанд	261,0	17,3	-	261,0
9.	Сурхондарё	242,0	25,5	12,0	230,0
10	Сирдарё	255,0	11,0	6,0	249,0
12	Фарғона	254,6	9,7	1,6	253,0
13	Хоразм	210,3	21,4	2,7	207,6
	ЖАМИ:	3295,8	241,1	80,5	3215,3

Янги ўзлаштирилган ерлар ҳам, қадимдан сүфориладиган ерлар ҳам тупроқ унумдорлигини қайта, тақрорий ишлаб чиқиш тизимини, унинг ҳамма компонентлари - алмашлаб экиш, сидератлар, оралиқ экинларни экиш, минерал, органик, ноанъанавий маъданларни меъёрланган нисбатда қўллашни талаб этади.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг асосий омилларидан бири - қишлоқ хўжалик экинларини тупроқларнинг экологик - мелиоратив шароитини, унинг хосса хусусиятларини ҳамда худудларнинг сув билан таъминланишини ҳисобга олиб табакалаштириб жойлаш-

тиришдир. Бу соҳада олиб борилган изланишларимиз шуни кўрсатдики, экинларни жойлаштириш тизимида тупроларнинг сифат жиҳатлари тўлиқ ҳисобга олинмайди. Бунинг натижасида тупроларнинг унумдорлиги кундан-кунга пасайиб кетмоқда. Ерларнинг балл бонитетлари ҳатто 1990 йилга нисбатан сезиларли камайган. Агар бу тенденция давом этаверса, бир неча йиллардан кейин кучли тупроқ деградацияси юзага келиши мумкин. Бу нохуш ҳолнинг олдини олиш йўлларидан бири, тезда вилоят худудларида қишлоқ хўжалик экинларини ерларнинг сифатини ҳисобга олиб табакалаштириб жойлаштириш технологиясини жорий этишдир.

Бу технологиянинг моҳияти, асосий экинлардан олинадиган ялпи ҳосилни камайтирмасдан, сифати ёмон ерларда агротехник, мелиоратив тадбирлар асосида уларнинг унумдорлигини қайта тиклашдир. Масалан: Бухоро вилоятида тупроқ унумдорлигини қайта тиклайдиган ўсимлик - беда кескин камайиб кетган (2,4-4,0%). Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш учун вилоятда беда майдони микдори Ўртacha 16,6 фоизни ташкил этиши керак. Жумладан тупроқ сифати ўртачадан паст майдонларда (21-40 балли ерларда) унинг микдори 30%гача оширилмоғи лозим, ана шунда вилоятда унумдорлик даражаси яхши бўлган ерларда гўза ва бошокли дон экинларининг ҳосилини ошириш ва сифатини яхшилаш ҳисобига, ялпи етишириладиган пахта ва ғалла микдорини камайтирмасдан, сифати ёмон бўлган ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга ва оширишга эришилади. Ўсимликларни бундай жойлаштириш тизимини республикамизнинг ҳамма вилоятлари учун, уларнинг тупроқ сифатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши лозим.

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ЕР РЕСУРСЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ

Бошқарув муносабатларининг турлари ҳар қандай ер муносабатларини бошқариш сингари муайян тизим доирасида шаклланади. У ҳодисалар, предметлар, унсурларнинг бир-бири билан қонуний боғланган объектив бирлигини ифодалайди. Таъкидлагандек, бошқариш тизими бу бир-бири билан боғлаган бирликни ва ўзаро муносабатларда бўлувчи унсурлар йигиндисидир. Ҳаракат ўз-ўзидан мавжуд бўлмай, балки бошқа тизим ва унсурлар таъсирида юзага келади. У мавжуд тизимга таъсир кўрсатувчи ташки мухитни ташкил этади.

Ер муносабатларини бошқариш ижтимоий-икгисодий, экологик ва бошқа жараёнларни ўз ичига камраб олади. Ер муносабатларини бошқариш механизми стихияли ва онгли характерда бўлиши мумкин. Стихияли механизм автоматик тарзда шаклланади ва бу жараёнда давлатнинг аралашуви талаб қилинмайди.

Бошқаришнинг онгли механизмида эса давлат ижтимоий институтлари бошқариш субъектларининг ривожланиш жараёнини ва илмий асосланган қонуниятларини хисобга олиш орқали ер муносабатларини бошқаради.

Ер ресурсларини бошқариш - бу ер ресурсларига жамият ва давлатнинг ер ресурсларини фойдаланишда уларнинг самарадорлигини орттириш учун мунтазам, онгли ва аниқ мақсадга қаратилган таъсир кўрсатишидир.

Ер муносабатларининг обьекти ер ресурсларидир. Ер ресурсларини бошқариш эса улардан фойдаланишни режалаштириш, ташкиллаштириш, тартибга солиш ва назорат қилишдан иборат бўлиши керак.

Ер ресурсларини бошқаришда куйидаги йўналишлар мавжуд:

- сиёсий ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва экологик вазифаларини бажарилишини таъминлаш. Маъмурий бошқариш эса ер ресурсларини бошқариш омилкорлигини аниқлаш, ўзаро мувофиқлаштирилган вазифаларни ва уларни бажаришни ташкил этиш, давлат бошқаруви ва маҳаллий органлар гизимини шаклантириш;
- ҳукуқий - қонуний хужжатларда белгиланган ҳукуқий меъёрлар асосида ерни сақлаш ва оқилона фойдаланиш;
- илмийлик - фан-техника тараққиёти эришган ютуқларни хисобга олиб ер ресурсларини бошқариш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Иқтисодий - ер ресурсларидан самарали фойдаланиш шартларини белгилаш;
- Ташкилий-технологик - иқтисодий, ижтимоий рағбатлар ва ер ресурсларини асраш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

Ер ресурсларини бошқариш обьектив ва субъектив омилларни муайян бирга қўшиб олиб бориш демакдир. Бир вақтнинг ўзида табиатнинг жинси сифатида ер ўзининг қонуни бўйича ривожланади ва бошқаришшаг услублари ва шаклларига муайян таъсир кўрсатади. Шунинг учун бошқариш вазифаларини бажариш вақтида худуднинг ривожланиши, иқтисодий шароитлари комплексида ернинг

асосий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бундан ташкари, ер ресурсларини бошқариш мажмуаси ҳарактерга эга, чунки ер муносабатлари субъектларниг кўпгина манфаатларига бориб тақалади. Бу бошқариш органларидан ер ресурсларини асраш ва фойдаланиш жараёнининг шаклланишига ташкилий-технологик қарорлар, экологик-иктисодий оқибатлар имконияти билан тизимли ёндашувини талаб килади.

Шундай килиб, ер ресурсларини бошқариш асосида ҳар қандай ижтимоий-иктисодий информациялар ва табиат қонунларига тегишли бўлган умумиқтисодий қонунлар ётади. Ижтимоий-иктисодий ва экологик аспектлар реализацияси ер ресурслари мазмуининг ташқи томони, яъни бошқариш бўйича давлатнинг ташкилий-хўжалик ва ҳукукий, режа-иктисодий сифатидаги тадбирларини ифодалайди.

Ер ресурсларини бошқариш тизимида ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқа соҳаларда бўлгани сингари ишлаб чиқариш кучларини ҳарактери ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш шакллари билан боғланган ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида доимо зиддият туғилиб туради. Агар улар ўз вақтида ечилмаса, жиддий ҳолат юзага келади. Шунинг учун ер ресурсларини бошқаришнинг услублари ва шакллари ижтимоий ривожланишининг ҳар бир босқичида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шартлари, сиёсий, иктисодий ва бошқа шакллари билан мувофиқ келиши шарт. Ер ресурсларини бошқариш вақтида ерларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун эгалик қилишда юридик шахслар ва фукаролар, шунингдек, ҳокимият органлари давлат манфаатларини муҳофаза қилишга риоя этишлари керак. Ер ресурсларини бошқаришни уюштириш ҳар доим давлатга тегишли бўлиши лозим.

Ер ресурсларининг бошқариш тизимининг асосини бошқаришнинг функцияси ва вазифалари, мақсади, предмети, субъекти ва обьекти ташкил этади. Бошқаришнинг

субъекти ва объекти кўп йиллик натижаларнинг замирида пайдо бўлади.

Республикамиз Мустакилликка эришганидан буён барча жабҳаларда кенг кўламда ислоҳотлар ўтказилмоқда. Хусусан, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда асосий восита хисобланади. Шу боис, у аҳоли хаёти, фаолияти ва фаровонлигида биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ерларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки мамлакатимизда умуммиллий мулки бўлган ерни муҳофазалаш ва ундан фойдаланиш конституцион аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, чунки улар давлат муҳофазасидадир», - деб белгилаб қўйилган.

Конституциявий меъёрлар ер муносабатларини тартибга солиб турувчи - қонун хужжатларининг барчасига татбик этилувчи ва олий юридик кучга эга бўлган ҳукуқий меъёрлардир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, мамлакатимиз фуқаролари қонунларда белгиланган тарзда мулк ҳукуқига эгадирлар ва узларининг мулкларидан ўз хоҳишларича фойдаланишлари мумкин, улар табиий ресурсларга тўғри муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Юқорида қайд этганимиздек, ер бошқа табиий бойликлар сингари умуммиллий бойлиқдир, уларни тасарруф қилиш эса ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримовнинг ташаббуслари билан қишлоқ хўжалигидағи ислоҳотларни чукурлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Ер

кодекси", "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда ер ресурсларидан янада самарали ва оқилона фойдаланишнинг ҳукукий пойдеворини яратиб берди.

Зотан, уларда Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари этиб ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган ҳолда қадрига этиб фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупрок унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий мухитни авайлаш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳукуқлилик асосида ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш, юридик ва жисмоний шахсларининг ер участкаларига бўлган ҳукуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солиш, шунингдек, бу соҳадаги қонунчиликни мустаҳкамлаш каби вазифалар белгилаб кўйилган. Бу ишларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Вазирлар Махкамасининг бир катор қарорлари қабул қилинди.

Ер муносабатларини тартибга солища ягона давлат сиёсатини юритишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида" ги Фармони ва Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли Қарори билан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ташкил этилди. Ушбу кумитага ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер кадастрини юритиш, ер тузишни ва ер мониторингини ташкил қилиш, тупрок унумдорлигини саклаш, ошириш ва қайта тиклаш борасида ягона давлат сиёсатини юритиш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва

мухофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш каби вазифалар юклатилди.

Шундай килиб, пировард мақсадда ердан фойдаланишнинг тежамили тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш, яъни агросаноат мажмуасида ва, умуман, иктисодиёт тармоқларида уларни аниқ мақсадга йўналтирилганлигини - ерни тежаш ва фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш мезони бўйича давлат ер захирасини, ер тоифалари бўйича табақалаштирилган мезонни таъминлашдан иборатdir.

Равшанки, бу ерда айрим тадбирларни четлаб ўтиб бўлмайди. Бинобарин, ердан фойдаланиш масаласини ечишга, янги шароитда, мажмуали ёндашув талаб этилади. Бироқ нафақат оддий тадбирлар мажмуаси, балки ердан фойдаланиш иктисодиётини ташкил этиш, режалаштиришнинг барча тизимларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш, пировард натижада, ер ресурсларини бошқаришнинг яхлит ва самарали тизимини яратиш лозим.

Шунинг учун солиқ солиш ва бюджет даромадларни тўплашни қўпайтиришга имконият берадиган ер ресурсларини бошқаришнинг минтақа ва маҳаллий ўз-ўзини бошқаришда инвестициялар жалб қилишнинг, ер муносабатларининг субъектлари учун кафолатланган ҳуқук билан таъминлашнинг самарали тизимини яратишда янги тамойиллар ва услублар вужудга келади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш соҳасида И. В. Дегтярев, С. А. Ткачук, В. Н. Хлыстун, Т. П. Магазинников, Я. Я. Мауль, М. А. Генделман, Б. П. Балезн, С. А. Авзебаев, А.С. Чертовицкий, Г.А. Талипов, А. Абдуғаниев, И.М. Зак ва бошқа олимлар томонидан маълум илмий изланишлар амалга оширилган. В.В. Ким, К.А. Чориев, Ф.К. Каюмов, Е.С. Карнаухова, А.Т. Абдуразақов, А.Р. Бобожанов ва бошқа олимларнинг маҳсус тадқиқот ва илмий изланишлари ҳам диккатта сазовордир.

Самарали технологияларни амалиётга жорий қилиш асосида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммолари Р.Х. Хусанов, К.А. Хасанжоиров, О.Р. Рамазонов, М. Хошимжонов, А.С. Цамыталли сингари иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида ёритилган.

Номлари юқорида зикр этилган олимларнинг илмий изланишлари бўлишига қарамасдан, бозор муносабатларининг изчил шаклланиши шароити ва жараёнида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришни такомиллаштириш муаммолари ҳали етарли даражада илмий – услубий жиҳатдан ўрганилмаган. Бу ҳол ушбу илмий тадқиқот изланиш мавзусининг танлашига асос бўлди.

Мамлакат микёсида, табиий - иқтисодий минтакалар бўйича ер танкислиги шароитида халқ хўжалиги тармоқлариаро ва тармоқ ичидаги соҳалар бўйича ер тақсимоти масалалари етарлича ўрганилмаганлиги ва бу муаммоларни факат айрим олимларнинг илмий маколаларида (А.П. Вервейко, П.С. Шевченко, Г.Ф. Лойко, Т.П. Магазинников, Ф.И. Палчиков ва бошқалар) ёритилганини кўрамиз.

Мавзунинг кенг қамровлиги, ер мониторинги, миллий ҳисобот тизимида ер ҳисоби, бошқарувда психологик омиллар, маҳсус ер фондини ташкил этишининг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш бўйича умуман илмий - тадқиқот ишлари натижаларини илмий нашрларда чоп этилмаганлиги фикримизга асос бўлади.

Ер ресурсларини бошқаришнинг умумуслубий масалаларини ишлаб чиқиш ер ислохотини ўтказиш концепцияси асосида Ўзбекистонда ер муносабатларини тартибга солишининг устувор йўналишларини белгилаш ҳисобланади. Мазкур илмий - татқиқртлар мақсадига ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг илмий методологиясини ўрганишда муаммога яхлит ва мураккаб жараён сифатида тизимли ёндашув ва шунга

асосан унинг илмий - услугбий назариясини ҳамда ер тақсимотини иқтисодий асослаш киради.

Илмий тадвдот мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги илмий амалий вазифаларни ҳал этиш кўзда тұтади.

- ер ресурсларини бошқариш бўйича чет эл тажрибаларини тадқиқот қилиш ва умумлаштиришни;
- «ердан фойдаланиш» тушунчасининг иқтисодий моҳиятини очиб беришни. Унинг шаклланиши ва жараён кўламининг объектив шарт - шароитларини бозор муносабатларига ўтиш жараёнига мос ҳолда татқиқ қилишни;
- маъмурий туман, вилоят ва давлат микёсида ягона давлат кадастрлари ва ер кадастрини юритиш механизmlарини ўрганиб чиқишининг ва самарали, истиқболли йўналишларини белгилашни;
- ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг давлат тадбирлар тизими сифатида тушунчаси ва иқтисодий моҳиятини ёритишни;
- ер кадастрини мураккаб ва яхлит тизим сифатида илмий – услугбий асосларини ишлаб чиқиши;
- ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойиллари тизимини асослашни;
- маҳсус ер фондини ташкил этишнинг иқтисодий механизмини яратишни татқиқ қилишни;
- ер ресурсларини тармоклараро тақсимотининг моделларини яратиши;
- ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришда кўчмас мулклар омилинииг таъсир механизмини такомиллаштиришни.

Тадқиқотлар ердан фойдаланиш жараёнининг таҳлили ва ер ресурсларини бошқаришни башоратлашни диалектик ёндашувига асосланган. Тадқиқотнинг методологик асосини мамлакатимиздаги замондош ва чет эл иқтисодчи

олимларининг ер ресурсларини бошқариш, табиий ресурслар салоҳияти, аграр соҳанинг ривожланиши ва худудий жойлашуви, ер кадастри ва мониторинги, ердан фойдаланиш иқтисодий муаммолари бўйича ишлари ташкил этади.

Тадқиқотларда Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳукуқий ва меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилган. Ер фондининг микдор ва сифат баҳосини ер ресурсларини бошқариш билан узвий боғлиқ ҳолда ечиш тадқиқотнинг муҳим методологик тамойили ҳисобланади.

Тадқиқот ишларида иқтисодий-статистик тахлил, эксперт баҳолаш, меъёрий баланслаш ва бошқа услублар кўлланилган. Тадқиқот жараёнида Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзергеодезкадастр» Давлат қўмитаси, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг статистик ва башоратлаш кўрсаткичларидан, муаллиф томонидан йигилган ва умумлаштирилган илмий тадқиқот ва лойиха институтларининг илмий ҳисоботлари ҳамда дала-қидирув ва монографик тадқиқотлар материалларидан фойдаланилган.

Ернинг ишлаб чиқариш воситаси эканлиги ижтимоий-иктисодий боғланишлар обьекти ва табиат комплексини асосий унсури изланиш методологиясини ташкил этади. Тадқиқот жараёнида муаллиф ер кадастри, тузиш, ер ҳукуки бошқарув психологияси, умум иқтисодий ва бошқа илмий йўналишларга суюнган. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида ва Вазирлар Махкамасининг қарорларида республика ҳалқ ҳўжалиги тармоклари ривожланиши табиий ресурслардан самарали фойдаланишни бошқариш, уларни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирлар тизими асос қилиб олинган. Бундан ташкири, йирик иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид асарлари умумиқтисодий, аграр ва ер ислоҳотларининг асосий йўналишлари диссертация иши олдига куйилган вазифаларни ҳал

этишда асос қилиб олинди. Изланишлар олиб борища иқтисодий жорий этишнинг абстракт - мантикий, иқтисодий-статистик, конструктив - ҳисоб қилиш, монографик, меъёрий, индекс ва бошқа усулларига таянилди.

Республика ягона ер фонди, ер тоифалари ва ердан фойдаланувчи субъектлар тадқиқот обьекти ҳисобланади. Иқтисодиёт тармокларида ер ресурсларини бошқариш бўйича ердан фойдаланишдаги ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнлар тадқиқот предметидир. Ерни асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ундан самарали фойдаланишни бошқариш ва ер муносабатларии тартибга солиш асосидаги ер тақсимоти муаммолари ушбу тадқиқот ишининг предметидир.

Тадқиқот жараёнларида асосий информация манбалари сифатида хукуматнинг ер муносабатларини тартибга солиш, ердан фойдаланиш, ер кадастри, ер тузиш бўйича қарорлари, Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт статистика қўмитаси тўпламлари, давлат ер ҳисоби, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ерларни сифат баҳоси, туманлар ва қишлоқ хўжалик корхоналарнинг йиллик ҳисботлари, илмий тадқиқот ва лойида институтларииинг тавсияномалари, айrim иқтисодчи олимларнинг илмий - услубий асарлари ва шу кабилардан кенг фойдаланилади. Асосий илмий - амалий ечимларни чукур тадқиқ ва тадбиқ этиш эса ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар мисолларида олиб борилади.

Ўтказилган тадқиқот ишининг илмий янгилиги белгиланган мақсад ва вазифаларни бозор иқтисодиёти усул, тамойил ва талаблари асосида ҳал этилганлигидadir. Шу нуктаи назардан изланиш жараёнида:

- ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш тамойиллари назарий жиҳатдан ривожлантирилган;
- бозор муносабатлари шароитида ер тақсимоти назариясининг асосий йўналишлари, моҳияти ва аҳамияти

үрганилган ҳамда шунга асосланиб илмий амалий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

- давлат ер мониторингининг илмий услугбий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш усуллари асослаб берилган;

- туман, вилоят, минтака ва давлат миқёсида, бозор иқтисодиёти шароитида маҳсус ер фондини ташкил этиш механизми илмий жиҳатдан асосланиб, аниқ тавсиялаб ишлаб чиқилган;

- ҳалқ хўжалик тармоқлари ва тармоқ ичидағи соҳалар бўйича ер тақсимотининг назарий ва амалий масалалари бўйича ечимлар берилган;

- ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришда ерга бевосита биректирилган кўчмас мулклар хусусиятларининг бозор муносабатлари шароитидаги ўрни аникланган;

- ер кадастрининг тамойиллари ва таркибий қисмлари ҳозирги давр талаб даражасида илмий - услугбий жиҳатдан асослаб берилган;

- ер муносабатларини бозор иқтисодиёти шароитида тартибга солиш тизимида ер танқислиги қонуниятларини илмий жиҳатдан чукур ўрганиш натижасида ресурслар мутаносиблигини иқтисодий асоси яратилган;

- ер эгалиги ва ердан фойдаланувчилар психологик хусусиятларини ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқарншга таъсири қонуниятлари аникланган;

- ер ресурсларидан фойдаланишдаги назоратнинг тезкор усулларини қўллаш услубларини чукур таҳлил қилиш натижасида ташкилий – иқтисодий тадбирлар ишлаб чиқилган.

Олинган натижалар ер кадастри ва ер тузиш назарияси амалиётининг аниқ мақсадли йўналишини белгилашда ва ривожлатиришда, ер кадастри, ер тузиш, хариташунослик ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда

малака ошириш тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот ишларининг асосий ғоялари, назарий – услугубий ёндашувлар ва амалиётга тадбиғи натижалари илмий мақолаларда, илмий - услугубий тавсияларда, маъruzалар матнида ва тезислар шаклида ёритилган. Диссертациянинг мазмуни асосан умумиқтисодий, ер кадастри ва ер тузиш соҳалари бўйича ўтказилган илмий - амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Бажарилган илмий тадқиқотлар натижасида давлат ер кадастри, ер тузиш, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, автомобил йўллар концерни, темир йўллар корпорацияси, «Ўзвестийул» лойиха институти, «Ўздаверлойиха» институтига қуидаги илмий - услугубий тавсиялар амалиётда қўллаш учун тақдим этилган:

- ер мониторингини жорий этиш;
- туман маҳсус ер фондини ташкил қилиш;
- ер ислоҳотининг асосий йўналишлари (концепцияси);
- тармоқлараро ер тақсимоти услубияти ва агросаноат тармоқлари ичida ер тақсимоти;
- ер баланси тузища маълумотлар тизимини яратиш;
- ер танқислигини “юмшатиш” усуллари ва ердан фойдаланувчи субъект (раҳбар) нинг психологик хусусиятларини ер ресурсларидан самараали фойдаланишни бошқаришдаги аҳамияти.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат миқёсида ўтказилаётган умумиқтисодий, ер ва аграр ислоҳотларни амалга оширишнинг мураккаб жараёнлари даврида ер ресурсларидан самарадаш фойдаланишни бошқаришни такомиллаштириш эҳтиёжини кучайтиради. Айнаи шу маънода ер кадастри ва ер тузиш бўйича янги назарий ва амалий жиҳатдан ёндашувлари ер тақсимотининг амалий масалаларининг ечимларида ўз исботини топганлиги қўйилган муаммонинг амалий аҳамиятини билдиради.

Ер тақсимотининг тизимли ёндашувини умумдавлат микёсидан ер кадастрининг бирламчи манбаи бўлган ер участкасигача бўлган поғоналарда ҳал этиш, миллий ҳисобот таркибида ер ҳисобининг амалдаги қўллаш услублари ҳам бажарилган тадқиқотларни амалий аҳамиятини белгилайди.

Ишлаб чикилган ва тавсия этилган ер мониторингидаги тизимини жорий этиш, ердан фойдаланиш бошқарув психологиясини амалий ёндашувлар, ер танкислигини «юмшатиш» бўйича илмий-услубий тавсиялар, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги ер тақсимоти услублари, ер кадастри маълумотлари банк тизимини яратиш илмий-услубий ва амалий аҳамиятга эга. Тавсия этилган илмий ишланмалар барча ердан фойдаланувчилар ишлаб чиқариш фаолиятида ердан самарали фойдаланишни бошқаришга амалда бўлиши ёндашувларнинг ҳаётйлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни тубдан ўзгартириш жараёнида ер муносабатлари ва ер ресурсларини бошқаришнинг самарали кўринишлари намоён бўлмокда. Ер ўзининг асосий хусусиятларидан ташкари, ушбу ресурс ишлаб чиқариш воситаси, ҳудудий бизнес, табиий бойлик, ҳукукий муносабатлар ва кўчмас мул к обьекти бўлиб қолди.

Вилоят ва туман (шаҳар) маъмурий - ҳудудий микёсда ер ресурсларини бошқаришнинг мухим омилларидан бири давлат ер кадастри ҳисобланади. У ер муносабатларини иқтисодий тартибга солишининг ва ҳудудий давлат бошқарувининг ахборот асоси бўлиб хизмат киласи. Шу билан бирга ер кадастрининг асосий мувофиқланган қисми бозор шароитига мослашган бўлиши керак. Айниска, бу ер муносабатлари субъектларига солиқ солиш қоидалари ва қонун ўзгариши тамойилларини тадбиқ этишда ҳамда турли тоифадаги

ерларни давлат кадастри ёрдамида баҳолашнинг иқтисодий асосланган усулини ишлаб чиқишида муҳимdir.

Бозор муносабатлари қарор топиши шароитида ерларни давлат бошқарувининг мажмуали услубини энг кулагай кўллаш ва бюджет даромадларини кўпайтиришни таъминловчи, ердан фойдаланишининг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувоғиқ шакли сифатида ерни ижарага беришнинг ривожланиши, айникса муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга ер муносабатларининг давлат бошқарувидаги ягона тартибини ўрнатиш, ижара хақи миқдорини аниглаш усулларини ишлаб чиқиш, ер бозорининг ҳолатини аниқ акс эттирадиган минтақа икгисодиётининг ҳолати ва ундаги жараёнларни бошқариш тизимида, ер ижара сиёсатида тадбирлар мажмуасини шакллантиришнинг бирламчилигини ҳисобга олиш ҳал килувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ер муносабатларини тартибга солишининг услугий назариясини ишлаб чиқиш, ернинг олди-сотди шакллари ва услубини фаоллаштириш, ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнларини, инвестицион, баҳолаш, сугурта фаолияти, ипотека, кредитлаштириш, ерга оид қимматбаҳо қофозлар билан муомала ўтказишни рағбатлантириш зарур.

МУАММОНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИ ЕЧИШ УСЛУБЛАРИ

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини бошқариш тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг энг асосий масалаларидан биридир. Ўзбекистонда ер ресурсларини бошқариш ер ислоҳотининг асосий муаммоси ҳисобланади. Чунки бу муаммо ҳозиргача ўз ечимини топганича йўқ. Ўз навбатида, ушбу долзарб масала Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиш

масалаларини ечими билан узвий боғланган. Айнан жамият тараққиёт даражасини ер ресурсларидан энг самарали фойдаланиш белгилаб беради.

Ер муносабатларини бошқариш-барча ижтимоий муносабатларни камраб олади. Муносабатлар ижтимоийликдан тортиб иқтисодий, хуҳуҳий, экологик ва бошқаришнинг бошқа турларини ҳам ўз ичига олади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон жамоатчилиги ва иқтисодчи олимлар ўртасида ер муносабатларини ривожланиш механизми тўғрисидаги баҳслар ортди:

Фикримизча, ер муносабатларии бошқариш - бу давлатнинг ва жамиятнинг ер ресурсларини бошқаришга мунтазам ва муайян мақсадга қаратилган таъсир кўрсатишидир. Бу таъсир кўрсатиш мамлакатнинг ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида объектив қонунларни билишга ва уларни ҳётга тадбиқ этишга ундайди. Ер ресурсларини бошқариш таркибига қуидагиларни киритиш керак: ердан фойдаланиш устидан назорат қилиш, ташкиллаштириш, тартибга солиш, режалаштириш.

Ер ресурсларини бошқариш тизимининг асосини объект, субъект, предмет, мақсад, вазифа ва бошқариш функцияси ташкил этади. Бошқаришнинг обьекти ва предметини тарихий ижтимоий жарёнлар натижаси деб билиш зарур. Бошқаришнинг предмет ва обьект турлари бир-бири билан узвий боғланган. Масалан, кўп қаватли биноларнинг ер участкаларини бошқариш, бир қаватли бинолар жойлашган участкаларни бошқаришдан анча фарқланади.

Ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади, мохияти ва вазифасини мустакил Ўзбекистон жамиятининг бугунги кундаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаракати белгилаб беради.

Бошқариш обьекти Ўзбекистон Республикасининг ер фондиdir, унинг субъектлари маъмурий-худудий

бирликлар, туманлар, шаҳарлар. ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларининг ер участкалариидир.

Бошқаришнинг таркибига ердан фойдаланишни ташкиллаштириш жараёни ҳам кириб, у маълум ҳудудий чегара доирасидаги аҳолининг хилма-хил эҳтиёжларини таъминлайди, Эҳтиёжлар ердан фойдаланишнинг бошқаришга тегишли бўлган турли-туман усулларини кўллашни такозо этади.

Бундай усулларга куйидагилар киради:

- ердан фойдаланувчи чегараси қамровида ҳудудий ташкиллаштиришни амалга ошириш;

- ердан фойдаланиш жараёнининг мухандислик таъминоти (мухандислик коммуникациялари);

- ер участкасинииг ҳукуқий макомини ўрнатиш (мулкчилик, фойдаланиш мақсади, ижара, чегаралаш, саклаш вазифаси ва бошқалар);

- ердан фойдаланишнинг тўрлари (фойдаланишга рухсат берилганлиги) ва йўналишларини ўрнатиш;

- ердан фойдаланишда самарали иқтисодий ва экологик технологияларини татбик этиш;

- ернинг табиий ва иқтисодий ҳолатиининг тахлили;

- ернинг миқдор ва сифат ҳолатига ва мақомига таъсир кўрсатадиган бошқа тадбирлар.

Бошқариш тизимининг ишлаб чиқариш ва яратиш жараёнига обьекти ва предметидан ташкири бошқарувининг мақсади ва вазифалари ҳам таъсир кўрсатади. Мақсад ва вазифалар эса жамият томонидан қисқа мудлатда шакллантирилади. Чунончи, мақсад ва вазифа бошқаришнинг предмети ва обьекти ҳолатини ҳисобга олиш билан шаклланади. Шаклланиб бўлинган мақсад ва вазифа эса уларни реалиизация қилиш пайтида бошқаришнинг предмети ва обьектини шакллантиради. Ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади жамиятнинг мужассамлашган эҳтиёжини ифодалашдир. Мақсад ер ресурслари хусусиятларидан

фойдаланиш асосида қондирилиш ҳолатининг келажаги ва улардан фойдаланиш жараёнини акс эттиради. Ердан фойдаланишнинг ўзи бу ер ресурсларига айрим субъектлар ёки жамиятнинг бевосита таъсир кўрсатишидир. Шу билан бирга ҳар қандай таъсир кўрсатувчи ернинг аниқ хусусиятини истеъмол қилиш тушунилади.

Жамият алоҳида субъектлар мақсадини уларнинг оммавийлиги ва хилма-хиллиги сабабли тўла назорат қилишга қодир эмас. Бу жараёнлар бошқаришда ердан фойдаланишнинг умумий қоида ва чегараларининг ўрнатилишини талаб килади. Бундай чегаралар фойдаланиш қоидаларини ҳукукий расмийлаштириш ер муносабатларини чегаралаш ва фойдаланиш тизимини ўрнатиш асосида яратилади. Бундай ҳолат ердан фойдаланишнинг ҳар қандай ҳолати учун хосдир ва ер ресурсларининг барча тизимлари учун умумий бўлиб ҳисобланади.

Ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади, умумий куринишда ердан фойдаланиш билан боғланган жамият эктиёжини янада юксак даражада қондиришга имкон берадиган ердан фойдаланишнинг ва ер муносабатлари тизимининг шаклланишини таъминлаш ва яратишдан иборатдир.

Вақтнинг аниқ пайтида, яъни ижтимоий, иқтисодий, экологик ёки уларнинг ўзаро бирлигига мақсад алоҳида эктиборни ифодалаши мумкин Мамлакатимиз мустакилликка эришгунга кадар қишлоқлар ва шаҳарлар худудида ижтимоий аспект устунликка эга эди. Уша пайтда ахолининг барча эктиёжларининг максимал қондирилиши мумкинлигига ургу берилган. Ҳозирги пайтда ер бозори ривожланган шароитда иқтисодий аспектни ҳисобга олишнинг қайта мўлжалланиши рўй берди, яъни максимал иқтисодий самарадорликка эришиш мўлжалланмоқда. Бу эса кўпинча харажатларни қоплаш ва бюджеттага пул тушумининг кўринишини ифодалайди. Бирок бошқаришнинг

мақсадини аниқлашда ижтимоий йўналиш инобатга олинмаса, вазият кескинлашуви юзага келиши мумкин. Шунинг учун ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади турмуш шароитларини ижтимоий ва экология жиҳатдан юқори даражасини таъминлашга имкон берадиган ердан фойдаланиш ва ер муносабатлари тизимининг амал қилишини таъминлаш ва яратишдан иборатдир. Бошқаришнинг субъектлари қуидагиларга бўлинади: давлат, маҳаллий ва хўжалик бошқарувини амалга оширадиган субъектлар. Ўз навбатида, давлат бошқаруви умумий ва идора (тармок) бошқарувига бўлинади.

Давлат бошқарувини умумий ва маҳсус ҳуқуқ доирасига эга бўлган органлар амалга оширадилар. Давлат бошқаруvida Ўзбекистон Республикасининг белгиланган тетраси доирасидаги ер тоифалари ва ер участкасидан фойдаланувчи субъектлар бўйича ер ресурслари тақсимоти амалга оширилади.

Маҳаллий бошқарувни маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари амалга оширадилар. Бунда бошқарув маҳсус ҳуқуқий мақомга эга бўлиши мумкин. Ердан фойдаланишда хўжалик бошқарувини ер участкасидан фойдаланувчилар ва мулкка эгалик қилувчиларнинг ўzlари амалга оширадилар. Ер ресурсларини бошқариш мажмуали тавсифга эга, чунки ер муносабатлари субъектларнинг манфаатларига тегишли бўлиб, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш жараёнини бошқаришга тизимли ёндашувни кўллаб-кувватлаш заруриятини келтириб чиқаради. Ташкилий, технологик ечимларни экологик-иқтисодий оқибатлар имкониятлари билан боғлашни талаб киласди.

Ер ресурсларини бошқариш бўйича ижроия - фармойиш бериш органлари фаолиятининг мазмуни ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва башоратлаштиришдан иборат, яъни ерларни қайта тақсимлаш ва тақсимлаш, ердан фойдаланиш, ерга эгалик қилишнинг тартиби ва меъёрини

белгилаш: ерларни муҳофаза қилиш ва ердан фойдаланганлиги учун фаолиятини назорат қилишни текшириш ва тезкор - фармойиш бериш. Ер ресурсларини бошқариш тизимида кечадиган жараёнлар асосини узлуксиз ахборот алмашуви ташкил этади. Бу алмашувни таъминлайдиган восита ер кадастри ва ер мониторинги хисобланади.

Ахборотларни тўплаш, ишлов бериш ва уларнинг тахлили яхлит бошқариш тизимининг моҳиятини белгилайди. Шунинг учун ахборотлар бошқариш компонентларини аниқлаш ва уларнинг маъмурий худуд даражаларида ўзаро алоқадорлигни ҳам муҳимдир.

Ахборотларнинг манбай ер кадастри хизмати ва бошка идоралар, шунингдек, ҳокимиятнинг ижроия органларининг материаллари бўлиши мумкин: картографик материал, реестлар, хисботлар, китоблар ва қайдномалар, каталоглар, рефератлар, эксперталар маълумотлари, қомуслар, бошка текширув ҳамда тахлил материаллари.

Вилоят ва туман (шаҳар) органлари томонидан қуйидаги ҳолатдан келиб чиккан ҳолда ер ресурсларини бошқаришни амалга ошириш керак:

- ер участкалари аниқ ҳудудларда истикомат килувчи аҳолига ва давлатга тегишли. Шунинг учун улардан фойдаланиш бўйича фармойиш бериш ҳамда ер ресурсларидан фойдаланганлик учун масъулият масалалари бўйича туман (шаҳар), вилоят ва давлат органлари ўртасида мувофиқлик зарур;

- ер ресурсларидан фойдаланиш натижасидан минтақанинг барча аҳолиси манфаатдор бўлиши керак;

- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига биноан, ижара шартномаси асосида ердан фойдаланиш пуллик бўлиши керак. Ердан фойдалангани учун тўлов ҳажми ерлар тасаррӯфига киритилган ҳокимият органларига вилоят ҳокимияти қарорларига мувофиқликда, давлат ер

кадастри баҳолаш натижалари асосида белгиланган бўлиши керак;

- ер обороти, (яъни, ер участкалари билан боғлиқ барча турдаги келишувлар) вилоят ҳокимияти ўрнатган коида бўйича амалга оширилган бўлиши керак. Бунда, ер ресурсларини таксимлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида ваколатларни чегаралаш тўғрисида шартномада назарда тутилган, минтака шароитлари хусусиятларини ҳисобга олишнинг мажбурлиги инобатга олиниши керак

- агарда бу фойдаланиш жараёнида атроф-муҳитга ёки аҳолининг турмуш шароитига заар етадиган бўлса, вилоят ҳокимияти ҳар қандай мулқдорнинг ердан фойдаланишининг чегараланишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ер ресурсларини бошқариш соҳасида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан вилоят органлари манфаатлари, асосан, мос келади. Бирок, манфаатдорлик маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини маҳаллий бюджетни шаклланишида ер ресурсларини бошқариш муаммоси, асосан фақат молиявий нуктгаи-назар билан хисобга олинади.

Туман (шахар) ҳудудларидағи ерларни бошқариш ўз-ўзини бошқариш органлари қабул килган меъёрий хуқуқий хужжатлар асосида олиб борилади. Ҳар бир хужжат мавжуд мақсад ва тартибни амалга оширишга таъсир кўрсатади. Амалдаги қонун билан мувофиқликда айrim масалалар бўйича маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ер муносабатларини қарор топиши ва ривожланишига вилоят ҳокимияти даражасида ер масаласини ечишни кутмасдан фаол таъсир кўрсатиши мумкин.

Туман (шахар) ҳокимияти томонидан ерларни бошқаришни таъминловчи асосий ҳаракатлар қўйидагилардан иборат:

- ерлардан фойдаланишнинг мунтазам тартибга солиш ва режалаштириш;

- ерларни фойдаланиш истеъмолидан чиқариб олиш ва тақдим этиш;
- ер мониторинги юритиш ва ер тузиш ишларини амалга ошириш;
- ерларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш бўйича назоратни таъминлаш.

Ерларни бошқариш харакати ҳуқуқий нуктаи назардан турли хил тавсифга эга. Масалан: ер участкасини тақдим этиш ва истеъмолдан чиқариб олиш бўйича ҳаракатлар ҳуқуқий мақом тавсифига эга: ер кадастрини юритиш бўйича ва ҳуқуқий маком, ерлар муҳофазаси бўйича ҳуқуқий макомлар каби.

Ердан фойдаланиш бўйича фармойиш бериш (маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳуқуқ доирасида) мақсадли вазифаларни белгилаш билан, ер участкаларидан умумий фойдаланишларни ёки бошқа ерларни истеъмолдан чиқариб олиш билан ер участкаларини мулкчиликка, ижарага, доимий фойдаланишга тақдим этиш бўйича ҳуқуқий хужжатларни нашр эттириш йўли билан амалга оширади.

1990 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг айрим жиҳатлари бугунги жамиятда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар шароитида замон талаб даражасига мос келмай колди. Ер участкаларини тақдим этиш ва истеъмолдан чиқариб олиш тартибини белгилайдиган Ер кодексининг моддаларида ер режали курилишларни амалга ошириш учун ўрмон ёки қишлоқ хўжалиги вазифаларидан, ер тоифасии бир туридан иккинчи турига ўтказиш, истеъмолдан чиқариш масалалари амалга оширилади. Аммо, ер фондининг таркибий тузилиши доимий эмас. Иқтисодий, экологик, ижтимоий омиллар таъсири остида ер фондининг тоифалари нисбатан ўзгариши ёки ҳатто янги тоифалар шаклланиши мумкин. Мустақиллик давригача курилиш обьектлари ўрни аниқ белгиланган ва у шаҳарсозликнинг асосий хужжати бўлган.

Шаҳарнинг бош режаси-ҳозирги вақтда аҳоли пункти худудлари ривожланишининг тадбирлари сифатида ишлаб чикилмоқда. Шунинг учун аҳоли пункти ҳудудларида бош режада назарда тутилган курилишнинг муҳим объектлари ҳам, вақтинчалик объектлари ҳам пайдо бўлиш эҳтимоллари мавжуд. Масалан: савдо расталари, чодирлар, бекатлар мажмуаси. Янги шаклдаги ердан фойдаланувчиларга эса ер участкаларини ажратиш тартиби аниқ белгиланмаган. Шу муносабат билан юқорида таъкидлаб ўтилган объектларни жойлаштириш ва уларга ер участкаларини ажратиш тартибини маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўрнатишлари керак.

Туман (шаҳар) ҳокимияти ер ресурсларини бошқариш соҳасида янги йўналиш, яъни давлат ер кадастрининг маълумотлари асосида ерлардан фойдаланишнинг истиқбол режасини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ- Бунда ер участкаларидан фойдаланиш бўйича бошқарувчилик қарорларини асослашда омилларни ҳисобга олиш, самарадорлик кўрсаткаичларини ҳисоблаш ишлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари қабул киладиган қарорларига таъсир кўрсатиши асосланган бўлиши керак.

Бундай омилларга қуйидагилар киради:

- ер участкасининг мўлжалланган фойдаланиш мақсадига мувофиқлиги (ўрнашган жойи, экологик вазият, фойдаланишдаги чеклаш);
- иқтисодий кўрсаткичлар (ер участкасининг қиймати ёки ижара ҳакининг ҳажми, участкани ўзлаштириш сарф-харажатлари, кўйилган мақсадга эришиш учун капитал қўйилма);
- салбий жараёнлар қўйилган мақсадга эришилгандан кейин пайдо бўлиши ҳам мумкин (экологик вазиятнинг ёмонлашуви, белгиланган меъёрларнинг бузилиши, ижтимоий таранглик ва можароли вазиятнинг вужудга келиши, участкадан фойдаланиш бўйича чеклашлар);

- • қўйилган мақсадга эришилгандан кейин режалаштирилган фойда.

Бу жараёнда ер ресурсларидан фойдаланишнинг миқдорий ҳолати аниқланиши керак. Турли хил ечимлар самарадорлигининг қиёсий тахлили ўтказилади. Шулардан келиб чикиб, таклиф қилинадиган вариант ҳуқуқий рухсат этилган, жисмонан мумкин, молиявий жиҳатдан ўзини оқлагач, кейин ҳокимиятнинг давлат ёки Маҳаллий ўз-ӯзини бошқариш органлари томонидан қарорлар қабул қилиш учун таклифлар ишлаб чикадилар.

Маҳаллий ўз-ӯзини бошқариш органларининг ва туман ҳокимиятининг ўзаро муносабатлари натижаси сифатида биринчиси учун аҳолининг эҳтиёжини қондириш керак, иккинчиси учун солиқ ва бошқа молиявий тушумлар олиши керак. Шунингдек, маҳаллий ўз-ӯзини бошқариш органлари тўплаган молиявий маблағлар худуднинг барча аҳолисини турмуш даражасини оширишга йўналтирилган бўлиши керак.

Туман (шахар) ҳокимияти бошқарувининг асосий вазифалардан яна бири ўзини барқарор фаолиятини таъминлашдан иборатdir. У ўз моҳияти билан динамик мувозанат колатида бўлиши керак. Шунга ўхшаш обьектлар учун иккита асосий хусусият тавсифидир:

- обьектнинг таркибий қисмлари уларнинг жойлашиш мақоми ва фойдаланиш кўлами;
- вақт бўйича ўлчамларнинг ўзгариб туриши.

Шунинг учун туман (шахар) ҳокимияти бошқариш таркибини тузиш пайтида бошқарувчилик фаолиятининг барча йўналишлари таркиби таъминланиши керак.

Маҳаллий ўз-ӯзини бошқариш органларининг ташкилий тузилиши бир биридан жиддий фарқланиши лозим. Бу тафовут ҳам обьектив, ҳам субъектив сабабларга боғлиқ. Объектив сабабларга ҳокимият ҳудудида мавжуд шаҳарларни бунёд этувчи корхоналар уй-жойларга эга ва

уларни саклаб туради, сув ва иссиқлик билан таъминлайди. Улар умумشاҳар вазифаларини бажарадилар ва бошқаларни ҳам уй-жой билан таъминлаши мумкин. Субъектив сабабларга маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг раҳбари ўзининг тажрибаси, билими ва мақсадларини хисобга олиш билан ер ресурсларини бошқариш жараёнида шаклланади. Умумий ҳолда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари: иш юритиш мақсади, қарор қабул қилиш услуби, вазифаларни бажариш тури кабиларга бўлинади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг мақсадли иш юритиши бўйича улар нафақат маҳаллий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ечадилар, балки ҳокимиятнинг давлат органлари зиммасига юклатилган айрим давлат ваколатларини ҳам бажарадилар. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустакиллигининг кенгайиши бу масалада умумжаҳон тенденциясининг жараёнларга мослашуви рўй берадиганини кўрсатади. Бирок, бу жараёнга маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ХУЮК соҳасидаги илмий ходимлар ва аҳоли томонидан муносабатлар бир хил эмас.

Қарорлар қабул қилиш услуби вазиятга караб ишга солинади. Улар жамоа ёки якка тартибда қабул килиниши мумкин.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ташкилий тузилиш сифатидаги ролини караб чиқамиз. Улар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш шакли, ҳудудий тузилиши (маҳаллий ўюшмалар) аҳолисининг номидан иш юритадилар. Бундан шундай ҳулоса чиқариш мумкин: улар, яъни органлар муайян объектга объектив тарзда хос бўлган икки турдаги вазифаларни амалга оширишлари керак:

- унинг манфаатини ифодалаши;
- бу манфаатларни амалга ошириш.

Бу икки турдаги вазифаларга икки турдаги органлар мувофиқ келади:

- ваколатли ва ижроия органлари.

- ижроия.

Шаҳар ҳокимиятида ер ресурсларини бошқариш хусусиятини кўриб чиқамиз:

- шаҳар ҳокимлиги - шаҳар ўз-ўзини бошқаришнинг ваколатли органи;
- шаҳар маъмурияти - ижроия орган, у орқали ўз-ўзини бошқариши шаҳар ҳокими худуд бўйича ўзининг ваколатини амалга оширади;

• қишлоқ фукаролар йигини маъмурияти-ижроия органдир, улар орқа маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг шаҳар ҳокими ўзининг ваколатини амал оширади.

- оқсоқоллар - посёлкалар, қишлоқлар, овулларнинг сайланган мансабдор шахси:

1) Туман (шаҳар) ҳокимиятининг ер ресурсларини бошқариш бўйич тамойиллари (мақсадли мўлжал тамойили):

Ҳар қандай ҳокимият тузилишининг мақсади биргаликдаги фаолиятнининг муайян мақсадларига таянади. Ривожланиш мақсадларини хатосиз аниқлаш ва ўрнатишни билиш бошқаришнинг энг муҳим ва аҳамиятли жиҳатидир. Ҳокимият фаолиятнинг мақсади ва вазифаларининг дастлабки аниқланиши ўзининг хуқук доирасини шаклланиши пайтида рўй беради.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг хуқук доирасида бўлишининг иккита усули бор:

- қонун орқали давлат томонидан муайян вазифаларнинг юклатилиши: Бу хуқук Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган.

- низоми орқали аҳоли томонидан муайян мажбуриятларни юклатилиши.

Шундай килиб, давлат ва аҳоли олдида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг мажбуриятлари чегараси

шаклланиши амалга оширилади. Бу чегаралар доирасида маҳаллий ҳокимият бирламчи йўналишининг ривожланиши шаклланади. Шунга мувофик равишда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ижроия тузилиши шаклланиши зарур.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ечадиган вазифалар уларнинг ваколатларига тўғридан-тўғри боғланган. Шунинг учун худудда турмуш ва хўжалик юритиш шароитларида рўй берадиган ўзгаришларни кузатиб бориш жуда муҳим.

2) Вазифаларни горизантал бўлиниш тамойиллари.

Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бажарадиган вазифалар хилмахилдир. Шунинг учун маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тузилишлари Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўз - ўзини бошқариш» қонунида кўзда тўтилган.

Худудий вазифаларни таксимланиши деганда бир хил даражадаги мансабдор шахслар ва органлар ўртасидаги вазифаларнинг чегараланиши англашилади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ижроия органи қуидагиларни амалга ошириши керак:

- ижроия фармойишини бериш вазифаси;
- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари юритишларига киритилган маҳаллий бюджет, худуднинг ижтимоий, иқтисодий ривожланиши мажмуаси ва бошқа масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш.

Ижроия органининг тузилишини режалаштиришга киришишдан олдин, бошқарувчилик қарорини қабул қилишнинг ҳар бир босқичида унинг роли ва ўрни кузатилиши зарур. Ўтказилган таҳлил натижасида Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ижроия органи ечадиган барча масалалар мажмуасини камраб оладиган фаолият тузилиши бўлинмаларини бир нечта гурухларга ажратиш мумкин:

- молиявий ва иқтисодий режалаиггириш, аналитик, маъмурий бўлинмалар назорати вазифаларини бажарадиган умумий хукуқ доиралари бўйича бўлинмалари тузилиши;
- шаҳар хўжалиги ва бошқаришнинг аниқ тармоғи билан шугулланувчи бўлинмаларнинг тармоқ тузилиши;
- иккита биринчи гуруҳга киритилган сервис хизмат кўрсатиш тузилмалари вазифасини бажарувчи бўлинмалар.

Ижроия органининг тузилишини режалаштниш пайтида ўша ёки бошқа вазифага тегишли тузилмавий бўлинмаларнинг қайси турдалигини белгилаш муҳимдир. Чунки бундай бўлинмалар тузилишининг салоҳияти ходимларнинг жой-жойига қўйилишига боғлиқ.

3) Вазифаларни вертикал таксимлаш тамойили.

Туман (шаҳар) ҳокимияти худудида қатор вилоят, республика ва минтака тузилмалари мавжуд, Уларсиз ҳокимиятни бошқариш мумкин эмас. Уларга қуйидагилар тегишли:

- вилоят ва минтакага буйсунадиган ҳар қандай мулкчиликнинг хўжалик юритувчи субъектлари;
- минтакалар ёки вилоятдаги бошқариш органлари мавжуд бўлган фуқаролар бирлашмаси, жамоат ташкилотлари ва бошқалар;
- вилоят маъмуриятларининг ҳудудий бўлинмалари.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг юкорида санааб ўтилган гурухлари, бир қанча вазифаларни ижро этиш мумкин. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар меъёрий орган сифатида, муайян турдаги ишларга буюртмачи сифатида, хўжалик фаолиятини бажариш учун шароит яратиб берувчи ташкилот сифатида иш юритиши мумкин.

ТАРМОҚЛАРАРО ЕР ТАҚСИМОТИДА УМУМ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАР

Республикамиз иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш жараёнида давлат ер фонди таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Хўжалик тармоқлари маълум ер майдонисиз ривожланиши мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, илмий техника тараққиёти, унинг кўлами ва ишлаб чиқаришдаги тадбик даражаси ер фонди таркибига хамда ўзаро салмоғига катта таъсир этишини эътироф этишимиз керак.

Илмий техника тараққиёти таъсирида тармоқлар ривожланиши натижаси ер фонди тақсимотига турлича таъсир этади. Айрим тармоқларда илмий техника тараққиёти ер мулк салоҳиятига бўлган талаб камаяди. Ер мулк салоҳиятининг чегараланганлигини ҳисобга олсан, бир тармоқдаги ер майдонига бўлган талаб албатта бошқа тармоқлар банд килган майдонлар ҳажмига таъсир этади. Демак, ер мулк салоҳиятида доимо ўзгаришлар бўлади ва бу жараён маълум қонуниятларга буйсинади.

Хулоса килиб шуни таъкидлаш зарурки, кўзда тутилаётган ер ислоҳоти умумдавлат миқёсида ўtkазилишини чукур ҳис қилган ҳолда бу тадбирларга қонун тусини беришни давр талаби, бозор иқтисодиётига йирик иқтисодий, ижтимоий ва экологик талофатларсиз ўтишни кафолатлайди, деб ҳисоблаймиз. Мустақил республикамизнинг ягона ер мулк салоҳиятини тўғри бошқариш иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ернинг иқтисодий - ижтимоий боғлиқлиги хамда унинг табиий ресурс сифатида ўзига хослиги билан фарқланади. Бугунги кунда яхлит ҳалқ хўжалик мажмуига эга бўлган мустақил мамлакатимиз иқтисодиётни ўзининг бутун таркибий қисми, яъни иқтисодий минтакалар, тармоқлараро комплекслар ўзаро муносаб ва мувозанатли тарзда ривожлантиришни такозо этмоқда. Айни пайтда

давлатимизда иқтисодиёт тармоқларининг узвий боғлиқлиги маълум даражада шаклланган бўлиб, республиканинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти кўп жиҳатдан шу мутаносиблик жамиятнинг тараққиёт талабига боғлиқ бўлади. Лекин тараққиётнинг жадаллик усули устун бўлиб қолаётган ҳозирги шароитда алоҳида олинган тармоқ ва тармоқлараро муассасалар, маъмурий органлар ҳамда хўжалик идораларининг тармоқ ичидаги ва тармоқлараро муносабатлари тизимида чигалликларнинг мавжудлигини эътироф этишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Албатта, жамиятнинг давлат миқёсидаги тараққиёт даражаси мавжуд ер мулк салоҳиятининг маъмурий ҳудудий, тармоқ ва тармоқлараро тақсимотидаги мослигига боғлиқ бўлади. Демак, давлат ер мулк салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ўртасида ер майдонини қайта тақсимотини ва унинг ҳудудий жойлаштириш муаммоларини замон талаблари даражасида ижобий ҳал этишни тақозо қиласди. Бу муаммолар фан-техника тараққиёти, ҳалқаро жамиятлар фаолияти, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан бошқа давлатлар билан алоқаларининг ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда мураккаблашиб боради.

Иқтисодиёт тармоқларининг яхлит давлат миқёсидаги муносаб ривожланиши ҳозирда бирмунча шаклланган ва бу муаммо иқтисодчи олимлар томонидан мукаммал ўрганилганлигини эътироф этган ҳолда ер мулк салоҳиятини тармоқлараро ва тармоқ ичидаги тақсимоти ҳамда ерларнинг тоифалар бўйича муганосиблик даражаси етарлича илмий-услубий жиҳатдан асосланмаган. Ушбу муаммолар республика миқёсида ер тузиш давлат хизмат идоралари бўйича маълумотлар йигиндиси сифатида ҳар йили 1 январ ҳолатига чоп этилса-да, иқтисодчи олимлар томонидан илмий-амалий ва умум услубий жиҳатдан деярли ўрганилмаган.

Маълумки иқтисодиётнинг алоҳида тармоғини ривожлантиришдан асосий мақсад тармоқка имкон кадар кўп фойда келтирадиган янги техника ва технологияни ишлаб чиқиш ва амалиётда тезрок қўллаш кўзда тутилади. Бу жараён албатта ер майдонига бўлган эҳтиёжни белгилашга ҳам катта таъсир килади. Ер майдонига бўлган тармоқ эҳтиёжи собиқ иттифок даврида ўта чегараланган бўлиб, факат маълум доира ёки ишлаб чиқариш хажмига боғлиқ бўлган. Мустакил Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозор муносабатларига изчилик билан ўтиб бориши шароитида эса тармоқларнинг истиқболи деярли чегараланмаган даражада белгиланган.

Демак, умуман ҳалқ хўжалик тармоқлари мажмуи, алоҳида олинган тармоқ йўналишлари, тармоқ ичидаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ер майдонига бўлган эҳтиёжи бозор муносабатларига ўтиш жараённида битта мамлакат таъсир доирасидан чиқсан ҳолда жаҳоннинг бошқа давлатлари ва улардаги ишлаб чиқариш тармоқлари, корпорациялари, уюшмалари, истеъмолчилари эҳтиёж ва таклифларига биноан ўзгариб боради. Лекии бу жараённи бошқаришда албатта ер тақсимоти масалалари маълум тамойилларга бўйсунган ҳолда ҳал этилиши зарур.

Тармоқлараро комплекс режалаштириш ва бошқариш ягона мулк салоҳиятидан фойдаланишда ер тақсимотини қайта кўриб чиқишини такозо этади. Бунда барча тармоқлар ва уларга мос ҳолда ажратилган ер мулк салоҳиятлари пировард натижа йўлида ишлашга эришиш асосий мақсад йўналишларини белгилаб беради. Ялпи олинадиган фойданинг тармоқлараро тақсимотида ҳар бир тармоқни фойда хажмида амалий ҳиссасига ва унга ажратилган ер майдони бирлигига нисбатан меъёрий кўрсаткичларга эришганлик даражасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ер мулк салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг муҳим йўналишларини танлаш мураккаб жараён бўлиб,

тармоқлараро ва тармоқ ичидағи ишлаб чиқариш жараёнларини ривожланишини белгилаб берувчи шартшароит ҳамда омилларга боғлиқ. Тармоқлараро ер тақсимотида шу мажмуа учун тегишли ривожланиш босқичида ижтимоий - иқтисодий мақсадни танлаш асos бўлиб ҳисобланади. Демак, тармоқлараро ер тақсимоти муаммосига давлат микёсидаги мақсад йўналишларга ва алоҳида олинган тармоқ олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда асосий бўғин ва белгиловчи омил сифатида қарамоқ керак. Бироқ мамлакатнинг моддий ресурсларининг ва давлат бюджетининг шаклланиши ва уларнинг тармоқлараро тақсимоти ҳам ер мулк салоҳиятига таъсир қўрсатиши мумкин.

Ресурслар мослигини таъминлаш тамойилларидан бири ҳам ер мулк ресурсига бошқа ресурсларни қандай даражада мос келиши ва бунда ердан фойдаланиш қўрсаткичларини тармоқнинг ишлаб чиқариш технологик мутаносиблиги ҳисобланади. Иқтисодиёт тармоқларини мутаносиб ривожланиши учун талаб қилинадиган ер мулк салоҳиятини башоратлаш жамиятимиз таракқиётини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Бу муаммога давлат микёсида ҳукumat қарорларида ҳар доим катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, ер тўғрисида, ер ижараси, ер солиги каби қонунларда республика ер мулк салоҳиятидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш, ерларни асрash ва муҳофаза қилиш каби масалаларни ҳал этишда албатта тармоқлараро ва тармоқ ичидаги тақсимоти муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этиш кўп жиҳатдан иқтисодиёт тармоқларини ер мулк салоҳиятига бўлган эҳтиёжини илмий – услубий жиҳатдан баҳоратлаш натижаларга боғлиқ.

Республика ер мулк салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражаси юксак таракқий этган давлатлардаги шу қўрсаткичларга такдосланганда сезилади. Бунда албатта

яхши майдон ёки эки майдони бирлигига түғри келадиган маҳсулот хажми ёки қиймати белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Республика аҳолиси жон бошига түғри келадиган ялпи ёки эки майдони Япония, Германия, Англия, Франция, Жанубий Куря каби ривожланган давлатларга нисбатан 1,5-2 баробар кўп бўлишга қарамай, шу майдон бирлигига түғри келадиган миллий даромад қиймати бир неча баробар кам.

Ушбу муаммони албатта илм-фан, янги техника ва технологияни амалда жорий этилиши жараёни билан боғлик ҳолда ечиш зарур. Ер майдони бирлигига түғри келадиган миллий даромадни орттиришга қуидаги сабаблар тўскинлик қилмоқда:

- ҳалқ ҳўжалик мажмуида илмий тадқиқот ишларининг натижаларини амалда кўллаш, фан-техника тараққиёти, янги техника ва технологияни жорий этиш ишлари давлат кўмиталари ўртасида тармоқ ҳолда ташкил этилган;
- илмий услугуб қилинмаган;
- фан-техника тараққиётини ривожлантириш жамиятнинг ижгимоий соҳадаги ривожланишга тўлиқ мос келмайди. Натижада меҳнат, моддий, техник ва ер ресурсларининг ўзаро муносиблик тамойиллари қўпол равишда бузилмоқда;
- ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган янги техника ёки технология мавжуд амалдаги кўрсаткичларга таққосланган ҳолда баҳоланади. Бу эса жаҳон стандарти даражасидан анча паст бўлган ва янги технологияни тезда маънавий жиҳатдан яроксиз ҳолга келтиришга сабаб бўлмоқда; .
- янги техника ёки технологияни амалдаги тадбиғи ҳудудий жиҳатдан қўлланилади. Масалан, замонавий технология айрим ҳўжалик, туман, вилоят ёки минтақада турли даражада ёки ҳар хил савияда қўлланилиши натижасида ундан кўриладиган ўртacha самара кўзланган мақсад даражасида бўлмайди;

- халқ хўжалик тармоқларини ўзаро ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондирмаслик ҳолатларининг мавжудлиги. Масалан, оғир саноат тармоғи қишлоқ хўжалик тармоғи енгил саноатни хомашёга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминламаслик оқибатида икки, уч ёки уидан кўп ўзилишларга олиб келади;

- янги техника ва технологияларни кўллашда ҳар бир тармоқни ривожланганлик даражаси, соҳа ходимларининг меҳнат кўнимкамлари ва уларнинг малакаси, кўлланилиш доираси кенглиги ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайди. Бу масалага албатта амалий тажрибага суюнган ҳолда ёндашув лозим. Акс ҳолда энг замонавий компьютерлардан оддий ҳисоб китобларда ёки ёзув машинаси сифатида кўлланилиши каби самарасиз ёндашувлар каби кўринишлар содир бўлади;

- халқ Хўжалигининг тараққиёт даражасини белгиловчи барча асосий кўрсаткичлар ер майдони бирлигига нисбатан баҳолансагина давлат ер мулк салоҳиятидан тежалган ҳолда фойдаланишга асос яратилади. Масалан, бита гишт заводи 1 m^3 эгаллаб турган майдонда иккинчисига нисбатан 2-3 баробар кўпроқ гишт тайёрлаши мумкин. Бунда эски техника ёки технологияни кўллаш натижасида иккинчи гишт заводи 2-3 баробар кўп ер майдонини банд қиласди;

- ердан фойдаланганлик учун белгиланган солик тизими ер бирлигига тўғри келадиган даромадни давлат стандартига мослигига қараб белгиланмаган. Бунда тармоқ соҳаларида ер майдони бирлиги учун энг кам микдорда маҳсулот хажми ёки қийматини давлат стандарти даражасида белгилаш яхши натижа беради.

Бу тадбирлар албатта давлат томонидан белгиланган ва чегараланган ҳолда бўлиб ягона давлат ер фондини бошқариш тадбирлари сифатида кучга эга бўлади. Ер мулк салоҳиятини бошқариш иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, технологик, ҳукуқий ва ерларни муҳофаза қилиш каби кенг

қамровли тадбирларни ўз ичига олади. Бошқариш жараёнида ер мулк салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва унинг муҳофаза қилиш мақсадида бу тадбирларнинг ўзаро узвийлиги таъминланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" ва "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги конунларни (1998 й.) ҳаётга тадбик қилиш, жараёнида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш устувор йўналиш хисобланади.


Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш тизимида «бошқарув вазифаси» тушунчасига аниқлик киритиш лозим бўлади. "Бошқарув вазифаси" бош масала бўлиб, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг назарий ҳамда амалий масалаларини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Бошқарув тушунчасини аниқ ифода этиш белгиланган вазифага оид тадбирлар ва уларни амалга оширишда қўлланиладиган услугуб ҳамда воситаларни аниқлашда ёрдам беради. Айнан шундагина бошқарувнииг айрим буғинида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш вазифаларига аниқлик киритиш имкониятлари пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг объектив асоси бозор иқтисодиёти конунлари механизми хисобланади.

Фикримизча ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг мазмуни қуйидаги тизимда ўз аксию топган (5-расм).

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг иккита бир-бирига узвий боғлиқ бўлган бошқарув вазифаси бўлиб, булар биринчидан, ташкилий ва иккинчидан, бевосита хўжаликдаги фойдаланиш шакллариdir. Бошқарувни бу икки шакли алоҳида йўналиш сифатида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг ташкилий томонини акс эттиради.



5-расм. Ўзбекистон Республикасида ЕРСФБ тизимининг шаклий чизмаси.

Демак, ердан фойдаланиш бўйича амалий тадбирлар (ерларни рекултивациялаш, унумсиз ерларни мелиорациялаш, тупроқ эрозиясига қарши тадбирлар ва бошқалар) бошқарув вазифасига кирмайди.

Агар бу тадбирларни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш асосида халқ хўжалик тармоқларини мутаносиб ривожланиш қонуниятларига риоя этган ҳолда минтакавий

микёсда ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш бошқарилғандагина бошқарув вазифаси түшунчаси ўзининг тўлиқ моҳиятига эга бўларди.

Айнан шундагина ЕРСФБ мазмунига тўғри келадиган ечимга эришиш мумкин.

ЕРСФБ нинг ҳар бир блоки (қисми)нинг ўз вазифаси мавжуд, улар қуийдагилардир:

1. Ер ресурсларини комплекс ўрганиши.

Бу блок давлат микёсида ҳалқ хўжалик тармоқлари бўйича ер ресурсларининг микдори ва сифати, ташкилий масалаларни ҳал этилганлик даражаси ва самараси тўғрисидаги маълумотлари билан ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш жараёнини таъминлашга қаратилган бўлади. Маълумотлар ер кадастри информасиясига асосланган бўлиб, республика микёсида ташкил этиладиган маълумотлар банкида йиғилади ва узлуксиз равишда унга ўзгартиришлар киритиб борилади. Ушбу блок вазифасига ер ресурслари тўғрисидаги барча илмий — амалий тадқиқотлар, маҳсус дала текширув натижалари, хариталаш ишлари бўйича маълумотларни йиғиш ва сақлаш ҳам киради. Бундан ташкири, бу блокга илмий асосланган ва амалда кўлланадиган информация марказларини яратиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ишлари ҳам киради.

2. Ер кадастрини тўлиқ жорий этиши.

Маълумки, 1996 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қошида «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Бош бошқарманинг «Давлат кадастрлар тизими» бошқармасида 20 та йўналишдаги кадастрлар, шу жумладан, уларнинг энг асосийси бўлган ер кадастри хизмати йўлга қўйилган. Ер кадастри ўз моҳияти, мақсади ва вазифаларига кўра тўрт

таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ерларни микдор ва сифат ўлчови, ерларни бонитировкалаш ва иқтисодий баҳолашдан иборат.

Таркибий қисмлар бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилганда гина ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришга тўлиқ замин тайёрланади, деб ҳисоблаймиз.

3. Тармоқлараро ва тармоқ ичидағи муқобил ер тақсимоти.

Бу блок республика ер фондини муқобил равища илмий услубий жиҳатдан тўлиқ асосланган ҳолда халқ хўжалик тармоқлари ўртасидаги ер тақсимотини амалга ошириш бўйича тадбирларни ўз ичига олади. Ҳар бир тармоқ ўз навбатида, бир нечта соҳа, соҳалар эса ихтиносликлардан иборатлигини назарда тутсак, бу муаммонинг нақадар чукурлигини ҳис этиш мумкин, Демак, ер фондини айнан шу даражалардаги тақсимоти ушбу блок мазмунини ташкил этади.

4. Ер ресурсларини прогнозлаш.

Бу блок ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, уларни муҳофаза қилишга асосланган ҳолда прогнозлаш масалаларини ўз ичига олади. Бу блок ўз моҳиятига кўра ер ресурсларидан фойдаланишни бош ишланмаси (схемаси) ва ер тузиш ишланмасидан иборат бўлиши керак. Блокнинг асосий вазифаси халқ хўжалик тармоқлари тараққиётига мос ҳолда йиллик ва узоқ муддатга мўлжалланган ер ресурсларига бўлган талабнинг таъминоти бўйича асосий кўрсаткичларни белгилаб бериш ҳисобланади. Ушбу блок олдингиси билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга оширилади.

5. Ер түзишни лойиҳалаш.

Бу блок олдинги блокнинг мантиқий давоми сифатида ундаги белгиловчи кўрсаткичларга мос равишда ер түзиш тадбирларини туманлар ва хўжаликлараро ва ер эгалиги ҳамда ердан фойдаланувчи даражасида оширишга қаратилган. Бу блок амалда ер түзишга оид барча ишлаб чиқариш жараёнларини ўз ичидаги мужассамлаштиради. Блокнинг моҳияти бошқарув вазифасидан келиб чиккан ҳолда: амалдаги ва янгидан таркиб топадигай ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни худудий ташкил этиш бўйича ижтимоий- иқтисодий жиҳатдан асослаш; ҳалқ хўжалиги тармоқлари эҳтиёжига мос келадиган ер танлаш ва ер ажратиш лойиҳаларини амалга ошириш; сугориш ва йўл тармоқларини лойиҳалаш ва бошқа лойиҳавий ишланмаларни яратиш ҳамда амалга тадбиқ этиш масалаларини ҳал этишга қаратилган бўлади.

Хулоса килиб айтганда, ер түзиш мазмунан турлича бўлган жуда кўп иқтисодий, ҳуқуқий, техник ва экологик тадбирларни ўз ичига олган мураккаб тизим бўлиб, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг ўзагини ташкил қилувчи блок вазифасини бажаради. Блок ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг ягона тизимини яратишдаги аҳамияти бекиес ҳисобланади.

6. Ер муносабатларини тартибга солиши.

Ушбу блок бошқарувнинг ҳуқуқий асосларига суюнган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатлари таркибида ер муносабатларини тартибга солишга хизмат килади.

7. Тезкор бошқарув.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришда тезкор бошқарувнинг салмоқли ўрни бор. Жамиятдаги иқтисодий, техник, ҳуқуқий ва экологик тадбирларни амалга ошириш жараённида ҳозирги фанда тезкор услублар, жумладан, ер ресурсларидан фойдаланишдаги мулкчилик

муносабатлари, тезкор ер ҳисоби ва унинг баҳосига бўлган талаб кучайиб бормоқда. Бугунги кунда республика миқёсида ҳар куни ўнлаб ёки юзлаб ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ташкил этилмоқда. Ўз навбатида, ишлаб чмқариш жараёнига мос ҳолда ер ва экин турлари майдонида ҳам ўзгаришлар қайд этилади. Буларнинг барчаси ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришда тезкор бошқарув услубларини қўллашга ундейди. Тезкор маълумотлар йиғиш ва информация банкига киритиш айнан шу блокнинг вазифасидир.

8. Ердан фойдаланишнинг назорати ва ерларни муҳофаза қилиши.

Бу блок давлат органлари томонидан ер эгалиги ва ердан фойдаланувчиларнинг ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришга оид фаолиятини хуқукий жиҳатдан назорат қилишга қаратилган.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш вазифасининг тизими профессор С.А.Ткачук томонидан биринчилардан бўлиб ишлаб чиқилган. Бу тизимда куйидаги бошқарув вазифалари аниқланган:

1. Ер ресурсларини хариталаш ва ўрганиш.
 2. Ер ресурслари кадастрини жорий этиш.
 3. Ер ресурсларини прогнозлаш.
 4. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни режалаштириш.
 5. Ердан фойдаланишни лойихалаш.
 6. Ердан самарали фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш.
 7. Ердан фойдаланиш ва муҳофазасини назорат этиш.
 8. Ердан фойдаланиш бўйича низоларни ҳал қилиш.
- Албатта, ушбу тизим маълум маънода ЕРСФБ нинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Лекин бозор иқтисодиётини қонуниятларини ҳалқ хўжалигининг барча

соҳаларига бўлган объектив таъсири келтирилган тизимга жузъий тузатмалар киритишни такозо этади. Масалан, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги ер тақсимоти, ер тоифала-ридаги объектив ўзгаришлар, ердан фойдаланиш бўйича хуқукий масалалар қайд этилган тизимни такомиллашти-ришга асос бўлади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш вазифаларини илмий ва амалий жиҳатдаи ўрганиш ва тахлил қилиш натижасида куйидаги ўзаро узвий боғлик, бўлган тизимни тавсия этамиз:

1. Ер ресурсларини комплекс ўрганиш.
2. Давлат кадастрлар тизими таркибида ер кадастрини жорий эташ.
3. Ер ресурсларини тармоқлараро ва ер тоифалари бўйича тақсимоти.
4. Ер ресурсларини прогнозлаш.
5. Ер тузишни лойиҳалаш.
6. Ер муносабатларини тартибга солиш.
7. Ердан фойдаланишни назорат қилиш ва ердан фойдаланувчиларни рагбатлантириш.
8. Ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш бўйича хуқукий асосларни такомиллаштириш ҳамда низоларни ҳал этиш.
9. Бошқариш вазифалари тизимида боғлиқлик ва узлуксизликни таъминлаш ва белгиланган тадбирларни ҳайётга тадбиқ этишга эришиш.

Таклиф этилган вазифаларни бир нечта йўналишлардан иборат қилиб бажариш кўзда тутилади. Масалан, ер кадастрини жорий этишда давлат кадастрлари тизимидағи ўрнини, вазифасини билган ҳолда «ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш», «ерларнинг микдор ва сифати ўлчови», «ерларнинг иқтисодий баҳоси» каби масалаларни алоҳида ва узвий боғлиқликда кўриб чиқишни такозо этади.

Демак, ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш -иктисодий техник, ташкилий-хўжалик ва хуқукий

жихатдан давлат тадбирлар тизими бўлиб, ер муносабатларини тартибга солиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш ва муҳофаза қилиш да жамият ҳамда ер эгалиги ва ердан фойдаланувчилар манфаатларини ўйғунлаштира оладиган тадбирлар комплекси ҳисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш таркибига юқорида берилган 9 вазифа киради. Бу тизимда «тахлил – прогноз – лойиҳа – ечим» ҳар бир ер участкасидан яхлит давлат ер фонди даражасигича ва унинг акси бўлган поғоналар бўйича ишлашни ҳамда тадбирларни ўз ичига олади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш мақсади ва вазифалари "бошқариш" тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, бу маълум тизимга эга бўлган жараёндир. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг узок, муддатли ва якин даврга мўлжалланган мақсадлари давлат ягона ер фондидан халқ хўжалик тармоқлари ва уларнинг соҳалари ҳамда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилари ўртасида ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолла энг кўп самара олиш учун белгиланади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш омилкорлик даражаси мазмунига ва мақсадига кўра ресурслар тежамкорлиги технологиясига, кенг маънода эса ердан фойдаланишда ресурс тежамкорлиги тизимиши яратиш билан ўлчанади. Ўз навбатида ер ресурси тежамкорлиги давлатнинг ягона ер фондини тоифалар, ердан фойдаланувчилар ва ер турлари бўйича тақсимотида ўз аксини топиши зарур.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариши амалга оширишда унинг моҳияти ва вазифасига кўра халқ хўжалигининг энг долзарб муаммолари қўйилади. Уларнинг асосийлари қўйидагилар ҳисобланади:

1. Ер муносабатларини ривожлантириш қонуниятларини ўрганиш ва тахлил қилиш натижасида бу жараённи узлуксиз такомиллаштириб бориш.

2. Ҳозирги давр ва истиқбол учун ишлаб чиқариш

кучларининг жойлашувини илмий-услубий жиҳатдан асосланган энг кулай шароитлар яратиш.

3. Ер фонди, ер тоифалари, халқ хўжалик тармоқлари, ердан фойдаланувчилар ва ер турлари бўйича таҳсимотини давр ва ҳудудий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда мутаносиб ҳолда таъминлаш.

4. Ер ресурсларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқишини ва тупроқ унумдорлигини узлуксиз иқтисодий ўсишини таъминлаш.

5. Ҳар бир ер участкасидан самарали фойдаланиш учун иқтисодий ва экологик замин яратиш.

6. Ресурслар мутаносиблигини таъминлаш.

Республика ер ресурсларидан, шу жумладан, шаҳарларга бириктирилган ер фондидан самарали фойдаланишни бошқариш масалалари амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг негизи ҳисобланди.

Давлат микёсида турли маъмурий-худудий даражалардаги бошқарувда шаҳарлар тизими мухим ўрин эгаллайди. Республикализнинг маъмурий-худудий субъектлари ўртасида шаҳарлар ва уларнинг тасарруфидаги ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг предмети, обьекти, мақсади ва вазифаларини ўрганиш ҳамда уларни таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади.

Айрим шаҳарда ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тизимиға таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва бошқарув масалаларини ҳал этишда геоахборот тизимларининг таркибини аниқлаш зарурати ҳам мавжуд. Умуман, барча жойларда, жумладан, шаҳарларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг турли ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришда ва самарали фаолиятларини таъминлашда ердан фойдаланиш жараёни ер ресурсларини бошқаришнинг предмета ҳисобланади. Масалан, шаҳар ахолиси учун ижтимоий, уйжой, транспорт, соғломлаштириш, экологик ва бошқа шароитларни замон талаб даражасида яратиш заминида ер

фондининг муқобил тақсимоти ҳамда ундан фойдаланишни бошқариш масалаларини түғри ҳал этиш ётади.

Шаҳарда давлат ер сиёсатининг муҳим йўналишлари қуидагилардан иборат:

•ердан фойдаланишнинг самарадорлик мезонини ишлаб чиқиш;

• шаҳар хўжалигининг ривожланиши ва ерларни бошқариш хусусиятлари, ҳар хил тоифадаги ерларни ўзига хос хусусиятлари билан бирга ерга бўлган ҳукук муносабатларида ўзгариш стратегиясини ишлаб чиқиш;

• давлат, шаҳар ва ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш, ипотекали кредитлаштириш ва кўчмас мулк бозорининг ривожланиши, участкаларни танловсиз ва танлов билан тақдим этилишининг оптимал балансини белгилаш;

• молиявий окимларни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида ер ресурсларини бошқариш вазифаларини аниқлаш.

Жамиятда шаҳар ерларининг роли ва вазифалари шу билан белгиланганки, ерлар инсон ҳаёт-фаолиятининг хилма-хил турдаги эҳтиёжларини таъминлашга мўлжалланган: рекреацион, маданий ва физиологик эҳтиёжларни қондириш; ҳаёт фаолиятини таъминлаш билан узвий боғланган ишлаб чиқариш фаолияти ва бевосита шулар билан боғланмаган бошқа йўналишларни таъминлаш.

Ер шаҳарда таянч-фазо ва базис сифатида хизмат килади. Умумий кўринишда шаҳар ер ресурсларини бошқаришнинг предмети ҳаёт-фаолиятининг турли хил соҳалари (йўналиши, тавсифи, технологияси ва ш.к.) учун ерлардан фойдаланиш жараёнидир. Бошқаришнинг предмети муайян хусусиятларга эга. Булар:

• хилма-хил ҳаёт фаолияти турларининг ер майдони, бирлигига юқори зичлиги;

• ер хусусиятларидан фойдаланиш вактидаги технологиялар ва усулларнинг хилма-хиллиги.

Буларнинг хаммаси жараёнлар ва ҳодисаларни яратади. Бошқариш обьекти - ер участкаси, унда ер муносабатларининг битта субъекти билан ердан фойдаланиш жараёни етарлича алоҳидалашган шаклда амалга оширилади.

Бошқаришнинг предмети хусусий кўринишда - ердан фойдаланиш жараёнидир. У шаҳар доирасида аҳолининг барча, хилма - хил эҳтиёжларини қондиради ва шунинг учун давлат бошқарувида ўзига хос хусусиятларга эга.

Шаҳар ерларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат:

1. Ер участкасининг хуқуқий мақомини ўрнатиш (мулкчилик, фойдаланиш, ижара, сервитут ва бошқалар);

2. Ердан фойдаланиш жараёнининг ахборот билан таъминланиши;

3. Ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнининг ҳудудий ташкил қилиниши;

4. Ерларнинг табиий ва иқтисодий ҳолатига кўра улардан фойдаланиш турларини аниқлаш (кенгайтирилган фойдаланиш).

Бошқариш мақсадини шакллантириш пайтида унинг обьектлари ва субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар катта аҳамиятга эга. Масалан; битта обьектнинг мавжуд пайтида (шаҳар ҳудудларида) ҳозирги вақтда уларнинг ерларини бошқаришнинг бир нечта субъектлари мавжуд. Бу обьектнинг хуқуқ ва хўжалик мақомлари билан боғланган. Бошқариш субъектларига қуидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси ва унинг ваколатли органлари;

- вилоят ва Коракалпогистон Республикаси субъектлари ва уларнинг ваколатли органлари;

- туман қишлоқ фуқаролар йигини ҳамда маҳаллий шаҳарларда ўз-ўзини бошқариш органлари ва уларнинг ваколатли органлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан муво-

фиқлиқда, давлат чегараси доирасида, шу жумладан, барча шаҳарлар маъмурий ҳудудларида қонунлар асосида ер ресурсларидан фойдаланиш ишлари бошқарилади. Ер ресурсларини давлат бошқарилишини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси номидан махсус орган ўзининг ҳудудий органларига (вилоят, шаҳар, туман) эга бўлган давлат "Ергеодезкадастр" Давлат қўмитаси амалга оширади.

Вилоят ва Коракалпогистон Республикаси субъекти - Ўзбекистон Республикаси ва унинг субъектлари ўртасида ваколатларини чегаралаш тўғрисидаги шартнома билан мувофиқлиқда давлат ер ресурсларини бошқариш бўйича ваколат олади. Давлат бошқариш тизими вилоят даражасида якунланади, куйи жойлашган даражалар «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисида»ги Қонуннинг 12- моддаси билан мувофиқлиқда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга киритилган. Шунинг учун давлат ҳокимиятининг органлари томонидан махсус рухсатсиз маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари давлат бошқариш ишлари билан шуғулланиш тасарруфидан бўлган хуқуқига эга эмас. Улар, шунингдек, бошқариш вазифасининг бир қисмини давлат бошқаришини субъектидан шаҳар ва туман хизматига ўtkазиш йўли билан расмийлаштириш хуқуқига ҳам эга эмас.

Шаҳар ва қишлоқ фуқаролар йиғини доирасида маҳаллий аҳамиятга эга давлат мулкчилигига турган ерларни умумий бошқаришни ва ўзининг ҳудудлари доирасида мулкчиликнинг махсус бошқариш ишини амалга оширадилар. Шаҳар ҳудудида умумий ва махсус бошқаришдан ташқари ер ресурсларининг идоравий бошқарилиши амалга оширилади ва унинг айрим вазифалари амалга оширилади. Масалан, йирик шаҳарлар ҳудудида ўз - ўзини бошқариш вазифаларини амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирликлар ва қўмиталар орқали шаҳардаги ер

ресурслари ва давлат кадастри хизмати қуидаги вазифаларни бажаради:

- Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати - давлат қўмитаси органлари орқали барча ерларни умумий бошқаришни, ердан фойдаланишни ташкил қилиш ва назорати бўйича қатор вазифаларни амалга оширишни;
- соғлиқни сақлаш вазирлиги ва давлат кўчмас - мулк қўмитаси орқали табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ердан фойдаланганлиги учун давлат назоратининг бир қисмини амалга оширилишини;
- аддия вазирлиги органлари - ер тақсимоти ва ундан фойдаланиш бўйича низоларни ечиш ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатдан ўтказишда иштирок этишини;
- вилоят ва шаҳар маъмуриятлари - ер тоифалари ҳамда вилоят аҳамиятидаги ерларни давлат мулкчилигига ўтказиш масалаларини ечишдаги иштирокини;
- бошқарувчилик функциясининг бажарувчи шаҳар маъмурияти шаҳарнинг ўз ҳудудида унинг субъектлари фаолиятини ердан фойдаланиш бўйича тахлил қилиш ва тадбирлар ишлаб чиқишни.

Жамоат ташкилотида ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, бошқариш субъектлари кўриб чиқилганда ҳар бирининг ерларни бошқаришдан мақсадлари ҳар доим ҳам мос келавермайди. Шунинг учун шаҳарнинг бошқаришнинг умумий тизимини шакллантириш пайтида ягона мақсадни эмас, балки бошқаришнинг мақсадлар тизимини, уларнинг поғоналари ва алоқадорлигини ишлаб чиқиш зарур.

Бұ давлатнинг умумий муаммоларини акс эттирувчи ва давлат ер сиёсатини амалга оширувчи ягона бошқарувчилик қарорларининг узвийлиги бир-бирини тўлдиришини таъминлайди.

Вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси идоралари кўпроқ тор мақсадларга эга бўлган ердан фойдаланишнинг

(хуқуқий, иқтисодий, экологик ижтимоий) шароитларини таъминлашга интиладилар. Бунда вилоят ҳудудидаги мусасалар, ихтисослаштирилган корхоналарнинг меъерида ишлаб туришларини таъминлашга бошқа вазифа деб қаралади.

Шундай килиб, шахарда ер ресурсларини бошқариш, йирик минтакалар ҳудудларини бошқаришдан тубдан фарқ килади. Бу шаҳарда корхоналар аҳолисининг зичлиги ижтимоий, экологик ва транспорт шароитларини кескин ўзгариши билан изоҳланади. Шунинг учун бундай шароитда шаҳарла ривожланишининг истиқбол режаларини ишлаб чиқишининг роли янада ортади. Шаҳарларда ердан фойдаланиш тартибидаги ҳар қандай ўзгариш режаларни амалга оширилиши натижасида ўтказилиши керак. Бундай режаларни жойлашиш моделлари билан мувофиқликда янги шаҳарлар тузиш пайтида ёки шаҳарлар ўсиши муносабати билан, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш пайтида таркиб топтан қонун хужжатлари тизимини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқиш мумкин. Шаҳар муҳитини умумий такомиллаштиришни амалга ошириш зарурияти туғилганда шаҳарлар конструкцияси ўтказилади. Масалан, йирик ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар келтириб чиқарган, шаҳарлар марказини қайта қуриш ёки кўчмас мулкка инвестициялар жалб қилиш учун ва транспортлар оқимининг йўналишини ортириш мақсадида шундай тадбирлар ишлаб чиқилади.

Маҳаллалар тузилиши сифатида шаҳар ҳудудларига тадбиқан прогнозлаштиришнинг вазифаси келажакни илмий асослашга олиб келади. Шаҳарнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган оқимлар ва омилларни аниқлаш ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш бўйича тахлил ўтказишни талаб килади.

Бу талаб шаҳар ҳудудларидан фойдаланишда истиқбол йўналишларининг шаклланишига олиб келади. У ҳозирги замон босқичида шаҳарлик ердан фойдаланувчиларнинг

келгусида ердан интенсив фойдаланишнинг моделлаштиришда ифодаланади. Ердан шаҳарлар ҳудудларини ривожланишдаги ҳозирги замон вазифалари шаҳар мухитида янгича ёндашувни талаб килади. Бунда қуидаги вазифалар мажмуасини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- шаҳарда таркиб топган экстенсив ривожланишдан интенсив йўлга ўтиш ва ердан фойдаланишда шаҳарнинг оптимал структурасини тузиш. Бунда шаҳарда ердан фойдаланишнинг ҳозирги замон саноат соҳаларига қуиладиган фан-техника ва экологик-иқтисодий талабларни ҳисобга олиш зарур;

- ер майдони бирлигига уй-жой ва курилиш майдонларини кўпайтириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ер майдони сарфини камайтириш жараёни бўйича фан-техника ютукларини кўллаш асосида шаҳарнинг ҳудудий ички тузилишини такомиллаштириш;

- мавжуд ва келажак мақсадлар ўргасидаги карамакаршиликларни бартараф этиш асосида ўсиб бораётган жамият эҳтиёжларининг кондирилишини таъминлаш билан ишлаб чиқаришга жалб қилинадиган ресурсларнинг умумий микдорини камайтириш;

- транспорт йўналишларини камайтириш мақсадида ердан фойдаланишни ва саноат инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда шаҳар транспорт тармоғини оптималлаштириш;

- мажмуанинг оқилона ривожланишига эришиш, шаҳар ландшафти бинолари ва иншоотларини, мухандислик-коммуникацион мажмуа, ер ости иншоотлари.

Барча вазифалар мажмуасини ҳозирги замон ЭҲМ ва прогнозлаштиришнинг моделлари мажмуасини тадбиқ. Этган тақдирдагина олиш мумкин. Ҳозирда шаҳар ҳудудларини ривожланиш прогнозини ҳисоблаб чиқиш жараёнида инсон яшайдиган мухит фазовий-тарихий шаклланишининг замонавий тенденциялар мажмуасини ҳисобга олиш зарур.

СУВ РЕСУРСЛАРИ

СУВ РЕСУРСЛАРИ ҲОЛАТИ

Марказий Осиёning қуруқ иқлим шароитларида сув ресурслари табиий экотизимларнинг барқарор мувозанатини сақлаш ва минтақанинг аксарият қисми ижтимоий-икғисодий ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлса, чучук сув танқислиги долзарб экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Минтакада тоза сувдан экстенсив фойдаланшгаши натижасида, у аста-секинлик билан камайиб бормоқда:

Жамият ва табиий экотизимларнинг барқарор ўзаро боғлиқлигини сақлаб туришга йўналтирилган экологик бошқаришда ички ва ташки дарёлар, кўллар ва бошқа сув экотизимларини ҳам «сув истеъмолчилари» деб тан олишни тақозо этади. Табиат сув ресурсларидан фойдаланишда тенг хукуқли шериклик бўлиши лозим. Экологик омилларсиз сув экотизимлари ўз аҳамиятини йўқотади. Карорлар қабул киладиган шахслар ва умуман жамият учун қуидаги талаблар асосий устуворликка эга бўлиши лозим:

- сув ирмоқларида уларнинг барқарор ҳаётйлигини ёки ўз-ўзини тозалаш қобилиятини таъминлайдиган экологик сув сарфларига риоя қилиш;

- тошқин сув сарфлари ва дарё сувининг мақбул сифатини ушлаб туриш;

- зараарли ингредиентларни аралаштириш учун санитария оқимларига риоя қилиш;

-дарёлар дельталари эҳтиёжларини кондириш ва бошқалар.

Сувга нисбатан экологик талабларга риоя қилиниши, ноёб эндемик турлар, ноёб биохилма-хиллик, ноёб ландшафт, ўзига хос ижтимоий аҳамияти ва эстетик хусусиятларига эга бўлган сув экотизимларини ҳимоя қилишни ҳам назарда тутади. Кичик ва катта дарёлар нафақат табиий флораси ва фаунаси, балки бошлангич жозибадорлигини ҳам саклаб қолиши мухимдир.

Махаллий экотизимларни ҳимоя қилиш учун асосий зътибор куйидаги тадбирларга қаратишши лозим:

- факат коллектор-дренаж сув манбаларидан тўйинадиган сув ҳавзалари оқимини таъминлаб туриш;
- балиқчилик хўжалиги аҳамиятига эга бўлган кўлларда сув минераллашуви даражасини 7 г/л дан юкори бўлмаган ва сув сатҳини 1,5 м дан паст бўлмаган даражада саклаб туриш;

-увулдуруқ сочиш даврида сув сатхиниг кескин пасайиши ва қишки даврда кескин кўтарилишининг олдини олиш;


-ўсимликлар ўсиши учун саёз сув зоналарини ва сув ҳавзаларининг гидробиологик режимини шакллантирувчи балиқ, кушлар ва бошқаларни озуқа билан таъминловчи кўллар ҳавзаларини саклаб қолиш.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ БЎЙИЧА СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

Орол денгизи ҳавзасининг асосий гидрологик хусусияти ҳавза худудининг 2 тенгсиз турли гидрологик функцияларга эга бўлган қисмга - тоғ ва текислик худудига ажralганилигидадир. Тоғли қисми тармоқланган дарёлар оқимидан шаклланади, унинг майдони ҳавза умумий майдонининг таҳминан 25% ини ташкил қиласи, бунда худуднинг 80% Амударё ва Сирдарё ҳавзаларига

тўғри келади. Текислик худудлари кам ёғингарчиликли ва ёғингарчиликлар микдоридан бир неча баравар кўп парланиш хусусиятига эга бўлиб, оқим шаклланишида деярли катнашмайди. Бундан ташқари, текислик худудлари тоғли қисмлардан келадиган оқимларни парланиш ва фильтрацияланишига сарфлайди. Бу жараён инсоннинг хўжалик фаолияти билан кучаяди. Дарё ва сув омборларидан олинган сув каналлар бўйича далаларга берилади, бу ерда парланиш ва транспирацияга сарфланади ҳамда кам микдорда яна қайта оқим кўринишида дарёларга кайтарилади. Тоғлардан текисликларга сув ҳаракатининг табиий гидрологик цикли бўйича сўнгги босқичи Орол денгизи ҳисобланди.

Амударё ҳавзаси, км, куб/йил




6-расм. Амударё ҳавзаси сув ресурсларининг кўп йиллик тавсифи.

Сув ресурслари ўлчами сифатида одатда дарёларнинг оқим шаклланиш минтақасидан чиқиш жойидаги суғоришга олинадиган асосий сув олиш нукталаридан юқорида шаклланадиган дарё оқими катталиги кабул килинади, чунки Марказий Осиёнинг текислик қисмида дарё оқими истисно тарикасида, фақатгина серсув йилларда шаклланиши мумкин.

Орол денгизи ҳавзаси дарёлари сув ресурсларининг кўп йиллик тавсифлари 6 ва 7-расмларда келтирилган.

Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурсларидан унинг ҳавзасида жойлашган давлатлар ҳамкорликда фойдаланади, бу сув хўжалиги муаммоларининг трансчегаравий тусда эканлигини билдиради.

Ўзбекистоннинг сув ресурслари Орол денгизи ҳавзасинанг умумий сув ресурсларининг фактат бир қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ер усти сув ресурслари кўшни давлатлар тоғли ҳудудларидан дарёлар бўйича келадиган ҳамда унинг ҳудудида шаклланадиган сув ресурсларидан вужудга келади. Бундан ташқари дарё оқимининг бир қисми каналлар бўйича тушади. Ички сув ресурсларига, шу-нингдек, Ўзбекистон ҳудудидаги кўллар сувлари ва музликлардаги сув заҳиралари киради. Орол денгизи ҳавзасида сув истеъмолининг асосий ҳажмларини нисбати 7-расмда акс эттирилган.




Сирдарё ҳавзаси, км. куб/йил


7-расм. Сирдарё ҳавзаси сув ресурсларининг кўп йиллик тавсифи.

Сирдарё ҳавзаси бўйича дарё оқими ўртача кўп йиллик ресурслари йилига тахминан $38,8 \text{ km}^3$ ни таш-кил қиласи. Бунда кўп йиллик учун ўртача йилига Қирғизистонда 28 km^3 (72,2%), Ўзбекистонда - $5,59 \text{ km}^3$ (14,4%), Козогистонда - $4,08 \text{ km}^3$ (10,5%) ва Тожикистонда $1,1 \text{ km}^3$ (0,3%) сув шаклланади.

Амударё ҳавзаси бўйича дарё оқими ўртача кўп йиллик ресурслари йилига 78 км^3 дан ортиқни ташкил қиласди, шундан 62,9% (80%дан ортиғи) Тожикистонда шаклланади, Ўзбекистон улушига $4,7 \text{ км}^3$ (6%) тўғри келади (8-расм).



27-расм. Амударё ҳавзаси бўйича дарё оқимининг кўп йиллик ресурслари



8-расм. Амударё ҳавзаси бўйича дарё оқимининг кўп йиллик ресурслари.

ДАРЁЛАР, СУВ ОМБОРЛАРИ, КЎЛЛАР, ҲАВЗАЛАР ВА ЕР ОСТИ СУВЛАРИ

Жами республика бўйича 17 мингдан ортиқ табиий сув оқими мавжуд. Амударё ҳавзасида улар 9,9, Сирдарё ҳавзасида 4,9 ва ушбу дарёлар оралиғида 2,9 мингта. Бироқ уларнинг асосий қисми унча катта бўлмаган кичик сойлар -- 10 км дан ортмаган узунликдаги сув оқимлариидир, булар айникса Амударё ва Сирдарё оралиғига тааллукли, улар асосан, йил давомида қурийдиган

дарёчалардир, ҳатто 10 км дан узунлиқда бўлган сув оқимларида ҳам ҳар йили сув оқим бўлавермайди.

Ҳозирги пайтда республикада, асосан ирригация мақсадида 51 та сув омборларидан фойдаланилади. Уларнинг тўлиқ лойиҳавий ҳажми $18,8 \text{ км}^3$, фойдали ҳажми - $14,8 \text{ км}^3$ ни ташкил қиласди. Энг йириклари Туямуон, Чорвоқ, Тўдакўл, Каттақўрғон сув омборларидир. Ўзбекистоннинг энг йирик сув омборлари комплекс ишлатилади, улар асосан ирригация, энергетика ва саноат мақсадларига мўлжалланган. Сув омборларидан узоқ муддатли фойдаланиши ҳамда уларнинг ишида рўй берган ўзгаришлар кескин лойқаланишга олиб келди. Ҳозирги пайтда 11 та миллий сув омбори лойқадан тозаланишга муҳтож, 5 та сув омборида лойқаланиш сув чиқиш чегарасига етиб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг сув омборлари

Амударё ва Сирдарё ҳавзаси сув омборлари ҳажмлари бўйича маълумотлар 3 ва 4-расмларда келтирилган.

Рўй бераётган тезкор лойқаланиш жараёнини кискартириш бўйича тегишли чоралар кўриш ва компенсацион сув ҳавзалари қуришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси сув ҳавзалари (сув омборлари, кўллар) рўйхати 23-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон худудидаги табиий кўллар кам сонли, жуда нотекис тарқалган ва катта ҳажмларга эга эмас. Тоғли худудларда энг кўп кўллар сони 2000-3000 м баландликда жойлашган. Генезиси бўйича Ўзбекистон кўллари тектоник, морен ва кулаш натижасида келиб чиқкан. 1000-2000 м баландлик оралиғида кўллар сони анча камдир.

Махаллий дарёлар яйловларида табиий кайир ва дельта кўллари жойлашган. Тоғли кўллар одатда қулаш ёки музлик-морен натижасида келиб чиқсан 50 км^3 . Ўзбекистонда 500 дан сал кўпроқ кўл бўлиб, асосан, 1 км^2 дан кам майдонли кичик сув ҳавзалари ва 10 км^2 дан ортиқ майдонли 32 та кўллар мавжуд.

XX аср иккинчи ярмида минтака дарёларидан сув олинишининг ортиши сув оқимларида сув сатхининг пасайишига, тошкінлар даврида сув босиши мумкин бўлган майдонларининг камайишига, дарёлар билан гидравлик боғлик бўлган кўллар майдонларининг қисқаришига, мавжуд сув ва суволди экотизимлари майдонларининг умумий қисқариши ва таназзулга учрашига олиб келди. Дарё ўзани ва дельта-ларининг катта худудларида гумид ландшафтларнинг арид ландшафтларига ўзгариши рўй берди.

Ўзбекистон худудидаги *ботқоқликлар*, асосан, текислик худудларда учрайди. Улар йирик дарёлар қайирларида, сув чиқиши конуси атрофида, рельеф пастрлаган ерларда жойлашган. Кўпинча ботқоқликни кўлдав ажратиш мушкул, чунки йилнинг куруқ даврида баъзи кўллар ботқоқ участкаларига айланади.

23-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кўллари ва сув омборлари

T/r	Кўл номи	Дарё ҳавzasи	Майдони, км ²	01.01.2007 й.да хажми, млн. м ³	01.01. 2008 й. да хажми, млн. м ³
Қоракалпогистон Республикаси					
1.	Сарикамиш** (трансчег)**		3000	168,5	158,59
2.	Судочье*		353	18,6	17,48
3.	Жалтибарс**		337,1	17,3	16,26
4.	Дауткўл **		56	1,8	1,669
5.	Аязкала *		33	10,1	9,5
6.	Котгенкуль*		8,6	1,5	1,4
7.	Думалок кўллар тизими****		29	9,6	8,92
8.	Коражар *		12	4,8	4,46
9.	Ақистки **		20	7,8	7,33
10.	Каратерень**		4,2	4,4	4,14
11.	Ахчакўл *		28,5	8,8	8,18
12.	Ботокўл кўллар тизими**		7,2		1,21

13.	Жауныркуль *		5,8	1,1	1
14.	Шегекүл *		16,6	6,8	6,39
15.	Коксу *		44,5	2,4	2,21
16.	Кеусер *		20	7,8	7
17.	Ильмекүл *		18	5,8	5,39
18.	Макпалкүл кўллар тизими**		30	8,86	8,15
19.	Восточный Каратерень**		21,6	10,1	9,29
20.	Отакўл кўллар тизими**		1,6	0,88	0,8
21.	Ташпенкўл **		1,9	1,4	1,3
22.	Хўжакўл *		18	7,4	7
23.	Муйноқ кўрфази **		36	10,2	9,08
24.	Сарибас **		25	2,8	2,49
25.	Сойкўл **		8	2,8	2,46
26.	Закиркўл *		3,3	1,2	1,06
27.	Орикбалиқ *		8,8	0,24	0,2
28.	Шилимкол *		0,6	0,3	0,28
	Жами:		4148,3	324,58	303,239

Андижон вилояти

Сув омборлари					
29.	Отчопар/куйила-диган	Андижонсо й к-л Катортол	0,91	0,15	0,15
30.	Асакаадир/куйи- ладиган	Шаҳри хонсой	0,29	0,5	0,5
31.	Андижон/ўзанли	Қорадарё	55,2	685	625
	Жами:		56,4	685,65	625,65

Бухоро вилояти

Кўллар					
32.	Дентизкўл	Параллель к	336	1,75	1,37
33.	Қоракир	Шимолий к	44,5	68,5	62,3
34.	Ҳадича	Қоровул бозор к	113	210,8	183,2
35.	Аякагитма	Зарафшон	17,51	2,2	1,8
36.	Тузкан	ЦБК	57	63	56
37.	Маданикўл	ГВСТ	19,3	-	-
Сув омборлари					
38.	Шоркўл/куйила-диган	Амударё, Зарафшон	42,2	72,5	64,5
	Жами:		629,51	418,75	369,17

Жиззах вилояти

39.	Кўллар Арнасой тизими	кўллар	Сирдарё	3508			40360
	Сув омборлари						
40.	Жиззах/куйила-диган	Сангзар, Зарафшон	12,4	63		9,29	
41.	Зомин/ўзанли	Зомин	1,1	20		3,75	
42.	Қоровултепа/ куйиладиган	Зарафшон	4,07	0		31,98	
43.	Науки сел омбори	Булоқлар	6	0,4		0,4	
44.	Арнасой сув омб.	Сирдарё	140	393		468	
45.	Хужамушкент сел- сув омбори	Булоқлар	8	3,8		•^ 0 ^,8	
•	Жами:		3679,57	483,2		497,22	

Қашқадарё вилояти

	Кўллар					
46.	Сечанкўл	Южныш коллектор (Жанубий коллектор)	7,37	815		765
47.	Аланкўл	Южний коллектор (Жанубий коллектор)	2,5	39,6		39,6
48.	Ачинкўл	K-3	2,8	44,5		44,5
	Сув омборлари					
49.	Қамаши/ куйиладиган	Яккабог ва Қорабоғдар ё	3,82	4,518		4,505
50.	Қорабоғ/аралаш	Яккабо- ғдарё к-л Қорабо- ғ	0,75	2,03		1,318
51.	Лангар/селсув омбори	Лангарсой	0,7	1,216		1,578
52.	Нугайли/ куйиладиган	Яккабоғ- дарё, Қашқадарё	0,587	0,56		0
53.	Ташлаксой/куйила- диган	Танхаздарё	5,4	0,28		0
54.	Янгикўргон/ куйиладиган	Яккабоғ- дарё	1,5	1,62		0,792
55.	Шўробсой/аралаш	Шўрабсой к-л Анхор	0,38	0,76		0,76
56.	Калками нўзакли	Кумдарё	1,5	1,17		1,856

57.	Толлимаржон/куйиладиган	КМК (Амударё)	77,35	428,62	223,33
58.	Чимкүргон	Қашқадарё	49,2	38,34	22,97
59.	Пачкамар	Ғузардарё	12,4	19,24	4,82
60.	Ҳисорак	Оксув	4,2	9,88	1,65
61.	Қизилсув	Турнабулок	1,5	0,122	0,373
62.	Деконобод	Кичик Ўрадарё	1=4	5,021	3,425
Жами:			173,357	1412,477	1116,477

Навоий вилояти

	Сув омборлари				
63.	Куйимозор/куйиладиган	Амударё, Зарафшон	0,15	-	700
64.	Тўдакўл/куйиладиган	Амударё	2,17	1600	1600
65.	Шоркўл/куйиладиган	Зарафшон, Амударё,	0,24	200	200
	Кўллар				
66.	Арнасой кўллар тизими	Ирриг. ташланма	37	6	6
67.	Айдаркўл				
Жами:			39,56	1806	2506

Наманган вилояти

	Сув омборлари				
68.	Қорасув/ўзанли	Исфаранд-Шаванд	0,3	0,65	0,74
69.	Эскиер/куйиладиган	Наманган-сой	1,72	4,18	2,38
70.	Жидалисой/куйиладиган	Чодаксой	0,23	0,36	0,545
71.	Заркент/куйиладиган	Падшата-сой	0,9	0	0
72.	Резаксой	Катта Наманган канали, Резаксой			115
73.	Кўксарраксой/селсув омб. куйиладиган	Кўксаррак-сой	0,64	0,85	0,72
74.	Варзик/куйиладиган	Ғовасой	1,17	0,45	0,05
75.	Қорамурод/куйиладиган	Хўжа-Шўркент	0,26	0	0

76.	Шорсуй/ўзанли	Аччиксув	0,85		
77.	Косонсой/ўзанли	Косонсой	8,4	7,2	42,5
78.	Чорток/ўзанли селсув омб.	Чортоксой	2,1	13,01	6,41
79.	Ергикон	Гирвонсой	1,25	0	0
80.	Гирвонсой	Гирвонсой	0,864	0	0
81.	Кенгкўл	Кенккўлсой	0,32	0	0
82.	Қандиён	Кандиенсой	0,37	0	0
83.	Косон	Наманган-сой	0,16	0	0
84.	Бештол	Бештолсой	0,12	0	0
85.	Сассиксой	Сассиксой	1,01		0
	Жами:		20,664	26,7	168,345

Самарқанд вилояти

	Сув омборлари				
86.	Карасуй/ўзанли	Қорасув	4,1	1,87	0,92
87.	Сабирсой/ куйиладиган	Собирсой	3	5,14	4,61
88.	Каттакўрғон/ куйиладиган	Зарафшан	82	70,4	94,2
89.	Оқдаре/русовое	Оқдарё	9	24,33	18,2
90.	Коратепасой/ ўзанли	Қоратепа-сой	2	2,04	1,86
91.	Тусунсой/ўзанли	Турсунсой	2,7	6,63	7,45
	Жами:		102,8	П0,41	127,24

Сурхондарё вилояти

	Кўллар				
92.	Учиўл	Амударё	10	20	20
93.	Ахматкўл	Сурхондарё	0,1	0,2	0,2
94.	Жаркўрғон т-ни, Шобиров Сфу худуди	Сурхондарё	0,05	0,05	0,05
95.	Шўрчи т-ни, Далварзин кўллари	Тўполанг	0,05	0,1	0,1
96.	Хамкон кўли	Хамкон	0,23	11,5	11,5
97.	Термиз т-ни, Уқизил кўллар	Амударё	0,4	2	2
	Сув омборлари				
98.	Тўполанг/ўзанли	Тўпаланг	10,8	7	30,2
99.	Жанубий Сурхон/ўзанли	Сурхондарё	6,5	168,5	120,5
100.	Оқтепа/ Куйиладиган	Амударё	11,5	31	47,5

101.	Учкизил/ куйил адиган	Амударе	10	133,2	100,3
102.	Дегрес/ куйиладиган	Түпаланг	2,75	0,02	0,02
	Жами:		42,38	353,57	312,37
Сирдарё вилояти					
	Кўллар				
103.	Мирзообод т-ни, Журааленное кўли	Сирдарё	0,41	0,533	0,41
104.	Сайхунобод т-ни, Соленое кўли	Сирдарё	1,5	2,25	2,1
105.	Соленое-обетованное кўли	Сирдарё	1	1,5	1,4
106.	Колган кўли	Сирдарё	0,9	1,35	1,35
107.	Сирдарё т-ни, Нижний Колгансир кўли	Сирдарё	2		0
	Жами:		5,81	8,633	8,26
Тошкент вилояти					
	Кўллар				
108.	Хайбаткўл	Сирдарё	3	45	45
109.	Коронкўл	Сирдаре	2	30	30
	Сув омборлари				
110.	Чорвок/ўзанли	Чотқол, Пском	36,71	329,18	334,28
111.	Тошкент/ўзанли	Охангарон	64	150	130
112.	Охангарон/ўзанли	Охангарон	30,6	114,8	33
113.	Хожикент/ўзанли	Чирчик	2,5	30,9	29,8
114.	Ғазалкент/ўзанли	Чирчик	1,86		16,4.
	Жами:		140,67	699,88	618,48
Фарғона вилояти					
	Сув омборлари				
115.	Каркидон/аралаш	Кувасой, Корадарё, Жанубий Фарғона канали	9,533	8,382	38,8
116.	Кўргонтепа/ куйиладиган	Араб- тепасой, Кенгкўлсой	6,05	7,181	8,737
117.	Шўрсув/сел омбори	Аччиқсу	20	-	-
118.	Қизилбел/сел омбори	Аччиқсу	16	-	-
	Жами:		51,583	15,563	47,537
Хоразм вилояти					
	Кўллар				
119.	Денгизульди		0,5	0,85	0,85

120.	Сардоба		1,2	2,16	2,16
121.	Аэропорт		0,9	1,35	1,35
122.	Бозиргон		1,6	2,4	2,4
123.	Эчкиер		6,5	11,7	11,7
124.	Мешикли		5	8	8
125.	Коркүл		1	1,6	1,6
126.	Улли-Шоркүл		17	25,5	25,5
127.	Буриятоғ		0,3	0,45	0,45
128.	Қирмизікүл		0,3	0,45	0,45
129.	Қамишшұр		0,15	0,225	0,225
130.	Эшон-Равот		0,7	1,12	1,12
131.	Қоракүл		0,6	0,96	0,96
132.	Йилғынли		0,6	0,96	0,96
133.	Гоукүл		1	1,6	1,6
134.	Памидин күллар тизими		20	30	30
135.	Балик қылдирған		0,42	0,672	0,672
136.	Эшонсұв		0,15	0,225	0,225
137.	Узункүл		0,6	0,96	0,96
138.	Тузлок		0,3	0,45	0,45
139.	Совго		0,3	0,45	0,45
140.	Назаройдин		0,55	0,88	0,88
141.	Хұжакул		0,15	0,225	0,225
142.	Атов күллар тизими		2,2	3,52	3,52
143.	Пурси		0,3	0,45	0,45
144.	Кичик күл		0,3	0,45	0,45
145.	Гажкли		0,2	0,3	0,3
146.	Узункүл		0,3	0,45	0,45
147.	Курванакүл		0,3	0,45	0,45
148.	Юмаланди		0,7	1,12	1,12
149.	Ялдировуқ		0,6	0,96	0,96
150.	Найман		0,15	0,225	0,225
151.	Капак күл		0,2	0,3	0,3
152.	Пурсанг		0,1	0,17	0,17
153.	Шүркүл		0,6	0,96	0,96
154.	Бұйстон күллар тизими		1	1,6	1,6
155.	Сохыбкор		0,3	0,45	0,45
156.	Хитойкүл		0,15	0,225	0,225
157.	Амударё дельтаси күллари		3,12	5,28	5,28
158.	Зейкүл күллар тизими		1,23	1,968	1,968
159.	Вил. күллар тизими		2,82	4,794	4,794

	Сув омборлари				
160	Тұямуң/ ўзанлиқ ва Зта қүйиладиган	Амударә	20	30	30
	Жами:		93,89	146,009	146,009
	Жами республика бүйіч		9184,494	6491,422	6845,997


*-оқимли, **-оқимсиз

Боткоқликлар үлчами турлича бўлиб, бир неча юз квадрат километргача боради. Тоғли худудларда боткоқликлар кам учрайди, уларнинг майдони ҳам катта эмас. Улар аксарият ҳолларда ер ости сувлари олинадиган участкаларда бўлиб, «созлар» деб номланади.

Сунъий қўллар инсон фаолияти натижасида ташкил қилинган. Дарё сувларидан тўйинадиган қўллар таназзулга учраши ва йўқолиши билан бирга сугориладиган ерлар атрофларида, асосан, коллектор-дренаж сувларидан тўйинадиган қўллар ва ветландлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг умумий майдони 1967 йилдаги 0,6 минг км^2 дан 1975 йилда 3,8 минг км^2 гача ва 1980 йилда 5,4 минг км^2 гача етди. 1985 йилга келиб ирригация-ташлама қўллари Орол денгизи ҳавзасининг текислик худудида, хусусан, Ўзбекистояда асосий сув ҳавзаларига айланди. Уларга ташланган сувларни қабул қилишда фойдаланиладиган Хоразм оазиси атрофидағи қўллар занжири, мамлакат шимоли-ғарби ва Қизилкумдаги кўп сонли қўллар киради. Амударёнинг ўртача ва пастки оқимида умумий майдони 739 км бўлган сув билан тўла 269 та қўл ва чўл ботикликлари бор. Қўлларнинг бир қисми бирор жойга оқиб кетиш имконига эга бўлмаган ҳавзалардир, бошқалари (Сичанқўл, Денгизкўл, Соленое, Аязкўл ва Қоратерен) Амударё ва бошқа қўллар билан уланган ҳолда мавсумий бошқариш мумкин. Сирдарё ўрта оқимида жойлашган Арнасой Ўзбекистондаги энг йирик қўллар тизими ҳисобланади. У Айдаркўл, Тузкон ва Юкори Арнасой қўлларини бирлаштиради.

Ирригация-ташланма кўлларнинг сув ресурслари асосан шўрланган. Улардаги сув минераллашуви $4-15 \text{ г/дм}^3$ оралиғида ўзгаради.

Ўзбекистон ҳудудида 95 та ер ости сувлари кони мавжуд. Умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича чучук ва шўрланган ер ости сувларининг табиий ресурслари 2007 йилда $75580,56 \text{ м}^3/\text{сут}$ ($874,8 \text{ м}^3/\text{с}$)ни ташкил қиласди. Бу минераллашуви 1 г/л гача, 1-5 г/л ва 5 г/л дан ортиқ бўлган ер ости сувларидир (9-расмга каранг).



9-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича чучук ва камшўрли ер ости сувларининг минтақавий эксилуатацион захиралари минераллашуви.

Чучук ер ости сув манбаларининг энг кўп миқдори Тошкент ($7375,19$ минг $\text{м}^3/\text{сут}$), Самарқанд ($3547,58$ минг $\text{м}^3/\text{сут}$), Сурхондарё ($3373,75$ минг $\text{м}^3/\text{сут}$), Наманган ($3312,58$ минг $\text{м}^3/\text{сут}$), Андижон ($3184,7$ минг $\text{м}^3/\text{сут}$) вилоятларида мужассам. Бухоро ($64,8$ минг $\text{м}^3/\text{сут}$) ва Навоий ($72,58$ минг $\text{м}^3/\text{сут}$ - $0,84 \text{ м}^3/\text{с}$) вилоятлари чучук ер ости сувлари билан кам таъминланган.


Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳозирги пайтда чучук ер ости сувлари умуман куриб қолган. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича ер ости сувларини асосий конларидаги сувнинг минераллашуви кўрсаткичлари 31-расмда келтирилган.

Булоклар. Ўзбекистон ҳудудида чучук сувли ва сув

саффи 1л/с бўлган 1448 та булоқ қайд қилинган, улар асосан тоғли ва тоғолди туманларида жойлашган (10-расмга қаранг). Келажакда 106 юқори дебитли булоқлардан 44 тасини ишлатиш мумкин.

Булоқларнинг аксарият қисми, ўрта ва паст тоғли зоналарда жойлашган. Булоқ оқимини шакллантирадиган ер ости сувлари ёрикли, ёриқ-карстли, ёриқ-жинсли, ёриқ-ковакли ва кам миқдорда коваклидир. Энг юқори дебитли булоқлар ёриқ-карстли сувлар билан боғлик. Таркиби бўйича булоқ сувлари асосан карбонат-кальцийли, ўртамиёна чучук ва ўртача каттик. Кўпчилик булоқларнинг дебитлари 1,5-5 л/с ташкил қилади, баъзилари бўйича эса секундига ўнлаб ва юзлаб литрларга етади.

Булоқлар табиий жиҳатдан қадрли бўлибгина қолмай, тарихий аҳамиятга ҳам эга. Ҳар бир булоқ билан Ўзбекистон тарихида муайян ривоят мавжуд. Баъзи булоқларнинг суви даволаш ҳусусиятларига эга ва маҳаллий аҳоли томонидан фойдаланилади.



10-расм. Ўзбекистон Республикаси худудида ер ости сувлари асосий манбалари сувларининг минераллашуви.

Ўзбекистон Республикаси худудидаги (Сурхондарё, Қашқадарё, Псом каби) қатор дарёларнинг юкори кисмида 525 та тоқли музликлар мавжуд, уларнинг умумий музлик майдони $54,2 \text{ км}^2$, яъни музликлар асосан кичик шаклга эга, битта музликнинг ўртacha майдони атиги $0,293 \text{ км}^2$ ни ташкил қилади.

Қайтиш сувлари асосан коллектор-дренаж оқими ва ташланма сувлар ҳисобига шаклланади. Улар сув ресурсларига нисбатан катта улушни ташкил қилади ва шу би-лан бир вақтда жиддий ифлосланиш манбаи ҳисобланади. 1988-2007 йиллар даврида ўртacha республика доирасида қайтиш сувларининг умумий ҳажми 16 км^3 дан (сув кам бўлган 2002 йилда) 1992 йилда $35,5 \text{ км}^3$ гача оралиқда ўзгарди. Қайтиш оқими ушбу ҳажмидан тахминан $10\text{-}19 \text{ км}^3$ Сирдарё ҳавзасида ва тахминан $9\text{-}16 \text{ км}^3$ Амударё ҳавзасида шаклланди.

Қайтиш сувларининг катта ҳажмлари (50-51%) дарёларга, қолган қисмининг тахминан 33% пастликларга ташланади ва атиги 16% қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун такроран ишлатилади. Қайтиш сувларининг пастликларга ташланиши натижасида кўп сонли ирригация-ташлама кўллари пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерлари худудида қайтиш сувларини шаклланиш хусусияти, микдори ва сифати бўйича шартли равишда 3 та зонага ажратиш мумкин:

Юқори - суғориладиган деҳқончилик ривожланиши тоголди ва пасттоғли туманлари (Фарғона водийси, Сурхондарё ва бошқалар);

Ўртacha оқим (Бухоро, Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятлари);

Куйи оқим - оқимнинг тарқалиш зonasи (Қорақалпогистон, Хоразм вилояти).

Одатда юқори зона - сув билан анча яхши

таъминланган, ерлар яхши табиий дренажлангани ҳолда сугориш ва сизот сувларининг минераллашуви паст бўлган худудлардир. Қайтма сувлари нисбатан кам минераллашган, сифати бўйича ҳам бошқа миintaқалардан юкоридир (сув олинишида СОК улуши 80 фоизга етади). Сув мимераллашуви куруқ қолдиги бўйича 1,1-3,7 г/л оралиғида. Бу сувлар (тупроқ ҳолатини назорат килганда) тузга бардошли бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришга яроқли.

Иккинчи зона дренаж сувлари таркибида тузлар микдори нисбатан юқори ва тупроғи юқори шўрланганлиги билан фаркландади. Бу худудларда барча турлар, жумладан тузга бардошли экинларни сугориш учун дренаж сувларидан фойдаланиш нуктаи назаридан хатарли ҳисобланади. Қайтма сувларининг улуши олинган сув ҳажмидан 10-50%ни ташкил қиласди, Сирдарё вилоятида эса 68 фоизгача етади. Бухоро, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида янги ўзлаштириш зonasида баъзи йилларда қайтма сув оқими минераллашуви куруқ қолдик бўйича 8 г/л гача етиши мумкин.

Қуйи оқим -- Амударё пастки қисми, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Хоразм вилояти - қайтма оқими нисбатан яхши сифатли (коллектор сувлари минераллашуви 2,2-3,7 г/л оралиғида) бўлган эски сугориш зonasи ҳисобланади, Қорақалпоғистонда эса сизот сувлари юкори минераллашган, тегишли равишда қайтма сувлари минераллашуви 2,9-5 г/л оралиғидадир.

Орол денгизи ҳавзаси сув ресурслари деярли тўлиқ ишлатилади. Сув кам бўлган йилларда Сирдарё ҳавзаси оқимидан сув олиш коэффициентининг бирдан юқори бўлиши сугоришга дренаж ва ташланма сувларининг такроран ишлатилишидан дарак беради. Ўзбекистон сув ресурслари танқислигини ҳис этмоқда. Сўнгги ўн йилликда республикада лимитланган сув истеъмолига ўтилди.

СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ИФЛОСЛАНИШ МАНБАЛАРИ


Сув ресурсларининг антропоген ифлосланишини қуидаги тарзда таққослаш мумкин: (11-расмга қаранг);

-кишлөк хўжалиги фаолияти натижасидаги ифлосланиш;

-саноат фаолияти натижасидаги ифлосланиш;

-шаҳар ва кишлоқ жойларидағи майший ифлосланиш манбалари.

Агрокимёвий моддаларни қўллаш, бевосита ташлаш ёки сизот сувларига таъсир қилиш йўли билан қишлөк хўжалиги ерлари, сув ресурсларини ифлос-ланганлик даражасини белгилайди. Қишлөк хўжалиги фаолияти натижасидаги ифлосланиш ўсимликлар, тупроқ, сув ва ҳаво намуналарида пестицид, азот ва фосфатларни таҳлил қилиш йўли билан аниқланади.



11-расм. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари томонидан сув объектларига ифлослантирувчи моддалар ташланиши улуси.

Атроф-мухит муҳофазаси нуқтаи назаридан, қишлоқ хўжалиги далаларидан минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларининг сугорма сувлар билан чиқиши, шунингдек чорвачилик комплексларидан ифлосланган оқаваларнинг ер усти ва сизот сувларга тушиши алоҳида хавф уйғотади.

Коллектор-дренаж сувлари билан энг кўп ифлосланганлик кичик дарёлар ва Амударё дарёсининг куйи кисмларида кузатилди.

Танлама асосда ўтказилган тадқиқотлар ташланадиган токсик моддалар умумий миқдори бўйича сувнинг ифлосланишига Қашқадарё. Фарғона ва Хоразм вилоятларидағи хўжаликлар энг катта ҳисса қўшишини кўрсатди.

Асосий саноат ифлослантирувчилари куйидагилар хисобланади:

-кон-қазиб олиш ва металтургия саноати, металларни гальваник қайта ишлаш ва бошқалар ташланмаларидағи оғир металлар (токсинлар);

-ихтисослашган саноат тармоқларида (токсинлар ва нотоксинлар) тушадиган азот, цианид каби ва бошка органик моддалар;

-нотоксик органик моддалар (БПК, ХПК), масалан, озиқ-овқат ва енгил саноати ташланмалари;

-ҳар хил саноат корхоналари турлари, жумладан, кимё саноати ташланмаларининг токсик органик кисмлари, масалан, нефть компонентлари, қоришмалар ва ҳоказо.

Маиший ифлослантирувчилар (канализацияланмаган аҳоли қисми) фекал ва маиший оқаваларни ариқ ва коллектор-дренаж тармоқлари ёки ўраларга ташлашлари сизот сувлари сифатига таъсир килади.

Канализацияланган аҳоли қисмидан коммунал тозалаш иншоотлари орқали тозаланган оқава сувларини сув объектлари ва қумликларга оқизилади. Тозалаш иншоотларининг самарасиз ишлаши, уларнинг лойиҳавий

кувватидан ортиқ қувват билан ишлаши оқаваларнинг етарлича тозаланмаслигига ва атроф-мухит ифлосланишига олиб келади.

СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ТАЪСИРИ

Тоғли худудлардан шаклланиб келадиган дарё сувларининг сифати (Ўзбекистон Республикасв худудида) жуда юқори - бу сувлар деярли ҳеч нарса билан ифлосланмаган ва уларнинг минераллашуви жуда кам. Бироқ пастга ҳаракатлангани сари сувнинг сифати кескин ёмонлашади. Минтақанинг аксарият дарёларига сувнинг ўртача оқимда 1-1,5 г/л, пастки оқимда 2 г/л ва ундан юқори минераллашуви хосдир.

Республиканинг аксарият сув ирмоқларидағи сувнинг сифати қабул қилинган таснифланишига кўра, ўрта меъёр ифлосланган ва ифлосланган сувлар тоифасига киради. Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийсининг коллектор-дренаж сувлари ҳамда Тошкент шахри ва Тошкент вилоятининг айрим сув оқимлари кучли ифлосланган.


Ўзбекистон Республикасининг барча асосий сув оқимлари бўйича сўнгги 20 йилда сув сифати яхшиланиши динамикаси кузатилмоқда.

Амударёнинг Туямуюн ўзанида (ўзан Ўзбекистоннинг Туркманистон билан чегарасида дарённинг ифлосланиши даражасини тавсифлаб бериши мумкин) нефть маҳсулотлари, азот аммонийси, минераллашуви, альфа ГХЦГ ва гамма ГХЦГ бўйича концектрацияси РЭЧУдан юқоридир.

Ҳавзанинг асосий дарёси - Амударё сувининг кимёвий таркиби ва ифлосланиши, кўп жиҳатдан, Туркманистон ва Ўзбекистон худудларидан дарёга ташланадиган қишлоқ хўжалик оқавалари таъсири остида шаклланади.

Сувларнинг ифлосланганлик индекси (СИИ) кўрсаткичи бўйича Амударё суви Термиз створида 1996 йилдан бошлаб II — тоза сувлар тоифаси даражасида, қолган бошка створларда III - ўрта меъёр ифлосланган тоифа даражасида сакланиб турибди, баъзи (1989, 1991, 1996, 2001 ва 2002) йилларда эса II тоифага тўғри келган.

Сурхондарё дарёси сувлари қисман Тожикистон худудида шаклланади. Дарё сувининг кимёвий таркиби Денов, Термиз шаҳарлари ва Шўрчи шаҳар поселкаси саноат ва коммунал обьектларидан чикариб ташланадиган оқава сувлар ва қишлоқ ҳўжалиги окаваларига боғлиқ. Дарё Ўзбекистон худудида Амударёга қуйилади. Сурхондарё сувининг сифати СИИ кўрсаткичи бўйича, дарёнинг бошидан қуи оқимигача II-тоза сувлар тоифасидан III-ўрта меъёр ифлосланган сувлар тоифасигача ўзгаради, бу эса сувнинг 1996 йилдаги сифатига тўғри келади. 2000-2001 йилларда Термиз шаҳри ўзанида дарё сувининг сифати II тоифа -тоза сувлар даражасига мансуб бўлган (12-расм).



12-расм. Сурхондарё бўйича сув ифлосланиши индексининг (СИИ) ўзгариш динамикаси.

Қашқадарё дарёси ҳавзасида 3 мингдан ортиқ сув оқими мавжуд, улардан атиги 33 та дарёнинг узунлиги 20 км дан ортиқ. Қашқадарё ва унинг ирмоқлари деярли тўлиқ суғоришга сарфланади. Ҳавзанинг ер усти сув ресурслари $42,4 \text{ m}^3/\text{s}$ ни ташкил килади. Ҳавзада шаклланадиган сув ресурслари етмайди ва Қашқадарё вилоятига Қарши магистрал канали (ҚМК) бўйича Амударё ва Зарафшон дарёларидан сув берилади ва Толимаржон сув омбори орқали бошқарилади. Истеъмол килинадиган сув микдорининг 80% сув оқимининг ҳавзалароро ташланишига тўғри келади.

Тоғли худудлардан келадиган ер усти сувларининг сифати асосан қониқарли. Дарёлар пастки участкалари гидрологик тартиби хўжалик фаолияти натижасида ўзгарди.

Қашқадарё дарёси сувининг сифати бошланишидан пастга қараб ёмонлашиб боради. Чимқўргон ўзанидаги сув ифлосланганлик индексининг йиллик кўрсаткичи 1997 йилдан бошлаб II тоифа тоза сувларга мувофик, 2000 ва 2006 йиллар бундан мустасно, чунки бу йилларда сув сифати III тоифа ўртacha ифлосланган сувларга мос бўлган.

Зарафшон дарёси кўпроқ трансчегаравий таъсир остида бўлади. Дарё сувининг шаклланиш худудида дарё сувини токсик металлар, суръма, симоб моддалари билан ифлослантирувчи Тожикистон Республикаси тоғ-кон комбинати обьектлари жойлашган. 2002 йилдан бошлаб алоҳида ингредиентлар (суръма, симоб, кадмий, стронций ва бошка) устидан мониторинг ташкил қилинган. Ўзбекистон худудида Самарқанд, Каттакўргон, Навоий шаҳарлари саноат корхоналари ва кишлок хўжалик оқава сувлари дарёга ташланади.

Дарё ҳавзасида ер усти сув оқимларига антропоген таъсирни пасайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Сув таркибидаги заарарли моддалар микдори мунгазам камайиб бормоқда. 2000 йилгача Роватхўжа постидаги Зарафшон

дарёси сувининг ифлосланганлик индекси 0,63-2,07 оралиғида ва ўртача ифлосланган сувларга мувофиқ эди, 2000 йилдан кейин сув сифатининг яхшиланиши ва тоза сувлар тоифасига ўтиши кузатилмокда. Навоий шахридан куйида дарё суви сифати ҳам сув-нинг ифлосланганлик индекси бўйича ўзгарди. IV тоифадан 2001, 2002, 2003 ва 2005 йилларда III тоифа ўртача ифлосланган сувларга, 2004 йилда эса ҳатто II тоифа тоза сувлар тоифасига етди.

Сирдарё дарёси ҳавзаси кўплаб дарёлар сувларидан хосил бўлади, улардан асосийлари Сирдарё, Норин, Қорадарё, Чирчик, Охангарон дарёлари ҳисобланади.

Чирчик ва Охангарон дарёларигина трансчегаравий сув обьекти бўлиб ҳисобланмайди. Қолган бошқа дарёлар сувларининг барчаси (Фарғона водийси кичик дарёлари, Чирчик дарёсига қўйиладиган ирмоклар билан бирга) кўшни давлатлар худудларида шаклланади. Сирдарё дарёси икки қисмда Ўзбекистон худудидан оқиб ўтади: юқори кисми - Норин ва Қорадарёларнинг қўшилишида ва ўрта оқимдаги кисми - Охангарон ва Чирчик дарёлари қўйилиши оралиғида.

Сирдарё дарёси суви сифати СИИ бўйича барча створларда III - ўрта меъёр ифлосланган сувлар тоифасига тўғри келади. Бекобод шахридан юқоридаги створ бўйича 2000 ва 2002 йилларда II - тоза сувлар тоифасидан, 2001,2003 ва 2004 йилларда III - ўрта меъёр ифлосланган сувлар тоифасига ўтган, Сирдарё дарёси сувида Тожикистондан қўшилган сувлар таркибидаги альфа ГХЦГ ва гамма ГХЦГ Ўзбекистон худудидан ўтиш жараёнида камайиши кузатилади.

Қорадарё Сирдарё дарёсини ҳосил қилувчилардан бири бўлиб, охирги уч йил давомида сув сифати Ўзбекистон худудига СИИ бўйича II- тоза сувлар тоифасида оқиб келди. Республика худудида Андижон, Асака, Хонобод шаҳрлари оқава сувлари ташламалари ҳамда коллектор-зовур сувлари

дарё суви сифатини ёмонлаштиради ва у СИИ III - ўрта меъёр ифлосланган сувлар тоифасига мос бўлади.

Фаргона водийсининг кичик сув оқимларининг деярли барчаси Ўзбекистон худудига СИИ бўйича II - тоза сувлар тоифаси сифати билан оқиб келади ва сугоришга олинади.

Оҳангарон дарёси сувининг сифати тоғлардан тушиша 1994 йилдан бери II-тоза сувлар тоифасига киради, факат 2003 йилда ўрта меъёр ифлосланган сувларгача ёмонлашди, Оҳангарон дарёси бошланишидаги сув ифлосланиши индекси кузатилган давр мобайнида III - ўрта меъёр ифлосланган сувлар тоифаси доирасида сакланди.

Чирчик дарёси сувининг ифлосланиш индекси:

1995 йилдан бери Фазалкент шахри атрофида - II-тоза сувлар тоифасига, Чирчик шахри чегарасида 1994 йилгача — III ва IV тоифаларга (ўрта меъёр ифлосланган ва ифлосланган сувлар), 1994 йилдан кейин эса II тоифага ва муайян йилларда III тоифага, дарё этагида эса қатор кузатувлар давомида - III тоифага хос бўлган.

Йирик саноат корхоналари жойлашган ерларда оқим суви сифатининг локал ёмонлашуви кузатилади. 1988 йилда Тошкент ва Фаргона саноат туманларидағи ер ости сувлари энг ифлосланган ҳисобланарди.

Кўп йиллар давомида Тошкент вилоятида Чирчик дарёси ўртacha оқимида сув олинишида ер ости сувлари ифлосланишнинг юқори даражаси қайд килинган (3-6,3 РЭЧУ). «Электркимёсаноат» ИЧБ, Ўзбекистон қийин эрийдиган иссиқка чидамли металлар комбинати (ЎҚЭИЧМК), норуда материаллари каръерлари ва бошқалар ифлосланиш обьектлари бўлган.

Оҳангарон дарёси хавзасида ер ости сувлари минераллашуви (1,2-1,6 РЭЧУ), қаттиклиги (1,2-1,7 РЭЧУ), таркибидаги кадмий (2 РЭЧУ) ва селен (2 РЭЧУ) микдори бўйича белгиланган салбий таъсир чегарасидан ортиши кузатилган.

Фарғона вилояти Тошлок туманида сизот сувлари усти 3 мм гача қалинликда нефть қатлами билан қопланган, нефть маҳсулотлари тарқалиши майдони қарийб 10 км² ни ташкил қилган, бу ичимлик ва техник сув билан таъминлаш қудукларига жиддий хавф солди, уларнинг бир кисми ҳатто ишдан ҳам чиққан. Янги Кўкон кимё заводи, Фарғона фурان бирикмалари кимё заводи жойлашган ерларида ҳам ер ости сувларининг ифлосланиши кузатилган.

Зарафшон дарёси водийсида ер ости сувлари ифлосланиши минераллашуви, умумий қаттиқлиги, сульфатлар бўйича 10 дан 100 бараваргача ортган.

«Гидроингео институти» ДК нинг 2006 йил охиридаги кузатувлари маълумотларига караганда, Қорақалпоғистон Республикасида чучук ер ости сувлари (1 г/л гача) умуман куриб колди. Қоракалпоғистоннинг бутун худуди бўйича ичимлик суви минераллашуви, умумий қаттиқлиги, сульфатлар ва хлоридлар бўйича сифати ёмонлашиши қайд килинмоқда.

Ер ости сувларининг ифлосланиши Паст Амударё (Ўнг соҳили) ва Қоракалпоғистон Паст Амударё (Чап соҳили) ер ости сув манбалари бўйича хўжалик-истеъмол максадидаги гурӯхли сув олиш иншоотларида ўрганилди. Бу ерда барча жойларда минераллашуви 1,08-2,1 г/л ва умумий каттиқлиги 7,6-21,5 мг-экв/л бўлган ер ости сувлари тарқалган, улардаги сульфатлар таркиби 510-660 мг/л, хлоридлар таркиби 358-710 мг/лни ташкил қилди.

Андижон вилоятида ер ости сувларининг ифлосланиши 6 та ер ости сувлари ҳосил бўладиган худудлар бўйича ўрганилди.

Андижон-Шаҳриҳон ер ости суви ҳосил бўлиш манбасида, асосан, унинг ўртача ва шимоли-шарқий кисмида (Андижон, Шаҳриҳон, Асака шаҳарларида) ер ости сувлари минераллашуви, умумий қаттиқлиги ва нефть маҳсулотлари таркиби 1-1,2 РЭЧУ оралиғида. Манбанинг

жануби-шаркй қисми Асака адирлари бўйлаб ер ости сувлари минераллашуви, қаттиқлиги ва сульфатлар таркиби 1,1-1,3 РЭЧУни ташкил қилди.

Ош-Аравон ер ости суви ҳосил бўлиш манбаси «Марҳамат» участкаси чегарасида ер ости сувларининг минераллашуви - 1,2-2,5 мг/л ва умумий қаттиқлиги - 21,9-33,5 мг-экв/л бўлиб, вазият чучук ер ости сувларига нисбатан қониқарсизлигича қолмокда, «Ўхчи» сув олиниши участкаси бундан мустасно. Сув ҳосил бўлиш манбаларининг ўрта кисми (Аравансой дарёсининг чиқиши конусида) ер ости сувларидаги минераллашув ва қаттиқлик 1,8-3,,1;12,9-33,2 мг-экв/л оралигига сакланмокда.

Сув ҳосил бўлиш манбасининг шаркий кисмидаги ер ости сувлари яхши сифати билан тавсифланади ва O'zDSt 950:2000 «Ичимлик суви» талабларига жавоб беради, минераллашуви, умумий каттиқлиги ва сульфатлар бўйича 1,5 РЭЧУгача нуктали ошишлар кузатилган, холос.

Норин ер ости сув манбасида, 25 м гача чукурликдаги сизот сувлари ифлосланган, уларнинг минераллашуви ва қаттиқлиги 1,5 РЭЧУгача, шунингдек нефть маҳсулотлари ва феноллар таркиби юкорилиги таъкидланган, бироқ эксплуатация горизонтлари (80-300 м) катта кумоқ қатламлари билан ҳимояланган ва ер ости суви O'ZOS1:950:2000 «Ичимлик суви» талабларига жавоб беради.

Бухоро вилоятида ер ости сувлари минераллашуви (1,7-3,2 г/л), умумий қагтиқлиги (11,2-23,5 мг/л) ва сульфатлар (625-1619 мг/л) бўйича O'zDSt 950:2000 га мувофиқ келмайди. Бу кўрсаткичлар, асосан, Бухоро ва Қорақўл манбалари (Бухоро, Шоғиркон, Гиждувон, Ромитан ва Жондор туманлари) бўйича таркалган.

Жиззах вилоятида деярли барча текширил-ган сув олиш иншоотларидаги ер ости сувларининг қаттиқлиги O'gO8! 950:2000 «Ичимлик суви»га жавоб бермайди.

Қашқадарё вилоятида Китоб-Шахрисабз ер ости сувхосил бўлиш манбаси бўйича ер ости сувлари умумий қаттиқлиги ортганлиги кузатилди -9-12 мг-экв/л; Ўнг соҳил манбалари бўйича 10-12 мг-экв/л; Чап соҳил манбалари бўйича ер ости сувлари минераллашуви 2,5-3 г/лни, умумий қаттиқлиги 35-44 мг-экв/л; Фарбий Қашқадарё бўйича 18-50 мг-экв/л; Гузар -- 35-40 мг-экв/л ва Лангар бўйича 10-11 мг-экв/л ни ташкил қилди.

Навоий вилоятида 2006 йил учун сугориладиган худудлардаги сув олиш иншоотларида ер ости сувларининг сифати ошди ва факат бъази сув олиш участкаларида ёмонлашуви кузатилди. Минераллашуви 1-1,2 г/л ва қатгиқлиги бўйича 11-12 мг-экв/л энг кичик кўрсаткичлар Хатирчи ва Зармитон сув олиш иншоотларида, минераллашув -1,2-1,4 г/л ва қаттиқлик-14-17 мг-экв/л бўйяча энг катта кўрсаткичлар эса Кизилтепа сув олиш иншоотида кузатилди. Суғориладиган зонада ер ости сувлари ифлосланиши, асосан, коллектор-дренаж сувлари ҳамда магистрал каналлар ва Зарафшон дарёсига ташланадиган саноат-хўжалик оқавалари (такминан 5-6 мУс) хисобига рўй беради. Зарафшон дарёси ўрта қисмидаги вазият яна Навоий саноат зонаси корхоналари (ГМЗ-1, «Навоийазот» ИЧБ, Вавоий электркимё заводи ва бошқалар) таъсирида ёмонлашади. Мазкур корхоналар худудларида ер ости сувларида сульфатлар, минераллашуви, умумий қаггикликнинг юқори таркиби кузатилади, Чўл зонасида жойлашган сув олиниш участкаларида ер ости сувларининг сифати нисбатан яхши: минераллашуви 0,7-1,2 г/л, каттиқлиги 3-9 мг/л, нитратлар таркиби 24-37 мг/л, МН₄ 0,7-1 мг/л. Чўл зоналарида ер ости сувларининг ифлосланиш манбалари Учкудук тумани Шимолий руда бошқармасининг (ГМЗ-2, ГМЗ-3 ва РУ-5 ишқорли тозалаш участкаси) саноат оқавалари саналади.

Наманган вилоятида ер ости сувлари ифлосланиши фақат Олмос-Варзиқ ер ости сув манбасининг шимолий

қисмида (Шаян-Баймак чукурлиги-сув ми-нераллашуви 1,5 г/лгача, умумий қаттиклиги 8,4-10,5 мг-экв/л, чекка қисмида нефть маҳсулотлари 1,2 РЭ-ЧУгача оралиқда), Косонсой манбасининг жанубий ва жануби-шарқий қисмларида (сув минераллашуви 1,2 г/лгача, умумий қаттиклиги 8,9-11,5 мг-экв/л, гарбий қисмида нефть маҳсулотлари 1-2 РЭЧУгача), Ясковат-Пишкаран (Чорток ва Наманган дарёси пастлари-умумий қаттиклиги 7,5-14,2 мг-экв/л), Наманган (Наманган ва Чорток шахарлари атрофида - сув минераллашуви 1,52,1 г/л гача, умумий қаттиклиги 9,4-25,1 мг-экв/л) манбаларида аниқланди.

Самарканд вилоятида Зарафшон ер ости сув манбаси бўйича (Оқдарё водийсиниг марказий-шимолий қисми) ер ости сувларининг минераллашуви ва умумий қаттиклиги бўйича юкори кўрсаткичлар хосдир. Шимолий тог олди манбаси бўйича ер ости суви ми-нераллашуви тоғдан узокдашгани сари ортиб боради ва 1,8 г/лгача, умумий қаттиклиги 9,5-13,2 мг-экв/л гачани ташкил қиласди. Гарбий Қашқадарё манбалари ер ости сувлари 1,2-1,4 г/л минераллашувга ва 9,2-11 мг-экв/л умумий қаттикликка эга, фтор таркиби 0,8-1,19 мг/л.

Сурхондарё вилоятида сугориладиган майдонлардан коллектор-дренаж тармоғи орқали ҳамда агросаноат комплекси ишлаб чиқариш корхоналарининг саноат оқавалари ва бошқа ифлосланган сувлар таш ланадиган ер усти сув оқимлари ва ҳавзалари ер ости сувлари ифлосланишининг манбалари ҳисобланади.

Шимолий Сурхондарё ер ости сув манбаси бўйича, асосан, алоҳида локал участкалари марка-зик ва жанубий қисмларида ер ости сувлари минераллашуви 1,6 г/лга, умумия қаттиклиги - 18 мг-экв/л, нитратлар - 47 мг/л, феноллар - 0,002-0,003 мг/л га етади,

Жанубий Сурхондарё манбаси бўйича шимолий ва жанубий қисмлари локал участкалар бўйича ер ости

сувлари минераллашуви 1,4-1,8 г/л-ни, умумий қаттиқлиги 15,3-25 мг-экв/л ни ташкил килади.

Шеробод ер ости сув манбаси О'ғО51 950:2000га мувофиқ келмайды, ва ичимлик сув таъ-миноти учун яроксиз. Ер ости сувлари минераллашуви 2,4 г/л, умумий қаттиқлиги 12-16,5 мг-экв/л, нитратлар - 47 мг/л, аммоний — 3,12-6 мг/лга етади. «Янгиобод», «Шеробод», «Музробод» ва «Ангор» сув олиш иншоотлари бўйича минераллашув 1,5-2,36 г/л, умумий қаттиқлик - 15,7-21 мг-экв/л қайд қилинган, сульфатлар 475-663 мг/л, хлоридлар 425 мг/л миқдорини ташкил қилди.

Сирдаре вилоятида Дўстлик, Ховос ер ости сув манбаси ва Юкори плиоцен манбалари ғарбий қисми бўйича ер ости сувлари минераллашуви 1,4-1,8 г/л, умумий қаттиқлиги 10,8-17,5 мг-экв/л, сульфатлар таркиби 570-980 мг/л ни ташкил қилди.

Тошкент вилояти бўйича ер ости су влари Чирчик ва Оҳангарон дарёлари худудларида (Чирчик, Тошкент, Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида) жамланган саноат объектлари, шунингдек иккала дарё оралигидаги худудларининг пастки қисмida жойлашган кўп сонли агросаноат, коммунал ва бошқа объектлар таъсирида ифлосланганди.

Чирчик манбаси чегарасида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши локал участкаларда кўринади, ифлосланиш даражаси 1,5 дан 1,7 РЭЧУгача ўзгарди (Кўйлик, Пахтачи нефть базалари, темир йўл участкалари, ЁММ алоҳида омборлари, автоювиш жойлари, ЁҚШ, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, ТТЗ, Тошметрополитен ЦАЖ лари ва бошқалар).

Оҳангарон манбаси бўйича «Кўмир» АЖ колдиқ тупроқлари ва чиқиндиларни саклаш майдонлари жойлашган Тешик-Тошдан Қондир створигача бўлгая участкада ер ости

сувлари минераллашуви 1,4 г/лга, умумий қаттиқлиги 15,6 мг-э1св/л га, сульфатлар мөндөри 695 мг/лга етади.

Телов қишлоғидан Олмалиқ шаҳригача бўлган участкада ер ости сувлари минераллашуви 1,3-1,5 г/л-га, умумий қаттиқлиги 12,6-15 мг-экв/лга (менеж даври) етди, Ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши кўп эмас ва 0,006-0,05 мг/л оралиғида, феноллар мөндөри кам (локал участкалар-да) учрайди ва 0,0004-0,0025 мг/лни ташкил қилди.

Пскент манбаси бўйича Пскент шаҳри ҳудудида сизот сувларининг минераллашуви 1,2-1,3 г/л, уму-мий қаттиқлиги - 12,3-18 мг-экв/л, сульфатлар - 765 мг/л, нефть маҳсулотлари 0,12 мг/лни ташкил қилди. Манбанинг марказий кисмида фойдаланиш горизонтларида ер ости сувлари сифати яхши бўлиб, O'zDSt 950:2000 га мувофиқ келади.

Кўкорол манбаси бўйича ер ости сувлари, асосан, 1-1,5 г/лдан 1,5-3,5 г/л гача ва ундан юқори минераллашувга эга.. Ҳудуднинг учдан бир кисмига 1 г/ лгача минераллашув хосдир. Ер ости сувлари ифлосланишининг асосий манбаси шимоли-шаркий кисмда жойлашган ОҚМК бирлашган чиқиндиларни саклаш майдони ҳисобланади. Хлор ва аммоний бўйича ифлосланиш вақтинчалик тусга зга. Манбанинг жанубий ва жануби-шаркий қисмида ер ости сувлари минераллашуви 1,6-1,8 г/л, сульфатлар - 476 мг/л, нитратлар - 15-25 мг/л. Бу ерда ифлосланиш ерларни суғориш билан боғлиқ. Фойдаланиш горизонтида ер ости сувларининг сифати O'zDSt 950:2000 мувофиқ келади.

Далварзин манбаси ер ости сувлари камшўри, минераллашуви 1,1-1,5 дан 3 г/л гача, умумий қаттиқлиги 10,6-21,95 мг/л. Бу ерларни суғориш учун Сирдарёнинг дарёсининг ўрланган сувлари ишлатилиши ва Тожикистон Республикаси ҳудудидан суғориш ва дренаж сувлари ташланиши билан боғлиқ.

Бекобод шаҳри сув олиш иншоотлари бўйича ер ости сувлари минераллашуви 1,02-1,82 г/л, умумий қаттиқлиги 11,8-19,45 мг-экв/л, сульфатлар - 680-960 мг/лни ташкил килди.

Фарғона вилояти бўйича ер ости сувларининг минтақавий ва локал ифлосланишининг асосий омили ерларни суғориш ҳисобланади. Исфара манбаси бўйича Исфара дарёсининг чиқиши конуси бошланғич қисмидаги асосий фойдаланиладиган сув чиқиши горизонтлари ер ости сувлари ифлосланишининг чегараларида ер ости сувлари минераллашуви -1,2 г/л, умумий қаттиқлигининг - 13 мг-экв/л энгюқори кўрсаткичига эга («Юкори» сув олиш иншооти). Чиқиши конуси шарқий секторининг юқори қисмида («Ропқон» сув олиш иншооти участкасида) ер ости сувлари минераллашуви 1,4 г/л, умумий каттиқлиги 14 мг-экв/л. Юқори (50 м гача) қатлами кесимидан ташқари манбанинг қолган майдонида O'zDSt 950:2000 «Ичимлик суви»га мос ер ости сувлари тарқалган.

Сўх ер ости сув манбаси чиқиши конуси бўйича гарбий секторида («Яйпан» участкасида) ер ости сувлари ифлосланишининг асосий омили Аччиқсув дарёси ер усти оқими ҳисобланади. Ер ости сувлари энг юқори минераллашув кўрсаткичи 1,5-3 г/л, умумий қаттиқлик кўрсаткичи - 20-35,4 мг-экв/лни ташкил килади. Сўх дарёсидан чиқиши конуси шарқий сек-торида (Боғдод участкаси) ер ости сувларига юқори минераллашув (2 г/лгача) ва умумий қаттиқлик (29,45 мг-экв/лгача) хосдир, бу асосан чиқиши конусининг адир массивлари, тоғ олди текисликлари ва бошланғич қисмларини ўзлаштирига ва еугориши билан боғлиқ. Ифлосланиш чегараси умумий майдони 252 km^2 , манбаларнинг қолган барча майдонида фойдаланиш сув олиш горизонтларининг ер ости сувлари O'zDSt 950:2000 га мос келади.

Олтиарик-Бешолиш ер ости сув манбаси бўйича

(«Куба» участкаси) асосан Мирзачүл қисми ва Тошкент сув ҳосил бўлиш комплекслари юқори қисми кузатув-лар билан қамраб олинган, ер ости сувлари энг юқори минераллашуви -1,4 г/л, умумий қаттиқлиги -14,25 мг-экв, сульфатлар - 600 мг/л. Аниқпанган ифлосланиш чегара майдони $72,8 \text{ км}^2$ ни ташкил қетади.

«Тошлок» участкасида ер ости сувлари минераллашувининг энг юқори кўрсаткичи 1,7 г/л, умумий қаттиқлиги - 20,05 мг-экв/л, сульфатлар - 1000 мг/л ни ташкил қилди. Ифлосланиш чегара майдони $77,6 \text{ км}^2$, Нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш эса тўлик йуқотилди.

Ёрмозор ер ости сув манбаси қишлоқ хўжалиги ва саноат ифлосланиши таъсирига учраган ва ҳамма ерда умумий каттиқлик, ғарбий қисмида эса мине-раллашув ва сульфатларнинг ортиши билан тавсифланади. Минераллашув ва умумий қаттиқликнинг энг юқори кўрсаткичлари тегишли равишда 1,3 г/л ва 15 мг-экв/лни, сульфатлар бўйича — 700 мг/лни ташкил қилди. Умуман олганда манба бўйича гидрокимёвий вазият мураккаблигича колмоқда.

Чимён-Оввал ер ости суви ҳосил бўлиш манба-си Фарғона ва Марғилон шаҳарларининг энг йирик ва истиқболли хўжалик истеъмол сув таъминоти манбаси саналади. Ер ости сувлари ифлосланиши даражаси ортиқча умумий каттиқлик, баъзи жойларда эса минераллашув ва сульфатлар билан тавсифланади. Энг юқори минераллашув кўрсаткичи -1,1 г/л, умумий қаттиқлик кўрсаткичи — 13,7 мг-экв/л ни ташкил этади.


Хоразм вилоятида ҳозирги вактда чучук ер ости сувлари (1 г/л гача) умуман куриган. Бутун вилоят худуди бўйича ичимлик сувининг минераллашуви, умумий қаттиқлиги, сульфатлар ва хлоридлар бўйича сифати ёмонлашиши кузатилмоқда. Манбалар бўйича ер ости сувлари минераллашуви 1-2,5 г/л, умумий қаттиқлиги 12-

20 мг-экв/лни ташкил қиласи. Ер ости сувларининг нисбатан қоникарли сифати алоҳида канал бўйи линзаларда кузатилади, минераллашув - 1,5 г/л гача, умумий каттиклик - 12-15 мг-экв/лни ташкил қиласи.

Кўп йиллик кесмада ер ости сувлари таркибида азот бирикмаларининг камайиши кузатилмоқда.

УМУМИЙ СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВНИ ЧИҚАРИШ. ИФЛОСЛАНГАН ОҚАВА СУВЛАР


Умуман олганда Ўзбекистон Республикасида 1988-2007 йиллар мобайнида табиий манбалардан сув олиниши йилнинг сувлилигига караб - сув кам бўлган 2001 йилда 44 км³дан, 1999 йилда 60,7 км³гача ўзгариб турди. Шундан 1999 йилда Сирдарё ҳавзаси бўйича сув олиниши 41%, Амударё ҳавзаси бўйича 59%, 2001 йилда тегишли равишда 52 ва 47,6% бўлди. Ўртacha сув олиниши Сирдарё ҳавзаси бўйича 21-26 км³, Амударё ҳавзаси бўйича 21-36 км³ оралиғида сакянди (13-расмга қаранг).



13-расм. Ўзбекистон Республикаси, хусусан, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича майдаланилган сув микдорининг ўзгариши динамикаси.


Энг күп сув микдори — 85% кишпок хўжалиги эҳтиёжларига ишлатилади, яъни қишлоқ хўжалиги асосий сув истеъмолчиси хисобланади. Сувнинг аксарият (80-83%) кисми вегетация даврида сарфланади.

Вегетация бўлмаган даврда сувдан кузги экинларни суғориш, заҳирали ва нам сақлаш суғоришлари ва шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланилади (14-расмга каранг).



14-расм. Қишлоқ хўжалигига сувдан фойдаланиш даражаси.

Қишлоқ хўжалигига сувдан фойдаланиш даражаси ирригация тизимлари фойдалииши коэффициенти (ФИК) билан баҳоланади, у ҳозирги пайтда куйидаги кўрсаткичда барқарорлашди: магистраль ва хўжаликларо тармоқлар бўйича - 0,86, ички хўжалик тармоғи бўйича - 0,77 (1990 йилда ўртача республика бўйича ФИК 0,64 бўлган), бу хўжаликларо тармоқларни таъмирлаш ва ички хўжалик тармоқларини қайта қуриш ишларининг суръатларидан далолат беради. Комплекс гектарга солиширма сув сарфи 1988 йилдаги $15,1$ минг $\text{м}^3/\text{га}$ дан 2007 йилда $12,2$ минг $\text{м}^3/\text{га}$ гача камайди. Сувдан фойдаланиш коэффициенти (СФК) 1988 йилда республика бўйича 0,8 бўлган бўлса, ҳозир эса 1,1 га тенг. Техник ҳолати бўйича суғориш тармоқларининг 68,1% носоз, 50,2% қайта тикланишга ва 17,9% таъмирга муҳтож. Иссиқлик электр станцияларининг техник сув таъминоти учун сув олиниши 1988 йилда $4,81 \text{ км}^3$ дан 2007 йилда $4,44 \text{ км}^3$ гача ҳажмда бўлди (15-расмга каранг).




15-расм. Иссик-Куль электр станцияларининг техник сув таъминоти.

Республикаларо сув тақсимоти тамойилларига мувафик сув олиниши ҳисоб-китоб лимитларининг белгиланган улушлари Марказий Осиё суверен давлатлари томонидак халигача тан олинади, бу 1992 йил 18 февралда Олма-ота шаҳрида минтақанинг барча давлатларининг беш вазири томонидан имзоланган «Давлатлараро манбалар сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш, ишлатиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик битими» билан тасдиқланган.

Минтақа давлатлари сув тақсимоти улушларини сақлаган ҳолда ҳозирги вактда ҳақиқатда мавжуд бўлган сув ресурслари ҳажмларининг абсолют катталигини аниқлаштириш зарурлигини тан олишмоқда. Ҳозирги вактда Ўзбекистон фойдаланиши мумкин бўлган мавжуд сув ресурсларининг миқдори аниқланган бўлиб, 67 km^3 ни, хусусан, дарё оқимидан $55,1\text{ km}^3$, ер ости сувларидан $7,8\text{ km}^3$, қайтиш сувларидан $4,1\text{ km}^3$ ни ташкил этади.

Ҳисоб-китоб қилинган сув ресурслари ҳажмидан келиб чикиб, республикада иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича куйидаги лимитлар мавжуд (16-расмга қаранг).




16-расм. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича сув олиниши лимитлари.

Тоза сув олиниши динамикаси ва йилнинг сувлилииiga мувофиқ сувя ажратиш 2001й. кам сувли йилда $16,6 \text{ км}^3$ дан 1992 йилда $35,5 \text{ км}^3$ гача ўзгарди.

Республиканинг ер усти сув оқимлари ва сув ҳавзаларига 500 дан ортиқ сувдан фойдаланувчи обьектлар (коллектор-дренаж сувларидан ташқари) оқаваларини ташлайди, сув ташлаш умумий ҳажми 1988 йилда $6,3 \text{ км}^3$ ва 2005 йилда $6,1 \text{ км}^3$ бўлган. Ўзбекистон Республикаси бўйича, хусусан, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича сув ташлаш умумий ҳажмидаги ўзгаришлар 13-расмда кўрсатилган.

1988 йилда ифлосланган саноат оқава сувлари ҳажми 300 млн. м^3 ни ташишетган, жумладан, ер усти сув оқимларига тозаланмасдан 230 млн. м^3 оқавалар ташланган.

Сув обьектларига саноатдан оқава сувлар билан бирга оғир металллар, фторидлар, феноллар, капролактам, ацетон, нефть маҳсулотлари ҳамда қора ва рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси саноати, минерал ўғитлар ва ишлаб чикариш корхоналари учун хос бўлган бошқа заарарли моддалар ҳам тушган. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича сув ташлаш улуши 17-расмда кўрсатилган.



17-расм. Ўзбекистон Республикаси, хусусан, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича сув ташлаш умумий ҳажминнинг ўзгариш динамикаси.

Сув манбаларининг гидрокимёвий ва гидробиологик таркибига иссиклик энергетикасининг юқори минераллашган оқавалари жиддий таъсир кўрсатади.

Ташланган саноат оқава сувларининг 60%дан ортиги тозаланиш талаб қилинмайдиган меъёрда тоза оқаваларга киради. Бу электр станцияларини совутишдан, балик ҳовузларидан тушган оқавалар, корхоналар худудларида сизот сувлари сатҳини пасайтириш учун тортиладиган дренаж сувлари ва бошкалардир. Қолган 40% тозаланмаган ва тозаланганидан кейин ташланадиган ифлосланган сувлар тоифасига киради.

Сув сифатига (ташланадиган моддалар заарлилигини хисобга олмаган ҳолда) таъсир этишда саноат корхоналарининг улуши 20 фоиздан камини ташкил килади, лекин улар маҳаллий ифлосланиш ўчокларини

вужудга келтиради ҳамда сув ҳавзаларида тўнланиш хусусиятига эга бўлиш оғир металлар ва бошка заҳарли моддаларнинг асосий манбалари ҳисобланади. Сувни ифлослантирувчилар умумий ҳажмининг 80 фоиздан ортигини Тошкент, Фарғона, Навоий ва Самарқанд вилоятлари саноати ташлайди.




18-расм. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича сувни ташлаш миқдори, фоизда.

1990 йилдан бошлаб ифлосланган саноат оқаваларининг қисқариб бориш моилилиги кузатилмокда, бунинг асосий сабаблари - баъзи ишлаб чиқариш корхоналарининг тўла кувват билан ишламаётганлиги ҳамда табиатни муҳофаза қилиш оргайлари фаолиятининг натижаси ҳисобланади. 2007 йилда ноирригация секторидан ифлосланган оқава сувлари ташланиши 119 млн. m^3 ни ташкил қилди, барча оқавалар тозалаш иншоотларида етарлича тозаланмаган оқавалар тоифасига киритилган. Ифлосланишнинг асосий манбалари: Самарқанд вилоятида - Бойназар ва Фарҳод тозалаш иншоотлари, Тошкент вилоятида — Чирчиқ «Электрокимёсаноат» ОАЖ Янгийўл шахри ва Янгийўл «Биокимё» АЖ тозалаш иншоотлари ҳисобланади.

Тозаланмасдан сув объектларига оқава сувларини ташлаш умуман бартараф этилди. Халк хўжалигининг асосий тармоқдаридан ер усти сув оқимларига ташланадиган ифлослантирувчи моддалар улуши 15-расмда кўрсатилган.

Ер усти ва ер ости сувларига кишлок хўжалиги худудлари, чорвачилик комплексларидан ташлана-ётган оқава сувлар катта таъсир кўрсатмоқда. Аввал коллектор-дренаж сувларига мелиорация нуктаси назаридан, ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш натижаси сифатида қаралар эди. Бирок, бу сувлар дарё ва сув ҳавзаларига тушганида сувнинг минераллашувини оширибгина қолмай, уларни заҳарли кимёвий моддалар ва ўғитлар колдиклари билан ҳам ифлослантиради. Янги ерларни жадал ўзлаштириш, коллектор-дренаж сувлари ва сугориш далаларидан ташланма сувларнинг кўшимча ташланиши, саноат корхоналаридан ҳавзаларга оқаваларнинг ташланиши оқибатида ер усти ва улар билан боғлиқ ер ости сувларининг (бир неча баравар) минераллашувига олиб келди.



19-расм. Халк хўжалиги асосий тармокларидан ер усти сув оқимларига ташланадиган ифлослантирувчи моддалар улуши, фоизда.

Хозирги вақтда минерал ўғитлар, заҳарли кимё-вий моддалардан фойдаланишнинг қисқартирилиши, органик ўғитларнинг жорий қилиниши уларнинг коллектор-дренаж сувлари ва тегишли равишда сув объектлари таркибидаги миқдорини камайтириди.

Шаҳар коммунал хўжалигидан оқава сувлар тушиши хажмлари коллектор-дренаж сувларидан анча кам. Улар асосан маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида аник кўзга ташланади, мазкур вилоятлар Ўзбекистон бўйича умумий ташланмаларнинг 50 фоиздан ортигини беради.

МАИШИЙ ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 265 та шаҳар, шаҳар типидаги посёлкалар ва туман марказларида, шу жумладан, 61 та идоравий, умумий сони 11844 (93,1%) та бўлган кишлоқ аҳоли яшаш пунктларида 8647 (9213) тасида сув ўтказгич тармоклари мавжуд (1989-2003 йиллар), қолган 7% кишлоқ кўргонлари - сойлар, канал, булок, кудуклардан олин-ган ёки узоқдан келтирилган сувдан истеъмол суви сифатида фойдаланади.

Сув кувурларининг куввати 8,5 млн. m^3 /суткани ташкил килади (1989 йилда - 6,7 млн. m^3 /сутка эди). Сув кувурларидан фойдаланишнинг кувватлари паст бўлганлиги сабабли сувнинг катта кисми 26,4% (1 млн. m^3 /сутка сув оқиб кетиши ва носозликлар туфай-ли йўқотилади) самарасиз сарфланади.

Шаҳар аҳолисининг сув узатиш қувурлари билан камраб олинганилиги 1989 йилда 84%, 2007 йилда 93,1%ни ташкил этди. Кишлоқ аҳолисининг марказлашган сув таъминоти билан қамраб олинганилиги тегишли равишда 52,1% ва 79,1% га teng.

Бугунги кунда мавжуд 3 0197 км магистраль сув қувурларидан атиги 32,6% коммунал секторга тегиши-ли. 43025 км сув қувурлари тармоғидан 14178 км ёки 32,9% алмаштиришга муҳтож, бундан ташқари 14281 км янги сув қувурлари тармоғини куриш талаб этилади.

Сув таъминоти ер усти ва асосан, ер ости сувларига асосланади. Чучук ер ости сувлари заҳиралари бир текисда таксимланмаганлиги сабабли республиканинг гарбий туманларида (Қоракалпогистон, Хоразм ва Бухоро вилоятларида, Самарқанд, Қашкадарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг гарбий туманларида) ичимлик сувининг жиддий тақчиллиги сезилади. Авваллари (15-20 йил олдин) мазкур туманларнинг ер ости сувлари ичимлик манбаларга кўйиладиган талабларга жавоб берарди. Лекин, янги ерларнинг жадал ўзлаштиришташи, коллектор-дренаж ва сугориш далаларидан ташланма оқаваларнинг қўшимча ташланиши, саноат корхоналаридан ҳавзаларга сув чиқарилиши ер усти ва улар билан боғлик ер ости сувлари минераллашувининг (кескин) ошишига олиб келди.

Ичимлик суви таъминотининг мавжуд 10762 та кудуғидан 3500 таси ёки 33%, 12886 та насосдан 2815 таси ёки 22% ишламайди. Аҳолига сувнинг узликсиз берилиши учун 2800 та янги кудук қазилиши, эскир-ган насослар ўрнига 6120 та янги насос ўрнатилиши зарур.

Мавжуд номутаносибликни йўқотиш ва ичимлик суви сифатини ошириш мақсадида, 1995 йилда «2010 йилгача даврда аниклаштирилган ўлчамлар бўйича Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, шаҳар кўргонлари ва туман марказларида сув таъминоти ва канализациянинг минтақавий ва маҳаллий тизимлари схемаси» ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июнданги 278-сон «Қишлоқаҳолипунктларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланишини яада яхшилаш чора-тадбирлари

тўгрисида»ги қарори қабул қилинди. Натижада Зарафшон чучук ер ости сувларидан (Самарқанд вилоятидаги) сув олиниб, Дамхўжа сув кувурлари тизимини ишга туши-риш ҳисобига Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳамда Самарқанд вилоятининг муайян туманларида сув таъминоти яхшиланди. Туямуон ва Капараск сув омбор-ларидан ер усти сувлари олиниб, Туямуон-Урганч ва Туямуон-Нукус сув кувурлари курилиши ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига берилаётган ичимлик сувининг сифати яхшиланди. Қашқадарё вилоятида Деҳқонобод ва Китоб-Шахрисабз, Наманган вилоятида Учкўргон-Наманган, Андижон вилоятида Хонобод-Андижон, Жizzах вилоятида Зомин минтакавий сув кувурлари курилди.

Бироқ, 4508 та кишлок аҳоли шоҳобчасини, шундан 903 та етиб бориш қийин бўлган ва узок кишлок аҳоли пунктларини, 2010 йилга келиб эса 3605 та кишлок аҳоли пунктларини қўшимча сув билан таъминлаш талаб этилади.

Сув кувурлари кувватлари жўда кўп жойларда ишлатилмайди (63%), баъзи вилоятларда ҳатто 42-62% ишлатилади, холос. Сув кувурлари кувватларининг бундай паст даражада ишлатилишида сувнинг жиддий йўқотилиши кузатилади ва шаҳар сув таъминотида 37%гачани ёки 1 млн. м³/суткани, Қорақалпоғистон Республикасида 60%гача, Жиз-зах ва Хоразм вилоятларида 40%дан, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 35%дан ортиқроқни ташкил қиласди.

Сув таъминотини яхшилаш учун Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, Қувайт ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт фонди, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, АҚШ Халқаро Тараққиёт агентлиги, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, Испания Қироллиги, Франция ва Швейцария томонидан тақдим этилаётган хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўли билан ичимлик сув таъминоти тизимларини такомиллаштириш лойиҳалари кенг амалга оширилмоқда.

Ажратилган кредитлар ҳисобига Оролбўйи минтақасида, Бухоро, Қашкадарё, Навоий вилоятлари, Самарқанд, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Қарши шаҳарларида ичимлик суви таъминоти лойиҳалари бажарилмокда,

78 та шаҳар (шаҳарлар умумий микдорининг 65% марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олинган), 39 та шаҳар типидаги кўргон (34,8%) ва 105 та (1,1%) қишлоқ аҳоли шоҳобчалари марказлаштирилган канализация тармоклари тизими билан таъминланган. Бундан ташкири Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларининг 6 та шаҳарларида идоравий канализация тизимлари мавжуд. Қолган шаҳарлар ва шаҳар кўргонларида канализация тизимлари мавжуд эмас. Қишлоқ аҳоли шоҳобчалари эса марказлаштирилган канализация тизимларига эга эмас.

Шаҳар ва шаҳар кўргонларида аҳолининг канализация тизимлари билан қамраб олинганинги 2007 йилда-51,5%, 1988 йилда-46,6%ни ташкил этган. Умуман Ўзбекис-ton бўйича марказлаштирилган канализация билан аҳолининг 14,1% қамраб олинган.

Канализация оқаваларини тозалаш иншоотларининг умумий куввати 2007 йилда - 3,9 млн. м³/сутка, 1990 йилда-3,49 млн. м³/сутка, 1985 йилда-2,69 млн. м³/суткани ташкил этган.

Мавжуд тозалаш курилмалари ўз таркибида механик (кум ушлагичлар ва тиндиригичлар) ва биологик (аэротенклар) тозалаш, оқаваларни заарсизлантириш (хлорлаш) ва қолдикларни қисман кайта ишлаш (аэроб барқарорлаштириш ва лойқани куритиш майдонлари) курилмаларига эга.

Канализация тармокларида ишлаётган оқаваларни тозалаш иншоотлари, асосан, ўтган асрнинг 70-80-йилларида курилган ва сўнгги 15 йилда деярли кайта тикланмаган ва капитал таъмирланмаган. Алоҳида темирбетон ва металл конструкциялар ва труба кувурлари

яроқсиз ҳолга келган. Тозалаш курилмаларидағи эскирган ускуналар самаrasиз ишламоқда ёки ишдан чиккан, маблағ йўклиги сабабли улар алмаштирилмаган.

1995 йилда ишлаб чикилган «2010 йилгача даврда Ўзбекистон Республикасида янги ва технологик асосдаги сув таъминотини ривожлантириш аниқлаштирилган схемаси» эскирган, чунки собиқ совет давридаги амал қилган меъёрлар асосида ишлаб чикилган зди. Маблағ етишмаслиги сабабли асосий ишлар сув таъминоти компоненти бўйича олиб борилган ва канализация бўйича ишлар тўхтатнлган.


Ҳозирги вақтда Швейцария гранти ва Франция займи ҳисобига Нукус ва Самарқанд шахарларида канализация насос станцияларини тиклаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2008 йилга Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури таркибида Долзарб инвестиция таклифлари йигма рўйхати белгиланган бўлиб, унда алоҳида канализация тизимларини тиклаш ҳамда канализация тозалаш куршшаларини тиклаш ва кенгайтириш назарда тутилди. 3.6. Ичимлик сувидан фойдаланиш Чучук ва камшўрли ер ости сувлари хўжалик-истеъмоли ва техник сув таъминоти учун, шунингдек ерларни сугориш учун ишлатилади. Мақсадли фойдаланиш бўйича ер ости сувлари ХИ - хўжалж-ичимлик сув таъминоти, ИТ — ишлаб чиқариш-техник сув таъминоти, ЕС - ерларни сугориш, ТЗ - тик зовур (вертикал дренаж), ЛС - йловларни сувлаштириш, ШС - шахта-лардан сувларни чиқариб ташлашга тақсимланади.

Хўжалик-ичимлик эҳтиёжларга ер ости сувларини энг кўп олиш 1989 йилда кузатилган (9,8 млн. м³/сутка). 1996 йилдан бери хўжалик-ичимлик эҳтиёжларига ер ости суштари олинишининг қискариши тамойили кузатилди ва 2006 йил охирида 6,7 млн. м³/суткани ташкил қилди.

Республика худуди бўйича хўжалик-ичимлик мақсадида ер ости сувлари умумий олинишининг шаҳарлар, туман марказлари ва аҳоли шоҳобчалари бўйича тақсимланиши жуда номутганосиб.

Аксарият ҳолларда сув кувуридаги сув (айниқса йилнинг ёзги мавсумида) гигисник меъёрларга жа-воб бермайди, Мамлакат аҳолисининг учдан бири давлат стандартига мос келмайдиган ичимлик сувини истеъмол қиласди. Сув кувуридаги сув сифатига сув кувурларининг санитар-техник ҳолати таъсири қиласди, ваҳоланки, уларнинг асосий қисми 30-50 йилдан бери ишлатилади (20-расмга каранг).



20-расм. Водопровод сувининг сифати.

СУВДАН ТАКРОРАН ФОЙДАЛАНИШ ВА АЙЛАНМА ИШЛАТИШ

Умуман республика бўйича айланма ва тақроран кетмакет сув таъминотида 1989 йилда 7454 млн. м³дан 1996 йилдан бошлаб 4000 млн. м³гача сув ишлатилган (16-расмга қаранг).

Саноат секторида ишлаб чиқариш кувватларининг пасайипшдан кейин сувни тежаш тадбирлари оқибатида йилига атиги 4000 млн. м³дан ортиқ сув тежалмоқда. Бирок корхоналарни куришда, тиклаш ёки кенгайтиришда улар давлат экологик экспертизасидан ўтаётганида сувни тежаш тадбирлари жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Коллектор-дренаж сувларидан тақрор фойдаланиш йилнинг сув билан таъмин-ланганлигига қараб 700 млн. м³дан 1700 млн. м³гача оралиғида бўлмоқда.

АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ

Чордара-Арнасой кўллар тизими, фалокатли сув кўп бўлган 1969 йилда Чордара сув омборидан 21 км³ сувни ташлаш натижасида шаклланди, бу Сирдарёнинг пастки оқимида Қозогистон худудида кагта талафотларнинг олдини олиш имконини берди.

Вакт ўтиши билан сув келиш натижасида бутун кўллар тизими шаклланди: Арнасой, Айдаркўл ва Тузкон, уларнинг ҳажми 22 км³ ва майдони каријб 2500 км² бўлган Айдар-Арнасой кўллар тизимини (ААКТ) ташкил қилди.

ААКТ кўплаб куш ва ҳайвонлар уялаш жойига айланди, бу ерда овчилик ва балиқчилик жадал ривожланди. Минтақавий аҳамиятта эга экотизим шаклланди. Аввал Тузкон кўлида сув минераллашуви бир литрга тўрт грамм эди, янги - ҳавзанинг гарбий кисмida атиги икки грамм. Кейинчалик ботқоқланиш, сув парланиши, унинг сифати ёмонлашиши ва сатҳи пасайиши рўй берди

Қайд килинган минераллашувни саклаб қолиши учун янги чучук сувлари қуишлиши тапаб этилади.

1993 йилдан бошлаб Қирғизистон Республикаси Токтогул сув омборидан фойдаланишнинг ирригация тартибидан знергетик тартибига ўтилди. Қишки ёғингарчиликлар олдинма-кетин рўй берди ва 1994 йилда Арнасой пастлигига 9 км^3 дан ортиқ сув ташланди. Окибатда яловларни (120 минг га), кудук, дам олиш зоналари, балиқ тувиш жойларни сув босди, Арнасой оқими бўйича кўприк бузилди, Айдаркўл ва Тузкон орасидаги туташ йўл сув остида қолди. Сўнгги 10 йил давомида Айдаркўл соҳилбўйи зонасида уч марта (1998, 2003, 2005 йилларда) фавқулодда вазият рўй берди, бу соҳилларни мустаҳкамлаш, одамлар, чорва ва моддий бойликларни хавфсиз жойларга вақтинчалик кўчириш ишларига катта молиявий харажатларни тапаб этди. Ташланмалар шунга олиб келдики, 2005 йилда ААКТ энг юқори ҳажми - $44,19 \text{ км}^3$ га етиб, ҳажми бўйича икки буюк дарё ҳавзасидаги учинчи кўлга айлайди.

1993 йилдан 2006 йилгача Арнасой пастлигига $38,635 \text{ км}^3$ чучук Сирдарё суви ташланди.

Хозирги кунда Айдар-Арнасой кўллар тизими Халқаро Қизил Китобга ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган кўплаб ноёб ва йўколиб бораётган куш турлари (жингалак ва пушти саккокуш, корабузов, кичик оккутон, вишилдок оқкуш, олақанот ва бошқалар) уялаш, учиб ўтиш ва кишашиб учун фойдаланмоқда.

2006 йилда Чордарадан пастда Сирдарё ўзанининг сув ўтказиш қобилиятини ошириш бўйича ишлар якунланди, эндиликда Қозогистон Республикаси Арнасойга сув ташламай, пастки оқимга етарлича сув ҳажмларини ўтказиши мумкин. 2006 йил мартаидан бошлаб Чордара сув омборидан Арнасойга сув ташланиши тўхтатилди ва Арнасой сув омборидан ААКТга сув ташланмади. 2006 йил охирида кўллар тизими сувининг минераллашуви $7,4 \text{ г/л}$ ни

ташкил этди. 2007 йилда Арнасойга умумий сув ташланиши кариб 200 млн. м³ бўлган.

Тегишли чоралар кўрилмаса, мавжуд вазият салбий окибатларга олиб келади. Чордара сув омборидан сув ташланиши йилига 1,5 км³дан кам бўлиши кўл тизимининг секин-аста қисқаришига олиб келади. Сув омборидан сув ташланиши бўлмаса, дастлабки уч йил давомида кўллардаги сув сатҳи йилига 0,4-0,6 м га пасаяди.

Йилига ўртacha 1250 мм бўлган сув парланиши баланснинг асосий сарф компоненти бўлганлиги сабабли оқимсиз сув минерал-лашуви ортади ва кейинчалик йилига ўртacha тахминан 300 мг/лга етиши мумкин.

Кўлга тушаётган коллектор-дренаж оқими ҳажми йилдан-йилга 1,8-2,4 км³/йил оралиғида ўзгаради. Қуриган тубнинг умумий майдони тахминан 1100 км² ни ташкил этади. Орол денгизи фалокатидан фарқли равишда ААКТ бўйича сатҳ пасайганида иккиласмчи ифлосланиш жараёнлари фаоллашади; чунки туб чўқиндиларида кўлга аввал тушган ифлослантирувчи моддалар жамланган. Сув сатҳи пасайиши билан сув массасининг туб чўқиндилари билан алмашиниши ортади.


Шу билан бир вақтда, 4 км дан ортик сув ташланиши сув сатхининг камида 0,5 м (250 м гача) кўтарилишига ва 200 км гача майдонни сув босишига олиб келиши мумкин.

Асосий сув босиш худуд-лари-Тузкон ва Айдарнинг шимоли-шаркий қисми. ААКТ сув сатхини 245 м гача кўр-саткич дарражасида саклаб туриш энг мақбул ҳисобланади.

Ҳозирги даврда давлатлар ўртасида ҳавзанинг тақсимланиши собиқ Иттифок даврида қабул қилинган схема бўйича амалга оширилмоқда, унда ААКТни саклаб қолиш учун сув берилиши назарда тутилмаган эди.

Таъкидланган омиллар ААКТда экологик танг вазиятни вужудга келтиради, бу минтақанинг катта худудига салбий таъсир кўрсатади.


Мухим табиий-иктисодий объект сифатида ААКТнинг алоҳида ўрнини хисобга олган ҳолда республикада ААКТга алоҳида мақом бериш, уни, асосан, сувда сузувчи кушлар яшаш жойи сифатида минтакавий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган ноёб экологик объект сифатида сув - ботқоклик ерлари ҳақидаги Рамсар конвенцияси рўйхатига киритиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда (Ўзбекистон 2001 йилдан бери конвенция иштирокчиси ҳисобланади).



21-расм. Кушларнинг миграция йўллари.

Бундан ташқари, экологик муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2008-2015 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Айдар-Арнасой кўллар тизими (ААКТ) экологик ҳолатини баркарорлаштириш ва фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш бўйича харакатлар Дастири» ишлаб чиқилди ва кабул килинди.

Орол дентизини Марказий Осиёнинг икки буюк дарёси - Амударё ва Сирдарё тўйинтиради. Собик совет даврида пахта далаларининг кенгайтирилиши ирригация учун иккала дарёнинг сувларидан кенг микёсда фойдаланишину такозо этди. Факат, Ўзбекистонда пахта далалари майдонлари 1913 йил-даги 441600 га дан 1940 йилда 1 млн. га гача, 1960 йилда 1,4 млн. га дан 1987 йилда 2,1 млн. га гача кенгайди. Сувни олиш ва исрофгарчилик билан фойдаланишину натижасида денгизга кам ҳажмда сув келди, натижада у қурий бошлади. Ўтган асрнинг тўрт ўн йиллигида Орол дентизининг устки катлами икки баровар (66900 дан 36500 кв. км гача), сув ҳажми эса учдан икки қисмига (1090 дан 310 km^3 гача) камайди. Баъзи маълумотларга караганда, 90-йиллар охирига келиб денгиз ўз ҳажмининг 90% ни йўқотди.



22-расм. Денгиз ҳажмининг камайиши.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ВА ОРОЛБҮЙИДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ

Ўз вақтида дунёда ички денгизлар орасида катталиги бўйича тўртинчи ўринда турган Орол денгизининг куриши атроф минтака иклими ва биохилма-хиллиги учун узоқ муддатли салбий оқибатларга олиб келди. Чўл шамоллари кум ва тузни катта масофаларга учирди, ҳавзанинг бутун ҳудуди майдонларида миллионлаб тонна (кўпинча ифлосланган) туз тўпланди, баъзи маълумотларга кўра, бу денгиздан анча узокдаги тоғли тизмалар музикларига ҳам таъсир кўрсатди. Дренаж тизимлари етарли эмаслиги туфайли тупроқ ва сувнинг ботқоқланиши ва шўрланиши рўй беради. Минтақада экологик ва-зият ёмонлашиши бир вақтлар аҳоли зич яшайдиган, мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси (Ўзбекистон) ва Қизил Ўрда вилоятини (Қозоғистон) яшаш учун нокулай ерларга айлантиради. Қашшоқлик, аҳоли саломатлигининг ёмонлашуви ва атроф-муҳитнинг таназзули мавжуд, танглик ахволни янада мураккаблаштирумокда. Кейинги буғланиш ва дарё сувнинг етарлича келмаслиги Орол денгизини майда ҳавзаларга бўлиб юбормоқда ва барча балиқ популяцияси ҳалок бўлиб, шўр денгизга айланмоқда.

Орол экологик фалокати эпицентрида бўлган Амударё ўзани йирик сув хўжалиги муаммоларига дуч келмоқда, Бу ерда жойлашган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси худудлари 776 минг га сугориладиган ер ва 3 млн. аҳоли яшайдиган худудни камраб олган. Кўрилган чоралар ва халқаро ёрдамга карамай, ҳозирча Ўзбекистоннинг бу худудида ҳали сув сифатини яхшилаш, экологик вазиятни юмшатиш ва аҳоли баркарор яшаш шароитларини таъминлашнинг имкони бўлмаяпти. Бетакрор тўқай ўсимликлари ва машхур бой ҳайвонот оламига эга Оролбўйи табиий ландшафти зонаси таниб

бўлмас даражада таназзулга учраб, ҳаётий жозибадорлиги ва табиий кадриятини йўқотди.

Баъзи йилларда дарё оқимининг тўлиқ йўқотилиши натижасида авваллари 350 минг га ерни эгаллаган дельта кўлларидан деярли ҳеч нарса қолмаяпти. Минтака атроф-мухитига, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига улкан зарар етказилди, Оролбўйи аҳолиси олган маънавий жароҳат жуда каттадир. Денгиз сатхининг пасайиши ва дарёлар ёрдамида тўйинмаслиги, юқоридан келаётган сувнинг камайиши натижасида аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари учун яроқли ер ости сувлари 10-15 мет-рга пасаймоқда ва аҳоли улардан фойдаланшип имконидан маҳрум бўлмоқда. Нафақат денгизнинг собик туби, балки Қизилкум ва Устюрт платосининг улкан ҳудудларининг устки кисми шамолда тўлиқ очилиб, уларнинг юмшоқ тупроғини ҳеч нарса ушлаб қололмай улар аста-секинлик билан жонсиз саҳрода айланмоқда.

Амударё Орол денгизига куйиладиган Қоракалпогистон Республикаси ҳудудида экологик муаммолар айниқса кескин кўзта ташланмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудида 75% жойлашган курғокчил экин ерларини суғориш учун Амударё сувидан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш натижасида Орол денгизи сатхининг пасайиши экологик фалокатга ва «Орол ҳалокати зонасида» жиддий гуманитар муаммоларга олиб келганлиги учун халқаро эътиборни ўзига тортди. Қоракалпогистонда вакти-вақти билан рўй берадиган курғоқчилик ва чўллашиб жараёнлари билан биргаликда дарё оқимининг ҳаддан ташқари пасайиши тоза сувнинг сурункали танқислигига олиб келмоқда (ер усти сувлари минтақага етиб келганида ҳам улар ўта шўрланган). Орол денгизи қуришининг кутилмаган нокулай оқибатлари, хусусан, Орол денгизининг пестициidlар билан ифлосланган собик тубида рўй бераётган заҳарли чанг тўзонлари, денгиз сатхининг

пасайиб кетиши билан боғлиқ иқтисодий тангликнинг кескинлаганини сизот сувлари сатҳининг нотурғунлиги натижасида муаммолар янада чукурлашмокда.

Баркарор сув таъминоти муаммоларини ҳал қилишга интилиш ўтган асрнинг 70-80-йилларида бошланган. Аввал сув ҳажмларини тўплаш ва кайта тақсимлаш ҳисобига кўп йиллик даврда дарё ўзанларини сув билан бир маромда таъминлаш учун кўп йиллик бошқариладиган йирик сув омборларининг курилиши бошлаб юборилган. Лекин амалиётнинг кўрсатипшча, Сирдарё ва Амуларё куйи оқимларига сув оқимини ўтказиш тартиблари бузилди, кўплаб ерлар сув остида қолди, тўғонларни ювиб кетиш ва фалокатли кўп ҳажмда сув ташланиши хавфи вужудга келди, Орол денгизига сув бериш тартиби бузилди,

Хозирги даврда асосий долзарб амалий муаммо - Орол денгизидан деҳқончилик, хўжапик истеъмол сув таъминоти, саноат ишлаб чиқариши, энергетик истеъмоли учун фойдаланишда истеъмолчилар ўртасида бир келишувга эришиш, экология ва рекреация эҳтиёжлари, ер усти ва ер ости манбаларида яхши сифатли сув эҳтиёжлари учун, мавжуд аҳоли ўсиши суръатларини ҳисобга олиб, бўлажак авлод-лар учун кулай шароитлар барча омилларини сақлаб колган ҳолда, сув ресурсларини самарали тақсимлаш механизмлари ва тадбирларини ишлаб чикиш муаммоси вужудга келмокда.


Ўтмишда Орол денгизи 5 ёки 6 марта трансгрессияга — кенгайиш ва кейинчалик куриб колишга учраган, ҳозирги пайтда денгиз янги қуриш жараёнини бошдан кечирмоқда. 1961 йилдан бери Орол денгизи тартибига фаол антропоген таъсир қилиш даври бошланди. Оқимнинг қайтармай олинишининг кескин ошиши, дарёларни тиклаш имкониятларининг йўқотилиши, 1960 ва 80-үн йилликларнинг та-биий камсувлилиги, сув ва туз баланси мутаносиблигининг бузилишига олиб келди. 1961-2007

йилларда парланишдан келаётган сув микдорининг кескин ошиши ўзига хосдир. Дарё сувларининг денгизга келиши мунтазам камайиб борди, адоҳида камсувли йилларда Амударё ва Сирдарё оқими денгизга деярли етиб бормади (23-расмга каранг).

2007 йилга келиб Орол денгизи сатҳи 29 метрга пасайди, акватория майдони 5,8 баравар камайди, сув ҳажми 1064 дан 80 km^3 гача ва ундан ортиқ пасайди, сув шўрлиги гарбий кисмда 110-112 г/л, шаркий чукурликда эса 280 г/лга етди. Денгиз соҳилдан 120-200 km га узоклашди ва орқасида собиқ денгиз тубида 45 минг km^2 дан ортиқ тузли чўл колдирди.

Доимо шамол эсадиган ва циклон туфонлари бўладиган Оролнинг қуриган тубидан ҳар йили 75 млн. тонна қум, шунингдек 65 млн. тонна юпқа дисперсион чанг ва туз кўтарилади, бу яловлар маҳсулдорлиги ва экиядиган экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келди. Амударё ва Сирдарё пастларидағи суғориладигай ерларга ҳар йили 100 млн. тонна туз ва қум тушади. Балиқчилик ва овчилик хўжаликларига улкан иқтисодий зарар етказилди.

Тикланиш яrimороли ҳудуди ва Орол денгизи акваториясида атмосфера ҳавосида олtingугурт водороди ва аммиак салбий таъсир чегарасидаги концентрацияси меъёрларининг ошиши қайд қилинди. Бу омиллар бутун Орол бўйи минтақаси учун хос бўлиб, органик моддалар



23-расм. 1989-2007 йилларда Орол денгизида сув ҳажмининг ўзариши динамикаси.



парчаланиши ва оксидланиш жараёнлари билан боғлиқдир.

Натижада ҳайвонот ва ўсимлик олами турлари таркиби кисқармокда,

Орол бўйида санитар ва экологик вазият ёмонлашмоқда, чўллашиб жараёнлари жадаллашиб, суғориладиган ерлар қисқармокда, юқумли ва бошқа касалликлар кўпайишига олиб келмоқда.

Ўртача ва пастки дарё оқимларида юкори минераллашган ташланма ва дренаж сувлари улушининг кўпайиши дарё сувлари минераллашуви ортиши ва санитар ҳолати смонлашишига олиб келди.

Камсувли йилларда ўзанга тушаётган Амударё сувларининг ўртача йиллик минераллашуви 0,8-1,6 г/л, Сирдарёда - 1,5-2 г/лга етади. Алоҳида мавсумларда уларнинг янада юкори кўрсаткичлари қайд килинган. Минераллашув ортиши билан бирга сув массаси ионли таркиби ҳам табий сув тартибидаги давр учун хос бўлган гидрокарбонат-кальцадан сульфат-натрийгача ўзгарган.

Ер усти сувлари таркибида органик моддалар (ХГЖ, бензол, ксиол ва фенол) ва оғир металлар (никель, кўргошин, симоб ва рух) миқдори ортганлиги кузатилди. Алоҳида участкалар бўйича ванадий, мис, кадмий, хромнинг юкори таркиби ва метанолнинг мавжудлиги аниқланди.

Ер ости сувлари минераллашуви 10 дан 46 г/л гача кенг оралиқда ўзгаради. Сувларда бензолнинг юкори миқдори,

ксилол, метанол, шунингдек ҳар ерда кадмийнинг юқори микдори кузатилди. Айрим ҳолатларда сувда стронций ва симоб мавжудлиги аникланди.

Дарё сувининг минераллашуви ўсиши ва сифати ёмонлашиши сув ресурслари биологик самараси имкониятларининг пасайишига сабаб бўлди. Орол денгизи таназзулини ҳисобга олган ҳолда текислик худуди ер усти кўлларининг умумий майдони 20 баравардан ортиқقا қискарди.

Оролбўйи бутун ҳудуди бўйича ичимлик сувининг минераллашуви, умумий қаттиқлиги, сульфатлар ва хлоридлар бўйича сифати ёмонлашгани қайд қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси сув оқимларидағи санитар-кимёвий меъёрлар бўйича талабга жавоб бермайдиган сув намунаси улуши 55,9%, Хоразм вилоятида 60,8%, микробиологик меъёрлар бўйича тегишли равишда 16,2% ва 2,7%ни ташкил қиласи (25-расмга қаранг).

Ўсиб бораётган сув танқислиги ва унинг сифатини ёмонлашиши тупрок ва ўсимлик когшамининг таназзулга учраши, флора ва фаунадаги кескин ўзгаришлар, ондатрачилик, балиқчилик, балиқни кайта ишлаш тармоғининг инкиrozини келтириб чикарди:

23 турдаги ёвойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар йўколди. Боялиш, кандим, эфедра, мятлик каби турлар умуман йўколиш арафасида турибди. Баъзи жойларда ўтсимон ўсимликлар умуман йўқ бўлди, сизот тупроқларининг шўрланиши кескин ортгани туфайли дарахт-бутасимон турлар бир йиллик шўралар билан алмашди;

-кўллар сув юзаси 100 минг га дан 45-50 минг га гача;

-қамишзорлар 1200 минг га дан 15-20 минг га гача, тўқайлар 300 минг га дан 125 минг га гача;


-туташ ҳудудлардаги табиий яйловлар 348 минг га дан 125 минг га гача қискарди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 498 турдаги умуртқали ҳайвонлар: жумладан, сутэмизувчиларнинг - 68,

кушларнинг - 307 (шундан уя курадиганлари - 141, қишлочилиари - 20, учиб ўтадиганлари - 146), судралиб юрувчиларнинг - 33, амфибияларнинг - 2, баликларнинг - 49 тури рўйхатга олинган.

Амударё ўзанида 2005-2006 йилларда 23 турдаги судралиб юрувчилар, 186 турдаги кушлар қайд килинган, шундан судралиб юрувчиларнинг барча турлари ва кушларнинг 15 тури Кизил китобга киритилган.

Орол инкирози оқибатлари Устюрт платоси биохилмажиллигининг ўзгаришига ҳам олиб келди. Сўнгги йилларда минтакада атиги 35 турдаги сутэмизувчя рўйхатга олинган, шундан 4 тури: жайрон, манул, ҳинд асалхўри ва қоракулоқ Кизил китобга киритилган.



25-расм. Қорақалпоғистон Республикаси худудида ер усти ва ер ости сувлари ифлосланишининг ҳолати.

Сўнгги вактгача Амударё ўзанида минглаб тўнгиз, ўн минглаб сайғок, юз минглаб ондатра ва ундан кўп сувда

сузувчи күшлар яшарди. Бирок денгиз тубининг қуриб бориши, кўлларнинг йўқолиши еввойи ҳайвонлар сони қискаришига сабаб бўлди. Фозлар оммавий дам олишга тўхташ жойлари Бухоро вилояти ҳавзаларига кўчди. Устюрт сайфоқлар логтуляцияси 10 баравардан ортиқка қисқарди.

1979 йилга келиб денгиз кемачилиги тўхтатилди, 1984 йилда эса денгиз овчилик аҳамиятини тўлиқ йўкотди, Яқин ўтмишда йилига ўртacha 25-27 минг тонна қимматли балиқ турлари овланган, 2 млн. донагача ондатра мўйнаси тайёрланган, балиқ консер-валарини ишлаб чиқариш ўртacha 18-20 млн. шартли банкани ташкил этган.

Ҳозирги вақтда балиқ овланиши фақат Оролбўйи кўлларида амалга оширилмоқда, бу ерда аввал йилига 4000 тонна балиқ тутилар эди, 2006 йилга келиб 600 тоннагача камайди. 90-йиллар бошларида Қоракалпогистон ҳавзалари овида илонбош, чўртан, зоғорабалиқ, товонбалиқ, дўнг пешона ва оқ амур каби турлар кўпчилик бўлиб, улар муайян йилларда умумий овланган балиқ сонининг 90% ини ташкил этган. 2007 йилга келиб овланган балиқлар орасида зоғорабалиқ, оқ сла, дўнг пешона ва оқ амур кўп бўлди, улар умумий овланган балиқтарнинг тахминан 80% иниташкил қилди.

Куриган денгиз худудидан кумнинг Шимоли-Ғарбий Қизилқум денгизбўйи худудига кўчиши ва тепалик кумларга кўтарилиши бошланмоқда. Натижада табиий ўсимлик қатлами йўқотилмоқда, кўчма кум вужудга келмоқда.

Табиий ўрмонлар давлат ўрмон фонди умумий майдонининг таҳмиян 20% ини эгаллади. Табиий ўрмонлар эгаллаган энг катта майдонлар Қоракалпогистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.

Орол муаммолари бўйича Германия, Франция билан ҳамкорлик қилинмоқда, Туркия билан музокаралар олиб борилмоқда, Асосий бажарилётган лойиҳалар сирасига Орол дengизининг куриган тубида ўрмон ҳимоя дарахтлари уруғ ва кўчатларини экиш киради.

Сүнгги 12 йил мобайнида Оролнинг куриган тубида кумлоқ ерларга мўлжалланган саксовул ва бошқа ўсимликлардан 200 минг гектардан ортиқ майдонда химоя дараҳтлари экилди. Оролни қутқариш халкаро жамғармаси томонидан амалга оширилаётган экологик лойиҳалар ҳисобига акваторияси қарийб 100-120 минг гектарга тенг бўлган сув ҳавзалари яратилди.

Орол денгизи ҳавзасида экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда, сув таъминотининг барқарорлигига эришиш учун кўплаб масалаларни ҳал қилиш талаб қилинади:

-ер усти ва ер ости сувларининг кучли ифлосланганлиги ва шўрланганлиги;

-сув оқими ва сувни истеъмол қилиш ҳажмлари ва режимиининг номутаносиблиги;

- ишлаб чиқариш комплекси тармоқлари ва айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сув истеъмоли танқислиги;

- экологик, рекреацион ва санитар-эпидемиологик эҳтиёжларни таъминлаш учун сув ресурсларининг етишмаслиги;

Орол денгизини 1960 йил даражасигача тиклаш имконияти йўқлигини инобатга олган ҳолда денгизнинг мавжуд ҳажмлари ва акваториясини саклаб қолиш учун ҳам сувнинг етишмаслиги;

Оролбўйи гидроэнергетикаси, ирригацияси ва бузилган экотизимларни соғломлаштириш учун трансчегаразий дарёлар оқимларидан фойдаланиш динамикасида тўлаконли келишувчанликнинг мавжуд эмаслиги;

ирригация, ифлосланган коллектор-дренаж сувлари ва оқава сувлар тизимларида сувдан фойдаланиш технологиясининг паст даражада эканлиги ва бу сувни дарё ўзанлари ва сув ҳавзаларига қайтаришга тўғри келиши;

хўжалик истеъмоли сув таъминотида сув сифатининг

ёмонлиги; аҳоли ўсиш суръатларининг сув ресурслари заҳиралари ўсишидан юқорилиги ва ҳоказо.

Атроф-мухитга салбий таъсир даражасини янада пасайтириш учун куйидаги чоралар кўрилиши зарур:

1. Ҳар бир ҳудуднинг тупрок-икклимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигига авваламбор ерлардан окилона ва самарали фойдаланишга йўналтирилган ердан фодаланиш самарали тизимини жорий қилиш.

2. Қишлоқ хўжалигига сувдан пулли фойдаланишини жорий этиш, сугориладиган ерларни муҳандислик планировкаси (бир нишабда текислаш) ни амалга ошириш, сугориладиган дехқончиликда ёмғирлатиб, томчилаб сугориш каби илғор сувни тежовчи технологияларни жорий этиш йўли билан сув ресурсларидан окилона фойдаланиш.

3. Коллектор-дренаж тизимлари барча турларини тозалаш, кайта тиклаш ва куриш йўли билан уларнинг ишини яхшилаш.

4. Ҳар бир дала харитаси атрофида ўрмонни химояловчи ҳудудлар барпо этиш ва кенгайтириш, республиканинг йирик дарёлари қирғоқбўйи полосаларида эса, ерларнинг шамол ва сув эрозиясига учрашининг олдини олиш учун қирғоқни мустаҳкамлайдиган ўрмон-мелиоратив ишларни амалга ошириш.

5. Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофондининг сакланишини таъминлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимлариен шакллантириш ва ривожлантириш.

6.. Трансчегаравий дарёлар ҳавзаларида янги гидротехник обьектларнинг техник-иктисодий асосланишининг (ТИА) экспертизасини обьектив амалга ошириш.

7. Экологик бехатар услугуб ва биоматериалларнинг янада кенг кўлланилишини таъминлаш.

8. Ерларни рекультивациялаш.

9. Орол денгизи дельтаси ва қуриган тубида кўллар, ветландлар ва намланган зоналар ташкил қилиш,

Орол денгизининг ғарбий қисми экотизимининг биомаҳсулдорлигини баркарорлаштириш.

10. Оролбўйи худудида табиий муҳит ва ижтимоий омилларни мониторинг қилиш бўйича ГАТ тузилмасини яратиш ва ривожлантириш.

11. Иқтисодий механизмни такомиллаштириш: чиқиндиларни селектив тўплашни ва рециклингини рағбатлантириш, улар ҳосил бўлишини нормаллаштириш, барча турдаги чиқиндиларни хўжалик айланмасига имкон даражасида жалб килиш, мамлакат ичида ва экспорт йўналишида хом ашё материаллари окимини мақбуллаштириш.

12. Жамоатчиликни Орол денгизи ва Оролбўйининг барча экологик муаммоларини ҳал қилишга кенг жалб этган ҳолда, улар билан кенг тушунтириш ва ўқитиш ишларини амалга ошириш.

13. Орол денгизи ҳавзаси трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича биргаликдаги бошкарувни такомиллаштириш:

а) Амударё ҳавзаси трансчегаравий сув ирмокларида вужудга келган сувни кўйиб юбориш тартибини ўзгартирадиган, ГЭСлар ва бошка гидротехник объектлар ва иншоотларни куриш бўйича кўзланаётган лойиҳаларни келишиш бўйича хуқуқий хужжатлар тўпламини кўшимча ишлаш ва имзолаш ишларини фаоллаштириш;

б) Амударё ҳавзаси трансчегаравий сув ресурслари, шу жумладан Зарафшон дарёсидан фойдаланиш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида Давлатлараро битим лойиҳасини ишлаб чиқиш;

в) Амударё ҳавзаси трансчегаравий сувларини муҳофаза килиш, сувларнинг трансчегаравий ифлосланишига йўл кўймаслик ва бунинг олдини олиш, улар сифатини назорат қилиш ва экологик баркарорлигини таъминлаш қоидалари бўйича давлатлараро дастурни ишлаб чиқишни давом эттириш ва амалга ошириш;

этиладиган табиий худудлар (МТХ) мақомини бериш ва дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақалари кирғоқбўйи полосаларини белгилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Чучук ер ости сувлари манбаларининг шаклланиш зоналари бўйича 11 та республика ва 8 та вилоят аҳамиятидаги манбаларига алоҳида муҳофаза этиладиган худудлар (АМЭХ) макомини бериш бўйича ишлар амалга оширилди. Мазкур ишларни бажариш натижасида чучук ер ости сувлари ифлосланиши хавфини келтириб чикарадиган эҳтимолий экологик хатар манбалари аниқланди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат геология кўмитаси мутахассислари билан биргаликда чучук ер ости сувлари шаклланиш зоналарида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар ижроси устидан назорат ўрнатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси чегарасида сувни муҳофаза қилиш зоналари ва дарёлар соҳилбўйи полосаларининг белгиланган майдонлари тўғрисидаги қарорлари

Т/р	Дарёлар номи	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари
1.	Қашқадарё	№80, 06.03.02 й.
2.	Зарафшон	№303, 26.08.02 й.
3-	Чирчик	№47 1,29. 10.03 й.
4.	Сурхондарё	№15, 12.01.04 й.
5.	Қорадарё	№178, 13.04.04 й.
6.	Норин	№П9, П-04.04 й.'
7.	Амударё	№ 27, 07.02.07 й.
8.	Сирдарё	№29, 09. 02.07 й.
	Жами	8 та қарор

Ўзбекистон Ҳукумати томонидан Зарафшон дарёси ҳавзасида экологик ва санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш максадида маҳсус қарор қабул қилинди, унда қўйидагилар назарда тутилган: Зарафшон дарёси сувни муҳофаза қилиш зонасини белгилаш ва ундан экологик хавфли объектларни чиқариш; чучук ер ости сувлари манбаларининг шаклланиш зоналарига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар макомини бериш; Тожикистон Республикаси билан чегара ҳудудида сув сифатини гидрокимёвий лабораторизли автоматик назорат қилиш постини ташкил этиш, гидрокимёвий лабораторияларни маҳсус ингредиентларни (селен, стронций, кобальт, суръма, симоб ва бошқаларни) кўшимча аниқлаш учун янги асбоблар билан жиҳозлаш. Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қашқадарё, Чирчик, Сурхондарё, Норин ва Қорадарё дарёлари учун ҳам тегишли қарорлар қабул қилинган. Мазкур 6 та дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарида жойлашган 152 та экологик потенциал хавфли объектлардан 129 таси кўчирилган.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Амударё ва Сирдарёнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва кирғокбўйи полосалари белгиланди.

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси таркибида сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини тегишли Бош бошқарма (Бошсувназорат) амалга оширган бўлиб, унинг бошқарув аппарати 8 штат бирлигидан иборат бўлган. Қатор ўзгаришлардан кейин 2007 йилга келиб Ер ва сув назорати Бош бошқармаси ташкил этилди ва атиги 2 нафар

г) трансчегаравий таъсир қилмайдиган ва бошка давлатлар ёки миллий юрисдикциятаъсиридан ташқаридаги худудлар атроф-муҳитига зарар етказмайдиган миллий юрисдикция ва назорат фаолиятини амалга ошириш.

14. Оролбўйи ва Орол денгизи сув экотизимларининг эҳтиёжларини таъминлаш:

а) минимал эҳтиёжларни таъминлаш учун тасдиқланган йилига $14,5 \text{ км}^3$ дан кам бўлмаган, шундан Амударё бўйича йилига 10 км^3 ва Сирдарё бўйича йилига $4,5 \text{ км}^3$ ҳажмда сув олиниши лимитига мувофик траисчегаравий сув оқимларидан Оролбўйи ва Орол денгизига ҳар йиллик сув берилишинн таъминлаш зарур. Лимитдан тўлиқ фойдаланиш йилнинг сувлилиги ва сувдан фойдаланувчилар томонидан сувдан оқилона фойдаланиш бўйича эксплуатациявий тадбирлар бажарилишига боғлик бўлган техник чекловларга боғликдир;

б) дельта ва денгизбўйи экотизимларининг бузилиш хатаридан ҳимоялаш учун Жанубий Оролбўйида (Қорақалпоғистон) ўрмон-мелиоратив тадбирларини ўтказиш билан бирга собиқ денгизбўйи дельта кўллари ва денгиз кўрфазлари ўрнида сунъий бошқариладиган сув ҳавзаларини яратиш режалаштирилган. Бу мақсадларда сувлилиги ўргача бўлган йилларда мамлакатга тегишли лимитдан Амударёдан Қизилжар створидан пастрокда ҳар йиллик 3 км^3 гача сувни чиқариш назарда тутилган.

МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР (СУВ ОБЪЕКТЛАРИ ВА ЧУЧУК ЕРОСТИ СУВЛАРИ ШАКЛЛАНИШ МИНТАҚАЛАРИ)

2002-2007 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан республика ҳамда вилоятлар аҳамиятига эга бўлган чучук ерости сувлари ҳосил бўладиган худудларга муҳофаза

Ўзбекистон Ҳукумати томонидан Зарафшон дарёси ҳавзасида экологик ва санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш максадида маҳсус қарор қабул қилинди, унда қуийдагилар назарда тутилган: Зарафшон дарёси сувни муҳофаза қилиш зонасини белгилаш ва ундан экологик хавфли обьектларни чиқариш; чучук ер ости сувлари манбаларининг шаклланиш зоналарига муҳофаза этиладиган табиий худудлар макомини бериш; Тожикистон Республикаси билан чегара худудида сув сифатини гидрокимёвий лабораторизли автоматик назорат қилиш постини ташкил этиш, гидрокимёвий лабораторияларни маҳсус ингредиентларни (селен, стронций, кобальт, суръма, симоб ва бошқаларни) кўшимча аниқлаш учун янги асбоблар билан жихозлаш. Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қашқадарё, Чирчик, Сурхондарё, Норин ва Қорадарё дарёлари учун ҳам тегишли қарорлар қабул қилинган. Мазкур 6 та дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналарида жойлашган 152 та экологик потенциал хавфли обьектлардан 129 таси кўчирилган.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси худудида Амударё ва Сирдарёнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва кирғокбўйи полосалари белгиланди.

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ УСТИДАН ДАВLAT НАЗОРАТИ

1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси таркибида сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини тегишли Бош бошқарма (Бошсувназорат) амалга оширган бўлиб, унинг бошқарув аппарати 8 штат бирлигидан иборат бўлган. Қатор ўзгаришлардан кейин 2007 йилга келиб Ер ва сув назорати Бош бошқармаси ташкил этилди ва атиги 2 нафар

этиладиган табиий ҳудудлар (МТХ) мақомини бериш ва дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақалари кирғоқбўйи полосаларини белгилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Чучук ер ости сувлари манбаларининг шаклланиш зоналари бўйича 11 та республика ва 8 та вилоят аҳамиятидаги манбаларига алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар (АМЭХ) макомини бериш бўйича ишлар амалга оширилди. Мазкур ишларни бажариш натижасида чучук ер ости сувлари ифлосланиши хавфини келтириб чикарадиган эҳтимолий экологик хатар манбалари аниқланди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат геология кўмитаси мутахассислари билан биргаликда чучук ер ости сувлари шаклланиш зоналарида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар ижроси устидан назорат ўрнатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси чегарасида сувни муҳофаза қилиш зоналари ва дарёлар соҳилбўйи полосаларининг белгиланган майдонлари тўғрисидаги қарорлари

Т/р	Дарёлар номи	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари
1.	Қашқадарё	№80, 06.03.02 й.
2.	Зарафшон	№303, 26.08.02 й.
3-	Чирчик	№47 1,29. 10.03 й.
4.	Сурхондарё	№15, 12.01.04 й.
5.	Қорадарё	№178, 13.04.04 й.
6.	Норин	№П19,П-04.04 й.'
7.	Амударё	№ 27, 07.02.07 й.
8.	Сирдарё	№29, 09. 02.07 й.
	Жами	8 та қарор

мутахассис ер усти ва ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва окилона фойдаланиш сектори бўйича ишларни амалга оширмоқда.

Ер-сув ресурслари, кенг тарқалган фойдали қазилмаларни муҳофаза қилиш ва улардан окилона фойдаланиш ҳамда чиқиндиларни бошқариш Бош бошқармаси (Ер ва сув назорати Бош бошқармаси) атроф-муҳит муҳофазаси ва ер-сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати ва тармоқлараро бошқаруви сиёсатини амалга оширади, атроф табиий муҳит ҳолати ва ер-сув ресурсларидан фойдаланиш устидан назорат қилиш бўйича тегишли инспекциявий хизматларни бошқаради, шунингдек ер-сув ресурслари соҳасида мувофикалаштирув вазифаларини бажаради, услубий кўмак беради, соҳага оид меъёрий ва ҳукукий ҳужжатларни ишлаб чиқади.

Давлат сув инспекторлари томонидан корхоналар ва ташкилотларда ифлосланган оқава сувларини ташлашни кисқартириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича бир қатор ишлар бажарилди. Масалан, Чирчик шаҳридаги «Электро-кимёсаноат» ИЧБ да тозалаш қурилмаларини қуриш ҳисобига ифлосланган оқава сувларини Чирчик дарёсига ташлаш тўхтатилди ва унинг сифати яхшиланди. Бироқ уларнинг етарляча тозаланмаган оқавалар ҳажми Республика умумий ҳажмидинг асосий ҳиссаси бўлиб ҳисобланмоқда (80%дан ортиқ). Тошкент вилоятида ер усти сувларини ифлослантирувчи маҳаллий манбалар бўлган толали саноат корхоналари тугатилди. Андижон гидролиз заводи, Фарғона ТЭЦ, Олтиариқ нефтни кайта ишлаш заводи, Янгийўл ёғ-мой комбинати ва бошқаларда оқава сувлар оқизилиши тугатилди. Тошкент шаҳри бўйича умумий ҳажми йилига 25,2 млн. м³ бўлган каналларга 43 та оқава сувлар ташлаш обьекти тугатилди («Ўзкабель» ҚҚ, «Тоштўқимачи» АЖ, «Тошкент-текстиль» АЖ, 18-Автосарой, «Тошқишлоқмаш» АЖ ва бошк.). Ўнлаб

айланма сув таъминоти тизимлари жорий этилди, қатор маҳаллий тозалаш курилмалари қурилди.

Сув ва ер ресурсларини ифлослантириш манбалари бўйича Мувофиқ-лаштирувчи кенгаши билан келишилган ва тасдиқлаган рўйхатлар бўйича танлов асосида текшириш ва назорат ишлари амалга оширилмоқда. Корхоналарда сувни муҳофаза қилиш фаолиятининг назорати бўйича 1989 йилда 11034 та сув истеъмолчилари обьекти, 2007 йилда 2031 та обьекти бўйича назорат ишлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг ижроси устидан давлат назоратини ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар аниқланмоқда, хусусан:

- сув фойдаланувчилари олинадиган ер ости сувлари сифатини кузатишмайди, олинадиган сувнинг ҳисоботи йўлга қўйилмаган. Аксарият ҳолларда санитар муҳофаза зоналари Спип талабларига жавоб бермайди;

- сувни сув обьектлари ва маҳаллий ерлар рельефига оқизишининг тасдиқданган шартларига риоя этилмайди, кўпинча оқава сувларидаги ифлослантирувчи моддалар концентрациялари салбий таъсир чегарасидаги ташланмалардан (СТЧТ) ортиқча;

Урганч, Каттакўргон (Бойназар) шахридаги, Тошкент шахрида Бектемир тозалаш курилмалари ва бошқалар самарасиз ишламоқда;

- сув фойдаланувчилари томонидан ўз ифлослантирувчи манбалари мониторинги тўлиқ ҳажмда юритилмайди.

Сув қонуларини бузганлик учун 1989 йилда 3049 нафар ва 2007 йилда 3031 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортидди. 1989 йилда 74 млн. сўм ва 2007 йилда 31,2 млн. сўмлик жарималар ўндирилди.

Ифлослантирувчи оқава сувлар фалокатли ташлaimалари билан атроф табиий муҳофазага зарар етказганлиги учун 1989 йилда 32 даъводан 144 млн. сўм ва

2007 йилда 92 даъводан 11,57 млн. сўм ундирилди. 1989 йилда 174 та ва 2007 йилда 5 та корхона (участка, цех) фаолиятлари умуман тўхтатилди.

1989 йилда Ўзбекистон Республикаси асосий дарёлари экологик вазият бўйича «Экология-89» экспедицион текшириш ўтказилди, бунинг натижасида 53 та сувдан фойдаланувчи обьект тўхтатилди ёки тугатилди, 20 та обьектни дарё бўйидан ташқарига чикириш талаб қилинди. Бунинг натижасида сув оқимларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини ва қирғоқбўйи полосаларини белгилаш зарурати тўғрисида асосланувчи материаллар тайёрланди ва сўнгра Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари кабул қилинди.

1991 йилдан буён мустақил Ўзбекистон Республикасида 50 дан зиёд конунларда ва 500 дан ортиқ, меъёрий хужжатларда ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш нормалари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19-октябрдаги 483- сонли қарорига мувофиқ ер муносабатларини тартиба солиш учун маҳсус давлат бошқарув органи - Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси ташкил этилди. Ташкил этилгандан буён ўтган 1 йил давомида у ерлардан самарали фойдаланишни бошқаришга доир бир нечта хукуқий меъёрий хужжатлар қабул килди.

Хукуқий тадбирлар комплекси (йиғиндиси) - ердан фойдаланувчилар, ер мулқдорлари, ижаравчилар ва мулқдорларнинг ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш ларнинг рағбатлантириш, ерлардан самарасиз фойдаланиш сабаблари ва бартараф қилиш, ер участкаларидан оқилона фойдаланмасликка доир хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф қилишнинг тезкор хукуқий имкониятларини белгилаш каби ўзаро боғланган ва бир - биридан келиб чиқадиган хукуқий нормалар мажмуи.

Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона

фойдаланиш борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ЕРБ манбалари: Ўзбекистон Республикаси «Конституцияси» (08.12.1992 й.), «Ер кодекси» (30.04.1998 й.), «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун (09.12.1992 й.), Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун (07.05.1993 й.), «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонун (25.05.2000 й.), «Давлат ер кадастри» тутрисидаги қонун (28.08.1998 й.), Давлат кадастрлари тўғриеидаги қонун (15.12.2000 й.), "Жиноят кодекси" (22.09.1994 й.), "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс" (22.09.994 й.), "Фуқаролик кодекси" (29.08.1996 й.) каби қонун ҳамда қонун ости меъёрий хужжатларидир.

Қабул қилинган қонунлар ижроси асосида бажарилган ишлар натижасида баъзи сув оқимлари ва ер ости сувларида сувнинг сифати яхшиланди ва барқарорлашди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон» 1997.
2. Атлас. Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари Т., 2001.
3. Дўстмуродов Р. «Фермер хўжаликларида солиқ» Т., 2004.
4. Мақсудов Ж., Нагаев Г., Акромов И. Кўзиев Р., Ахмедов А. Тупроқ хариталари ва ерларни баҳолаш хужжатларидан фойдаланиш. Т., 2000.
5. Намозов Х. Ҳайдаладиган ерларнинг иқтисодий баҳоси. Т., 2003.
6. Намозов Х.Қ.-Ер ресурсларидан фойдаланишда ер кадастрининг роли ва тупроқ унумдорлигини ошириш йўллари. ТошДАУ. Т., 2001.
7. Намозов Х.Қ, Шадраимова К.И, Турдиметов Ш.М Тупроқ бонитировкаси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Т., 2004.
8. Нифматов.А. Ер хуқуки. «Тошкент Ислом Университети» 2001.
9. Норқулов У. Шералиев Х. "Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси". "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". Т., 2003.
10. Расулов А., Эрматов А. - “Тупроқшунослик дехкончилик асослари билан” “Ўқитувчи”. Т., 1980.
11. Раҳмонов Қ. Ягона ер солиғи. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали. 2003/4. 8-9 б.
12. Сатторов Д., Мусаев Б. Тупроқшунослик, агрокимё ва мелиорацияга оид ҳалқаро атамалар бўйича русча-ўзбекча лугат. «Мехнат». Т., 1992.
13. Турсунов Л.Т. “Тупроқ физикаси”. “Мехнат”. Т., 1988.
14. Туропов И., Намозов Х.Қ-Ер кадастри. Т., 2003.
15. Узоқов П., Бобохўжаев И. «Тупроқшунослик». «Мехнат». Т. 1995.
16. Умаров М.У.«Почвы Узбекистана». «Фан». Т. 1975.
17. Шадраимова К.И., Намозов Х.Қ. Лалмикор тупроқлар бони-

- тировкаси, уларни иқтисодий ва қиймат баҳоси. Т., 2003.
18. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри» тўғрисидаги қонунлари. Т., 1998.
19. Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри” тўғрисидаги қонун. Т., 1998.
20. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. Т.2003.
21. Қаюмов Ф., Абдиганиев А., Мақсадов Ж., Акрамов И., Турсунов А. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сифатий, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг мувоққат услуби. Т., 2002.
22. Курбонов Э. "Республикадаги сугориладиган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш. Сугориладиган бўз тупроқлар унумдорлигини ошириш ва унинг экологик муаммолари". Илмий тўплам. Самарқанд. 2002.
23. Курбонов Э.Қ., Бобоҷонов А.Р, Раҳмонов Р.К. Ер кадастри асослари. Т., 1999.
24. Курбонов Э., Қўзиев Р., Бўриев Х.,Faфурова Л. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари ва улардан самарали фойдаланишнинг илмий, хуқуқий, меъёрий ва амалий асослари. Т., 2001.
25. Қўзиев Р.Қ. "Ўзбекистон Республикаси сугориладиган ерларнинг ҳозирги ҳолати. Сугориладиган бўз тупроқлар унумдорлигини ошириш ва унинг экологик муаммолари". Илмий тўплам. Самарқанд. 2002.
26. Қўзиев Р.Қ., Абдуллаев С.А., Абдуллаев А., Сатторов Ж.С. ва бошқалар. Сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича амалий таклифлар. Т., 2002.
27. Faфурова Л.А., Шадраимова К., Намозов Х.Қ. Тупрок бонитировкаси. Т., 2000.
28. Faфурова Л., Абдуллаев С., Намозов Х. Мелиоратив тупроқшунослик. Т., 2003.
29. Faфурова Л., Махсадов X., Намозов X. Ўзбекистон тупроклари ва улардан самарали фойдаланиш. Т., 2003.
30. 1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалиги иқтисодий ислохотларни чукурлаштирилиши дастури.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
КИРИШ	5
I-боб. Ер ресурсларидан фойдаланишнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни	8
Дунё ер ресурслари ва ундан фойдаланиш самарадорлиги	10
Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш тажрибаси	14
II-Ер ресурслари	23
Ер ресурсларидан фойдаланиш ва унинг ҳолати	23
Ер ресурсларининг мелиоратив ҳолати	26
Ерларнинг таназзули	29
Тупроқ эрозияси	34
Ерларнинг пестицидлар билан ифлосланиши. Минерал, органик ўғитлар ва пестицидларнинг чиқарилиши	36
Яйловлар дегрессияси	47
Ерларни сув босиши	47
Ўзбекистон Республикаси ер фонди. Ер кадастрининг обьекти	48
Республиканинг ер фонди тоифалари	59
Ўзбекистон Республикаси ер фондининг таркиби	61
Қишлоқ хўжалиги ер турлари	63
Ер эгалиги, ердан фойдаланишни рўйхат қилиш ҳамда ер ҳисоби	75
Ер мониторингининг мазмуни ва тизими	90
Суғориладиган ерларнинг сифати бўйича синфларга тақсимлаш ва кадастр баҳолаш	92
Ўзбекистонда ер ресурслари. Ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил қилишда ер кадастрининг ахамияти	98

III-боб. Ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг назарий асослари.....	117
Муаммонинг ҳолати ва уни ечиш услублари.....	131
Тармоклараро ер тақсимотида умум услугий масалалар.....	145
IV-боб. Сув ресурслари.....	168
Сув ресурслари ҳолати.....	168
Орол денгизи ҳавзаси бўйича сув ресурсларининг тақсимланиши.....	169
Дарёлар, сув омборлари, кўллар, ҳавзалар ва ер ости сувлари.....	173
Сув ресурсларининг ифлосланиш манбалари.....	187
Сув ресурсларининг сифати ва трансчегаравий таъсири.....	189
Умумий сув таъминоти ва сувни чиқариш. Ифлосланган оқава сувлар.....	203
Маишӣ ва коммунал ҳўялигида сувдан фойдаланиш	210
Сувдан такоран фойдаланиш ва айланма ишлатиш.	216
Айдар-Арнасой кўллар тизимидағи экологик вазият.	217
Орол денгизи ва Оролбўйидаги экологик вазият.....	222
Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар.....	234
Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назорати.....	234
Фойдаланилган адабиётлар.....	241

Ўқув – услугбий нашр

**Хушвақт Номозов, Юлдуз Қорахонова,
Одилбек Амонов**


**Ер ресурсларидан
фойдаланиш ва ҳимоялаш**

Ўқув қўлланма


Муҳаррир: О.Худойбердиев
Тех. муҳаррир: Д. Алимқулов
Мусаххих: Д. Қодирова

Теришга берилди 10.02.2011. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Шартли босма табоги 15,2.
Адади 200. Буюртма № 260. Баҳоси шартнома асосида.

«Мухаррир» нашриёти МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш. Элбек кўчаси, 10-уй.



SBN 978-9943-07-089-9



9 789943 070899